

ОМОН МУХТОР

ОДАМЛАР КУЛИШЛАРИ КЕРАК

Роман

Хаёлий манзаралар

Ҳикоялар ва турфа ҳангомалар

Ён дафтардан

Замондош латифалари

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2008

84(5У)6

Таниқли адиб Омон Мухторнинг бу китоби ўзига хос. Китобда беозор кулги биринчи ўринда туради. Адибнинг янги романида ҳам, кичик ҳажмдаги бошқа асарларида ҳам воқеалар кизиқарли шаклларда тасвирланган. Завқ-шавқ уйғотади. Китоб шу жиҳатдан ўқувчига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

HO 34990
2

М 93

Мухтор, Омон.

Одамлар кулишлари керак: Роман. Хаёлий манзаралар. Хикоялар ва турфа хангомалар. Ён дафтардан. Замондош латифалар / О. Мухтор. – Т.: «Маънавият», 2008. – 304 б.

ББК 84(5У)6

М 4702620204-17
M25(04)-08

2009/82
6924

Allsher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

ISBN 978-9943-04-074-8

© «Маънавият», 2008

ОДАМЛАР КУЛИШЛАРИ КЕРАК

Буш пайтларда ўқиш учун ёзилган роман

1

ИХТИРО

(Арслонқул ота)

Мўъжазгина шаҳарчада ўша кунга қадар ҳаёт бир маромда борар эди.

Ҳамма ўз турмуш ташвиши билан банд. Ким нон ёпиб, ким сув сотар эди. Кимдир косиб, кимдир олим. Ким корхонада хизматчи, ким қайси бир муассасада арбоб... Бошқа ерлардаги сингари бу ерда ҳам одамлар мунтазам бир-бирларини йўқлаб, муомала-муносабатда бўлиб туришарди, албатта. Аммо шунинг баробарида, шаҳарчада, ҳеч ким бировга тирғалмаганидек, ортиқча ғамхўрлик кўрсатиб ҳам ўтирмасди. Масалан, биров уйланыпман, деса кўпчилик, бундан баттар бўл, деб қўя қоларди. Ёки кимдир, отам қазо қилдилар, деса, э, бой бўлибсиз-да, деб тиржайишарди. Уларнинг бунақа иш тутишларига боис, бу ердаги ақидага кўра ҳар ким дунёда ўз аравасини ўзи тортгани маъқул эди... Дарвоқе, арава... шаҳарчадаги одамлар, аслини олганда, арава деган нарса борлигини баъзан ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Чунки ҳачир ёки от қўшилган аравалар кўчада кўриниш у ёқда турсин, шаҳарчага яқин йўламай қўйишганига ҳам кўп бўлган эди. Кўчаларда ғиж-ғиж машина. Итти туртсанг, машина устига ағдарилади.

Кўчалар кеча-кундуз гавжум. Одамлар кўчада куни бўйи тентирашгани етмаганидек, тунда нега уйларида тинч ухлашмасдан сандирақлаб юришар экан?! Қоронғи кўчада мабодо бирон нарсага беҳосдан қоқилиб кетсангиз, бу рўпарадан келаётган одам бўлиб чиқарди.

Шаҳарчада, кискаси, ўша кунга қадар ҳаёт шу тахлитда эди. Ўша куни эса кутилмаганда гишт қолипдан кўчди!

Ҳафтада бир чиқадиган шаҳар газетасида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган қуйидаги беш-ўн сатрдан иборат хабар босилди:

«Марказий туман фаррошлар клубининг қоровули Арслонқул ота «Чархпалак» деган янги машина ихтиро қилди. Бу машинада ерда юришдан ташқари, ҳавода учиш, сувда сузиш мумкин. Ихтирочи-уста машинани ҳеч кимга кўрсатмоқчи эмас. Лекин устага учраб, кўзига иссик кўринган, афти ангори билан унга ўғлини эслатган одамнинг ошиғи олчи. Арслонқул ота бундай одамга машинани кўрсатиб қолмай, инъом тариқасида текинга бермоқчи эканлигини маълум қилмоқда...»

Шаҳарчада машина анқонинг уруғи бўлмагани сабабли, сирасини айтганда, аввалдан қандайдир Арслонқул ота деган одам ихтиро қилган машинага бировнинг кўзи учиб турган эмасди. Умуман, шаҳарчадаги одамлардан кўпчилигининг ўз машинаси бор. Кимдир пиёда юришга ўрганган бўлса, у ҳам ҳеч қачон машина қўлга киритай, деб ўзини томдан ташламайди. Шунга қарамай, газетада босилган хабар гўёки ҳаммага дахли бўлган воқеадек туюлиб, дабдурустдан бутун шаҳарчани чайқатиб юборди.

Одамлар ўша куни эрта саҳардан қўлтиққа газета қистиришганича, тўртта-тўрттадан тўпланишиб, ўзаро пичирлашишга тушишди. Ўзингиз биласиз, нимаики пинҳон тутилса, унга ҳамма икки хисса қизиқади. Шаҳарчада ҳам ихтирочи-уста машинани ҳеч кимга кўрсатмоқчи эмаслигини эшитиб, биринчи навбатда, афтидан, одамларнинг бу дардисарни яқинданми-узокданми, ҳеч бўлмаганда бир кўргиси келиб қолган эди. Машинада ерда юришдан ташқари, ҳавода учиш, сувда сузиш мумкинлиги ҳам шаҳарликларни қаттиқ таажжубга солганди. Улар умрлари бино бўлиб, ҳали бунақа машинани бирор ерда кўришмаган эди. Хуллас, турли-туман саволлар устида одамларнинг

боши қотганди. Арслонқул ота дегани ўзи ким?! У нима учун кўча супуриш ёки, дейлик, ўз қоровуллиги билан машғул бўлиш ўрнига машина ихтиро қилди экан?! Унинг ўғли киму нега у кўзига иссиқ кўриниб, афти ангори билан ўғлини эслатган кишини излаяпти?! Бу саволларга иложи борича тезроқ жавоб олмаса, одамларнинг ўпкаси босиладиганга ўхшамасди. Энг муҳими, шаҳарчада кимнингдир бировга химмат қилгандек иш тутиши, арзирли нарса инъом этишига ўрганишмаганидан, газетадаги хабар одамларда ғайритабиий воқеадек таассурот уйғотганди. Буларнинг бари устига, яна гап шундаки, газетани ўқиб, шаҳарликлар орасида ҳеч ким қандай воқеа рўй берганига тушуниб етмаган бўлса ҳамки, анча-мунча одамлар юрагининг аллабурчида Арслонқул ота ихтиро қилган янги машинани эгаллашга умид туғилган эди.

Қуёш найза бўйи кўтарилиб-кўтарилмасдан, мана шу ваз-қарсонлар туфайли, газетадаги хабар бутун шаҳарчага тарқалди ва бунинг натижасида, кўпинча биров ўқиб, биров ўқимайдиган шаҳар газетасини кимдир пиёдагагина эмас, ҳатто отликка топиб бериши ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Ниҳоят, Марказий тумандаги фаррошлар клуби ховлисида туйқусдан ер ёрилиб одам чиққани етмагандек, аста-секин осмондан ҳам одам ёғила бошлади.

Одамлар клуб мудирни бизга дийдорини кўрсатсин, деб талаб қилишаётган эди.

Кўп ўтмай узун айвон олдидаги зинапояда клуб мудирни Маҳмуд Абдусаломов қад-қомат тиклади. Одамлар унга, ерданми-осмонданми дарҳол бизга Арслонқул отани топиб берасан, дейишди. Абдусаломов айбдор кишидек шикаста жилмайиб, қизик гап қилди.

— Бизда унака қоровул йўқ, биродарлар. Мен у одамни билмайман, — деди.

Оломон ёлғон, ёлғон гапиряпсан, деб мудирга баттар тирғалишга тушди. Одамларнинг бақириб-чийиллаб ўшқиршигани, кўзлари қинидан чиқиб тикилишгани майли, қўйиб берса, шу аснода булар мудирни дўппослашдан ҳам тоймайдиган эди.

Абдусаломов эс-хушли одам. У ишнинг бу даражага боришини кутиб ўтирмади. Оломонга ҳозир яхши гап барибир кор қилмаслигига тезда фаҳми етганидан, ёрдамчилари билан пичирлашган алфозда, клубга миршаб чақиртирди. Миршаблар ҳаммани ҳайдаб-қувиб, ҳовлини бўша-тишгач, Абдусаломов анқайиб турмасдан, дарвозага гурзидек қулф солдирди. Бу билан ҳам кифояланмай, у катта бир қовозга клуб бошқа шаҳарга кўчган, хизматчиларнинг барчаси ўлган, мазмунида эълон ёздириб, дарвоза-хонага ёпиштириб кўйишни буюрди.

Мудир бу ишларни бировнинг маслаҳатига қараб эмас, шахсан ўзи, жуда босиқлик, совуққонлик билан бажарди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек тинчиб, у бир оз енгил нафас ола бошлаганида – таажжуб! – Абдусаломовнинг ўзи ва ёрдамчиларидан ташқари, яна бир киши ҳовлида уймаллашиб қолавергани ошқор бўлди. Бу одам – Абдусаломовнинг эскидан ошнаси, кўчанинг нариги бетидаги касалхонада жарроҳлик қилган Акмал Сотиболдиев эди.

– Бир балодан қутулдик. Хайрият! – деди жарроҳ ўзини мудир билан бирга клубдаги бутун хизматчиларга ҳамдам, ҳамнафас тутиб. Шундан кейин у Абдусаломовни қўлтиклаб, бошқалардан чеккага етаклади. – Иккимиз қиёматлик дўстмиз, шундайми?! – мудирнинг кўзига тик қараб, сирли оҳангда пичирлади жарроҳ.

– Шундай... – истар-истамас гудранди Абдусаломов қандайдир нохушлик сезиб.

– Бизнинг ўртамизда бир-биримиздан яширадиган сир йўқ, тўғрими?! –

– Тўғри... – гудранди мудир.

– Бўлмаса, гап бундай. Менга Арслонқул отани бир кўрсатасиз...

Абдусаломовнинг ранги бўздек оқарди.

– Мен одамларга тўғриси айтдим. Бизда унақа қоровул йўқ, – деди алланечук ялинган оҳангда эзилиб.

– Нима қилганда ҳам, сиз у одамни биласиз! – тажангланди Сотиболдиев.

– Билмайман, ишонинг, Худо хаки, билмайман, – кўзига ёш олиб деди мудир.

– Айтмадингиз! Майли... майли! – чўрт кесди жаррох. – Мен ўзим шахсан бу гапнинг тагига етаман. Кўрасиз! Сиз билан кейин ҳисоблашамиз, – у қўлини Абдусаломовнинг қўлтиғидан силтаганча тортиб, шарт ўгирилганча, ҳовлининг орқа эшиги томон равона бўлди.

Абдусаломов ҳовли ўртасида қаққайиб қолаверди.

* * *

У нихоят клуб биноси тўридаги кабинетига кириб, чарм қопламали диванга ҳорғин чўкди. Барча одамлар – бир томон, Сотиболдиев – бир томон бўлиб, унинг юраги санчишга, суяклари эса зиркираб оғришга тушган эди. Чиндан фаррошлар клубида Арслонқул ота деган қоровул йўқ, Абдусаломов газетада номи зикр этилган бу одамни етти ухлаб, тушида кўрмаган эди! Бироқ ҳамма бало шундаки, Абдусаломовнинг дангал ҳақиқатни айтганига ҳеч ким, бегоналар гўрга, хаттоки кўп йиллик ошнаси Сотиболдиев ҳам ишонмаганди.

Мудир диванда ҳорғин ўтириб, ўз вақтида бир катор чоралар кўрилганига қарамай, ишнинг боришидан, бу можаро ҳали куни бўйи давом этиши мумкинлигини ҳис этди. Унинг кўз олдидан Сотиболдиевнинг тунд киёфаси кетмаётган эди. Ошнасининг аввалдан кин-адоват сақлаб юриш одати борлигини эслади. Ўзича фалокатга йўликиб, бекордан-бекорга душман орттирмадиммикан, деб ўйлади ва бирдан юраги орқага тортди. Абдусаломов бугун фақат Сотиболдиев эмас, шаҳарчадаги одамлардан кўплаб душман орттирган эди.

Одамларнинг қандай норози бўлишганини тасаввур қилиб, унинг юрагини энди умрида ҳеч қачон туймаган чексиз бир нотинчлик қамади.

Йўқ, кўп ўтмай, мудир ўзини қайтиб қўлга олишга уринди. Эрталабдан анча вақти зое кетганига ўқиниб, ўрнидан ирғиб турганча, стол ёнига бориб ўтирди. Сўнг шошмасдан идорада асосан бажарадиган кундалик иши билан шуғулланишга ўзини мажбур қила бошлади.

У эгаллаган ёзув столи устида бир даста коралаб-кораланмаган варақлар, ҳар хил рангдаги йўниб-йўнилмаган қаламлар сочилиб ётарди. Бир четда телефон, иккинчи ёқда болалар пойабзалидан бўшаган эски картон кути кўзга ташланарди. Илк қарашда стол устида ортиқча бўлиб туюлган кутига кафтдек қилиб қирқилган рангин – оқ, кўк, сариқ қоғозлар худди кутубхоналардаги китоблар рўйхати сингари тикиштирилган эди.

Махмуд Абдусаломов кути устига энгашиб, шу қоғозларни бирма-бир аста-секин ўгиришга тушди. Бу қоғозларда тахминан бир ойга мўлжаллаб, унинг доимий иши олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Куйманиб бугунги кунга тегишли қоғозни топди. Қоғозда қатор рақам чекилиб, кўрга ҳасса кабилида бутун вазифа очик-ойдин қайд этилган эди.

Қизил қалам билан айрим рақамларни доира ичига олди. У ҳамиша шундай қилар – ўзига муҳим туюлган ишларни тушгача бажариб, номухим туюлганларни тушдан кейинга қолдирарди.

Нихоят, орқа девордаги тугмачалардан бирини босди Абдусаломов.

Эшик қарс очилиб, хонага худди шамолдек буралганча унинг биринчи ёрдамчиси Абдукаримов кирди.

– Сизга бундай топширик. Ҳозир тўғри ўрток Саъдиевнинг ёнига борасиз, – дардини ёрди мудир. – Шомуродов масаласи... Ўғлига иш топиб бермоқчи эди! Гаплашган бўлса, яхши. Раҳмат, акажон, ўрни келиб қолса, фаррошларга айтамиз, кўчангизни бир йил астойдил супуриб-сидиришади, дейсиз. Гаплашмаган бўлса индамай, шарт орқага ўгирилиб, қайтиб келаверасиз... Тушундингизми?!

– Тушундим, – бошини силкиди Абдукаримов.

Абдусаломов девордаги бошка тугмачага кафтини қўйди.

Биринчи ёрдамчи хонадан чиқиб-чиқмай, хонага селдек бостириб, мудирнинг иккинчи ёрдамчиси Абдуазимов қадамранжида қилди.

– Бахтиёровнинг қизчаларини биласиз-а?! Узоқ шаҳарларда юрипти. Мусофир... – хазин ва ўз ишидан ўзи

ғашланиб, андак аянчли илжайди мудир. – Шу қизга арзимаган совға-салом... Масалан, беш-олти кило анор. Уч-тўрт кило ёнғоқ, кишмиш. Қўлингиз очиклигидан, ўзингизни ҳеч тўхтатолмай колсангиз, иккита қовун...

– Шартми, бировни шунақа ўйлаб, одам умрида ўрганмаган... – тўнғиллади Абдуазимов мудирни кўйиб, деразага, дераза оркали кўчага тикилган кўйда. Абдусаломов клубда минг йиллик мудирлиги даврида ёрдамчиларини неча бора алмаштирмасин, доим биринчи ёрдамчиси – муте, итоаткор, иккинчи ёрдамчиси – қайсар, асабий бўлиб қолаверган, чамаси, бу – унинг қисмати эди. У ҳозир бунга яна бир карра қаноат ҳосил қилди. Абдукаримов билан Абдуазимов яқиндагина ишга келишган эди.

– Мен бировни эмас, ўзимизни ўйлаяпман. Бахтиёров бор, клубимиз бор, – эринмасдан тушунтирди ёрдамчисига Абдусаломов. – Бу ишнинг сизга оғирлиги ҳам тушмайди. Идора ҳисобидан қусурини чиқартирамиз...

– Бари бир, бугунгидек воқеаларнинг ҳаммаси шунақа... – ўзиникидан колмай, тагдор гап қилди Абдуазимов.

Абдусаломов ёрдамчисига бунақа ишларни зинҳор-базинҳор бировга ғамхўрлик ёки ҳиммат юзасидан қилмаслигини тушунтириши қийин эканлигини ҳис этиб, юқоридан келди, боринг, мен билан тортишиш ўрнига, айтган ишни бажаринг, деб беихтиёр дўк уришга тушди.

Инсоф билан айтганда, у аслида клубдагиларга ҳадеб зуғум ўтказаверадиган одам эмасди. Ҳозир ҳам мудир арзимаган масала устида бундай бўғилиб, ота гўри қозихона даражасига бормаслиги мумкин эди. Бу ерда унга бошқа нарса алам қилганди. Абдусаломов ишга киришиб, дунёни унута бошлаганди! Ёрдамчининг тагдор гапини эшитиб, бирданига Арслонкул ота воқеаси, миршаблар ҳовлидан ҳайдашган одамлару Сотиболдиевнинг тунд киёфаси янгидан унинг кўз олдида жонланган эди.

Йўқ, Абдусаломов рўй берган воқеа тўғрисида ҳамон ўйламасликка тиришиб, ишни давом эттириш ниятида, олдидаги қоғозга тикилди. Аммо ёрдамчи тумшайганча хонадан чиқиб кетишга, мудир эса қоғоздаги учинчи ра-

камни колдириб, тўртинчи ва бешинчи рақамларни нишонга олишга улгурмасдан – икковлари ҳам паришонланиб турган шу сонияда – бехосдан телефон босим жириглади.

Абдусаломов орзига туршак солгандек, афти буришиб-бужмайиб, ёрдамчиси ҳали остонадан кетмагани-ю, бояги тагдор гап чуқурлашиши эҳтимоли борлигидан азобланган кўйи дастакни қўлига олди:

– Алло... Эшитаман...

– Менга Абдусаломов керак, – деди трубкадаги овоз.

– Бу мен... Мухитдин Мансурович, ўзингизми?!

– Клубда нима гаплар бўляпти?! – чайналиб ўтирмай, сўради Мухитдин Мансурович.

– Ҳеч гап йўқ. Ўзимиз... иш! – гудранди Махмуд Абдусаломов.

– Мени лақиллатманг. Менга одамларим ҳаммасини келиб айтишди. Арслонкул отани зудлик билан топиб, менинг хузуригга юборинг.

– Бизда унака қоровул йўқ, Мухитдин Мансурович, Худо хақи, ишонинг! Айб бизда эмас, эрталабдан, ким билсин...

– Сиз мени яна лақиллатяпсиз! – инжигандек бўлди Мухитдин Мансурович. – Катталарга ёлғон гапириб, чап беришинг оқибатини балки сиз...

– Мен ким киму сизга ёлғон гапирмайман, Мухитдин Мансурович, Худо хақи... Мен у одамни ҳаттоки...

– Биласизми, мени машина қизиқтирмайди. Бир эмас, идоранинг ўзида учта машинамиз бор, – сал юмшаб, катталарга хос оқилона бир йўсинда тушунтира бошлади Мухитдин Мансурович. – Хўш, демак, мени нима қизиқтиряпти?! Мен, биринчи навбатда, масалан, Арслонкул ота машина ясашга асбоб-усқунани қаердан топганини билмоқчиман. Эҳтимол, у идорадан йиллар давомида қўлига тушган буюмни уйига ташиб, машина ясагандир?! Эҳтимол, бу одам бирор ерда рўйирост ўғирлик қилгандир?! Кўрдингизми, бу можаро сиз ўйлаганга нисбатан жиддий...

– Менинг кўзимни очганингиз учун раҳмат, Мухитдин Мансурович. Лекин мен, Худо хақи...

– Бўлмаса, қисқа фурсатда ишга аниқлик киритинг, –

кўрсатма берди Мухитдин Мансурович. — Бу сизнинг бўйнингизда. Кейин менга қўнғирок қиларсиз... — Телефонда қисқа гудок эшитила бошлади.

Абдусаломовнинг юрагини, — орқага бир чекиниб, дам ўтмай бостириб келган тўлқиндек, — у амаллаб қутулган нотинчлик энди олдингидан кучлироқ шиддат билан камраб олди. Мудир олдидаги столга бошини тарақлатиб уриши ҳеч гап эмаслигидан, ўзи-ўзидан қўрққан бир ҳолатда, юрагини ҳовучлаганча, курсидан сапчиб, яна диванга отилди. У ёрдамчиси қачон — телефонда гаплашаётган пайтдами, сўнгми — хонадан чиқиб кетганини пайкамади. Чарм қопламали диванда қанча вақт ўтириб, неча марта ўлиб-тирилганини ҳам билмасди.

Ахийри унинг хаёлига яркирок бир фикр келди: шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди. Фаррошлар клубида Арслонқул ота деган одам йўқ экан, бу устаси тушмагур бошка ерда, масалан, сартарошларми, ошпазларми клубида машина ясаб, ҳеч кимга гап бермай юрган бўлиши мумкин-ку, ахир! Газетада хатога йўл қўйиб, эхтимол клубнинг номини адаштиришгандир?! Ялпайиб ўтирмасдан, сен ҳам эл катори ҳаракат қилмайсанми, хумпар?! Қарияни топсанг, аввало, кимга нима дейишни билмай ёлдириб ўтиришдан қутулсан. Бунинг устига, мабодо бахтинг ёрлақаб машинани қўлга киритсанг, бу ҳам тешиб чиқмасди. Сенинг идорада учта машинанг йўқ ҳар қалай!

Абдусаломов суюнганидан, ҳеч азобни кўрмагандек, ҳаттоки юраги бор-йўқлигини ҳам унутиб, ўрнидан сапчиди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади...

* * *

Фаррошлар клуби ҳовлисидан кўчага тажанг бўлиб чиққан Акмал Сотиболдиев йўл бошида бир нафас тўхтаб қолди. Мақсадга эришиш учун нима қилиш керак?!

Вақт тушга яқинлашганди. У эрталаб касалхонага келиб эндигина газетадаги хабарни ўқиётганида хотини қўнғирок қилганини эслади. Улар орасида бундай суҳбат ўтган эди:

– Алло... Акмал ака...

– Ҳа, Зулайхо, нима дейсан?!

– Ҳзим... Тушда уйга бир кирарсиз...

– Билмадим, – деди Сотиболдиев. – Менга бирон ишинг бормиди?! – сўради у.

– Бугун маслаҳатга одам келмоқчи эди, – деди Зулайхо.

– Қанақа маслаҳатга?!

– Тўйни айтяпман, – унга тушунтирди хотини. Эрхотин яқин орада ўғиллари Асқаралини уйлантиришмоқчи, бу тўғрида қариндош-уруғлар билан кенгаш ўтказишмоқчи эди.

– Бу эртага эмасмиди?! Бугунмиди?! – нохушланди Сотиболдиев кўзини олдидаги газетага тикиб ўтирган кўйда.

– Бугун...

– Майли, кирсам кирарман. Мен боргунча ўзинг мехмонларга чой қилиб тургин, – таъкидлади Сотиболдиев.

– Фақат чойми?! Ҳеч бўлмаганда, йўлига қозон осиб... – эзмаланди Зулайхо.

– Қолгани кейин, тўйда, – гапни чўрт кесди Сотиболдиев. – Кўрпага қараб оёқ узатиш керак.

Зулайхо чуқур хўрсингандек бўлди. Сотиболдиев ҳам хотинига жавобан шундай хўрсиниб, дастакни ўрнига қўйди.

Ҳозир у йўл бошида туриб, бир қарра уйга албатта кирмаса бўлмаслигини ҳис этди. Хотин кишининг феъл-атвори маълум, айникса Зулайхо... Қариндош-уруғлар билан кифтини келтириб гаплашолмайди. Тўй тўғрисида гаплашиш эса унчалик жўн иш эмас. Бунақа ишда одам вақтида сал жон куйдирмаса, кейин ишқал чиқаверади. Умуман, ақл-фаросат билан қараганда бўйиндаги бу ташвишни бир ёқлик қилмасдан, афтидан, Арслонқул отанинг изидан тушишга жиддий киришиш қийин.

Уни шу ўйлар Марказий тумандан анча узоқда жойлашган Биродар тумани Оқибат гузарига уйи томон етаклади. Сотиболдиевнинг уйидаги тўртта деворига

тўртта чўғдек гилам осилган катта хонага қариндош-уруғлар аллақачон йиғилишган, чой хўплаб ўтиришар эди. Улар Сотиболдиевни кўриб, унга хурмат юзасиданмикин, негадир ўринларидан туришди.

– Ўтиринглар. Ўтираверинглар! – деди Сотиболдиев. У қўлидаги соатга қаради. – Менинг касалхонада ишим кўп, биласизлар, – гудранди ўзи ўтириб-ўтирмай. – Узоғи билан ўн минут гаплашамиз. Кейин мен ишга кетавераман, сизлар яна бемалол чой ичиб ўтираверасизлар, маъкулми?!

– Маъкул, – пичирлашди уйдагилар бир оз ҳафсаласиз кўйда.

– Хўп, кискаси, ўвлинг ёши ўттизга бориб, уйланаман, деб турган пайтда уни уйлантирмай бўлмас экан, – шикоят оҳангида сўз бошлади Сотиболдиев. – Майли, уйланиб, бунинг яхшими, ёмонлигини бир кўрсин. Биздан-нима кетди, одатга кўра бундан баттар бўл, деб ок фотиҳа бераверамиз, шундай эмасми?!

– Шундай, – пичирлашди қариндош-уруғлар.

– Мен ҳозиргача, тўғриси, бу бола ўзи уйланишнинг иложини қилар, бизга ҳеч қандай оғирлиги тушмас, деб ўйлагандим. Қарасам, ўн йилдан буён, дада, мени қачон уйлантирасиз, деб минғирлашдан нарига ўтмаяпти. Сизлардан яширадиган гап йўқ, бу масала билан энди шахсан ўзим шуғулланмасам бўлмай қолди. Ўзларингиз биласизлар, менинг қўлим қисқа, оддий бир жарроҳман, тўй эса катта харж-харажатни талаб қилади. Мен сизларнинг тўйларинг, маросимларингда доим камишдан бел боғлаб, эшикларинг олдида турганман. Бундан кейин ҳам хизмат қилавераман. Демак, сизлар ҳам, тўрт томонга қочмасдан, ҳозир менинг пинжимга киришларинг зарур... – у хонага иккита хумчойнакда чой кўтариб кирган Зулайҳога кўз қирини ташлаб қўйиб, сўзини давом эттирди: – Мен ишга кетганимдан кейин Зулайҳодан қоғоз-қалам олиб, тўйга ким гўшт-ёғ, ким ичкилик, ким нон-туз билан ҳисса қўшишини эринмай ёзинглар. Зиёфатга келадиганлар рўйхатини машинкада кўчириб, бир нусхасини Зу-

лайҳога берганман. Одамларни чақираверинглар, лекин айтган одамни албатта қоғозда белгиланглар. Мен адашиб, иккинчи марта таклиф қилиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ... Хўш, бир йўла тўй кечаси бажарадиган айрим ишларни ҳам гаплашиб олайлик... Сизлардан бир киши остонада ўтириб, кимнинг нима совға кўтариб келганини ёзиб боради. Бу мен учун жуда муҳим. Чунки, мен, биринчидан, одамларнинг ҳимматини текширмоқчиман. Иккинчидан, совғалар талаш бўлиб, тўй ўзини-ўзи оқлаёлмаслигидан хавфсираб турибман... Биров ичкилик билан қанд-курс устида қоровуллик қилишига тўғри келади. Худди чумчуқлар хирмондаги донни чўқиб кетишганидек, катталар ароқни, кичкинтойлар ширинликни бекордан йўқ қилишларига йўл қўйиб бўлмайди... Менинг гапим, асосан, шу. Менга бирон саволларинг бўлса, марҳамат... Нега индамаяпсизлар?!

– Ўзимиз... – ғудранишди меҳмонлар.

– Саволларинг бўлмаса, менга жавоб. Мен ишли одам...

– Биз сизни ишдан қолдирмаймиз, почча. Майли... – тўнғиллади бир четда ўтирган Сотиболдиевнинг қайнукаси. – Тўй ҳам ўтаверади. Хизмат биздан. Фақат икки оғиз...

– Яна нима икки оғиз?! – ўзидан-ўзи бўғилди шу дамгача дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган киёфада ишшайиб ўтирган Сотиболдиев.

– Бизни шаҳарчадаги гаплар кизиқтиряпти, почча, – дардини ёрди қайнука.

Сотиболдиев ернинг остида илон кимирилса сезадиган ақлли, маккор одам эканлигига қарамай, боя уйга қадам қўйганида меҳмонлар бугун шаҳарчада рўй берган воқеани муҳокама қилиб ўтирган бўлишлари мумкинлигини хаёлига келтирмаган, ҳозир ҳам буни кутмаган эди. У қўлга бир тушса бас, тўй тўғрисидаги гап билан кутулиб кетавериши қийинлигини билмагани, оддий бу ҳақиқатни аввалдан ҳисобга олмагани учун ҳам қандайдир паршонланиб, довдираб қолди.

– Шаҳарда, менимча, халиги... Ҳеч қанақа... – чайналди Сотиболдиев.

– Нега бизни куппа-кундузи алдайсиз, почча, қўйсангиз-чи! – ўпкalandи ундан қайнукаси.

– Мен эрталабдан газетани кўрдим, албатта, – бир оз ён беришга мажбур бўлди Сотиболдиев. – Лекин бунга ортиқча қизиқиш... Кўриб турибсизлар, менинг бошимда тўй. Ўз ташвишим!

Даврадагилар дарров чекинадиган эмасди.

– Клуб мудир сизнинг ошнангиз эди шекилли, тоға, – деди Сотиболдиевга мўлтираганча тикилиб, энди аммасининг ўғли.

– Бунақа пайтда бировнинг гўри-кафани бошқага тўғри келармиди, ўзинг учун ўл етим, деган гаплар бор, нахотки, билмасанглар, – ярасига туз сепилгани-ю, қайнаб-тошганидан, пашша ҳайдагандек қўлларини силкитиб ошнаси ҳақида ўйлаган ўйини ўртага тўқди Сотиболдиев. Худди шу аснода у меҳмонларга уларни умидлантирадиган яна бирон нарса айтмаса, тўй тўғрисида гапириб қилган бутун тоат-ибодати чиппакка чиқишини ҳам ҳис этгандек бўлди ва тилига келганини ортиқ ичига ютиб ўтирмади.

– Мен, биродарлар, бу иш билан балки, шуғулланарман, – деди Сотиболдиев. – Нимаики эшитсам, сизларга келиб айтаман. Нимагаки эришсам, бу ҳаммамизники, ишонинглар. Мен Абдусаломовга ўхшаш бахил одам эмасман. Сизлар фақат тўйни ўйлаб, менинг бу ташвишимни бир оз енгиллаштиришни хозироқ менга қасам ичиб, ваъда беринглар!

– Э, ўлсин, қасамнинг нима кераги бор! Ўзимиз шундай... – Сотиболдиевга ҳамон тикилганича, пичирлади аммасининг ўғли.

– Керак! – туриб олди Сотиболдиев.

– Худо урсин, хизмат қиламиз! – қасам ичиб, поччасига ваъда берди қайнука.

– Ваъда берамиз! Қочмаймиз! – пичирлашди барча қариндош-уруғлар.

— Омин! — кўл очиб, юзига фотиҳа тортди Сотиболдиев ва қайтиб мамнун ишшайган ҳолатда ўрнидан турди.

У хотинига меҳмонларга чой янгилаб келишни буюрганича хонадан чиқди.

* * *

Эрталаб касалхонани тарк этган Сотиболдиев ниҳоят касалхонага бош суқиб, ўзига тегишли хонага кирди ва тўғри телефон дастагини кўтарганча, шаҳарчанинг бош миршаби Карим Бердиевга кўнғироқ килди.

— Алло... Карим Бердиевич, салом алайкум. Бу Сотиболдиев сизни безовта қияпти, — деди у. — Йўқ, кўркманг, янгамиз яхши, ётибдилар, эрталаб киргандим... Ҳа, кечкурун кўриб ўтганингизни айтдилар... Йўқ, шогирдим эмас, шахсан ўзим шуғулланадиган бўляпман. Мен пичок урган одам икки кунда туриб кетади, йигирма йиллик тажриба... Йўқ, келиб-келиб, янгамнинг ичларида қайчи ёки наштарни қолдирармидик, қизиқ экансиз... Ичакка қоғоз ўралиб, дейсизми?! Баъзан шунақаси ҳам бўлади, тўғри, беайб Парвардигор... Янгамдан кўркманг, менинг гапим гап. Сиздан фақат кичик бир илтимос. Менга шахримиздаги Арслонқул исмли одамлар рўйхати керак... Масалан, катта ёшдаги одамлар орасида шунақа исмли қанча киши бор?! Уларнинг касб-кори, манзили... Мен шайтон эмас, Карим Бердиевич, бу касалхона учун. Аҳоли рўйхатини Арслонқул отадан бошлаб... Ўзларингиз ҳам суриштиряпсизларми?! Яхши. Демак, сизга овирлиги тушмайди, раҳмат. Кутаман...

Сотиболдиев дастакни ўрнига қўйиб, юмшоқ курсида ястанганча телефон жиринглашини кута бошлади.

* * *

Шаҳарчада рўй берган воқеа Абдусаломов ва Сотиболдиевдан ташқари, шаҳарчадаги одамлар ичида яна бир кишини ҳаммадан кўп, каттик қизиқтирганди. Бу Тошбек Қодиров деган шахс эди.


Тошбек Қодиров эрталаб уйдан кўчага чиқиб, ша-

хар газетасини харид қилди ва дўкончадан узоклашаётиб, газетани у ён-бу ёнга ўгирганча шунчаки кўз югуртирди. Худди шу пайтда бехосдан Арслонқул ота тўғрисидаги хабарга кўзи тушди.

У, одатда, хар кунни барвақт уйкудан туриб, апил-тапил нонушта қилганча, кўчага чиқарди. Аммо газета харид килиб, уйга қайтар ва бир чойнак аччиқ чой ичиб, газетани харфма-харф эринмай кўздан кечирарди. Шундан кейингина шошилмасдан ишга кетарди. Бугун эса дўкончага сахардан юзлаб одамлар яқинлашиб, хабарни бошқалар ҳам ўқиши муқаррар эканини унутган ҳолатда, Қодиров, бировнинг кўзи тушишидан кўрққандек, газетани тезгина тўрт буклаб, чўнтагига солди ва бўйи ўртадан ҳам паст, ғалча одам бўлганига қарамай, қомати расо кишилардек, елкаларини тиклаб, уйга эмас, тўғри ўзи хизмат қилган маҳкамага қараб жўнади.

У Марказий туманда жойлашган икки қаватли иморатнинг иккинчи қаватида, ҳайбатли хонада ёлғиз ишлаб ўтирар, унинг иши асосан, бир ташкилотдан келган хатни кўздан кечириб, имзо чекканча, иккинчи ташкилотга жўнатишдан иборат эди. Хатни ҳам унга қўли остида ишлаган икки хизматчи – бир жувон ва бир йигит, меҳмонга ликобчада қанд-курс келтирган мезбондек, кўшқўллаб келтириб беришар, у имзо чеккач, кўшқўллаб олиб кетишарди.

Маҳкамада умуман иш жўн эди. Қодиров эгаллаган хонада оёқ остида гуллари ял-ял товланган гилам тўшалган, тўрт киши тўрт томонида бемалол ўтириб ишласа бўладиган каттакон стол, қаттиқ ва юмшоқ хар хил курсилар кўзга ташланар эди. Хонада китоблар бетартиб тикиштирилган жавон, радио, телевизор, ён томондаги пастак чорси устида турли рангдаги саккизта телефон ҳам бор: Қодиров хатга имзо чекишдан ташқари, баъзан китоб варақлаб, баъзан радио эшитар ёки телевизор томоша қилар, кўпинча эса бир телефондан эшитганини иккинчи телефондаги ўртокка деярли сўзма-сўз қайтарар эди.



Сирасини айтганда, у маҳкамадаги мана шу ишларни бажаришга ҳам аксар эриниб-оғринарди. Ҳузурига қўли остида ишлаган жувонми, йигитми киришганида, доим афти алланечук буришиб-бужмаяр, шу хатга ўзларинг менга ўхшатиб имзо чексаларинг бўлмасмиди, дерди. Қўлига китоб олган, радиоми, телевизорними бураб қўйган пайтларида ҳам ўқиш, эшитиш, томоша қилишдан кўпроқ бир нуктага тикилиб ўтиришни ёктирарди. Унинг басма-бас, кулоқни қоматга келтириб жиринглаган телефонлар билан ҳам доим бирдек иши бўлавермас эди.

Кодиров куни бўйи маҳкамада мудраб ўтирмасди, албатта. Унинг ҳаётда изчил бажаришни мақсад қилиб қўйган бошқа бир... Майли, бу ҳақда кейин...

У икки қаватли иморат эшигидан ичкарига кириб, иккинчи қаватга кўтарилди ва чўнтагидан калит чиқариб, ўзига тегишли хонанинг эшигини очди. Сўнг катта-конт стол орқасига ўтиб ўтирганча, газетани чўнтагидан чиқариб ёйди ва машина ҳақидаги хабарни яна бир бор ўқишга тутинди.

Кодиров хотини Баҳригулга каттиқ кўнгил боғлаган, ундан умрида ҳеч нарсани, ҳаттоки маврид-бемаврид бирон аёл билан ҳазиллашиб қолса, шуни ҳам яширмас, ҳеч қачон хотинидан бемаслаҳат иш тутмасди. У газетадаги хабарни қайта ўқиб, ҳозир ҳам Баҳригулни ва бугун одатдагидек уйга кириб бир чойнак чой ичмаганини эслади. Хаяжонланиб, қизил телефон устига энгашди.

– Алло... Баҳригул, ўтирипсанми?!

– Ўтирибмиз... Қаердан телефон қиялпсиз?!

– Идорадан, – деди Кодиров. – Қизик бир ишлар чиқиб қолди, – тушунтирди у. – Чойни ўзинг ич. Мен бир оз туриб бораман. Кейин сенга ҳаммасини айтаман. Бўптими?!

Баҳригул индамади.

Кодиров дастакни ўрнига қўйиб, газетадаги хабарга яна қадалди ва бу гал хабарни ўқиш билан кифояланмай, столда ётган қизил қаламни олиб, сатрлар остига бирма-бир чизик тортиб чиқди. Йўқ, бундан ҳам қаноат ҳосил қилмади. Тортмадан идорада баъзан тирноқ, баъзан ки-

тоб жавони ойнасига қараб, сочни тартибга келтирадиган қайчини олди ва шошмасдан газетани қирқиб, ўзига керакли қийқимни авайлаб буклаганча, чўнтагидаги ёндафтар ичига жойлаштирди.

Нихоят, у сабрсиз кўйда ўрнидан сапчиб, эшикка йўналди. Аммо иягини пайпаслаганча, бирдан тўхтади. Соколни қиртишлаб, бундай сал сонга кирмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Тортмадан электр устара олиб, жавондаги ойнага тикланганча, «маймундан одамга» айлана бошлади. Хонага шу сонияда унинг қўли остида ишлаган жувон, жувонга эргашиб, пахмоқсоч йигит кирди. Уларнинг қўлида хат.

– Қоғозлар кейин. Бугун менинг ишим кўп, – улар оғиз очишга улгурмай гўдранди ўзига оройиш бераётган Қодиров. У хизматчиларнинг хаёли қочмаслигини ўйлаб қўшиб қўйди: – Хотиним уйда йўқ. Болалар ҳаммаси касал...

Жувон билан йигит индамай орқага тисарилишди.

Қодиров электр устарани қайтиб тортмага жойлаб, дераза токчасидаги шиша идишдан сув чаплаганча, юзини ювган бўлди. Сўнг, жавондаги ойнага яна бир бор кўз ташлаб, эшикка томон дадил қадам босди.

* * *

Фаррошлар клуби у хизмат қиладиган маҳкамадан унча узоқда эмас, атиги икки кўча нарида жойлашган эди.

Қодиров деярли ҳар куни клуб дарвозаси олдидан ўтарди. Бу ер одатда, одам кам йўлайдиган овлоқ жой эди.

Қуёш энди найза бўйи кўтарилган бир паллада ҳовлига яқинлашган Тошбек Қодиров, шу боисдан ҳам бу ерда чайкалиб турган оломонни кўриб, биринчи галда орзини очганча анграйиб қолди. Умуман, газетани ўқиб-ўқимасдан клубга анча одам югуриб келишини у аввалдан сезганди. Аммо одамлар бунақа тирбанд бўлиб, ҳовлига сирмай кетишини билмаган, ўзича иш шу даражага боради, деб ўйламаган эди.

Йўқ, Қодиров бир лаҳза гарангсиб тургач, қоматини тиклади. У тирсакни ишга солиб ҳовлига суқилиб ки-

ришдан бари бир ҳеч қандай натижа чиқмаслигини ҳис этди ва узун айвон олдидаги зинапояда бўзариб турган, бир хириллаб, бир чийиллаётган мудирга рамгин тикилиб, бошини чайқаганча дарвозадан узоқлашди.

Сўнг бировга сир бой бермаслик учун атрофга секин аланглаб, ўзини клубнинг орқа эшигидан ичкарига урди. Тор, узун йўлак бўм-бўш, одам қораси кўзга ташланмас эди. Ўз ишидан мамнун Қодиров йўлакдаги эшикларга бирма-бир қараб, тўғри олдинга босди ва ниҳоят «Қадрлар бўлими» деб ёзилган эшик олдига келиб тўхтади.

Умрида кўп маҳкамаларда ишлаб кўрган Қодировнинг бегона одамлар билан муомала қилишда ўзига ҳос тажрибаси бор эди. У кимнингдир ҳузурига кириб, бирон ишни ҳал этишига тўғри келганида, ҳеч қачон ўзи юзлашган эшикни дарҳол очмасди. Остонада албатта бир нафас тўхтаб, сохта йўталар, баъзан ҳаттоки янги тушовланган отдек тепиниб ҳам кўярди. Кейин шошмасдан, виқор-салобат билан ичкарига кирарди. Аммо ичкарида ҳам Қодиров ҳеч қачон ҳовлиқиб, дарровгина мақсадга кўчавермасди. Биринчи навбатда, хонада ўтирган одамни кўриб-кўрмаганга олар, девордаги расмларни обдан томоша қиларди. Хонадаги одам шу пайтда сабр қосаси тўлиб, беихтиёр унинг ёнига келар ёки унга сўз қотарди. Қодиров ана шунда кескин ҳужумга ўтар, хонада ўтирган киши кўпинча унинг ишни қандай ҳал этиб, чиқиб кетганини пайқамай қоларди.

У рўпарасидаги эшик олдида ҳозир ҳам йўталиб, бирикки депсинди. Ичкарига киргач, тўрда кўзойнак тақиб ўтирган кекса бир аёлга кўзи тушди. Аммо у одатича пинагини бузмай, девордаги расмларни бир четдан томоша қила бошлади.

— Кечирасиз, бизга бирон хизмат борми? — сўради кўзойнак таққан аёл ўрнидан туриб.

— Мен бир нарсага тушунмаялман, — тўнғиллади Қодиров ҳамон расмлардан кўзини узмай. — Бу мудирларнинг ўзи нима қияпти ҳовлида?

— Абдусаломовми? — чайналди аёл, афтидан, саволга қандай жавоб қайтаришини билмай.

– Абдусаломов, албатта, – жеркинди Қодиров. – Нима, сенларнинг иккита мудирларинг борми ёки?!

– Йўқ, мудир битта, – хижолат чекиб бўйни, елкаларини кисди аёл. – Ховлида одамлар билан гаплашяптилар... Қодировнинг жаҳли чикди:

– Сиз менинг саволимга жавоб бермаяпсиз. Мен, мудир нега ховлида одам тўплаб ўтирипти, деяпман.

– У киши тўплаганлари йўқ, – деди аёл оқланган охангда. – Ҳар куни ичкарида кимирламай ўтирардилар. Бугун кутилмаганда ўзи шунақа бўлиб қолди.

Қодиров аёлнинг гах деса қўлга қўнадиган ҳолга келганини пайқаб, мақсадга кўчди:

– Хўп, қискаси, қоровулларинг қаерда?!

– Қоровул уйга кетди. Кечқурун бошқаси келади.

– Булардан қайси бири Арслонқул ота?! Уйига кетганими ёки келадиганими? – қизиксинди Қодиров.

– Бизда унақа қоровул йўқ.

– И-е, нега йўқ?!

– Ўзи аввалдан шунақа. Уч киши навбат билан туришади. Соли почча, Махсум ака, кейин Бурҳон тоға... Бошқа қоровул олмаганмиз.

– Хўп, булардан кимнингдир иккита исми бўлиши ҳам мумкин-ку! – энди чиндан асабийлашди ишнинг енгил кўчмаганидан хафа бўлиб кетган Қодиров. – Мана, менинг ўзимдан мисол. Болалиқда дадам менга Тошқул деб исм қўйганлар. Лекин кейин ҳужжат тўлдирганда, Тошбек бўлиб кетганман.

– Мен унисини билмадим, – пичирлади кўзойнак таққан аёл.

– Бўлмаса, қоғоз-қалам олиб, менга шу бор қоровулларнинг исми шарифи, туғилган йили, тураржойини ёзиб беринг. Мен ўзим сўраб-суриштираман, – деди Қодиров.

Аёл итоаткорлик билан орқа девордаги шкафдан бир неча қоғоз-папка олиб, стол устига қўйди. Кейин бир варақка Соли почча, Махсум ака, Бурҳон тоға тўғрисидаги маълумотларни эътибор, алланечук қуюнч билан кўчириб, яна бўш қолганидан хонадаги расмларни томоша қилаётган Қодировнинг қўлига топширди.

– Бўпти. Мен эрта-индин бошка бир келарман. Гап-лашармиз! – деди Қодиров пўписа қилган кўйда. У аёлдан олган варақни тўрт буклаб, буни ҳам чўнтагидаги ёндафтар ичига солиб кўйди.

* * *

Кўчага чикқач, қўлга киритилган вараққа караб Соли поччанинг уйи томон йўл олди.

Соли почча Подачи туманидаги Қўйбоқар маҳалласида жойлашган болохонали ховлида истиқомат қиларди.

Қодиров Подачи туманига келиб, излаб қидириб, Қўйбоқар маҳалласини, бу маҳалладаги ўзига керакли уйни топди. Дарвозани тақиллатди. Ичкаридан «ў, ҳозир» деган товуш эшитилди ва кўп ўтмай дарвоза очилиб, остонада оқ ятак кийган новча бир мўйсафид пайдо бўлди.

Қодиров идора-муассасаларда қанчалик димоғ-фирок килса, оддий фуқаро билан муносабатда шунчалик ўзини фақир, хоксор тутишга уринарди. У ҳозир ҳам мўйсафидни кўриб, ўнг қўлини одоб юзасидан кўксига кўйди.

– Ассалому алайкум. Менга Соли почча керак эдилар, – деди Қодиров.

– Ўша биз. Қани, марҳамат, – деди қария.

Қодиров ўртаси гулзор ховлига кирди. Қария дарвозани беркитиб, ихчам соқолини сийпалаганча, Қодировни негадир ховли бўйлаб бекордан-бекорга бир қур айлантирди. Кейин нақ дарвоза пинжидаги нарвондан қийнаб болохонага бошлаб чиқди.

Улар каталакдек уйга киришди. Уй деярли бўм-бўш, ерга палос, иккита юпқа кўрпача тўшалганди.

– Қани, марҳамат, – деди яна қария.

Қодиров кўрпачага ўтиб ўтириб, қария ҳам рўпарага чўк тушгач, фотиҳага қўл очди:

– Омин. Қадам етди, бало етмасин. Оллоҳу акбар.

У ҳамон одоб сақлаб, қария билан хол-ахвол сўрашди. Ниҳоят, пардани кўтармаса бўлмаслигини ҳис этди.

– Отахон, – деди у. – Мен биламан, сизнинг асл исмингиз Арслонқул. Ҳар хил сабабларга кўра исмни

ўзгартиргансиз. Кўчада келаётиб, диққат қилдим, ховлингизнинг орқасида яна яримта ховли бор. Сиз у ерда ихтирочилик билан шуғулланасиз. Менга яхшилаб қаранг, мен афти ангорим билан сизнинг ўглингизга ўхшайман. Қисқаси, бошқа ҳеч ким эмас, сиз «Чархпалак» деган машинани менга инъом қилишингиз шарт!

Соли почча чўнтагидан носқовоқ чиқариб, бир каппа нос отди.

– Жиг-гар! – деди у. – Мен сизни бекордан болохонага олиб чиққаним йўқ. Яна шундай аҳмоқ бир гап қилсангиз, нарвондан пастга думалатвораман.

Тошбек Қодиров ўзига яраша ориятли одам эди.

– Кечирасиз, отахон, – деди. – Сиз тушунмадингиз. Мен машинани олганда ҳам уни бузиб, бўлак-бўлак сотардим. Мен ҳаётда бажаришни орзу қилган иш, «Машинасизлар жамияти»ни тузмоқчиман. Бунга пул керак! Сизнинг фақат муносабатингизни билмоқчи эдим.

– Менинг машинам йўқ. Сенга аъзо ҳам бўлмайман, бола, – деди Соли почча. – Энди жўна.

Қодиров ноилож нарвондан тушиб, кўчага чикди.

У Махсум ака, Бурхон тоға деган қоровулларнинг ҳам уйига бориб, кўйнига қўл солиб кўрди. Лекин бу «текшириш»дан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Кўчада бошини қашиб кетаётиб, шу асно, бугун шошганидан умрида биринчи марта хотини Баҳригул билан маслаҳатлашмай ишни бошлаб юборгани ва адашганини ҳис этди. Оёқни қўлга олиб, уйига қараб кетди.

* * *

Вақт тушдан ўтган, кечга яқинлашган эди.

Мухитдин Мансурович туманда энг обрўли киши. Унинг бўйи узун, оёғи узун, айниқса қўли узун эди.

У қўлини у ёқ-бу ёққа «чўзиб кўргани»дан сўнг, ҳар кимдан гап суриштиришнинг фойдаси йўқлигига ақли етиб, мияси тархи бирдан очилди. Арслонкул ота ҳақидаги хабарни газета берган экан, демак, муҳаррирни гирибонидан тутиш керак. Ўша аниқ гапни билади!

Мухитдин Мансурович муҳаррирга кўнғирок қилиши, уни бемалол хузурига чақиртириши мумкин эди. Лекин гап нозик бўлганидан, идорадаги ичкари – хос хонада шошмай таҳоратни янгилаб, шахсан ўзи редакцияга қараб кетди.

Эски бир бинодаги торгина хонада коғозга кўмилиб ўтирган муҳаррир эшикда Мухитдин Мансуровични кўриб, хаяжонланганидан саросималаниб қолди.

– Ўтир. Ўтир! – деди Мухитдин Мансурович сиполик билан. – Отинг нима эди?

– Бекқул, – деди муҳаррир.

– Ҳа Бекқул... Хў-ўш, менга бугунги газетада чикқан хабаринг ёқди. Шунақа ишлар ҳам қилиб туриш керак. Лекин Арслонқул ота ким, машинаси қаерда, биз буни аниқламасак яхши бўлмайди. Одамлар кўчада ҳар хил гап қилиб юрибди.

– У йўқ нарса. Оддий ҳазил, – деди Бекқул.

– Ҳазил?! Қанақа ҳазил?!

– Мен одамлар кулсин учун, калламга келганини ёзган эдим. У ҳажв бурчагида берилган. Ҳамма тушунади, деб ўйлагандим...

– Каллага келганини ёзаверманглар! – деди Мухитдин Мансурович хафа бўлиб. – Одамлар тушунавермайди! – Сўнг ўйланиб, ўз-ўзидан кулиб юборди. – Умуман, тўғри. Одамлар кулишлари ҳам керак.

Кўчадан қандайдир шовқин эшитила бошлади. Мухитдин Мансурович ўрнидан туриб, ташқарига йўналди. Бекқул уни кузатмоқчи бўлиб эргашди.

Ховлида анча одам:

Маҳмуд Абдусаломов икки ўринбосари ва кўзойнак таққан аёл билан...

Акмал Сотиболдиев хотини Зулайҳо, барча қариндош-уруғлари билан...

Тошбек Қодиров хотини Баҳригул билан...

Қоровуллар Соли почча, Махсум ака, Бурхон тоға...

Карим Бердиев бир неча миршаблар билан...

Мухитдин Мансурович ўзи ишга охирги нуқтани кўймаса бўлмаслиги кўриниб турарди.

– Азизлар! – деди у. – Машинани биз олдик. Туман учун ишлатамиз. Келажакда, албатта. Арслонкул ота билан шундай қарорга келдик.

Ҳамма бўшашиб қолди. Акмал Сотиболдиев олдинга чиқиб тўнғиллади:

– Машинани бир кўрайлик, ҳеч бўлмаса!

Мухитдин Мансурович қўлини кўтарди:

– Арслонкул ота ҳозирча кўрсатишимизга қарши! Лекин яна бир гап... Кулишга ҳам ўрганинглар, оғайнилар...

2

ХАЁЛПАРАСТ

(Содиқ фарзанд)

Шу куни Мухитдин Мансуровичнинг сўзини олиб, халойиқ тарқалган бўлса-да, одамларнинг кўнглида ихтиро қилинган машинани бир кўриш истаги сақланиб қолаверган эди. Кўпчилик иложи топилса, машинани эгаллаш фикридан ҳам қайтмаган эди. Одамлар ҳамон ҳеч нарсага тушунмай, хуноб бўлишаётган эди. Мухитдин Мансурович кулишга даъват этгани билан ҳамма йиғлашдан бери ҳолатда эди... Арслонкул ота ўзи ким, қаерда?! Нима сабабдан ўғлига ўхшаш бировни қидиради?! У нега машинани келиб-келиб шусиз ҳам «идорада учта машинаси бор» Мухитдин Мансуровичга берди?! Мухитдин Мансурович унинг ўғлини эслатар эканми?! Ёки Маҳмуд Абдусаломов хушомадгўйлик қилиб машинаю эгасини Мухитдин Мансуровичнинг қўлига топширдимикан?! Балки шаҳарчадаги Саъдиев, Шомуродов сингари арбоблар шунга қарор қилишгандир?! Барча клублар бошлиғи Хуррам Бахтиёров бу ишга бош кўшмадимикан?! Минг хил савол. Одамлар тунда уйга бориб осойишта ухлашолмади.

Машина тўғрисидаги гап босилиб-босилмай, шу кунлар шаҳарчада янги бир хабар тарқалди. Бунини энди газета ёзмаса ҳамки, халқнинг қулоғи динг эди. Катта кўзойнак тақиб, жилд қўлтиқлаган номаълум бир йигит хотинчаси билан ердан чиқибми, осмондан тушибми, қутилмаганда

пайдо бўлган эди! Шахарчага кимлар келиб-кетмайди?! Лекин кизик бир ҳолат ҳаммининг диққатини жалб этганди.

Кўчада ҳар қачонгидек одам қайнаган, машина одамдан ҳам кўп эди. Бўлган воқеа шуки, ҳалиги кўзойнак таққан йигит йўлкада шошмай борар, у билан ёнма-ён хайбатли юк машинаси йўлда секин судралар эди. Хайдовчининг ёнида ўтирган юмшоқ-пардеккина жувон ҳар дам-ҳар дамда ойнадан бошини чиқариб:

– Акбар ака, Акбар ака! Минмайсизми? – дер эди.

Йигит ёш болани кўчага олиб чиққан отадек кўзойнак остидаги мулойим кўзлари хижолатлими-ташвишлими кулимсираб, индамай бошини чайкаганча, йўлида давом этмоқда эди.

Одамларнинг эшитганига қараганда, Марказий тумандаги обрўли уйга кўчаётган эр-хотиннинг хатти-ҳаракатидан ажабланган хайдовчи, жувондан:

– Хўжайин нега минмадилар? – деб сўраган экан.

– Минолмадилар, – дебди жувон.

– Нега?

– Ўйлаяптилар!

– Нима?!

– Машинада кийин. Пиёда юрмасалар, Акбар акам ўйлаёлмадилар!

Буниси майли. Марказий туманнинг қоқ марказида, кўча ўртасида неча юз йиллик улкан бир тош бор, сопол лаганни эслатар, тошнов каби ичи тешик эди. Эски масжид ёки қабристонга юзлашганда бўлганидек, машиналар одатда тошни икки томондан айланиб ўтишарди. Ёмғирда, қор эриганида «лаган»да тўпланган сув бир ҳафта-ўн кун аста сизиб, йўл ботқоқ бўлиб ётар эди.

Одамларнинг яна эшитганига қараганда, тош ёнидан ўтиб кетаётиб жувон хайдовчига:

– Шу тошни сал четроққа чиқариб ташлаш керак, – дебди.

– Нима учун?

– Йўл тўғри бўлмаса, Акбар акам ўйлашга кийналадилар!

Қисқаси, машина жанжали сабабли ҳали совиб, ўпкасини босиб ололмаган шаҳарча аҳли қайтиб ўзини уйдан кўчага урди. Одамлар жилд қўлтиқлаган йигитга беихтиёр қизиккан, кулокка чалинган оддий гаплар ҳаммага фавқулодда таъсир этган эди...

Биринчи навбатда, маҳкамага келиб бу ҳақда эшитган Тошбек Қодиров ҳаяжонланиб кетди. У идорада машина бўлгани холда, ҳайдовчини киракашликка чиқариб, аксар пиёда юраверарди. Шу боисдан, йигитнинг ўйлаш учун пиёда юриши унга ниҳоятда ёқди. Мана, энди «Машинасизлар жамияти»ни тузиш мумкин, деган хаёлга бориб, эзгу ният тариқасида чап елкасидан орқага тупуриб кўйди.

Маҳмуд Абдусаломов ҳаяжонланиш баробарида, алланечук ташвишланди. У фаррошлару қоровулларни тўплаб:

— Кўча ўртасидаги тошни, бизга қанчалик кадрли бўлмасин, энди бари бир олиб ташлашга тўғри келади, — деб пичирлади. Баъзан тош олдида нафас ростлаб, гап сотадиган фаррошлар билан бу ерда тўхтаб бир қаппа нос отиб оладиган қоровуллар падарингга лаънат, деб клубдан ноилож кўчага йўналишди.

Қоқ марказда ҳамиша озгина ботқоқ жой борлигига кўникиб қолган одамлар улкан тошнинг ўрnidан кўчганига бир оз ўқинишди. Лекин йиллар бўйи ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу иш амалга ошганидан, ўзига тегишли уйга ҳали хотинчаси билан кириб келишга улгурмаган йигитнинг эътибори кўтарилиб кетган эди. Ҳамма бу йигит ким, касб-кори нима, у қаердан, нега шаҳарчага келди?! — деган ўй ва саволлардан ҳаловатини йўқотган эди.

* * *

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ.

Акмал Сотиболдиев касалхонада айланиб юриб, шаҳарчада пайдо бўлган йигит тўғрисида беморлардан суриштиргач, дарҳол йўлакка чиқиб, хотинига қўнғирок килди.

– Зулайхо! Биз бу оила билан бошқалардан олдинрок танишайлик, – деди у. – Кейин бир кун ярайди. Ҳозирок кийиниб бор. Чой ичмаган бўлсанг, ўша ерда бир йўла чой ичиб оласан.

Шаҳарда машина кўплиги жонига тегиб, кўнглида умид уйғонган Тошбек Қодиров маҳкамада ишга қўли бормай, соқолини эринмай киртишлаб, бўлаётган воқеа хақида хотини Баҳригул билан маслаҳатлашгани уйига қараб жўнади.

Марказдаги тошни шаҳарчанинг этак томонига кўчиртириб, ичидаги ховур сал босилган Махмуд Абдусаломов шу туманда, клуб яқинидаги бир уйда турарди. Тушлик қилгани уйга келганида, деразадан кўчага уч-тўрт эзилиб кўз ташлади. Ниҳоят, танишиш мақсадида хотини Сабохонни у ҳам қўшни уйга чиқартирди.

Уч аёл нотаниш эр-хотин кўчиб кирган уй эшиги олдида тасодифан тўпланишди. Зулайхо, Баҳригул, Сабохон зўр-базўр саломлашгач, тақдирга тан бериб, бир-бирини кифти билан беозор туртганча, эшикка «хужум» қилишди...

Булар ичкаридан чикиб, эрларига учраб-учрамай, бор гап шаҳарча аҳли кулоғига бориб етди. Шу пайтгача биров билан ортиқча иши бўлмаган одамлар олдингидан баттар «чайкалиб» кетди...

Уч аёлга нозиккина жувон эшикни очибди.

– Ҳай-ҳай, хуш кўрдик, – дебди. Аммо меҳмонларни ичкарига хушламайроқ таклиф қилибди. Улар кириб ўтиришгач, қатъий огоҳлантирибди: – Келганларинг яхши. Балиқ сув билан, одам одам билан. Фақат шанғилламасдан, паст товушда гаплашамиз. Акбар акам тўрдаги хонада ўйланиб ўтирибдилар. Хаёллари бўлинса хафа бўладилар.

Икки ўртада овоз зўрға эшитилганига қарамай, меҳмонлар анча-мунча гап йиғишибди. Уй бекаси – Қумри бону, уй эгасининг тўлиқ исми – Абдуакбар экан. Қумри бону оз-моз тижорат (кичик бизнес) билан шуғулланаркан. Абдуакбар жилд қўлтиқлаб юргани бежиз эмас, катта шаҳарда турли лавозимларда ишлаган, зерикиб кўнглида

бирон шаҳарчани обод қилиш орзуси борлигидан бу ерга келган экан.

Уч аёл йиккан бу гаплар муҳим, бироқ атрофдагилар учун бундан ҳам муҳимроқ яна бир гапни улар кўчага олиб чиқишибди. Абдуакбар билимли, зукко, шу билан бирга камтар бўлиб, умри қоровуллик қилиб ўтган — Арслонқул ота деган кишининг ўғли экан.

* * *

Одамлар шошиб қолишди.

Машина воқеаси билан Абдуакбарнинг шаҳарчага келиши бир-бирига боғлиқ эмасми?! Ўғли бу ерда бўлса, отахон қаерда юрибди?! Ёки Арслонқул ота ўғлидан олдинроқ келиб, машина тўғрисида эълон бериб, ўғлига ўхшаган одамни қидираётганида чакқон қорчалонлар тузоғига илиндимикан?! Аввалдан у нега афт-ангори билан ўғлини эслатган одамни қидиради?! Ўғли машинани ёқтирмагани учун аламдан шундай қилдимикан?! Тўхта... бу ўзи қайси Арслонқул ота, Абдуакбарнинг падари бузрукворими, бошқами?! Балки, бошқадир?! Ундай бўлса, қоровул бўла туриб, машина ясашни билган устаси тушмағур қайси гўрда беркиниб ётибди?!

Хар қадамда бир савол чиқса-ю, жавоб ололмасанг, бундан ортиқ азоб йўқ экан! Газетадан тортиб ҳаётда масъул шахсларгача мум тишлаб ўтиришса, кимдан жавоб оласан?! Одамлар Муҳитдин Мансуровичдан мана энди қаттиқ норозилана бошлашган эди. Муҳитдин Мансурович Арслонқул ота ва машина («Чархпалак») ҳақида очик гапириб, на машина, на Арслонқул отани бундай халққа ақалли бир кўрсатишни истамагани алам қилаётган эди. У эски замонларда уч хотин устига тўртинчи хотинни олган бойлардек, машинани «ямламай ютгани»дан одамларга ўзлари камситилган, хўрлангандек бўлиб туюлмоқда эди. Халқ нафрат-адоватга тўлиб, Муҳитдин Мансуровични шаҳарчадан йўқотиш чорасини изламоқда эди.

Шаҳарчадаги аҳволни хизматчилардан эшитган Муҳитдин Мансурович ҳам ишнинг бу даражага бориб қол-

ганидан кайфияти бузилиб, бўғила бошлаган эди. У ахийри чидаёлмай, газета муҳарририни оёғини ерга теккизмай хузурига олиб келтирди.

– Менга қара, бола... Отинг нима эди?

– Бекқул.

– Ҳа, Бекқул... Менга айт-чи, Арслонқул ота бор экан, демак машина ҳам бор, шундайми?! Қани, Арслонқул ота?! Қани машина?! Сен ўзи Абдуакбарнинг отасини ёзганмидинг?! Кимни ёзгандинг?! Машинани ким ясаган?!

– Унинг отаси эсимда йўқ эди. Бу бир тасодиф, холос, – деб гўлдиради Бекқул. – Мен сизга тўғриси айтганман. Оддий ҳазил эди.

– Ҳазилинг қурсин. Мен сенга ишониб, одамларга ёлғон гапириб, уларни алдаб, ана энди емаган сомсага пул тўлаб ўтирибман, – Мухитдин Мансурович бехос сергакланди. – Сен Абдуакбарни олдиндан танирмидинг?

– Ёшликда таниш эдик.

– Отасини ҳам билармидинг?

– Оз-моз.

– Демак, шу ота-бола ёзилган. Одам осмондан олмайди-ку! Бошқалар майли, эртага Абдуакбар отам билан мени кулги қилибсизлар, демайдими?! Ким билсин, нимани ўйлаб юрибди!

– Нимани ўйлаши менга қоронғу, – деди Бекқул. – Лекин у шаҳарча ҳаётига аралашмаяпти. Газетадаги гапдан ҳам хабари йўқ. Абдуакбар ўзи нега катта шаҳардан бу ерга келганига мен тушунмаяпман.

– Бу ошни пиширган сен тушунмасанг, мен қаёқдан тушунаман, – деди жаҳли чиқиб Мухитдин Мансурович. – Бор, одамларни тинчитадиغان бирон нарса ёз. Эҳтиёт бўл, яна қош қўяман деб кўз чиқарма.

Бекқул паришонланиб хонани тарк этди.

Уч-тўрт кундан сўнг, ҳафтада бир чиқадиغان шаҳар газетасида енгил-елпи ёзилган, узук-юлук қандайдир шеърлар босилди. Бу шеърларнинг Арслонқул ота ва Абдуакбарга ёки Мухитдин Мансуровичга алоқаси йўқ,

лекин булар шаҳарчадаги шу кунларда бўлган кайфият-ни акс эттиргани биланми, одамларни маълум даражада чалритгани биланми муҳим эди.

ИЛОВА

(Газетада эълон қилинган шеърлар)

Биринчи туркум

ГУЛИМ

Сўлма, гул, сўлма,
Яшна, гул, яшна.
Сирлар олами,
Тирик карашма.

Сенда ҳаётни
Кўрар дил, ташна.
Сўлма, гул, сўлма,
Яшна, гул, яшна.

АФАНДИ БИР КУНИ

Афанди бир куни тажриба учун
Одамларга, бўлининглар, деди иккига:
Номардлар – чапга ўтсин. Мардлар – ўнгга!
Ёлғончилар – чапга! Ростгўйлар – ўнгга!
Саводсизлар – чапга! Оқиллар – ўнгга!
Топилмади чапга ўтадиган битта ҳам – Одам.
Ундайлар йўқ экан, ўзи дунёда...

АФАНДИ МУНАЖЖИМ

Афанди бир пайтлар мунажжим эди.
Душмани кўп эди. Уларга:
– Сизлар
Мендан бир кун кейин ўласиз, – дерди.
Ўлиб қолмасин, деб Афанди, улар
Доим уни асраб юришар эди.
Шундай қилиб, ўлмайдиган бўлди
Афанди.

РИВОЯТ

Мен ақлли, деди дехкон.
Мен ақлли, деди чўпон.
Мен ақлли, деди косиб.
Мен ақлли, деди мулла.
Мен ақлли, деди амалдор.
Подшо буюрдикки, ақлдиларни
Тўплаб, қаранглар-чи, мендан ўтқариб
Ким нима дер экан?!
Ҳеч ким подшодан –
Ўтқариб бир нима дея олмади!
Энг ақлли одам экан, аслида, подшо.

ТАҲРИР

Кўз ўнгида ҳайдалган ерлар.
Эр-хотинни кўш хўкиз, дерлар.
Ўйлаб кўрса, нотўғри экан
(Биз гўёки эсини еган) –
Хотин – хўкиз эмас-да, ахир!
Тўғрироғи: – хўкиз ва сизир...

МАНТИҚ

– Кўчага кўп чиқаверманг!
– Хўп, чиқмайман.
– Нега чиқмаяпсиз?!
– Чиқаман.
– Бировга бунча қарайсиз?!
– Қарамайман.
– Нега қараяпсиз?!
– Қарайман.
– Яхши кўраман, деяверманг!
– Демайман.
– Нега яхши кўраман, демайсиз?!
...Одам ўрганаркан шундай мантикка.

* * *

Газетада чиққан шеърлар доим ҳам одамларга ёқавермасди. Бир нарса ўқишга ҳафсаласи йўқ шаҳарча аҳли умуман, шеърни кам ўқирди. Ўқиганда ҳам бундан бирон

маъно кидирмасди. Шу боисдан, Беккул одамлар аҳамият беришини кутмаган эди. У Мухитдин Мансуровичнинг буйруғини қандай бажаришни билмай, ҳеч нарса ёзолмай, олдинроқ ёзиб ташлаб қўйган шеърларидан эълон қилиб қўя қолган эди. Беккул ўз исм-шарифини келтиришни муносиб кўрмай, жуда баландпарвоз – Осмонўпар деб имзо чеккан эди.

Аммо газета бу гал яна талаш бўлиб кетди. Ҳамма хом гўштни кўрган аридек чиппа ёпишган эди. Бунни кўриб, Беккул шеърларнинг иккинчи қисмини ҳам эълон қилиб юборди.

ИЛОВА

(Газетада эълон қилинган шеърлар)

Иккинчи туркум

ҚЎШИҚ

Мен куйлагим келар. Сендек, фарангча,
Лекин куйлаш учун овоз йўқ менда.
Мен бирон қўшиқни яхши билмайман.
Дарвоқе...
билмайман фарангчани ҳам!

МАВЗУ

Бир йигит бир қизни севади.
Улар боғда учрашадилар.
Боғдан ўтаётган битта-яримта
Уларга тикилар ҳаваси келиб...
Биз кўпчилик энди – боғдан ўтаётган одам!

БИР АЁЛ

У йигирма ёшга кирди.
Ўттизга.
Қирққа.
Кейин...
Йигирма беш.
Йигирма олти.
Қирққа етгунича қайтадан ёши –

Энди ҳеч шошмасдан яшай бошлади.
Фақат АЁЛ бундай яшаши мумкин!

ДАЪВО

– Зўр ишлар қилганман! – дермиш Ҳакимбой.
Ҳалимбой ундан бўш келмас хойнахой.
Лекин ростин айтса,
булардан кўра
Менинг хизматим кўп ҳаётда, жўра!

Гап тинглаб,
Уч тентак хақидаги бир
Чўпчакни эслайман
айни замон мен:

«Ўзни бу иккиси
Наполеон, дер,
Аслини олганда,
Наполеон – мен!»

КОМУС

Минг йиллик бир бино
деворларини
Безабди антиқа, турфа ёзувлар:
– Обид тентак!
– Ўзинг тентак!
– Мен тентак эмас!
– Учаланг ҳам тентак!
– Сен ҳам аҳмоқсан!
– Ҳамманг аҳмоқсанлар
Бу ердан бошқа
Жой қуриб кетганми
Ғижиллашишга!
– Бинони асрайлик,
Ёзманглар бундай!
– Ўзинг ёзма. Жинни!
– Бу гапларни тушунмаган одамлар ёзган!
– Тушунган сен бўлсанг!
...Шу қомус билан
Биз бу кун юзма-юз келдик
Тарихга.

Одамлар яна гувиллаб кетишди. Улар шеърларни дархол ёдлаб, кўча-кўйда айрим сатрларни мисол тарикасида бир-бирларига ўкиб беришга тушдилар. Хатто Мухитдин Мансуровичдек улуг инсон ҳам айрим шеърларни ёд олган эди, ўша кунлари учта мажлисда биттадан шеър ўкиб берди. У Бекқулга мамнун ҳолда кўнғирок қилиб, миннатдорлик билдирди... Мухими, ўк нишонга теккан эди. Одамларнинг Мухитдин Мансуровичдан норозилиги камайган, муносабат сал юмшаган эди. Яна муҳими ва энг қизиқ жойи, барчага маълум гапларни одамлар шаҳарчада об-ҳаво (ҳаёт) яхши томонга ўзгараётгани нишонаси, айниқса Абдуакбар шаҳарчага келгани шарофати, деб тушунишган эди. (Айримлар Осмонўпар Абдуакбарнинг тахаллуси эмасмикан, деган хаёлга ҳам борган эди.)

Шунинг баробарида, шеър ҳаётда бирон ишни ҳал этмаслигига қарамай, кўпчилик, энди нима бўларкан, деб бир-бирига маъноли тикила бошлаган, ҳаммаёқни шивир-шивир, пичир-пичир эгаллаганди. Афтидан, халқнинг Абдуакбардан умиди катта эди.

Шу оғир паллада негадир Бекқулга суянган Мухитдин Мансурович ҳам, эски шеърларни бостириб, илжайиб юрган Бекқул ҳам ҳаёт бошқа томонга қараб кетаётганини пайқашмаган эди...

Олдинлар тушлик пайтида орз-сира уйга кириб чиқадиган, асосан фаррошлар клубида икки ёрдамчиси билан чой ичиб ўтираверадиган Маҳмуд Абдусаломов энди ишим бор, деб деярли ҳар куни бир карра уйга бош суқишни одат қилди. Уйда у аксар дераза олдида кўчага тикилиб ўтирар эди.

Машина тўғрисидаги гап кўзгалгандан буён Маҳмуд Абдусаломовга гилай қараган, уни ўғлининг тўйига таклиф қилинадиган кишилар рўйхатидан ҳам аёвсиз ўчириб ташлаган Акмал Сотиболдиев шаҳарчадаги бошқа оксоқоллардан ҳам юз бурган эди. У бош миршаб Карим Бердиевнинг хотинини чала муолажа қилганию бир куни газабга дучор бўлиши мумкин эканлигидан ҳам хуноб эди. Акмал Сотиболдиев касалхонада аксар беморларга: «Мир-

шаб ўзи Арслонкул исмли кишилар рўйхатини менга бермади-ку! Мендан нега хафа бўлиши керак?!» деб оқла нишга ҳам уринарди. Жаррох беморлар билан гаплашиб ўтириб, кўпинча йўл унинг вақтини олаётгани, уйи Марказдан четда, Биродар тумани Оқибат гузарида эканлигидан шикоят қиларди. У баъзан жаррохлик хонасида бировнинг қорнини ёриб, ёрдамчиларига энди бу ёғини ўзларинг амаллаб, тикиб кўярсанлар, деганча шиддат билан кўчага чиқиб кетар эди.

Тошбек Қодиров ҳар куни эрталаб хотини билан маслаҳатлашиб маҳкамага келарди. Бу ерда бир оз ўтиргач, хафсала билан соқолини қиртишлаб, у ҳам қайтиб кўчага чиқарди. Тўппа-тўғри Марказдаги икки қаватли бино олдига келиб, у ёндан-бу ёнга юришдан бир дам тўхтамас, кимнидир пойлаётганини яширмас эди. Йўл-йўлакай кўчада кўринган одам билан бир дағдага қилиб, бир ялтоқланиб саломлашар, хол-аҳвол сўрар, куннинг очиклигидан тортиб турмуш, маош ва солиққача ҳар тўғрида шошмасдан гаплашишга ҳаракат қиларди.

Карим Бердиев миршаб бўлса ҳамки ақлли одам эди. У қаёқдаги Акмал Сотиболдиев деган бир жаррохнинг ўз ишига панжа орасидан қараши, бемаънилигидан бўғилавермасди. Унга асосан одамларнинг «отинчлиги, шаҳарчадаги аҳвол ёкмаётган эди. Бош мишрабни (бошқалардан кўпроқ) Абдуакбар кизиқтираётган эди. Казо-казолар, ҳатто Мухитдан Мансурович машина ҳақидаги гапга ишонган, ҳамон иккиланаётганда, Карим Бердиев бунга оддий қараган, кейинги шеърларни ҳам ёзса ёзибди-да, деб осойишта қаршилаган эди. Унинг Бекқулга эътирози йўқ. Биров ёзмаса, биров қуйлама-а, биров нимадир чизмаса, бу дунё бўм-бўш қолиб, одам зерикиб ўлмайдими?! Булар инсонни кундалик ҳаётдан ҳаёл даражасига кўтаради! Абдуакбар бошқа масъала. Бош миршаб ўзича кулиб ўйларди: отаси машина «ихтиро» қилган бўлса, бу энди нима «ихтиро» қиларкан?! Карим Бердиев Абдуакбарни текшириб, кимлиги, шаҳарчага қандай мақсадда келганлигини аниқлашга уринмокда эди. Унинг учун бу йигит ҳозирча жумбоқ эди.

Хаёт шундай давом этарди.

Беш-ўн кундан кейин шахарча Марказидаги эски бир иморат янгиланиб, ярк этиб кўзга ташланди. Бино пештоқида «Савдо маркази» деган ёзув. Ичкарида оппоқ халат кийган ёш йигитлар, қизлар.

Одамлар бу ерда гоҳ-гоҳ Кумри бонуни учрата бошлашди. У ёшларга бош деймизми (кўзу қош деймизми) эди.

Биринчи кундан халқ «Савдо маркази»га ёпирилди.

Кўпчилик бир нарса олишдан кўра кўпроқ бу ерга Кумри бону билан Абдуакбар хақида гаплашиш учун кирарди... Ҳаммадан олдин шу атрофда ўралашиб юрган Тошбек Қодиров ичкарига бош сукди. Умрида кийим-кечак ёки озиқ-овқатни кўрмагандек, у сотиладиган нарсаларни узоқ томоша қилди. Ҳеч ким эътибор бермаётганидан бўғилиб, ниҳоят Кумри бонуга юзланди:

– Хўжайин қаерда?

– Уйда, – деди Кумри бону.

– Бу ёққа чиқмайдиларми?

– Йўқ. Ўйлаб чарчаганлар. Ухлаптилар.

– Мен кўришим керак. Мухим иш бор.

– Қанақа иш?

– Машинасизлар жамиятига раис...

– Кўролмайсиз! Сиз у кишининг бошини оғритманг.

Шусиз ҳам кўпинча бошлари оғриб юради.

– Унақа эмас-да! – деб хафа бўлди Тошбек Қодиров. – Бизга машинани кўрсатишмади. Арслонкул отани танимаймиз. Энди Акбарни яшириб ўтирибсанлар... Бизга кўшилмаса, қаерда ишламоқчи экан?

– Ким? Акбар акамми? Ишлаб нима қилади, ўйлайдиган одам!

Тошбек Қодиров бу жувон билан гаплашишдан маъно чикмаслигини ҳис этди.

Бир маҳал иккита карнайчи, битта сурнайчию битта доирачи билан Акмал Сотиболдиев Асқаралининг тўйига таклиф қилгани икки каватли уй остонасида пайдо бўлди. Лекин келганлар тўғри уйга киришга ботинолмай,

олдин «Савдо маркази» олдиди тўхташди. Доирани даранглатиб, карнай-сурнай чала бошлашди.

Ичкаридан Қумри бону югуриб чикди:

– Шошманглар. Тўйга айтгани келганларинг учун минг раҳмат. Қуллук. Фақат секинроқ! Акбар акамни тинч ўйлашга қўймаяписизлар. Ухлашга қўймаяписизлар.

...Афтидан, Абдуакбар гоҳ ўйлаш, гоҳ ухлаш билан банд эди.

Шаҳарчада ҳамма Абдуакбарни кўрмоқчи, у билан гаплашмоқчи, уни яқиндан билмоқчи эди. Бирок бунга қани имкон бўлса! Аввало, Қумри бону ҳеч қимни ўйига яқин йўлатмайди. Бундан ташқари, Абдуакбар банд. Уни безовта қилолмайсиз. У деярли ўйдан чикмайди. Аҳён-аҳёнда кеч қоронғисидами, шаҳарлабми жилд қўлтиқлаб чиқиши мумкин. Аммо бундай пайтда ё осмонга тикилиб, ё ер қизиб кетаётганидан яна бир нарсани ўйлабми, ухлабми бораётгандек таассурот қолдиради. Уни чўчитади-ган мард топилмайди. Абдуакбар негадир шаҳарча эмас, ҳар гал атроф кишлоқларни айланиб келади.

Маҳмуд Абдусаломов бошчилигида фаррошлик клуби қоровуллари Соли почча, Махсум ака, Бурҳон тоғалар ҳам бир неча бора «Савдо маркази»га бош суқишди. Ҳатто фаррошлар уй атрофида қунига икки марталаб айланишди. Ҳаммаёқни супуриб, киртишлаб-тозалашди. Бирок улар Абдуакбарни узоқдан бир-икки кўришдан бошқа нарсага эришолмадилар. Энди соясига салом бераман деганларида, соя девор орқасига ўтиб кетар эди... Машина можаросию газетада эълон қилинган, ҳар қим маъносига тушунавермайдиган шеърлар билан Бекқул ўзи билиб-билмай Абдуакбарга «хайкал» қўйган эди. Муҳитдин Мансурович айтмоқчи, у шундай «ош» пиширган эдики, бу «ош»ни ҳазм қилишга, гапнинг индаллосини айтганда, шаҳарча аҳлининг ошқозони тор келаётган эди.

Шу тахлитда икки-уч ой ўтиб кетди.

Бир куни шаҳарчадаги фаоллар, оксоқоллар даврасида ундан-бундан сўзлашаётиб, Мухитдин Мансуровичнинг оғзидан кизик бир гап чиқиб кетди:

– Бу энағарни боласи нимани бунча ўйлар экан?!

Хамма шу паллада дарҳол гап ким ҳақида бораётганини тушунди. Даврадагилардан ҳар бири кўпдан буён ичида, ўз-ўзига бу саволни берар эди. Барчанинг мудроқ босган кўзлари ярқ этиб очилгандек ёниб-порлади. Ҳаммадан мавке ва обрўси юқори, шунинг учун бошқалардан ақллироқ бўлган Мухитдин Мансурович бу ишда ҳар қалай бирон чора кўриш кераклигини хис этди. У Карим Бердиевга тўртта миршабни ёнига олиб ишни аниқлаб келиш ҳақида кўрсатма берди.

– Миршаблар бостириб борса, хунук чиқади. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Ахир, у жиноятчи эмас! – кўрсатмадан бош тортди босиклик билан бош миршаб.

Сўзи ўтмаслигига ўрганмаган ва шу пайтгача ўзига тобе кишилар қаршилигига учрамаган Мухитдин Мансуровичнинг кайфияти бузилди.

– Балки жиноятчидир. Ҳар нарсани ўйлайдиган одам хавфли бўлади, – деб тўнғиллади. Унга умуман, ниманидир ўйлайдиган одамдан кўра ўйлашга эринадиган одамлар кўпроқ ёқар эди. Лекин буюк инсон эканлигидан, миршабнинг одобсизлигини кечирди.

– Одам қўшиб беринглар, мана, мен бораман! – деди аламзада ҳолда юрган Тошбек Қодиров.

Маҳмуд Абдусаломов билан Акмал Сотиболдиев унга кўшилишди.

...Уч киши Абдуакбарнинг уйига қараб кетишди.

Қумри бонунинг «хай-хай» деб кўчада чапак чалиб колганига қарамай, улар уйга бостириб киришди.

Абдуакбар ичкари хонада, бошини икки кафти орасига олиб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

Шаҳарча аҳли номидан вакил бўлиб келганлар озор бермай, ундан нимани ўйлаётганини сўрашди.

Абдуакбар чуқур хўрсинди:

– Ойнинг бетидаги доғ кўлга ўхшайди. У ерда ҳам курбака бормикан?! Кўчада шамол одамни нега баъзан ечинтиришга уринади?! Одамнинг кўлими, оёғими, қайсидир аъзоси дарахтга ўхшамаса, нима учун дарахтни кесамиз?!

Мехмонлар, эй бу ҳам ўзимиздек дуппа-дуруст одам экан-ку, деб ўйлаб хурсанд бўлиб уйдан чиқиб кетишди.

3

ҒАРОЙИБ ДАВРА

(«Менинг дўстим Абдуакбар» ёки ёшлик йиллари Бекқул ёндафтарыда ўзи учун белгилаб қўйган, эҳтимолки, унча холис ҳам бўлмаган айрим ёзувлар)

Бу воқеага анча йил бўлди.

Катта шаҳарда ўқиб юрган пайтимиз эди. Аллақайси тўғаракка ёзилиб, машғулотга бордим. Абдуакбар ҳам келган экан, тасодифан ёнма-ён ўтириб қолдик. Билим даргоҳида бир-биримизни кўриб юрсак-да, таниш эмас эдик. Машғулотдан кейин у менга ўзини яқин тутиб:

– Юр, бир оз кўча айланамиз, – деди.

Айтиш керак, менинг бемаъни одатим бор, кимдир юр деган томонга кетавераман. Йўқ, деёлмайман. Ўша кунни ҳам шундай бўлди, унга эргашдим. Биз йўл устидаги бир чойхонага кириб, чой ичдик.

– Сен менга ёқиб қолдинг, – деди Абдуакбар чой хўплаётиб. – Кел, бугундан иккимиз дўст бўламиз!

Мен хали Абдуакбар бировнинг фикри билан ҳисоблашмаслигини билмасдим. Қайсарланиб гудрандим:

– Дўст бўлиш учун вақт керак. Синовлар...

Абдуакбарнинг жаҳли чиқди:

– Синов-пиновнинг кераги йўқ. Дўст бўламиз, дедимми, бўлаверамиз. Бир-биримиздан ажралмаймиз! – Кейин сал юмшади. – Менга ўз ҳаётингни гапириб бер!

Мен мактабни битириб эндигина ўқишга кирган ўспирин бўлганимдан, нима дейишимни билмай қолдим. Абдуакбар бақрайиб турганини кўриб, ноилож чайналдим:

– Туғилдим. Юрибман...

Абдуакбарнинг яна жаҳли чиқди:

– Сен менга гапиргинг келмаяпти... Ҳа, майли. Энди кўришиб турамиз.

У башорат қилган экан?

Мана, вақт-бевақт учрашиб турамиз. Иккимиз дўст-миз. Сухбатларимиз шунақанги ширинки, томоғинг гоҳо гиппа бўғилиб, йиғлагинг келади. Мен ношукур банда, ундан баъзан қочишга уринаман. Кейин ўйлайман: дўстдан қочиб қутулиб бўлар эканми, галварс. Душман бўлса, бошқа гап эди! Бизнинг ҳар бир кўришишимиз бир тарих. Буларни унутмасдан ёзиб қўймоқчиман.

Томоша

Ғийбат қилаётганим учун Худо кечирсин, лекин ростини айтганда, Абдуакбар негадир оёқ остидан чиккандек, кўпинча рўпарамда беҳос пайдо бўлади...

Қисқа қиш кунларидан бири – оқшом пайти эди. У кўчада одатдагидек кутилмаганда йўлимдан чикди. Кўришаётиб дабдурустдан сўради:

– Театрга бормаганингга неччи йил бўлди?

– Минг йил. Эсламайман, – дедим.

– Нега бормайсан?

– Ким билсин. Ҳар кунги ташвиш.

– Сен ўзингча маданиятли одамсан. Бу ишинг яхши эмас! – койинди Абдуакбар. – Қўлимда иккита билет бор. Юр, мен сени концертга олиб тушаман.

– Ишим бор. Уйда...

– Уй кейин! – чўрт кесди Абдуакбар. – Одам орасира томоша кўриши, хордиқ чиқариши ҳам керак-ку!

Мен икки оёқни бир этикка тикқанимда ҳам фойдаси йўқлигини ҳис этдим. Бунинг устига, бўшангликми, мутеликми, бўйнига арқон солингандек, одатимча унга бўйсуниб кета бошладим.

Театр биносига кирдик. Концерт бошланди.

Концертни олиб борувчи сахнада кўриниши билан Абдуакбар мен томон ёнбошлаб олди.

– Бу болани бир қаричлигидан танийман, – деди кулоғимга кўрғошин қуяётгандек бўлиб. – Нукул велосипед миниб юрарди. Энди артист...

Хушқомат жувон кўшиқ куйлай бошлаганида, у яна тушунтирди:

– Бу аёлнинг эри савдода ишлайди. Буларнинг пули кўп...

Сахнага рубоб кўтарган икки йигит чикди.

– Иккиси ака-ука. Лекин биттасининг отаси, биттасининг онаси бошқа...

Бир гуруҳ созандалар куй чала бошлашди.

– Қара, баъзиси ёш, баъзиси кекса. Бўйлари, кийимлари ҳар хил. Ансамблда ҳамма бир хилда бўлгани яхши...

Бутун концерт давомида Абдуакбар менга шундай ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб турди. Мен кўп санъаткорларга «яқинлашиб» қолгандек эдим. Томоша тезроқ тугашини кутиб, тоқатсизланардим.

– Қалай, концерт ёқдими? – деб сўради дўстим кўчага чиққанимизда.

– Ёқди, – дедим илжайиб. – Иккимиз гоҳ-гоҳ томоша кўриб турсак бўларкан...

Хотин

Абдуакбар билан ҳар гал учрашганимизда, албатта, фалати бир воқеа рўй беради...

Қобилжон деган ҳамшаҳарим бор. Қассоб. У, хотини, тўрт-беш ёшли ўғилчаси – мўъжазгина оила аъзолари – тўққиз қаватли янги иморатнинг тўққизинчи қаватида тинч-тотув, бахтиёр ҳаёт кечиришади. Мен уларнинг уйига баъзан бориб тураман. Қобилжон бир куни мени одатдагидек меҳмонга чақирди.

Мен аслида бировга бу ҳақда гинг этмасам бўларди, феълим қурсин, ичимда гап ютиб туролмайман, Абдуакбар билан кўришиб, беихтиёр оғзимдан гулладим! У эса менинг худди мана шу гапимни пойлаб тургандек, иккимиз бирга борайлик, деб қолди.

Қобилжон кўнгли очиқ йигит. Бизни мулозамат билан қаршилади. Ичкари кирдик. Дастурхон ёзиқ, жаннатда топилмайдиган ноз-неъматлар муҳайё эди. Ҳамшаҳарим, афтидан, зиёфатга айрича тайёргарлик кўрган, мен

бир ўзим келмай, дўстимни эргаштириб келганим ҳам унга қандайдир хуш ёққан эди. Аммо...

Биз дастурхон бошида ўтириб, хали бир пиёладан чой ҳам ичмасимиздан ошга пашша тушди.

Ўзингиз биласиз, ҳозир болани «сен хап тур» деб ичкари уйга қамаб қўядиган ва айниқса, хотиннинг юзини бегоналардан пинҳон тутадиган замонлар эмас! Қобилжоннинг ўзи сингари хотини ҳам биз билан ҳол-аҳвол сўрашди, кириб-чикиб, дастурхонни янада тузаш пайида бўлди. Уларнинг ўғилчаси «мехмон амакилар келишгани»га ҳаммадан кўпроқ суюниб, бизга елимланиб олди.

Уйга одоб сақлаб мендан кейин кадамранжида қилган, дастурхон бошига муллаваччадек келиб ўтирган Абдуакбар энди, чамаси, ўзини бир оз эркин сеза бошлади. У болага илжайиб қаради. Сўнг эса дабдурустдан мурожаат қилди:

– Ширин бола... Сен кимга кўпроқ ўхшайсан? Дадангами ёки ойинггами?!

– Даямга, – деди бола чучук тилда.

– Ойингга бурнинг фақат сал ўхшаркан, – деди Абдуакбар. У бир болага, бир Қобилжонга қўз ташлаб, гапини бундай яқунлади. – Лекин дадангга... унчалик эмас...

Қобилжоннинг авзойи ўзгариб, юзидан қон кочди. Бироқ у ўзини ниҳоятда босиқ тутиб:

– Битта тери ичида қўй юз марта ориқлаб, юз марта семиради... Дадасига ўшамасдан қаёққа ҳам борарди болам, – деди.

Орага ноқулай сукунат чўкди. Қоидага биноан, Абдуакбар шундан сўнг тек ўтириши лозим эди, аммо яна бўлмади.

Бола уйдан чикиб кетди. Унинг ўрнига Қобилжоннинг хотини уйга кириб, дастурхондаги ортиқча идишларни йиғиштирди. Абдуакбар уй бекасига бошдан-оёқ разм солиб, унга зимдан тикилиб қолди-да, ҳамшахаримга сўз қотди:

– Дўстим, бу... янгам қаерда ўқиган?

Қобилжон асабийлашди.

– Институтда... – деди истар-истамас.

- Кайси институтда?
- Медицина... – бу гал тўнғиллади Қобилжон.
- Бирон ерда ишляптиларми энди?
- Ишлайди-да, нима қиларди!
- Поликлиникада ишлайдиларми ёки касалхонадами?

Қаерда демокчи эдим...

Қобилжон ўрнидан туриб кетди.

– Менимча, бунинг ҳеч аҳамияти йўқ, – деди у ички бир титроқ билан қандайдир таҳқирланган оҳангда. Шундай деб уйдан ташқарига чиқиб кетди.

Орадан ўн дақиқа ўтди. Йигирма дақиқа. Ошхона тарафдан Қобилжоннинг хотинию ўғилчасининг нималарнидир гўнғирлашгани эшитиларди. Қобилжоннинг ўзи эса хадеганда хонага қайтиб кирадиганга ўхшамас, унинг товуши ҳам эшитилмас эди.

– Биз уларни хафа қилиб қўйдик, – дедим Абдуакбарга айбнинг ярмини бўйнимга олиб.

– Мен бирон ножўя гап айтдимми? Одамга одам қизиқади, шундай эмасми, ахир? – гўдранди Абдуакбар. У елкасини қисиб қўйди. – Бўпти? Бошқа гапирмайман. Бу қандай дунё, дўстим?! Эҳ, биз шўрликлар...

Ниҳоят, Қобилжонни ўзим сўроқлаб, ташқарига чиқдим. Қобилжон айвонда босим папирос чекиб ўтирган экан.

– Бу ким ўзи? – сўради у мендан, Абдуакбар ҳақида.

Мен сал ўйланиб олиб, тўғриси айтдим:

– Менинг... дўстим...

– Гап бундай. Дўстинг яна оғзини очадиган бўлса, уни гирибонидан тутиб, мана шу айвондан пастга отмаган номард...

Мен Қобилжоннинг гапига жавобан нима деяримни билмай, тўққизинчи қават айвонидан секин пастга қараб қўйдим. Кейин, у ёқ-бу ёққа кўз югуртирдим. Айвон деворида катта-кичик ўн-ўн бешта пичоқ осиялик турибди! «Айвондан пастга отса майлику-я...» – деб ўйладим ўзимча.

Иккимиз қайтиб ичкарига кирдик. Абдуакбар ваъдасига амал қилиб, ортиқ гапга оғиз очмади. Аммо энди бари бир давра совиган эди.

Ўрнимиздан турдик. Қобилжон биз азииз меҳмонларни эшиккача кузатиб қўйди.

Худди мана шу хайрлашиш пайти Абдуакбарнинг яна бехосдан тили қичиса, нима дейсиз!

– Дўстим, хафа бўлмайсиз, – деди у Қобилжонга. – Боя эҳтимсл, гапирмасдим. Лекин мен шу янгамни қаердадир бир кўргандайман...

...Бу воқеага анча кунлар бўлди. Аммо мен ҳамшаҳаримнинг уйига қайтиб яқин йўлашдан ўзимни хозирча тўхтатиб турибман. Гап шундаки, инсон ҳаётда ҳамиша ўзининг айби учун ўзи жавоб бермайди. Баъзан сенга бировлар учун ҳам гирибонингни тутқазишга тўғри келади!

Ҳайвонот боғи

Мендан дарров ҳафсалангиз пир бўлмаса, бир гапни айтишим мумкин... Сўнгги пайтлар миямда баъзан Абдуакбар билан дўстликни узил-кесил тўхтатиш учун она шаҳрим Бухорон шарифга ёки бошқа биронта шаҳарми, туманга жўнаб қўя қолсаммикан, деган бемаъни фикр уймалациб турибди. Зероки, Тошкент канчалик шаҳри азим бўлмасин, Абдуакбардек садоқатли дўстдан қочиб қутулолмайсан! Мен редакцияда ишлайман – буни Абдуакбар билди, кўча-кўйдан ташқари, мени гоҳо кўргиси келганию, «маданий хабарлар» ёзиб тургани учун, истанг-истаманг редакцияга бош суқади. Буниси майли. Абдуакбар китоб савдосига тааллуқли бир идорада ишлайди, қаердадир юбилейми, ёзувчи-журналистларга бағишланган мажлисми бўлса, уни кўриш ўқлоқдай қилиб манглайга ёзиб қўйилган...

Яқинда Абдуакбар, одатдагидек, редакцияга бош суқди. Бироқ бу гал у нима учундир «маданий хабар» ўрнига саккиз ёшлар чамасидаги қизчасини бошлаб келган эди. Хонага кириб, қизчани худди гуноҳ қилган мактаб боладек, эшик оғзига турғизиб қўйди. Кейин, редакция ходимлари билан бирма-бир, шошмасдан қўл қисганча кўришиб, ниҳоят, менинг столим ёнида ғоз турганича, амиро-на товушда кетдик, деди.

Мен шу куни эрталаб ишга бир оз кечикиб келиб, идорада дашном эшитган эдим: ҳамхоналаримга ёрдам кутгандек, илтижоли қарадим. Бир томондан, Абдуакбар менга кескин мурожаат қилдими, у билан ҳисоблашмай бўлмасди, аммо иккинчи томондан, иш ҳарҳолда иш-да. Йўқ, ҳамхоналарим менинг аҳволимга бундай тушунишиб, киприк қоқишмади. Илож-ноилож турдим.

Кўчага чиққанимиздан кейин Абдуакбардан каерга, нега кетаётганлигимизни сўрадим.

– Айланамиз, юривер. Сенга бари бир эмасми? – деди Абдуакбар.

Дўстимга шу аснода, нега менга бари бир бўлар экан, дегим келди-ю, юрак ютиб айтолмадим. Фақат:

– Мен ҳам, ахир... энди... – деб чайналдим.

Абдуакбар менга шафқат қилиб, юмшаб, тушунтириш бера бошлади:

– Биласанми, мана бу ўзи менинг эрка қизим. Шахло... Ҳамма нарсага ақли етади. Мактабда ўқишлари ҳам дуруст. Уйда онасига ёрдамчи... Лекин ўйлаб қарасам, мен шу кизчамни анчадан буён кўчага олиб чиқмаган эканман! Хафа бўлиб кетдим, тўғриси. Бола баъзан айланиши, яйраши керак. Бугун шунга қасд қилдим.

– Жуда яхши. Лекин мен... – тўнғилладим беихтиёр.

Абдуакбар зийрак йигит бўлганидан, дархол менинг мақсадимга тушунди.

– Сен кўп бўғилаверма, ҳаммаси жойида бўлади, – деди у. – Менинг гапим гап. Ҳозир Шахлога музқаймоқ олиб берамиз. Кейин болалар ўйнайдиган бирон майдончада... Аммо булар барчаси йўл-йўлакай. Асосан, ҳайвот боғида бир-икки соат айланиш. Бола ҳайвонларни бундай бир томоша қилсин.

– Бу майли-ку, лекин сен... ўзинг! – дедим ниҳоят сал дадил бўлишга ҳаракат қилиб.

Абдуакбар кўча ўртасида тўхтаганича бирдан жахли чиқиб кетди.

– Менга бунинг нима алоқаси бор, демоқчисан, шундайми? – деб сўради у қизариб-бўзариб. – Демак, сенга

боланинг зериккани ҳам, менинг шунча гапим ҳам бекор экан-да... Кўзингни олиб кочма. Ўйла, мен бир ўзим бола билан айланавераманми? Сенинг шундай қилишинг тўғрими?

Мен хатога йўл қўйганимни ҳис этиб, олдинга тушдим...

Обрў

Катта саройларда ўтадиган катта анжуманларга бола етаклаб келиш... билмадим, буни қандай баҳолаш керак. Нима қилганда ҳам, шундай анжуманга Абдуакбар қизчасини етаклаганча келиб қолди. Аммо ҳозир гап бунда эмас.

Мажлисдан чиқишим билан қизининг қўлини тутган Абдуакбар рўпарамда «қомат тиклади».

– Сен редакцияга боряпсанми? – деб сўради у мулозамат билан.

– Ҳа, албатта.

– Мен ҳам ўша ёққа бормоқчиман. Юр, Шахлони уйга қўямизу бирга кетаверамиз, – деди менга дўстим.

Биз кўчада бир оз юриб, троллейбусга миндик. Йўлда кутилмаган воқеа содир бўлди.

Троллейбусда зардўз дўппили уч-тўртта қизлар кетишаётган экан, Абдуакбар тирсаги билан бехосдан менинг оч биқинимга туртиб қўйиб, уларга сўз қотди:

– Қизлар, кечирасизлар... бу сизлар бухоролик эмасми?

– Бухоролик? – дейишди қизлар жилмайишиб.

– Бу ёққа айлангани келибсизлар-да.

– Йўк, биз институтда сиртдан ўқиймиз!

– Қанақа институтда?

– Ўсадиган институт! – дейишди гапдон қизлар.

– Демак, Бухорода ишлайсизлар...

– Худди шундай, акажон. Пиллакашлик фабрикасида ишлаймиз, – деди қизлар ичида, афтидан, шўх бўлган биттаси бурро тилда.

Абдуакбар қизларга эшиттириб, баланд товушда менга мурожаат қилди:

– Мен ўзи сен билан Бухорога бир бориб, шу фабриканинг қизлари тўғрисида ёзишни анчадан буён ўйлайман. Буларнинг меҳнати, биласан-ку... – Кейин, мени қизларга кўрсатиб, яна уларга сўзланди. – Сизлар, албатта, бу акангизни таниган бўлсангизлар керак! Бу киши...

Бошланди! Абдуакбар қизларга мен ҳақимда билган-билмаганини батафсил гапиришга тушди. Менинг қаерда таълим олиб, қаерларда ишлаганим ҳам, ҳозирги иш жойимۇ оз-моз қалам тебратишим ҳам – биронтаси қолмади, барчаси хутбага қўшилди! У ҳар дамда қизлардан кўз узиб, худди: «Сенга мана обрў олиб беряпман, дўстим, кўрмайсанми!» дегандек мен томон маъноли қараб кўяр, сўнг яна гапани давом эттирарди. Бундай пайтлар, аслида, одам дегани дўстидан балки миннатдор бўлиши керакдир-ку, лекин мен тентак ҳамшаҳарларим олдида тезроқ ергина ёрилиб, қаърига кириб кетгим келаётган эди... Шу билан тамом, деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз... Йўқ! Абдуакбар мен тўғримдаги гапни яқунлаб, ўз таърифига кўчди. У энди негадир қизчасини менинг пинжимга сурганича, ўзи қизларга яқинроқ бориб олган эди. Ҳадеб илжайиб, хадеб бош чайқаб, уларга алламбалоларни тушунтира кетди. Дўстимнинг қизлар билан бундай ширин суҳбатлашганини ёмон десам, гуноҳ бўлади, албатта, фақат бир нарсага ақлим етмаётган эди: унинг бу суҳбатдан мақсади нима? У янги бир «маданий хабар» ёзмокчими ёки улар билан шу йўсин танишиб олиб, айланишмокчими?! Дўстимнинг олижаноб кўнглида иккала мақсад қоришиброқ турган бўлиши ҳам мумкин! Троллейбусдаги мулоқот ҳали узок давом этадигандек эди, лекин бирдан... бола ҳар қалай бола-да, Абдуакбарнинг қизчаси шундай ширин суҳбатнинг қок белига тепди! У дўстимнинг ёнига бориб, енгидан тортди:

– Келдик, дада...

Абдуакбар қизчасига инжиб, фаромуш қаради. Бирок энди орада ип узилган эди. Қизлар билан хайр-хўшлашишни ҳам насия қилиб, дўстим биз билан троллейбусдан тушди.

– Жуда ёқимтой қизлар экан, – деди у беш-ўн кадам юрганимиздан сўнг чуқур хўрсиниб. У менинг вижиниб турганимни сездими ёки ёнида қизчаси бораётгани энди беихтиёр ёдига тушдими, секин қўшиб кўйди: – Бу қизлар нимаси биландир менинг хотинимга ўхшаркан...

Хўжайин

Бир куни янги китоблар харид қилмоқчи бўлиб китоб савдосига тааллуқли идорага бордим ва табиийки, бу ерда яна Абдуакбарни учратдим. Шу куни дўстим менга нима учундир хорғин, қайғули кўринди. У гўёки мотам тутган одамни эслатар эди. Янги китоблар олганимдан кейин Абдуакбар мени эшиккача кузатиб чиқди ва ниҳоят, гап нимада эканини тушунтириб, дардини ёрди.

– Мен кеча бир нарсани ўйлаб, кўнглим оғриди, – деди у. – Сен билан шунча пайтдан буён дўст бўлибмизу сен мени бирон марта уйингга таклиф қилмабсан...

Ўзингиз билсангиз керак: одам дунёда нотўғри гапдан бир эзилса, тўғри гапдан баъзан икки эзилади. Абдуакбар эса тўғри гапни айтган эди!

– Дўстим! – дедим унга беихтиёр ўпкам тўлиб. – Менинг уйим сенинг уйинг эмасми?! Боргинг келса, боравермайсанми, ахир?! – Кейин чўнтагимдан шартта қоғозкалам чиқариб, манзилимни Абдуакбарга ёзиб бердим.

Шундан сўнг... якшанба куни уйда каламни қитирлаб ўтирсам, эшик кескин тақиллади. Дўстлик ажойиб нарса-да, эшик тақиллагандаёқ ҳис этдим: бу – Абдуакбар!

Мен, албатта, қучоқ очиб, дўстимни ичкарига бошладим. Бироқ тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, у менинг иш устида ўтирганимни сезиб, дарҳол бундай гап қилди:

– Бизнинг ўртамизда расмият бўлмаслиги керак. Сен ишингни қилавер, мен ўзим уйингни бир оз томоша қиламан...

Абдуакбарга гап қайтариб бўлмайди, биласиз. Шунга қарамасдан, уйнинг хўжайини эканлигим учун ҳам унга эътироз билдиргим келди:

– Болалар уйда йўк, чол-кампириккида. Иш қочиб кетмайди, дўстим, мен аввал сенга битта чой қўяй, кейин...

Абдуакбарга менинг махмадоналигим ёкмади, ҳар қачонгидек жаҳли чиқди.

– Сен ўтир жойингга. Ишингни қилавер, – деди у, бу сафар жеркиниб.

Мен ноилж стол орқасига ўтиб ўтирганимча, ишимни давом эттиришга ҳаракат қилдим. Абдуакбар эса мен ўтирган хонадан даҳлизга чикиб, ошхона томон кетди... Кўп ўтмай, у томондан қандайдир тақир-туқур, шақир-шуқур товушлар эшитила бошлади. Хаёлим қочди, уйни ўзи томоша қилгиси келган дўстим ошхонани қандай томоша қилаётганига жудаям кизиқиб кетиб, хонадан секин даҳлизга ўрмаладим. Ошхонада Абдуакбар бамисоли рақсга тушган: музлаткич эшикчаси нима учундир очиқ, дўстим тоқчалардан алланарсаларни олиб, бошқа нарсаларни қўяр, бетиним чарх урар эди. Дўстимнинг ошхонани яхшироқ томоша қилишига ҳалақит бермайин, деб изимга қайта қолдим. Аммо орадан бир оз ўтгач, негадир сув каттик шариллаётгани диққатимни бўлди. Яна даҳлизга ўрмаладим. Ювинадиган хонанинг эшиги берк, чироғи эса ёқик: демак, дўстим ювиниб, бирварақайига ваннахонани томоша қиляпти! Ҳа, майли... яхши! Мен оламни унутиб, энди жиддий ишга киришдим. Бироқ тез орада дўстим меҳмонхонани томоша қилишга ўтган экан, у ердан худди хонадон кўчишини эслатадиган товушлар қулоққа чалина бошлади. Ўзимча, майли, томоша қилаверсин, деб хурсанд бўлиб ўтиргандим, ногаҳон меҳмонхонадан бадабанг мусиқа таралиб қолди... Ана шунда, биласизми, хаёлимга ақлли бир гап келди: биров нималарнидир томоша қилаётганида, четда туриш, томошадан қуруқ қолишдан ёмони йўк: дўстимга, ишим битди, раҳмат сенга, деб мен ҳам у билан бирга, уйни томоша қилсам-чи?! Шарт ўрнимдан қўзғалиб, меҳмонхонага кирдим...

Ана томоша-ю, мана томоша! Минг йилдан бери шу уйда яшаб юриб, меҳмонхонани бундай томоша қилиш

мумкинлиги хаёлимга келмаганидан ўкиниб кетиб, йиғлаб юборишимга сал қолди. Дўстим телевизорни хона ўртасига, диванни дераза ёнига тортган, хонадаги бошқа жиҳозларни ҳам ўрнига ўрин алмаштириб қўйган эди. У мен кирган айна пайтда нима билан машғул экани ҳам сизни, албатта, қизиқтирса керак. Дўстим мен артинадиган сочиқни бошига салла қилиб ўраб, менинг тоза халатимни кийиб олганича, диванда ёнбошлаб, папирос тутатар, мусиқа тингларди. Ёнидаги ликобчада десангиз, оғзи очилган бир шиша коньяк, қази-карта, олма-анор...

– Сен нега ишламаяпсан? – сўради мендан дўстим, имтиҳонни вақтида топширмаган ўқувчини учратган муаллим оҳангида.

Мен унга ўйлаб қўйган важимни айтдим. Дўстимнинг кайфияти яхши экан, хайрият, энди бу тўғрида гапни ортик чўзиб ўтирмади.

– Бўлмаса, ўт бу ёкка, ўтир, – деди у, ён томонда турган юмшоқ курсига ишора қилиб.

Мен ичимда дўстимдан миннатдор бўлиб, курсидан жой олдим.

– Бир оз ичарсан сен ҳам? – сўради у мендан. Гапига жавоб кутмай, шундан кейин қадахга ичимликдан қуйиб, мен томон сурди.

– Сенинг соғлигинг учун, дўстим, – дедим ютиниб қуйиб. – Сендек дўстни топмасам, нима қилардим дунёда?!

– Раҳмат, ич, – деди Абдуакбар. – Мана бу кази-картадан ол...

...Ўша куни, умуман, яхши бўлди. Лекин эртаси куни бошим оғриб ўрнимдан турсам, бола-чақа чол-кампирикдан қайтган экан. Энди хотиним ошхонани, меҳмонхонани обдан томоша қилди. Ниҳоят, менинг ёнимга келиб, юз-кўзимга тикилганча сўради:

– Кеча, мен йўримдан фойдаланиб, кимни бошлаб келдингиз уйга?

Хотинлар фаройиб халқ-да, кўпинча ёлғон гапирсанг, ишониб, рост гапни айтсанг, ишонишмайди! Абдуакбар

меҳмон бўлганини мен қанчалик тушунтирмайин, натижа чиқмади.

– Ёлгон! – деди хотиним менга. – Йигит киши уйдаги нарсаларни ўзича тартибга соладими? Бу ҳам майли... Йигит киши ювинадиган хонадаги атир, упа-эликка тегармиди?!

Сизга айтсам, шу куни шўримга шўрва тўкилганига мен кўп ҳам ўкинмайман, чунки бу воқеа менга сабоқ бўлди... Минбаъд Абдуакбар келадиган бўлса, ундан упа-элик суйкамай уйни томоша қилишини сўрайман...

Қамиш

Бундан бир неча йил муқаддам Салима ва Ҳалима деган опа-сингил танишларим бор эди. Талабалик даврида Салима билан дўстлашгандик, кейин Ҳалима келиб кўшилди.

Редакцияда янги ишлаётган пайтим опа-сингил ёнимга тез-тез кириб туришар, ҳар хил нарсалар устида фикрлашишни ёқтиришарди.

Улар билан бир гал шундай суҳбатлашаётганимда, каердандир жонажон дўстим келиб қолди. У суҳбатга ҳалал бермай, четда ўйчан, мўмингина бўлиб ўтирди. Аммо қизлар хонадан чиқиб кетишгач, унга беҳосдан жон кирди.

– Сен ҳам ёмонсан. Қизларни қўймайсан-а! – деди менга Абдуакбар.

Менинг бемаъни одатим: биров дабдурустан ҳамла қилса, довдираб қолиб, айбим бўлмаса ҳамки ўзимни оқлаётгандек оҳангда, гап тушунтиришга тушаман. Қизариб-бўзариб ҳақиқатни исбот қилишга уринаман! Ўша куни ҳам беихтиёр чайналдим.

– Ундай бўлса... танишларинг яхши қизлар экан, – деди Абдуакбар. – Менга ёқишди... Мени улар билан таништириб қўй! – Кейин беозор қўшиб қўйди: – Мен уйланмоқчиман...

Дўстимга олдингидан баттар довдираб, анграйиб қарадим. Гап битта қиз ҳақида борса, танишиш ҳам, уйланиш ҳам мумкин. Аммо бу ерда...

– Кимни айтаяпсан? Кимга? – сўрадим паришонланиб.

Абдуакбар бир оз ўйланиб қолди. Афтидан, дўстимнинг пок, беғубор қалби кўксида мусичадек потирлаб турар, у хали аниқ бир фикрга келмаган эди. Қўйиб берса, олижаноб дўстим иккала киз билан ҳам танишиб, иккаласига ҳам уйланишга тайёр эди.

– Бояги... Салимамиди... ўша! – деди ниҳоят Абдуакбар.

Мен умримда бировларни таништиришдек бўлмағур ишни қилмагандим. Аммо дўстинг учун захар ют, деганларидек... нима жин уриб, кизларни Абдуакбарга таништириб қўйдим.

Тахминан уч-тўрт ойлардан кейин бир куни хаяжонланиб Абдуакбар ёнимга кириб келди.

– Уйланяпман, дўстим... Тўй... – деди у. – Умуман, хурсандман... Ҳалима яхши киз...

– Сен, ахир... Салима... – дедим бўғилиб гудранганимча.

– Йўқ, мен аввалдан Ҳалима... Сен тушунмабсан, – деди Абдуакбар. – Мени овозим бир оз хишиллаб чиқади, «х»ни яхши айтолмайман. Сенга «с» бўлиб эшитилгандир...

– Қўйсанг-чи. Салима билан дўстлашиб юриб, камишмисан, нима бало... – дедим биринчи марта Абдуакбарга жаҳл билан. – Яна баҳона топишингни қараю...

Абдуакбар бошини гунохкорона букиб, менга энди тўғри тушунтириш берди:

– Ўйлаб кўрсам, синглиси опасидан ёшроқ экан. Ерда ётган мевадан кўра дарахтдагини узган... ўзинг биласан-ку...

Шундай қилиб, мен билан кизларнинг дўстлигини ҳам, опа-сингилнинг орасини ҳам бузиб, Абдуакбар Ҳалимага уйланди-қўйди.

Буни қўя турайлик... Орадан, мана, анча йиллар ўтгач, Абдуакбар янги гап топиб келди.

– Хотиним ёмон эмас, – деди у бир куни менга. – Лекин сен уйлантирмасанг, мен унга уйланмасдим! Шу

ишни яхши қилмагансан, дўстим. Мени ўзимга қўйиб бериш керак эди...

– Ахир, сен ўзинг... – дедим оқланишга уришиб.

– Йўқ, мен Зебо деган қизни ёқтирардим. Эрга тегиб кетди...

Яқинда Абдуакбар билан кўчада кетаётиб...

– Зебо... – деб пичирлади дўстим рўпарадан келаётган жувонга имо қилиб.

Жувондан икки кадам орқада портфель кўтарган бир йигит вазмин одимлар, бу афтидан, унинг эри эди.

Дўстимнинг феъл-атворини билганимдан, танишинг эри билан келяпти, деган мазмунда оч биқинига секин туртиб кўйдим. Аммо Абдуакбар туртганимни сезмади, шекилли...

Олдинга отилганича, Зебонинг бўйнига қўл ташлаб, юзи-лабларидан ўпишга тушди.

Бояги йигит тош қотиб қолган эди. Мен Абдуакбарни яна туртдим.

Бу гал Абдуакбар хушёр тортгандек, йигитни пайқандек бўлди. Аммо ким киму Абдуакбар ўзини дарров йўқотадиган одам эмас... У иккалангни ҳам бирдек яхши кўраман, дегандек... Зебони қўйиб, йигитни шартта бўйнидан қучди ва энди уни оғиз-бурнидан қаттиқ ўпа бошлади...

Тарихий жойлар

Абдуакбар билан ҳар хил давраларда, одамлар орасида кўришган пайтлар мен ҳаммадан ҳам кўра бир нарсдан – дўстим ўзининг таржимаи ҳолини гапиришга тушиб кетишидан кўркаман! Гапирса гапираверсин, дейсизми? Тўғри-ку, лекин у таржимаи ҳоли ниҳоятда бой эканлиги билан кишини кўйдиради-да...

Айни ёз кунларидан бирида, бизнинг дўстлигимизни билибми-билмайми, негадир редакциядан мени, китоб савдосига тааллуқли идорадан Абдуакбарни маданият бошқармасига чақиришиб, бундай илтимос қилишди:

– Бошқа ерлардан уч-тўртта меҳмонлар келишяпти. Булар Тошкентни ярим кун айланишмоқчи. Шаҳар айлан-

тиришни сизлардан сўрамоқчи эдик. Ярим кунда кўп нарса кўриш қийин. Асосан, тарихий жойлар...

– Бўлди, котирамыз! – деди иккимизнинг номимиздан Абдуакбар.

Кўчага чиққанимиз захоти у енгимдан тортиб мени тўхтатди.

– Сен Бухорода туғилиб ўсгансан, Бухорони биласан, шундайми? – сўради Абдуакбар.

– Шундай, – гудрандим секин.

– Тошкентни яхши билмайсан, шундай эмасми? – деди Абдуакбар. – Қисқаси, сен ёнимда индамай юраварасан. Бу ёғини мен ўзим боплайман. Келишдикми?

– Келишдик, – дедим ҳаяжонланаётган дўстимга эътироз билдиришга юзим чидамай.

Ўша ҳафтанинг охири кунни меҳмонлар билан учрашдик. Уларни машинада шаҳарга олиб чиқдик.

– Бу шаҳар мен учун ниҳоятда қадрли. Болалигимизда тоғдан тушиб келганмиз, – деди Абдуакбар машина ўрнидан жилиши билан меҳмонларга бирма-бир кўз ташлаб. У, ҳали айтганимдек... ишни ўзининг таржимаи холидан бошлаган эди! – Шу ерда, мактабда ўқидим. Кейин, институт... Умрим китоб ичида ўтди. Ҳозир ҳам китоб... Хотиним, иккита қизим бор. Турмушимиз ёмон эмас... Олдинлар бир хонали уйда турардик, ундан уч хоналига кўчганмиз, ҳозир беш хона. Иккита хонани ёзлик-қишлик, деб кабинет қилиб қўйганман, қолган хоналар хотин, болаларники... Шундай юрибмиз...

Хайрият, Абдуакбар бир оз ўйга толди. Афтидан, таржимаи холини айтиб бўлган эди. Демак, энди...

– Хўш, вақт зиклигини ҳисобга олиб, бу ёғи тўппатўғри... халиги сизларни қизиқтирадиган жойлар... фақат кўрмаса бўлмайдиганларини кўрсатаман, – деди дўстим менинг ҳозир кўнглимдан кечганини ҳис этгандек. У машинани Эски Жўва томон ҳайдатган эди, бир кўча муюлишида ҳайдовчининг елкасига қокди. – Шу ерда бир дақиқа.. – Абдуакбар, унга эргашиб ҳамма машинадан тушди. – Хув, чинорни кўряписизларми? Ўшанинг

остида гужум дарвозали ховли бор, ўзи бузиладиган, лекин хозирча турипти... Шу ховли дадамизники... Болалик қизиқ нарса экан, негадир ховли қолиб, ёшлигимизда кўпинча томга чиқиб ўйнардик. Томда сенга пишириб кўйиптими, дейдиган одам йўқ... Қойил. Бозорга ҳайданг... – Бозорга келиб, машинадан тушилгач, дўстим мийирида кулиб, бошини маъноли тебратди. – Мана, шу катта магазин ўрнида кичик дўконлар бўларди, яқин-яқингача. Бир дўконда дадам ичкилик сотарди. Ўзи ҳам озоздан олиб турарди раҳматлик. Лекин яхши одам эди! Майли, кетдик, – бозордан узоқлашгач, Абдуакбар яна тарихий жойлардан – ўқиган мактаби, мен билан бирга таълим олган институт, ўзининг идорасини кўрсатди. Белгиланган вақт тугаган эди, меҳмонлар соатга қарай бошлашди. – Аттанг, шошяпсизлар, – деди дўстим, буни пайқаб. – Бўлмаса... асли мен сизларни тоққа олиб чиқишим керак эди. Кейин, уйни ҳам бир кўрилса...

Меҳмонлардан ёши каттароғи кулимсиради.

– Тошкентда олдин ҳам кўп бўлганмиз, – деди у. – Лекин сиз билан бу гал янгича таассурот олдик... Сиз тарихий шахс экансиз!

Абдуакбар ҳаяжонланиб, бирма-бир меҳмонларнинг қўлини қисди.

– Ҳа, албатта. Шунга ҳаракат қилиб ётибмиз, – деди дўстим. – Яна келинлар. Хизмат биздан...

Омад

Гапнинг пўскалласини айтганда, мен галварс, кўпдан буён Абдуакбар тўғрисида ўзимча валдираб юрибман-ку, аслида буни қўйиб, унинг соясига кўрпача солсам бўлар экан...

Дўстим фақат китоб савдоси эмас, бизнинг редакциямизга ҳам сўзи ўтадиган бошқармага чақирилиб, қутилмаганда анча дуруст лавозимни эгалласа, нима дейсиз! Бундай пайтда қочиш ўрнига дўстинг билан фахрланишга ўтиб олганингни ўзинг ҳам сезмай қолар экансан!

Хўп, бу майли. Ҳозир бошка масала...

Абдуакбар уйи хақида гапириши, уйини узоқдан кўрса-тиши мумкин, аммо у ҳеч қачон бировни меҳмонга чакириш одати йўқ эди. Баъзан кўчада кетаётиб, мабодо уйига яқин жойдан ўтиб қолинса, нари борганда, дўстим доно бир фикрни илгари сурарди:

– Мен ўзи сизларни меҳмон қилишим керак эди. Лекин, афсус. Шароит! Қани энди, уйда гўшт билан гуруч бўлса... Кўни-кўшнидан дарров савзи-пиёз, озгина мой топиб, ош қилаверардик. Нонни йўлда магазиндан олсак ҳам зиён қилмасди. Куруқ чойни хотин ишга кетаётиб яшириб қўймагандир...

Қисқаси, омади юришиб, лавозим эгаллагач, Абдуакбар атрофдаги мендек тўрт-бешта дўстини меҳмонга чакирадиган бўлди! У менга бундай гап қилди:

– Кечкурун роппа-роса соат еттида келасизлар. Мен унғача дастурхон тузаб, ошга уннаб тураман. Ҳаммани тўплаб, бошлаб келиш сенинг бўйнингда, тушундингми?

– Тушундим, – дедим секин, дўстининг ишончи, илтифотидан бошим кўкка етиб.

Меҳмонга бориладиган кун, аксига, оғайнилар билан туш пайтидаёқ кўришимизга тўғри келди: бошка бир танишникида маросим бор эди... У ердан чиққач, уйма-уй тарқалишнинг маъноси йўқлигини ҳис этиб бир оз кўча чангитдик. Ниҳоят, сабримиз чидамай, Абдуакбарникига эртароқ бораверишга қарор қилдик.

Келиб, эшик ёнидаги тугмани босдик. Аммо эшик ҳадеганда очилмади. Биз энди қайтиб кетмоқчи ҳам эдик, лекин кутилмаганда остонада Абдуакбар кўринди. У серрайганча бир кўлидаги соатга, бир бизнинг афт-ангоримизга қарарди.

– Соат ҳали етти бўлмади шекилли, – деди ахийри дўстим.

– Кўчага олдинроқ чиққан эканмиз, оғайни, – деди хамроҳларимиздан бири.

– Нега, ахир, мен тушунмаяпман... – сал қизишди Абдуакбар: – Ҳали уйда ҳеч нарса тайёр эмас. Гўштни энди қовурыпман...

– Одам овқат деб бировникига келмайди-ку! – тўнғил-лади бошқа дўстимиз.

– Тўғри, – деди эшикни гавдаси билан тўсиб турган Абдуакбар нохуш жилмайиб. – Лекин ҳар бир ишнинг қондаси бор! Мен сизларни ўз вақтида, бошқача кутиб олишим керак...

Бизнинг қайтиб кўчага чиқишдан бўлак иложимиз қолмади. Кейин...

Мен қанчалик гап тушунтиришга уринмай, йигитлар бирин-сирин энди кирмайман, уйимга кетдим, деб тарқалишди... Роппа-роса соат еттида бир ўзим сўппайиб келганча, яна тугмани босдим.

Дўстим бу сафар эшикни тез очди. Аммо бу гал ҳам эшик оғзида серрайди.

– Қолганлар қани? – деб сўради у мендан амирона товушда.

– Хафа бўлишдими, билмадим, кетишди... – дедим секин.

– Одамлар қизиқ. Нега хафа бўлишади? – жаҳли чикди Абдуакбарнинг. – Мен уларга қондани тушунтирдим-ку... Қадимдан ўзи одат шунақа. Меҳмон ҳеч қачон олдин эмас, сен айтганингдан сал кечикиб келиши керак. Сен уни бир оз хуноб бўлиб кутишинг керак. Ундан ташқари, тайёргарлик ҳам... Ўртага қўядиган нарсангни аниқла-масдан, меҳмон кутиб бўладими?! – Дўстим шундан сўнг юмшади. – Майли, кир. Ўзимиз ўтирамыз...

– Йўқ, мен ҳам энди кета қолай...

– Нега? – ажабланди Абдуакбар.

– Сен ҳақ гапни айтдинг! Қондани ўрганмай туриб, мен ҳам сеникига киришга ҳаққим йўқ, – дедим хаяжонланиб.

ХАФАГАРЧИЛИК

(Ҳозирча хайр, дўстим)

Бу фикр қаердан Абдуакбарнинг миясига келди – тушунмайман. Аввалдан шундай бўлмагани яхши эди, албатта...

Баҳор пайти эди. Бир кунлик тоғ сайрига чиқадиган бўлдик: мен, Абдуакбар, унинг идорасидан Сайфи деган йигит! Менга дўстим дабдурустдан, шаҳарда ётаверамизми, товда ҳаммаёк лола, бундай бориб, бир кун айланайлик, жиянимникида тунаб, эрталаб қайтиб келаверамиз, деган гап килди. Дўстимнинг гапини икки килишга ўрганмаганимдан, мен ҳам розилик бердим.

Сайфининг машинасида йўлга тушдик. Куни бўйи айландик. Умуман, сайримиз ёмон бўлмади! Лекин кечкурун...

Абдуакбарнинг жияни узун айвонда бизга қатор ўрин тўшади. Менинг ёнимга дўстим, ундан нарироқда Сайфи, четда жияннинг ўзи ётадиган бўлди.

Кундузи толиққанзимиздан тез уйқуга кетдик. Ярим тунмиди, сахарми, бехос дўстимнинг шовқинидан уйғониб кетдим.

Кўзимни ишқаб ўрнимдан турганча, нима гап, десам... айб менда экан! Уйқусираб, шунча йиллик азиз дўстимнинг чакагига мушт тушириб юборибман. Аввалига бу гапга ишонгим келмади, аммо уйқум бир оз тарқалгач, эслашга уриниб, чиндан шундай қилганимни хис этдим!

– Кечирасан, дўстим. Минг марта узр. Билмапман, – дедим Абдуакбарга ва иккинчи ёнимга ағдарилиб, яна уйқуга кетдим. Бошқалар ҳам чирокни ўчириб, кўрпага ўралишди.

Одатда, бунақа нарсаларни эртаси куни муҳокама қилиб ўтирилмайди. Гапириб-чайналишга арзимайди, деймикан, ноқулайми...

Бирок эрталаб қарасам, дўстим, сен билан ҳали гаплашамиз, дегандек, мендан юзини буриб олган, қовоғидан қор ёғаяпти... У жияни билан йўл-йўлакай хайрлашди, шаҳарга қайтаётиб, машинада ҳам ойнага нигоҳини елимлади, қани мен ёки Сайфига кўз ташлаб, миқ этса!

Нихоят, Сайфи машинасида жўнаб, катта йўл бошида иккимиз қолдик. Абдуакбар мени енгимдан тортди.

– Менга қара, гап бундай... – деди дўстим гапгин қиёфада. – Сен мен билан уришмоқчи экансан, юр, бирон четроққа чиқиб, очикчасига муштлашамиз...

– Мен сен билан уришмоқчи эмасман, – дедим секин.

– Бўлмаса, кеча нега мени урдинг?

– Ўзим билмай... Тушимда қандайдир безори. Бандит...

– Демак, мен безори... – баттар аччиқланди Абдуакбар.

– Йўқ, у бошқа. Сен...

– Бўлмаса, мени нега урасан? Сен билмайсан, мен кечаси бўйи қайтиб ухлаёлмадим...

– Яна бир марта узр, дўстим. Оғриган бўлса...

– Оғригани йўқ, – тажангланди Абдуакбар. – Мен сен ҳақингда ўйладим. Мени дўстим, дема. Сен жўрттага мени ургансан...

– Жўрттага эмас... Тушимда биров менга ташланди, мен ҳам...

– Биров ташланса, ўшани урмайсанми! Демак, қачон сени биров урса, сен мени урар экансан-да... Жияним олдида ҳар ким мени ураверса! Қўлим остида ишлайдиган Сайфи нима дейди? Сен ҳеч бўлмаганда шуни ўйласанг, мени урмасдинг!

– Майли, кечирим сўрадим-ку! Иккинчи бундай қилмайман, – дедим дўстимнинг гапларидан таъсирланиб.

– Йўқ. Кейинги ҳафта яна тоққа чиқамиз, мен ҳам сени тушимда ураман, кейин тенг бўламиз, – туриб олди Абдуакбар.

– Э, бор, билганингни қил! – дедим бардошим тугаб ва қўл силтаганча ундан узоқлашдим.

* * *

Шундан сўнг Абдуакбарни кўрганим йўқ. Дўстимни баъзан эслаб, дўстсиз қандай яшаётганимга ажабланганимдан, хўрсиниб қўяман. У хотини (Ҳалима) дан ажраб, бошқа ёшроқ хотин олгани, ишда обрўси ошганини эшитиб хурсанд бўлдим. Абдуакбар билан аввалдан иккимизнинг киндигимиз боғланган, уни тасодифан ҳам (мен ношукур банда) учратмай, деб кўп ўтмай, Тошкентдан чекка бир туманга (шаҳарчага) ишга келдим.

ИЛОВА

(Муаллифнинг изоҳи)

Она атрофидаги болалардек, ҳар қандай катта шаҳарни бир қатор кичик шаҳарлар қуршаб туришади. Одатда, бу шаҳарларда ҳаёт анча осойишта кечганидан, арзимаган воқеалар ҳам одамларда баъзан ғавқуллоқда таассурот уйғотади. Гўёки аҳамият касб этади.

Абдуакбар шаҳарчага келганида, шундай бўлди. Аммо бундан муҳимроқ гаплар бор... Тақдир тақозоси деймишми, тасодифми, Абдуакбар ўзи билмаган ҳолда юзлаб туман (шаҳарча) орасидан Бекқул яшаб турган жойни танлаб олган эди.

Унинг бир куни шаҳарчага кириб келишидан Бекқулнинг ҳам хабари йўқ эди. У Арслонқул ота ҳақидаги гапни тўқиб ташлаганида, чиндан ҳам жонажон дўстининг отаси ёдига тушмаган, қарияни кўзда тутмаган эди. Айниқса, оддий бир ҳазил катта ишларга сабаб бўлишини ўйламаган эди.

Абдуакбарнинг шаҳарчага «томдан тараша» қабилида «тушгани»ни Бекқул кўпчилик қатори билган бўлса, Абдуакбар хотинчаси Қумри бону орқали шаҳарчадаги барча «курси эгаллаганлар» рўйхатини туздириб, бу рўйхатда Бекқулнинг ҳам борлигидан ажабланган ва сал паршонланган эди.

Орадан кунлар ўтса-да, улар бир-бирини кўришга шошмаётган эди. Нега?!

Аввало, кўнгилсиз ҳолатда хайрлашишган эди. «Сенинг энг ёмон душманинг сендан узоқлашган дўстинг» мазмунидаги қизиқ гап учрайди. Бир-бирини кўришга уларнинг кўзи учмаётган эди. Кейин, улар ёшлиқдан дўст бўлишса ҳамки, уларга аслида кўришгандан кўришмаган афзал туюлмоқда эди. Албатта, ҳаёт талаб қилса, ўлганнинг кунидан кўзни чирт юмиб бир-бирингга қўл узатавериш мумкин. Аммо бу осон эмас. Булардан ташқари, яқин дўстлар (хатто эр-хотин) орасида ким кучли, деган аҳмоқ гап юради. Бири юқори келиб, бошқаси паст тушмагунча дунё тўнтарилиб тураверади. Бекқул билан Абду-

акбар аввалдан майдонга кирган, бири иккинчисидан ўзини билимлироқ, ақллироқ деб тушунар эди. Бу ички низо то хозиргача ҳал бўлмаган эди...

Шаҳарчада ҳаёт шу тарзда давом этаётиб кутилмаганда гишт қолипдан кўчди. Бемаъни жойи шунда эдики, ишнинг бундай кўчишига Бекқул беихтиёр «хизмат» қилиб қўйган эди! Одамларнинг Мухитдин Мансуровичга қарши хужуми яланг ердаги гулхандек гоҳ сўниб, пасайиб, гоҳ аланга олаётиб, ниҳоят гуриллаб ёнди. Халқ Мухитдин Мансуровични, бир томондан Арслонқул отанинг ўғли Абдуакбарга афт-ангори ўхшамаган ҳолда машинани ўзлаштирди, деб айблаб, иккинчи томондан бунга зид, ёлғон тўкиб бизни алдади, деб қоралашга тушди. Ҳар ёққа юмалоқ хат ёзиш билан кифояланмай, уч-тўрт кишилиқ гуруҳлардан иборат вакилларини шикоят билан одамлар катта шаҳар (Тошкент, деб қабул қиламиз)га юбора бошлашди. Бунинг натижаси шу бўлдики, Мухитдин Мансурович ишдан бўшатилиб, унинг ўрнини... Абдуакбар эгаллади!

Бекқул энди кечалари уйда ойна олдида ўтириб, сочини биттадан юлса арзийди.

4

ҲАММОМ ВОҚЕАСИ

(Кийимсиз ҳолат)

Бу воқеа айни Мухитдин Мансурович бўшаб, унинг ўрнига Абдуакбар чиққан пайтда рўй берди.

Бекқул бир куни хотини Вилоят билан ҳаммомга борадиган бўлиб колди.

Шаҳарчада эскидан одамлар кўниккан. Уйда гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ сувни бир ҳафта-ўн кунга беркитишади. Кувур ёрилганми, электр қуввати камми?! – важ-карсон топилади. Бундай пайтда чой-овқат учун кўчадан челақда сув ташишга ёки идиш-товок, кир ювиш учун газда сув қайнатишга тўғри келади. Бунинг барчаси гўрга, чўмилиш қийин. Ҳатто одамга ўхшаб ювинолмайсан.

Ўша куни шароит шундай эди.

Вилоят одатича беозор тўнғиллаб, норозиланди.

Беккул кифтини қашиб қўйиб, хаёлга чўмди. Газетада шу ҳақда бир нарса ёзиш керак экан, деб ўйлади. Лекин дарҳол бу фикрдан қайтди. Янги раҳбарга ёқадими, йўқми?! Эски яра кам, туз сепишга бало борми?

Кейин у Вилоятга юр, хотин, яхшиси ҳаммомга борамиз, деди.

Вилоят аввалига саросималанди. Иккиланди. Эри аниқ отланаётганини кўргач, илож-ноилож у ҳам совун билан сочиқни халтага солди.

Беккул шаҳарчадаги ҳаммомни бу ерга келган кунидан билади. Баъзан бориб туради. Аммо хотини ҳеч бормаган, унга эргашиб биринчи марта бориши эди. Шу босидан, улар шаҳарча этагидаги ҳаммомга яқинлашганда, Беккул тушунтирди:

– Бу ерда эр-хотин бирга чўмиладиган хоналари ҳам бор. Хоҳласанг, шунақасига тушамиз!

Вилоят ўқрайиб қаради:

– Уялмайсизми?!

У эрига ҳам ўзини ҳадеб, ортиқча «кўрсатиб» юрмайдиган хотинлар жумласидан эди. Турмуш қуришганига ўн йилдан ошганига қарамай, баъзи ҳолларда ҳамон эридан уяларди.

– Майли, сен аёллар бўлимида ювинасан. Мен эркаклар... Тахминан бирон соатда чиқиб, сени эшикда кутаман, – деди Беккул.

Шаҳар янгими, эскимми, каттами, кичикми ҳозирги кунда кўпчилик уйда ювинади. Шу билан бирга, ҳаммом иши касодга учрамаган. Одам топилиб туради! Бунинг устига, мрамар ховузлиари-ю, майшат қиладиган хоналари бор янги ҳаммомлар ҳам пайдо бўляпти! Шаҳарча этагидаги ҳаммом эса қадимий, минг йиллик эди. Бино чўккан, ярми ернинг тагида, бироқ катта гумбаз, уни қуршаган кичик гумбазлар бари бир маҳобатли.

Эр-хотин патта олиб, нақшинкор гужум дарвозадан ичкари киришди. Дағал тош зиналардан пастга энишди.

Ниҳоят, Вилоят чап қўлдаги эшикка, Беккул ўнг қўлдаги эшикка қараб юрди.

Ҳаммомдаги бўлим – ўртасида айланма тошсупа жойлашган кенг-мўл бир хона ва унинг атрофида олди очик айвон шаклида қурилган бир неча тор хонадан иборат эди.

Беккул тоғора кўтариб кирганида, тонгги тумандек ҳаммаёқни оппоқ буғ қоплаган эди. Ҳаммомда одам кўп. Бировлар яланг супа четида ўтириб ювинишар, яна бировлар тор хоналарда тик туриб бошидан сув қуймоқда, бошқалар икки ўртадаги уч-тўрт кишига мўлжалланган супачаларда ором олмақда эди. Беккул машҳур бир адиб ҳаммомдаги одамларни юнон хайкалларига ўхшатганини эслади. Театр сахнасида ҳаммомни кўрсатганда, актёрлар ўша юнонми ёки ҳиндуларга ўхшаб оқ бир матони елкалари аралаш танғиб чиқишади. Одоб сақлашади! Бу ҳам унинг ёдига тушди. Тўғри, сўнгги пайтлар баъзи бир мамлакатларда ҳаммомни кўрсатмаганда ҳам, актёрлар яланғоч бўлиб ўйнайверади. Лекин бу энди бошқа кўча.

Ҳаммомда кимлар бор, танишми, нотанишми? Беккулни ҳозир кизиқтирмаётган эди. Тезроқ ювиниб, Вилоятдан олдинроқ кўчада бўлиш ташвишида эканлигидан, тоғорани сувга тўлдириб, одам камроқ бир бурчакка ўтди. Бўш жойга кўнди. У яна хаёл сура бошлади. «Одамнинг хайвондан фарқи либос!» деган гап учрайди. Унинг болалик йиллари (Бухорода) ҳеч ким ҳаммомда лунги боғламай юрмас эди. Энди одамлар бир-биридан уялмайди-ган бўлиб кетди. Бу – Беккулга ҳам тегишли. Ана, қип-яланғоч ҳолда ўтирибди.

Шу пайт лунги тақиб, олақарғадек ҳаммадан ажралиб турган кишига беҳосдан кўзи тушди. Кекса, албатта. Мулла бўлса керак.

Диққат қилди-ю, шошиб қолди.

Қария фаррошлар клубининг уч қоровулидан салобатлироғи, обрўлироғи – Соли почча эди.

Соли поччанинг анча такаббур, бадфеъл киши эканлиги ҳаммага маълум эди. Жазаваси тутиб оғзида кўпик йиғилган туядек, у ўзи ёмон кўрган кишининг бетига

баъзан лунжини шишириб носвой тупуришдан ҳам қайтмасди. Аммо яхши кўрган кишисига, керак бўлса хизмат қилар, жонини берарди. Беккул Соли почча билан шунчаки таниш эмас, Подачи туманидаги Қўйбоқар маҳалласида унга қўшни ҳам эди.

Ўзи кадрлаган қарияга Беккул ҳаммомда юзлашишни истамасди. Ҳозирги турки-тароватда рўпара бўлишдан хижолат ҳам чекарди. У: «Хатто ўғил – отаси, қиз онасига ёки ота ўғлига, она қизига бепарда кўриниши раво эмас!» деб билар, болаликдан шундай тарбия олган эди. Лекин ҳаммом – ҳаммом-да, аксига қария сув олмоқчими, шу ёкка келаётган эди. Беккул ўзини четга тортиши қийинлиги, ана-мана Соли почча бари бир уни кўриб қолишини хис этиб, тоғорани тез устига ағдарди. Ўрнидан туриб, тоғора билан ўзини паналади.

Ҳа, шу аснода қариянинг унга кўзи тушди.

– Бормисиз, таксир? – деди тўхтаб. – Сизни кўрмаганимга минг йил бўлди.

Дарҳақиқат, улар кейинги кунларда бири-бирини кўрмаган эди.

– Яхши қўшни қариндошдан авло, – сўзни давом эттирди Соли почча. – Қариб қолдим. Биздан хабар олиб туринг. Дуо қилинг. Кетадиганларга қоладиганлардан дуолар керак!

– Узр, ота. Албатта, бир кираман, – ваъда берди Беккул.

У қариядан узоклашиб, кўзга ташланавермаслик учун четроқдан жой излади. Сув олгани кетаётган эди, Соли поччанинг ҳамкасблари Махсум ака ва Бурҳон тоғани кўриб қолди. Булар ҳам кекса, аммо лунги боғлашмаган эди. Беккул булардан «қочиш»га уринмади.

* * *

Ёши, даражаси улуғ одамга, аёлларга биринчи қўл бериш, шошаётган кишини тўхтатиб узокдан гап бошлаш, хилват жойда саломлашиш одобга кирмайди. Ҳаммомда ҳам яланғоч эканлигинга қарамай, ўзни тутиш одоби бор.

Беккул шу ҳақда ўйлаётган эди, хаёли бўлинди.

Биров унинг тирсагидан тутган эди:

– Салом, бош муҳаррир! Менга сиз кераксиз! Келинг, бир жойда ўтириб, икки оғиз гаплашайлик.

Беккул Тошбек Қодировга бақрайиб қараб қолган эди.

Ҳаммом тирсакдан тутадиган, суҳбат қурадиган жойми?! Балки катта ховузларида чўмилиб, пиво, арок ичиб, бир нарса тишлаб ҳам оладиган янги ҳаммомларда бу табиий ҳолдир?! Эски ҳаммомга бу сира тўғри келмайди. Лекин Тошбек Қодировга буни тушунтириб бўлмайди. Ана, у Беккулни оғиз очишга қўймай, супа четига ўтирғизди:

– Сиз ичимдагини топ, экансиз. Шу инсофданми, мусулмон! Акбархон акамни неччи ой биздан яширдигиз! Майли. Ўтганга саловот. Менинг баъзи саволларимга жавоб беришингиз шарт. Биринчи. Сизнинг хотинингиз Абдуакбар аканинг хотинлари билан яхши танишми?! Иккинчи. Каттакон шўр нарсаними, нордон нарсаними, аччиқ нарсаними, чучук нарсаними – қайси бирини кўпроқ ёқтирадилар?! Оталари, азиз Арслонкул отамиздан «бор товоғим, кел товоғим» деган гапни ўрганганмилар?! Чақирсак, у кишини олиб кела оласизми ёки йўқми?!

– Эртага идорага кириб, қанча савол бўлса, бемалол, – деди Беккул ва ўрндан силтаниб туриб, тоғорани кўтарганча, асабий ҳолда нари кетди.

* * *

Бундай бўлиши ақлга сиғмасди.

Бу кун шаҳарча аҳлидан кўпчилик ҳаммомга тушган эди.

Аслида, Беккул янги ҳаммомга бормади, бир томондан, олифталикдан табиатан узоқ эканлиги, иккинчи томондан, одамлар асосан у ёққа боришади, деб ўйлагани сабабли, бу ёққа келган эди. Кўрмайсизми, аксига Беккулнинг эски ҳаммомга тушишини пойлагандек, бугун ҳамма ўзини шу ёққа урган эди. Қаёққа қарама, таниш бир афт-башара кўзга ташланади. Хеч бўлмаганда, булар

(кўпчилик) ҳаммомга одам кирдан тозаланиш, покланиш учун киришини билишса экан!

Тошбек Қодировдан кейин Акмал Сотиболдиев унинг атрофида бир оз ўралашди.

Сўнг Махмуд Абдусаломов негадир ҳадеб илжайиб, бош ирғаб, икки-уч рўпарадан чиқди.

Булар майли. Дуппа-дуруст мавкега, обрўга эга Бахтиёров, Саъдиев, Шомуродов сингари шахслар ҳам Бекқулнинг шу ерда эканлигига эътибор беришгандек эди.

Бекқул олдингидан баттар қисиниб-бўғилди.

У тезроқ ювиниб бўлиб, ҳаммомдан чиқиб кетишни ўйлаганича, осойишта бир бурчак кидира бошлади.

Шундай жой топди ҳам...

* * *

Энди одамдек ювинаётган эди, кутилмаган ҳолат диккати жалб этди.

Тахминан ўн олти-ўн саккиз ёшлардаги тўртта йигитча девор тагида ғуж бўлиб, деворга қапишиб олган, хиринглаб бир-бирига алланималарни тушунтирар эди.

Булар Бекқулга нотаниш эди. Умуман, у шаҳарчадаги барча ёшларни танийман, деб даъво қилолмасди. Ҳеч қандай раҳбар (шаҳарча катта бўлмаса-да) бундай даъво қилолмайди. Унинг буларга айниқса иши бўлмаслиги керак эди. Аммо нега бундай туришибди, деб ажабланди.

Шуурсиз ҳолатда яқинлашди.

Деворда пичок дамидек тирқиш кўзга ташланар эди.

Орка томон – аёллар бўлими.

Бекқул девор ёнига бориб қаради.

Нари томонда бирор аниқ нарса кўринмасди.

Лекин Бекқулнинг бари бир феъли айниган эди.

У – ғирт ўзбек эди. Ўзи қайсидир аёлнинг бошини айлантирса (ёки аёл унинг бошини айлантирса) майли. Зиёни йўқ. Йигитчилик! Лекин хотинига ҳеч ким қармаслиги керак. Кўчада биров қаттиқроқ тикилса ҳам у рашк ўтида қовурилиб, типирчилаб коларди! Ана, унга ҳозир тирқишдан ҳамма нарса аниқ-аён кўринаётгандек,

муҳими, йигитчалар девор орқасидаги бошқа бир аёл эмас, нақ Вилоятга разм солиб, баданини томоша қилишаётгандек бўлиб туюлди. Жони халқумига келиб тикилиб, бошини қайси деворга уришини билмай қолди. Хотинини ҳаммомга бошлаб келганига чандон афсусланди.

Бирок Бекқулга йигитчалар билан, айниқса бу ерда дўппослашиш ярашмасди. Ёшдан ташқари, бу унинг даражасига муносиб эмас. Шу боисдан, ўзини қўлга олиб, уларга панд-насихат қилиш, девор олдидан уларни беозор четлаштиришни маъқул кўрди.

– Бу ишларинг уят, укалар! – деди эзилиб. – Бу аёллар бировнинг хотини, бировнинг онаси, опаси, синглиси! Наҳотки, шуни ўзларингга раво кўрсанглар?!

– Бобой! – деди йигитчалардан бири заҳарханда билан. – Кўзга дори бўлган нарсани қизғанаяпсиз шекилли. Биронтасига карамай, зотини унутиш керак экан-да!

– «Бошларида гоҳи шапка, гоҳи дастор авлиё». Ўзлари вақтида авлиё бўлганмилар?! – жеркинди иккинчи йигитча.

Қолган йигитчалар ҳам оғзини очишга улгурмасин учун Бекқул кескин сўз қотди:

– Мен ота-оналаринг сизларга шундай тарбия берган деб ўйламайман! Биз паст-баландни тушунадиган бир халқ. Фуруримизни топтаб, юзимиздаги пардани йиртиб ташлаёлмаймиз.

Бу – ҳаммомда айтгандан кўра кўпроқ газетада ёзса бўладиган гап йигитчаларга таъсир қилдими, хархолда, кейинги йигит (у орада «серка» бўлса керак) имо қилиб кўйиб, улар ортик индамай нари жилишди.

Бекқул уларнинг қайтиб келмаслигига ишонмас эди. Девор олдида ўтириб ювинишга қарор қилди.

Шу алфозда озми-кўпми вақт ўтди.

* * *

У бошини кўтариб, рўпарадаги кишини кўрди-ю, донг қотди. Муҳитдин Мансурович Бекқулнинг наздида йиллар бўйи –

ўзи ҳам,
сўзи ҳам,
насли насаби ҳам,
мансаби ҳам
ОЛИЙ Бир Одам –
бўлиб келган эди.

Беккул уни кип-яланғоч ҳолатда кўриш мумкинлигини тасаввур қилолмас эди. Унга қараб, кўзларини пирпиратиб, гангиб турарди.

Мухитдин Мансурович Беккулнинг ўзини йўқотганига парво қилгани йўқ. Имо билан юр бу ёкка, дегандек бўлди. Орқага бурилиб кетди.

Беккул кўксига тупуриб, ўрнидан кўзғалди.

Истар-истамас тоғорани кўтариб, Мухитдин Мансурович қўли билан кўрсатган томон илдам босди.

Шаҳарчадаги отнинг қашқасидек таниш барча обрў-эътиборли кишилар тўрдаги хонада тўпланишган. Улар давра қуриб, бош ювиб ўтиришар эди.

Этакда, бир четда бош миршаб Карим Бердиев халқдан ажралиб, афтидан посбонлик қилмоқда. Бўш тоғорани қорнига босганича, ногорадек чертмоқда эди. Ҳаммадан юқорида эса... Абдуакбар! Тўнтарилган тоғора устида, қорни овригандек, афтини бужмайтириб ўтирибди. У ҳозир биров мик этса, жаллод, деб юборадиган подшоҳларга ўхшар эди.

Беккул Абдуакбарни ҳар хил намойишда кўрган. Лекин бундай яланғоч кўрмаган эди. Абдуакбар анча ўзгарган ҳам эди. Маймундек ҳаммаёвини жун қоплаган. Қорин қўйган. Тепа сочи тўкилган. Қизик жойи (хаммомда) у катта кўзойнак таккан, қандайдир қора жилдни тиззасига қўйиб олган эди.

Беккулга яна бир нарса қизик туюлди. Олдинлар ўзини эркинми, эрка тутган шаҳарча аҳли ҳозир бу ерда шунчаки йўлига ювинаётиб, бошини эгиб олган эди.

Беккул Мухитдин Мансуровичнинг ёнидаги бўш жойга ўтиб ўтирди.

Шаҳарча аҳли аввалданок ҳаммани гангитиб қўйган Абдуакбардан ҳайиқиб, унга ҳурмат сақлаб туришар эди.

Беккулнинг ўтирганини кўргач, Абдуакбар жамоага юзланди:

– Бирон идорами, ҳаммомми, ходим бор. Сизлар шунақа? – у Беккулга қаради. – Беккул! Биз сен билан дўст бўлганмиз. Дўст бўлиб қоламиз! Аммо сен энди менга ходим. Кел, бўтам, бошқаларга намуна кўрсатиб, елкамни ишкалаб қўй.

Беккул саросималанди.

Одатда, одам дунёга яланғоч келади, яланғоч кетади, дейишади. Аслида шундай. Бироқ бу – ярим ҳақиқат! Туғилган гўдакни йўргаклашади. Жасад ҳам (бир куни) кафансиз кўмилмайди. Инсон фақат ҳаммомдагина яланғоч қолади! Яна... дунёга келган жужуқлар бари тенг бўлолмайди (бирини кимхобга ўрашади, бирини бўзга). Қабристонда ҳам барча тенг эмас (оддий дўнглик билан мрамар шоҳсупалар ажралиб туради). Тенглик фақат ҳаммомдагина бўлиши мумкин! Яланғоч кимса – шоҳми, гадоми?! – билмайсиз. Эҳтимол, шу боисдан, қадимда турли масхарабозлар, дарвишлар кўпинча ҳаммомда очик, қаттиқ ҳазиллашган бўлиб, ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни баён қилишган! Яланғоч киши билан гаплашиш ўнғайроқ. Ки-йим (мансаб, даража) муносабат тарзига айланади.

Беккул бир кўнгли, биз дўст бўлсак, тенгмиз, сен бошлиқ бўлиб, осмон бўлганинг йўқ, дегиси келди. Мен сенинг маҳраминг ёки қулинг эмасман, хизматчиман, холос, сенга эмас, халққа, мамлакатга хизматчиман, дейишга ҳам чоғланди.

Яна бир кўнгли, ўрнидан ирғиб туриб, орқага қайтиб кетишни мўлжаллади. Унинг хаёли бояги деворда эди. Йигитлар қайтиб тўпланиб олмадимикан, деб хавотир чекмоқда эди. Бу ерда ялпайиб ўтирганидан хафа бўлаётган эди.

Аммо у ўрнидан кимираётмади.

Фақат Абдуакбарнинг гапини эшитмаганга олди.

Беккул – ҳам Бек, ҳам Қул эди!

Кони-жонида бекликми, қуллик, қай бири устун? – шу сонияда тарозида тортиб кўрмоқда эди. Бир томондан, ўзини камситишга йўл қўймаслик керак. У – сўз кишиси, зиёли

киши, мансабдор олдида бир карра эгилса, тамом. Сўздан, зиёдан путур кетади! Иккинчи томондан, Беккул ёшлик йиллари Абдуакбарнинг бемаъниликларига кўп чидаган, доим унга ён берган. Энди орадан шунча йил ўтиб, яна денг, бегоналар олдида қайсарланиш хунук. Кибрланиб кетмадимми, деган истихоло-ю, одобни бузмаслик ташвиши. Абдуакбарнинг иродасига бўйсунмасанг, вазифангдан воз кечиш, ҳатто шаҳарчадан кетишга мажбурсан! Беккул икки ўт орасида қолган эди... У индамай, сувни шалолатиб ювинаверди. Мабодо Абдуакбар ҳозир кип-яланғоч бўлмаса, Беккул балки ўзини бундай бепарво тутмас эди!

Абдуакбар бир нафас Беккулга қараб индамай тургач, Тошбек Қодировни имлади:

– Қодиров, бўтам, сиз келинг!

Тошбек Қодиров ўрнидан вазмин кўзғалиб, тунд-фаромуш қиёфага кирди. У ҳозир, шунақаям бўладими, бунчалик эмас-да, деб юборадиганга ўхшар эди. Лекин бир лаҳза кўзлари чакчайиб, бировдан мадад кутгандек, ўнг-сўлга қарагач, бўйнини қисди. Абдуакбарга яқинлашиб, меҳр билан унинг елкаларига совун сурқай бошлади.

– Бўлди, – деди Абдуакбар. – Акмалбек тўра! Сиз, бўтам! – Туядек чўкиб ўтирган Акмал Сотиболдиев дарҳол қаддини ростлади. Лапанглаб яқинлашгач, тўнғиллади:

– Мен жоним билан. Битта шарт, отанинг машиналарини менга берасиз? Ўша машинани олмасам, ўламан.

Маҳмуд Абдусаломов ўз номи чиқишини кутаётгандек эди.

Зероки, ўша машина («Чархпалак») жанжали чиққан кунлардан буён унинг шаҳарчада Сотиболдиевдан ташқари, ғайирлик билан қарайдиган душмани кўпайиб қолган эди. Навбати етгач, ҳаммомда эканлигини унутдими, сапчиб туриб, жилмайганча бир қўлини кўксига қўйди.

Бориб «хизмат»ни бажо келтирди.

– Муҳитдин ака, Мен мардман! – деди Абдуакбар. – Эртадан уйда ётмай идорага келинг, менга ўринбосар бўласиз, олдингидек юраверасиз. Бир куни кетганимда, сизни ўрнингизга қайтариб кетаман.

Мухитдин Мансурович қанчалик ақлли, буюк инсон бўлмасин, бу гапдан ийиб, у ҳам Абдуакбарнинг ёнига борди.

– Биз сизга хизмат қиламиз, ота! – деди эшилиб ва Абдуакбарнинг елкаларини обдан уқалади.

Барчанинг юз-кўзида бир оз хижолат ва бунга эш мамнуният бор эди.

Тегирмон айланиб, яна Бекқулга мурожаат қилинадигандек эди.

Йўқ, Абдуакбар ўрнидан туриб, жилдни қўлтигига қистирганча, тоғорани ўзи бориб сувга тўлдирди. Кейин олдинги жойига эмас, Бекқулнинг ёнига келиб ўтирди.

– Эҳ дунё! Биз қачон одам бўламиз! Қачон меҳр-оқибатга ўрганамиз! – деди Абдуакбар. – Яқинда ўқидим. Бир пирнинг кавушини ювиб-артиш ўрнига муриди тили билан ялаб тозаллаган экан! – У мана энди Бекқулга тикилди. – Мен сенга бирон пайт ёмонлик қилдимми, оғайни?! Кулсанг ҳам, урсанг ҳам индамаганман. Бир-бирини ювиб қўйишнинг нимаси зиён?! Дўстлар учун менда ор йўқ, хоҳласанг кел, ўзим сени...

Бекқул мағрурланганига ўкингандек бўлди.

Иккиланди. Барчадан ажралиб қолганини сезди.

(Карим Бердиевдан бўлак ҳамма Абдуакбарнинг истagini бажо келтирган эди. Абдуакбар ёшлиқдан ичида миршаблардан бир оз қўрқар, ёшлиқда ичиб улар қўлига тушган пайтлари ҳам бор эди. Шу сабабдан, Карим Бердиевга лом-мим демаган эди. Карим Бердиев ҳамон бўш тоғорани қорнига босганича, секин чертмоқда эди).

Бекқул – ҳам Бек, ҳам Қул эди!

У бир томондан, ҳаммомда биз тенгмиз, умуман тенгмиз, аввалдан кўрсатган ўйининг яхши эмас, дўстим, деб Абдуакбарга танбех бергиси келмоқда эди. Иккинчи томондан, Абдуакбар энди олдингидан бошқа, шаҳарчада Биринчи Киши эканлигини ҳис этиб, у билан (ўйнашмагин арбоб билан!) кескинликка бориш хатарли эканлигига ақли етиб турганидан, узр сўрагандек бир гап айтсамикан, деб ўйлаётган эди.

Шу пайт Абдуакбар яна сўз очди.

У (Абдуакбар Абдуакбар-да!) кутилмаганда Беккулга деди:

– Менинг олдинги хотинимни биласан, оғайни. Ўзинг мени уйлантиргансан. Кейинги хотинимни ҳам кўрган бўлсанг керак, кўчада ўтирибди. Мен бировдан яширмайман! Лекин сен, шунча йил дўст бўлиб, менга ҳеч қачон хотинингни кўрсатганинг йўқ. Ақалли, узоқдан. Бирон тирқишдан.

Беккул боши айланиб, кўзи тиниб, йиқилишига оз қолди.

Нима бало, Абдуакбар Беккулдан, ҳатто ҳалиги йигитчалардан олдин деворда тирқиш борлигини билган, аёллар томон қараган эканми?! У нимани кўрди экан?! Нега бу ҳақда эзмаланиб гапиряпти?! Бўлмаса, киши ҳаммомда ҳам ўз хотини-ю, бировнинг хотинини эслайдими?!

Беккул жазава билан қўтарилиб, тоғорани чангаллаганича югурди. У йўли устида гаплашиб турган – лунги такқан Соли почча, соқол қўйган бўлишса ҳамки, лунгисиз Махсум ака ва Бурҳон тоғани – беихтиёр туртиб ўтиб кетди. Олди очиқ айвон шаклида қурилган бояги хонага келди. Унинг вазоҳатидан хуркибми, девор олдида яна тўпланиб олган йигитчалар бу гал ади-бадига ҳам бормай, ура қочишди.

Беккул деворга қапишиб, тирқишга қаради.

Тирқишдан аниқ бир нарса кўринмаса-да, Беккулга нари ёқда алвастига ўхшаб сочларини ёйган бир тўп аёл кўзи ўнгида жонлангандек туюлди. У очиқ-равшан аёлларни бирма-бир назаридан ўтказгандек эди. Булар орасида Вилоятни «тополмади».

Тоғорани уч-тўрт марта сувга тўлдириб, устидан авдарди. Кейин шошиб дахлизга чиқди. Апил-тапил кийиниб, кўчага отилди.

Ҳаммом эшигидан анча наридаги бир харракда Вилоят уни кутиб ўтирарди.

– Чиққанингга кўп бўлдими? – деб сўради Беккул.

– Ярим соат, – деди Вилоят. – Ўзингиз нега бунча тутилиб қолдингиз?!

– Эй-й... – қўлини силтади, гап тушунтиришни истамай Бекқул. – Юр, бошқалар чикқунча тезроқ уйга етиб олайлик!

5

ҲАР КАЛЛАДА БИР ХАЁЛ

(Изқуварлар)

Олдинлар Мухитдин Мансурович ҳафтада-ойда мажлис ўтказмаса, бошқа пайтлар керакли одамга кўнғирок қилиб ёки ҳузурига чақиртириб, гапини айтиб қўя қоларди.

Абдуакбар ишга киришиб кетгач, кунора мажлис расмга кирди. Тўғрироғи, Абдуакбар ўзи мажлис ўтказмасди, бу ишни Мухитдин Мансуровичга топширган эди. Мухитдин Мансурович қироатхонага барчани тўплаб, ҳар тўғрида «халқ билан» маслаҳатлашганми, суҳбатлашганми бўларди. Албатта, Абдуакбар мажлисда қатнашарди. Лекин у тўрда ўтириб раислик қилмас, қайсидир масалада нутқ ҳам ирод этмасди. Аксинча, оддий томошабиндек бир четдаги, дераза остидаги диванда ярим ёнбошлаб ўтирар, ахён-ахён гапга аралашиб, бўлиб-бўлиб тўрт-беш оғиз сўз айтарди.

Орадан кўп сувлар оқиб ўтиб, ҳаётда маълум ўзгаришлар рўй берганига қарамай, одамлар ҳамон Арслонқул ота ва машина можаросини унутишмаган эди. Баъзан йўллар аҳволи ёки бирон улов устида гап чикса, ўша машина нима бўлди қабилда кимдир секин «писиллаб» қўярди. Мухитдин Мансурович ўзининг даражаси бир поғона пасайганига сабабчи «машина»дан қандай «кутулиши»ни билмай саросималанар, ҳар гал Бекқулга эзилиб тикиларди. У Абдуакбардан кўрқар, энди Бекқулдан ҳам бир оз хайиқарди. Қизиқ жойи, Абдуакбар машина тўғрисидаги гапга тушунмаётгани кўриниб турар, сўраш ўрнига ўзини тушунаётгандек тутар эди. Бундан ҳам ўтадиган жойи, отасининг номи тилга олинаётганини сезмас ёки бунга эътибор бергиси келмас эди. Ахийри, бир куни у кутилмаганда бу гапга нуқта қўйди.

— Дадам раҳматлик ароқхўр бир одам эди. Лекин ўз ишига пухта эди. Бир уйи тоғда, бир уйи Тошкентда, Эски Жўвада, бир уйи Янгийўлда эди. Шунинг учун ичиб олиб, шалок бир машинада юрарди, — гапни узоқдан, ўз таржимаи ҳолидан бошлади Абдуакбар. — Кўпинча машинага фақат хотинларни миндирарди. Мен ҳам хотинларни миндиришга ўрганганман. Нега?! Аёллар ажойиб. Уларни яхши кўриш керак. Улардан ким, қандай эканлигидан қатъи назар, бошга кўтариб юриш керак! Хотин бўлмаса, бизни ким туғарди?! Шундай эмасми?! Биз шўрликлар, ўзимизни ўйлаймиз, кўрмиз-да, кўр... Шаҳарда ортикча машина кўп. Ана, бизнинг идорада учта машина бор экан! Мен иккитасини хотинларга совға қилдим. Миниб юришин! Сизлар тама қилманглар. Мен бор эканман, фойдаси йўк... Қандай янги машина чиқса, хотинларга берамиз!

Шундан кейин бу ҳақдаги гап кўмилгандек бўлди.

Абдуакбар мажлисларда кам сўзласа ҳамки, ҳар гал шундай «доно» фикрларни ўртага ташлар, барчани чай-катиб юборарди.

Ҳар гал кутилмаган турфа гаплар чиқарди.

Бир куни мажлисда сўнгги пайтлар кишлоқларда эшак камайиб кетгани ҳақида гап очилди.

Абдуакбар негадир ҳаяжонланиб кетди.

— Бу нима дегани?! — бўғилди Абдуакбар. — Эшаксиз қийин. Одамлар эшаксиз қандай яшайпти?! Болаликда биз эшак бўлмаса, қишлоқни тасаввур қилолмасдик. Бизнинг биринчи минганимиз эшак эди...

Бошқа бир куни гап паррандалар устида борди.

Абдуакбар яна ҳаяжонланди. Гапга бехос аралашди:

— Менимча, бешта-ўнта товукқа битта хўроз етарли. Улар ҳам эркак билан хотинга ўхшаган-да! Товукни кўпайтиравериш керак...

Шаҳарча аҳли аксар Абдуакбарнинг сўзларидан кулишар, у эса боплаяпман, деб ўйлаб ҳаммага бирма-бир маъноли қарарди.

Беккул ажабланди. Олижаноб қалбли, билимдон дўсти шу феъл-атвори билан катта лавозимларда ишлаган, мана,

энди шаҳарчани ҳам бошқармоқда эди. Буниси – бир томон, иккинчи томони – ажабки, Абдуакбар (шу феъл-атвори билан) шаҳарчада аллақачон ҳаммани ўзига бўйсундирган, хаттоки қандайдир кўркитиб ҳам олган эди. Бирон киши унга масалан, кўтар аравангни, дея олмас эди. Барча унинг оғзига тикилиб яшарди.

Инсоф юзасидан, Беккул хавотирланиб юрганига қармай, Абдуакбар ҳаммомда ўзининг «кучлироқ эканлиги»ни намойиш қилгач, унга зулм ўтказишга тушмаган эди. Аксинча, ёшлиқда дўст бўлишганини қадрлаб, Бекқулни ҳамма жойда (хатто ҳаммомда) бошқалардан юқори мартабага кўтарган эди. Ахир, шаҳарчада одамлар Бекқулга энди шунчаки муҳаррир эмас, Абдуакбарнинг бирга ўсган дўсти, деб қарашар, гўёки у бирон нарсани ҳал қиладигандек, унга ҳам керак бўлса, хизмат қилишга шай ҳолатда туришарди.

* * *

Бир пайтлар қўли кичиб «маданий хабарлар» ёзишга одатланган Абдуакбар Бекқулга фақат шу борада орасира зулм ўтказиб турарди – катта, худди нутқлари сингари ғиж-ғиж ақлдан иборат мақолалар ёзиб, газетада турли имзолар билан бостиришни йўлга қўйган эди. «Зиёлидан чиққан» раҳбар бўлганидан, гоҳ кўришганда, гоҳ кўнғироқ қилиб, муҳаррирга муттасил кўрсатма ҳам берар, баданни кичитадиган жойи, бу кўрсатмалар ҳам доим куюшконга сиғавермайдиган эди.

Бир куни у Бекқулга яна кўнғироқ қилди.

– Шаҳар четида миршаблар мактаби бор экан. Марказдан кўчирилган катта тошнинг қаршисида, – деди Абдуакбар шошмай. – Эртага азонлаб уйингга машина келади. Сени ўша ёққа олиб боради. Ёш миршабларга шаҳарча, янгиликлар ҳақида гапириб берасан. Оддий суҳбат. Карим Бердиевнинг ўзи ҳам қатнашади, – у жилла ўйланиб, қўшиб қўйди. – Менга қара, ёшлиқ йилларимизни эслаб, уларга ҳар хил гапни гапириб юрма. Улар миршаб! Тушундингми?!

– Тушундим, – деди Бекқул.

– Айникса, Кўр Шермат тўғрисида оғзингдан гуллаб ўтирма, – деди негадир кутилмаганда Абдуакбар. – Газетада ҳам бу ҳақда ёзманглар. Сен Кўр Шерматни эшитмагансан! Билмайсан! Гап тамом. Вассалом. Тушундингми?!

Бекқул бу гал «тушундим» ёки «тушунмадим» дейишга улгурмай, Абдуакбар дастакни ўрнига қўйди. Киска гудок эшитила бошлади.

Кўрсатма аниқ, лекин кейинги «тушунтириш» Абдуакбарга хос: «боғданми, тоғданми» эканлигини билиб бўлмас эди.

Миршаблар билан учрашиш қийин эмас. «Колхозимиз бўлди обод, мен йиғламай, ким йиғласин» қабилида, кўзингга севинчдан ёш олиб, шаҳарча, янгиликлар хақида сўзлаш ҳам ҳамирдан қил суғургандек гап! Бекқул кўп жамоаларда баъзан бундай учрашувларни ўтказиб турар эди. Абдуакбар билан бирга ўтган ёшлик йилларини эсламаслик ҳам мумкин. Булар тушунарли, албатта! Лекин дўсти нега Кўр Шерматни орага тикиштирди?! Кўр Шерматга бу ерда нима бор?! Бутун муаммо шунда эди... Бекқул паришонланган, боши қотган эди. Ахийри, бўлгани бўлар, Абдуакбарни энди кўриб турибсанми, деган хаёл билан ўзи-ўзини тинчитишга уринди.

Эртаси азонда икки ёш миршаб машинада уйга келишди. Бекқулнинг уйи миршаблар мактабидан атиги уч-тўрт бекат эди. Ўзи ҳам бораверса бўларди-ку, иззат учун машина юборишганди. Абдуакбар айтган-да!

Аmmo йўлга тушишгани заҳоти, ҳайдовчи ўрнида ўтирган миршаб йигит, ёнидаги Бекқулга кўз қирини ташлади:

– Кўр Шерматни эшитгандирсиз?!

Бекқул бир сапчиб тушди. Кечаси ёмон ухлаган, ҳамон ланж ва паришон эди.

– Сиз билишингиз керак, ака. Газетчисиз! – тагдор сўз котди орқада ўтирган миршаб.

Абдуакбар майли, бу йигитлар нега Кўр Шерматдан гап очишганига тушуниб бўлмасди. Бекқул оғзини очса ковун туширадиган ҳолатда эканлигидан:

– Ха, энди Кўр Шермат... – деб фўлдиради.

Абдуакбарнинг «ярим-ёрти» гапи мағзини чақиб, одамларга нимадир дейишга тўғри келадиганга ўхшар эди. Бекқул кечагидан баттар боши шишиб, нимани айтиб, нимани айтмаслиги кераклигини билмаганидан, учрашувдан олдинроқ ўзини йўқотиб қўйган эди. Айниқса, бу кунги шаҳарча хаётига Қўр Шерматнинг нима дахли борлигию нега бир пайтлар ўтган машҳур қўрбошининг номи орага «кириб колгани»га тушуниб бўлмаётган эди. Бундан Бекқулнинг қони қайнаётган эди. Аммо у бари бир, ўзини қўлга олиб, чора топишга мажбур эди.

Бейхтиёр чуқур хаёлга чўмди. Китобларда ўқиганини эслади.

Шер Муҳаммад Бекни душманлари ўнг қўзи ожиз бўлганидан, шундай деб аташган. Фарғонада, Тошлок туманида дунёга келган бу одамнинг ота-боболари Қўқон хонлигида вазирлик, беклик даражасида бўлишган. Унинг Тош Муҳаммад Бек ва Рўзи Муҳаммад Бек деган акалари, Нур Муҳаммад Бек деган укаси бор эди. У ёш йигитлик пайти мардикорликка олиниб, олис бир ерларда кезади. Жанг-жадални кўради. Тўнтаришдан кейин юртга қайтиб, озодлик учун кураш майдонига киради. «Туркистон туркистонликларнинг юртидир, унга бошқа ҳеч кимнинг эгалик қилишга ҳаққи йўқ!» дейди. Беш йил тинимсиз от суриб, бу йўлда курашади. Озодлик душманлари: «Мадамин Бек қўрбошилар орасида энг кучлиси бўлса, Шер Муҳаммад Бек шубҳасиз, энг хавфлисидир!» дейишади. Шу билан бирга: «У аҳоли ўртасида жуда катта обрў-эътиборга, шухратга эга!» деб тан олишга мажбур бўлишади. Шер Муҳаммад Бек Олий Бош кўмондон – «Амир ал-муслимин» даражасига кўтарилади. «Илмга чанқоқ, хаётда жасур эди. Ясан-тусанга бепарво, камтар, камгап, адолатпарвар эди. Бирон пайт бетаҳорат от минмасди. Қўли остидагиларга талабчан, душманларга нисбатан аёвсиз эди...» – Шер Муҳаммад Бекка уни билганлар яна шундай баҳо беришади. У беш йиллик оғир курашдан натижа чикмагандан сўнг, тақдир тақозоси шу эканлигини ҳис этиб, Афғонистонга кўчиб кетади. Афғо-

нистон, Хиндистон, Покистон, Амрико, Туркияда мухожирликда яшайди. Эллик йилга яқин умри саргардонликда кечади.

Бу эски тарих. Фақат Бекқул газета мухаррири бўла туриб, овлоқ бир шаҳарчада кўрбошига нега бирдан қизиқа бошланганига ҳеч ақли етмаётган эди. У икки миршаб билан машинада кетаётиб, фаромушланиб-довдираган ҳолда бу гап ҳадеб кўзгалавермас, балки йигитлар шунчаки гапиргандир, деб умидланаётган эди, холос.

Йўқ! Машина миршаблар мактаби эшигига етиб келиб, ичкарига кириб-кирмай Бекқулни кўлтиқлаб ўз хонасига бошлаб кирган бош миршаб Карим Бердиев ҳам «тарих»дан гап очди:

– Шаҳар ободончилиги яхши. Лекин одамлар сиз бир пайт ёзган, Арслонқул ота ихтиро қилган машина билан Кўр Шерматга кўпроқ қизиқади. Иложи бўлса, шулар хақида ҳам учрашувда икки оғиз...

Бу – Абдуакбарнинг кўрсатмасига буткул зид эди.

Бекқул жилла курса Карим Бердиевдан гапни «аниқлаштириб» олмоқчи эди, лекин оғиз очишга улгурмади. Бояги икки ёш миршаб эшикни очиб:

– Одамлар тайёр. Кутишяпти! – дейишди.

Кейин Бекқулни оёғини ерга теккизмай, қарасанг кўз тинадиган катта кироатхонага олиб чиқишди.

Бекқул биринчи галда кироатхонада миршаблардан ташқари кўчадан ҳам одам кўп эканлигига эътибор берди. Маҳмуд Абдусаломов дейсизми, Акмал Сотиболдиевми, Тошбек Қодиров... Соли почча, Махсум ака, Бурхон тоға! Бош раҳбар ўринбосари (унга шу иш юкланмайдими!) Мухитдин Мансуровичнинг ўзлари-ю, негадир ўғил-қизлари... Зулайхо билан Баҳригул. Кўзойнак таққан аёллару бошини ўраган кампирлар... бир сўз билан айтганда, бутун шаҳар кўчиб чиққан. Бундан Бекқулнинг баттар хол-мадори қуриди. Абдуакбар уни ўсал қилиб, ишдан бўшатмоқчимикан?!

У хаёлини йиғиб олишга улгурмай, бош миршаб:

– Бекқул акани ҳамма танийди, – деб қўйиб, тўғри минбарга йўналтирди.

Бекқул бор иродасини жамлади. Лекин ўйчан ҳолатда:

– Гапни нимадан бошласам экан... – дейиши билан, олдинги каторда ўтирган кекса бир миршаб:

– Кўр Шерматдан! – деб юборди.

– Кўр Шермат? Унинг бизга алоқаси кам, – деди салмоқлаб Бекқул, харҳолда озгина тарихнинг четини очишга қарор қилиб. Шу пайт анча орқада ўтирган Акмал Сотиболдиев ўрнидан сапчиб, бақирди:

– Нега алоқаси йўқ экан?! Сиз ўзингиз газетада ёзган машина масаласи ҳалигача аниқ бўлмапти. Хулосани ёзиб чиқмаяпсиз! Энди очиқ гапиришни истамай, Кўр Шерматни пардалаяпсиз! Бунақа эмас-да.

Акмал Сотиболдиевнинг шовқинидан қаноат ҳосил қилмай, Маҳмуд Абдусаломов ўтирган ўрнидан чийиллади:

– Бизга алоқаси бор! Биз шаҳарчада қачонгача кўрқиб ўтиришимиз керак?! Бостириб келмайди, деб ким кафолат беради?!

– У ўлган. Қанақасига бостириб келади?! – ўзини тутолмай бўғилиб деди Бекқул. – Мен айтмоқчи эдим, бугунги кунда Кўр Шерматга нисбатан муносабат бошқа. Янги. Кечаги ўлчов, баҳо...

– И-е, и-е, сиз кизик экансиз-ку! – деб юборишди учтўртта миршаб.

Карим Бердиев сувдонни чертди:

– Биродарлар, мақсаддан узоқлашяпмиз. Бекқул ака, ўзингиз бир бошдан...

Бекқулга бош миршабнинг гапи мадад бўлди.

Шу орада у қандайдир англашилмовчилик бўлаётганини ниҳоят ҳис этди. Яна бир карра, умуман гап нимада эканлигини билмаганини бўйнига олиб, ўзича бир оз муғамбирлик ишлатиш хаёлига борди. Афтидан, бу шароитда шундан бўлак йўл ҳам йўқ эди.

– Азизлар, мен тушундим, – деди Бекқул. – Сизларга бор гапни рўйирост айтиб бераман. Илтимос, шошманглар. Мен адашиб, чалғиб кетмай... Энг аввал, шаҳарчамиз

хаёти. Бундай шаҳарча дунёда йўқ. Боғ кўп, гул кўп. Сув кўп. Бу жой қадимдан файзли бўлган. Лекин Акбар ака-миз келгандан кейин, янаям яшнаб кетди. Янги йўллар, кўприклар, бинолар. Мана, Акбар ака шаҳарчага келган куни марказдан кўчирилган биргина тош. У ёқда хунук бўлиб ётган эди, бу ерда жойини топди. Рўпарада миршабларнинг метиндек иродасини акс эттириб турибди...

– Акбар акам кеча-кундуз ўйлайдилар! – деди орқарокдан аёл овози. Бекқул қараса, Абдуакбарнинг хотини Кумри бону. У ҳам учрашувга келган экан.

– Албатта, ўйлайди! Шундай бир киши чиқиб, ҳамма учун ўйлаши керак дунёда. Биз ўйлашимиз шарт эмас. Биз ўз ишимизни қилаверишимиз керак... – Шу тахлит кетаверди. Ҳар қандай муаммони одамларнинг эсидан чиқаришнинг энг яхши, қулай йўли гапни «айлантириш», дейишади. Бекқул учрашувни бир соатлар ичида «юмалоқ-ёстиқ» қилиб ташлади. Бошланишдаги баҳс, мушкул саволлардан одамлар ўзлари сезмай, жуда узоқлашиб кетишган эди.

Учрашув давомида бош миршабнинг қўл телефони бир-икки жиринглади. У ташқарига чиқиб гаплашиб келди. Буни ҳамма табиий ҳол, деб тушунди.

Қисқаси, Карим Бердиев яна Бекқулни қўлтиқлаб бир пиёла чой ичгани ўз хонасига олиб кирди. Учрашув ўтиб то ҳозир Бекқулнинг хаёлидан, эски бир тарих шаҳарчани нега «қимирлатиб» қўйди экан, ўзи нима бўлган, деган гап кетмаётган эди. Унинг бахтига бош миршаб чой хўплаётиб, шу ҳақда сўз очди:

– Кечадан буён осойишталик йўқолган.

– Кўр Шермат учунми?

– Кўр Шермат... Қамокдан қочган. Хавфли жиноятчи!

– Эй, шунақа демайсизми?! – нафас ростлагандек бўлди Бекқул. – Шунақа жиноятчи бор экан-да! Менинг бутун хаёлим олдинги кўрбошида. Акбар ака бундай тушунтирмади.

– Истамайди. Сиз газетачи бўлсангиз, ортиқча гапни ким ўзига юклагиси келади. Лекин биз биламиз... Шермат деган безори бола вақтида Акбар ака билан бир синфда ўқиган. Қадрдони бўлган! Кўзи ғилай, шундан лақаби Кўр

Шермат. Табиий, олдинлари кўришиб юргани, танигани Акбар аканинг айби эмас. Икки кун бурун у қандайдир йўл билан катта шаҳардаги қамокхонадан чиқиб кетган. Бизнинг шаҳарчамиздек четроқ бир жойга келиб, яшириниши эҳтимол. Акбар ака бундан кўркади. Тутиб жойига қайтариш керак.

– Сизларга Акбар ака кўрсатма бердимиз?

– Йўқ. Биз бу ҳақда гаплашмаганмиз. Бизга катта шаҳардан бевосита ўз раҳбарларимиз кўрсатма беришади... Шубҳали кишиларни текширяпмиз. Топилиб қолса, айта-миз... – Унинг қўл телефони жиринглади. Гаплашиб бўлиб, жилмайди. – Хайрият, катта шаҳарнинг ўзида тутишибди...

Бекқул шумлик қилиб сўради:

– Карим ака, сиз оқсоқол, кўпни кўргансиз. Бир куни Акбар акамиз қайтиб марказга кетиб қолсалар, синфдошлари номи қалқиб, таржимаи ҳолни бузиб қўймайдими?! Изтироб чекмайдиларми?!

Карим Бердиев яна жилмайди:

– Сиз ҳам ахир, у билан дўстсиз-ку. Лекин ҳар ким ўзича яшайди. Сизлар, ёзадиган кишилар, баъзан ҳар кимдан кулиб юрасизлар-ку, Акбар акага ўхшаганлар ўз ишини яхши билади. Керак пайтда сувдан қуруқ чиқиб ҳам кетади. Изтиробни биз чекамиз... шунга қарамай, кулиб юрганингиз дуруст. Кулишга нима етсин!

Ҳаёт ғаройиб-да! Бекқул бош миршабдан ўзича бир оз миннатдор бўлди.

* * *

Орадан икки йил ўтиб, чиндан ҳам Абдуакбар қўлида кора жилд (ичида нима бор, очгани йўқ) катта шаҳарга (Тошкент, деб тушунамиз) қайтиб кетди. Қайсидир туман ёки шаҳарчага келиб, маълум муддат хизмат қилиб, кейин кетадиган раҳбарлар озми?! Унинг шаҳарчадаги ҳаётига тегишли воқеалар ҳам шу билан тугади...

Лекин Бекқул у билан қачондир яна учрашишига қўнгилида алланечук ишонади. У катта шаҳарда яна-да юксакроқ бир лавозим эгалласа, ундан қаёққа қочиб қутуласан?!

Хаёлий манзаралар

МИНГ ЙИЛДАН СЎНГ

(Икки парда олти кўринишли манзара)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Биринчи деҳқон
Иккинчи деҳқон
Учинчи деҳқон
Тўртинчи деҳқон
Эртакчи
Пари
Ялмориз кампир

Воқеа шу кунларда... фирт тўқиб чиқарилган.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Томи лойшувок қилинган оддийгина қишлоқ уйлари. Улардан четроқда яна бир уй – Эртакчининг уйи...

Тонг секин-аста ёришаётган пайт...

Бўйнига ногора осиб олган Биринчи деҳқон уни чалганича, кириб келади.

Биринчи деҳқон (*сал пастроқ чалиб*).

Тургин, қишлоқ, ҳой қишлоқ,
Ухлаганинг етади.
Ухлайверсанг – иш чаток,
Умринг ўтиб кетади.

Ҳозир кўз очиб чакноқ,
Офтоб сени кутади.
Тургин, қишлоқ, ҳой қишлоқ,
Ухлаганинг етади...

(У ногорани энди яна кескин чалишга тушади. Уч томондан ўроқ кўтарган уч деҳқон кириб келишади)

Иккинчи деҳқон. Секинрок, биродар. Секинрок!
Биз турдик...

Учинчи деҳқон. Фойдаси йўқ. Эртакчи туриб,
уйдан чиқмагунча, у бари бир чалаверади. Унинг ўзи одати
шунақа, нахот билмасанг...

Тўртинчи деҳқон. Кўп гапирманглар. Ана-мана
чиқадилар Эртакчимиз (*уч деҳқон ўртага ўтиб ўти-
ришади. Биринчи деҳқон олдингидан ҳам кескин чала
бошлайди ва ниҳоят, сабри чидamay, Эртакчининг эши-
ги олдига келиб, ноғорага қўшганча эшикка ҳам таёқ
ура бошлайди*).

Биринчи деҳқон.

Сен турмасанг, бошқалар
Турганидан не фойда?
Бизнинг бутун иш қолар –
Сен ухлаб қолган жойда.

Дала бизга мунтазир.
Жон Эртакчи, тура қол.
Офтоб ёйилиб, ахир,
Кун ҳам бошланди алҳол...

*(У чалишдан бехос тўхтаб, эшикка қулоқ тутади.
Жимжит... Бошқалар ҳам чиндан офтоб ёйилиб қолгани-
ни пайқаб, ўринларидан турганча, эшикка қадалишади.)*

Иккинчи деҳқон. Биродарлар... Нима бўляпти
ўзи? Мен тушунмаяпман...

Учинчи деҳқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи деҳқон. Эртакчимиз мабодо кечаси
ухлолмаган бўлсалар, эрталабга бориб, донг қотиб қолди-
ларми, дейман...

Биринчи деҳқон. Йўқ. Ҳеч қачон унақа бўлма-
ган... Кечаси ухлаганми, ухламаганми, мен ҳар куни «Тур-
гин, кишлоқ»ни айтганимда, эшикни албатта очарди.
Баъзан ҳатто мен ноғора чалмасдан, остонага чиқиб, бизни
кутиб ҳам ўтирарди. Мен ноғорани бунақа қаттиқ ча-
либ, иккинчи ашулани камдан-кам айтганман... Ўзларинг
биласанлар, минг йилдан буён шу... Ҳар куни саҳарлаб
тўпланамиз. Эртакчи чиқиб, бизга ғаройиб бир эртак

айтиб беради. Кейин биз далага, ўз ишимизга кетамиз. Кечгача ўша эртақни эслаб, яйраб юраверамиз! Минг йил ичида Эртақчи бу тартибни бузгани ёки бунга риоя қилмаганини мен эслолмайман...

Учинчи деҳқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Иккинчи деҳқон. Демак, унга бирон нима бўлди-микан? Ҳарҳолда, иссиқ жон...

Учинчи деҳқон. Оғзингни ел олсин. Унақа дема! Нафаси совук...

Биринчи деҳқон. Йўқ, оғайнилар... Ҳар нарса бўлиши мумкин, албатта...Лекин...

Тўртинчи деҳқон. Эртақчимизнинг биздан балки бирон аразлари бордир, биродарлар? Биз деҳқонлар тўпори одамлармиз. Кеча биронталаринг мабодо...

Биринчи деҳқон. Йўқ. Бу ерда бошқа...

Учинчи деҳқон. Менимча, у бир ёкка кетган бўлса керак. Бирон ташвиш чиқиб...

Биринчи деҳқон. Билмадим... Лекин минг йил биз билан бирга юрган Эртақчи дабдурустдан унақа қилмайди... Йўқ. Бу гаплар ҳаммаси...

Иккинчи деҳқон. Сен нега ҳадеб чайналяпсан?

Тўртинчи деҳқон. Сен, афтидан, бир нарсани биздан яширяпсан... Шаф-шаф дегунча, шафтоли, демайсанми, хумпар?!

Биринчи деҳқон. Тўғри... Мен бир нарса... яширмайман... Лекин айтсам, мени ақлдан озган, деб ўйлайсизлар. Ишонмайсизлар... Айтмай қўя қолай... Балки менга шунақа кўрингандир...

Иккинчи деҳқон. Нима кўринган?

Биринчи деҳқон. Ўзларинг биласанлар, мен кеча даладан бир оз барвақт кайтдим... Ногоранинг терисини янгиламоқчи эдим...

Тўртинчи деҳқон (*ноғорага қараб*). Янгиламапсан-ку, хумпар. Бизни алдапсан-да...

Биринчи деҳқон. Йўқ. Кечаси билан қўлим қалтираб чиқди...

Учинчи деҳқон. И-е, сени қара-ю... Нега?

Биринчи дехқон. Кишлоққа кириб келаётсам, қора кийган қандайдир номаълум киши... шундоқ ёнимдан ўтиб кетди...

Иккинчи дехқон. Э, ёлғон... Унақа одам кишлоқда нима қилади?

Биринчи дехқон. Айтдим-ку, ишонмайсизлар...

Тўртинчи дехқон. Хўш, кейин?

Биринчи дехқон. Кейин... Униси майли. Қараб турсам, Эртақчининг уйига кириб кетди...

Учинчи дехқон. Вой. Тавба... Бўлмаган гап!

Иккинчи дехқон. У қандай бало бўлди экан, биродарлар?..

Тўртинчи дехқон. Шунга ишониб ўтирипсизларми?! Кўзингга шунақа кўринган, хумпар...

(Улар сал саросимланишади ва шу пайт қўққисдан Эртақчининг эшиги шарақлаб очилади. Дехқонлар чўчиб тушиб, ўзларини орқага ташлашади. Ичкаридан Эртақчи чиқади.)

Эртақчи *(деҳқонларни кўриб, ўйчан, паришон)*. Сизлар ҳалиям шу ердამисизлар?

Тўртинчи дехқон. Эртақчимиз. Туф, туф. Хайрият... Мен айтмадимми сенларга!

Учинчи дехқон. Бор экансиз-ку, устоз. Демак, ҳаммаси жойида. Яхши...

Биринчи дехқон. Мен бугун анча каттиқ чалдим, улугимиз...

Эртақчи. Биламан. Узр... Эшитиб ўтиргандим...

Иккинчи дехқон. Биз ҳайрон қолдик... Шукр, тинчлик экан... Хўш, демак, энди битта эртақ...

Тўртинчи дехқон. Кўп гапирманглар. Қани, жим.

Эртақчи. Эртақ?! Йўк, бугун эртақ... узр...

Тўртинчи дехқон. Ҳар кунгидек... битта...

Улар ҳаммаси *(Эртақчини қуришаб, илтижо қилган кўйда)*.

Жон Эртақчи, битта эртақ

Айтиб бергин, илтимос.

Жон Эртақчи,

Илтимос.
Эртакларинг туфайли, биз
Сенга қўйганмиз ихлос.
Жон Эртакчи,
Илтимос.

Эртакларинг сувдай керак,
Эртакларинг дилга мос.
Жон Эртакчи,
Илтимос.
Ҳаёт – азиз, хаёл – азиз,
Дунё – азиз. Бекиёс.
Жон Эртакчи,
Илтимос.
Жон Эртакчи,

илтимос...

Эртакчи (*ҳамон ўйчан, паришон*). Йўк, бугун эртак... унчалик... Сизлар далага бораверинглар, мен кейин... ўша ёқда...

Учинчи деҳқон. И-е, нега, ахир?

Биринчи деҳқон. Минг йилдан буён бунақаси бўлмаган...

Тўртинчи деҳқон. Эртак айтмасангиз, далага борадиган аҳмок йўк...

Эртакчи. Менинг дафтаримга ҳеч қайсиларингни кўзларинг тушмадимми?.. Доим кўлимда юрарди. Кеча қаергадир қўйдимми, эслолмаяпман...

Иккинчи деҳқон. Дафтар? У қанақа дафтар экан?!

Эртакчи. Эртаklar ёзилган... Кидирмаган жойим қолмади. Тополмаяпман...

Тўртинчи деҳқон. Э, гап бу ёқда денг... Демак, дафтар бўлмаса, эртак айтолмас экансиз-да...

Эртакчи. Ха... Менинг бутун эртақларим... Лекин буниси ҳолва... Дафтар топилмаса... дарёнинг кўлмақдан, юлдузнинг совуқ тошдан фарқи йўк. Отлар охудаи чиройли хўрсиниб, ҳеч қачон қанот чиқармайди. Гилам осмонга булут бўлиб учмайди. Ҳаммаси тамом... Одамлар эртақсиз қолишади. Даҳшат!.. Унда мен ҳам ўлиб кетишим керак. Эртақ бўлмаса, Эртақчига яшаб, бало борми?

Иккинчи дехқон. Минг йилдан буён йўқолмаган дафтар нега энди бирдан йўқолар экан?! Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ҳай агар...

Биринчи дехқон. Бу ерда бошқа... Сиз бизга очигини айтаверинг, улуғ...

Эртақчи. Мен айтдим очигини...

Биринчи дехқон. Йўқ... Қора кийган номаълум киши... мен кўрдим, улуғимиз... ёнимдан ўтиб кетди... Кеча рўй берган бу воқеалар балки боғлиқдир бир-бирига...

Иккинчи дехқон. Тўғри. Бўлмаса дафтар нега йўқолади? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ҳай агар...

Тўртинчи дехқон. Айтинг, таксир. Биз билишимиз керак... Ҳалиги меҳмонингиз... Шу мабодо рост бўлса, у нега қишлоққа келипти? Ким экан унинг ўзи?!

Эртақчи (*уйчан, самгин*). Уми? У... у Ялмоғиз кампир...

(Дехқонлар бир-бирларига қараб қўйиб, яна чўчиб тушганча, ўзларини орқага ташлашади).

Биринчи дехқон. Ялмоғиз кампир?

Иккинчи дехқон. Ялмоғиз...

Учинчи дехқон. Вой, тавба...

Эртақчи. Уни мен уйга чақиртирган эдим. Ўзим...

Учинчи дехқон. И-е, устоз... нега?

Тўртинчи дехқон (*пичирлаб*). Хумпар...

Эртақчи. Сизлар бораверинглар далага... айтаман... хаммасини... Кейин... Тушунтираман... Ҳозир иложим йўқ. Биринчи навбатда дафтар...

Биринчи дехқон. Бу минг йилда бўлмаган нарса... Қанақа қилиб кетайлик далага, улуғ? Чалибми, чалмасданми?!

Эртақчи. Чалиб... ҳар кунгидек... бемалол...

Тўртинчи дехқон. Бўпти. Юринглар-чи...

Биринчи дехқон (*ноғорани секин чалиб*).

Жон қишлоғим, жон қишлоқ,

Минг йили аён қишлоқ,

Айт, бу қандай кўргилик —

Эртақчида ноз-финоқ?

Ялмоғиз – қора шарпа,
Келипти биз тарафга.
Унга не керак биздан?
Тушунармикан гапга?

Минг йил хаётнинг ранги
Порларди, чикмай чанги.
Энди турипмиз гангиб,
Янги бу гаплар. Янги.

Жон қишлоғим, жон қишлоқ,
Минг йили аён қишлоқ,
Бизга не бўлса – майли,
Сенда бахт бўлсин порлок.
Жон қишлоқ, жон қишлоқ...

*Деҳқонлар айланганча, чиқиб кетишади. Эртаси
улар изидан ўйчан тикилиб қолади. Сўнг у ҳам қай-
тиб ўз уйига кириб кетади...*

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Далада, сув бўйи, дарахт соясида Пари сочларини ёйиб ўтирипти.

Пари (*ниҳоят, ўрnidан туриб, аланглаб, ўзича*).
Буларни нима жин урди? Ҳар куни бу пайтда аллақачон
келиб, далада иш бошланиб кетарди... (*Яна аланглаб*)
Мана, энди келишяпти, шекилли... Ҳа, келишяпти... Улар-
нинг судралишини қара. Худди жони суғуриб олинган-
дек... Қизик. Нега далага кирмай, тўғри шу томонга кел-
япти булар?! Бу ёққа фақат тушликка чиққанда кели-
шарди, одатда. Қизик...

*(Деҳқонлар истаб-истамаган ҳолда, бирин-сирин
қадамранжида қилишади).*

Биринчи дехқон (*лоқайдгина*). Пари шу ерда
эканлар...

Пари (*ҳайратланиб, диққати ошиб*). Машқларинг
паст. Қизик... Нега саломни еб қўйдинглар?! Кела солиб,
Райҳон Парига саломлар бўлсин, демайсанларми?!

Иккинчи дехқон (*ҳафсаласиз*). Сало-ом...

Учинчи дехкон. Мен учун ҳам айтиб кўй...
Биринчи дехкон. Йўк. Бу ерда бошқа...
Тўртинчи дехкон. Тек тур, хумпар... Гапирма...

(Улар ҳар ер-ҳар ерга чўзилишади).

Пари. Сенларга бугун бир бало бўлипти ўзи... Буларнинг ялпайиб ётишини қара... Уйқучи-дангасалар... Нега ҳар кунгидай дала айланиб, ишламаяпсизлар?!

Иккинчи дехкон. Амаллаб келдик, шунисига ҳам раҳмат... Ишламаймиз!

Пари. Э, туринглар-е... Нега ишламас экансанлар?!

Тўртинчи дехкон. Тушунсангиз-чи, эртак йўк. Қанақасига ишлайди... Эртакни топиб келсин, ишлайверамиз... Биз ишдан қўрқадиган одам эмасмиз. Унинг устига биламиз, ер кутяпти...

Пари *(Биринчи дехқонга)*. Сиз нима учун чалмаяпсиз? Балки ҳаммаси шунинг оқибати...

Биринчи дехкон. Йўк. Бу ерда бошқа... Ногора дарз кетиб... худди чалаётганимда, ёрилиб қолди... Йўлда... Фалокат бир ўзи келмас экан дунёда! Мана, масала қаерда!

Пари. Бошқа яна бирон фалокат ҳам борми? Қизиқ...

Иккинчи дехкон. Бўлганда қандок! Ҳозир бутун гап шунинг устида боряпти... *(сергакланиб)*. Дарвоқе, сизнинг хали ҳеч нарсадан хабарингиз йўк...

(Шу гап баробарида ҳамма чўзилиб олганлар ўринларидан ирғиб туришади, ҳаяжонланишади.)

Пари *(анграйиб)*. Нимадан, ахир? Нега нафасларинг ичларингга тушди?

Иккинчи дехкон. Сўраманг...

Учинчи дехкон. Эслашнинг ўзи бошоғрик... Бу шундай бир фалокатки, мисол учун, сизни бир културм сувдай ютиб қўя қолиши мумкин...

Тўртинчи дехкон. Сиз, Пари, ёш нарса... менга қаранг... секин уйингизга бориб, ётиб олсангиз бўлармиди, эшик-ойнани маҳкамлаб... Бу ердаги ади-бадидан фойда йўк. Биз биргина Парини асраёлмай қолсак, унда ёмон бўлади...

Пари. Кўйсаларинг-чи... Хўш, айтавермайсанларми, нима экан у балонинг ўзи?!

Биринчи дехқон (*пичирлаб*). Ялмоғиз кампир...
Иккинчи дехқон. Ҳа, Ялмоғиз...

Тўртинчи дехқон. Шундок. Ўзимизнинг кадр-
дон кампиримиз... Кеча қишлоққа келган...

П а р и. Ҳаммаларинг дарров вас-вас бўлиб қолипсанлар.
Ялмоғиз бўлса, Ялмоғиз... Мен бир ҳовуч нурдан ярал-
ган Париман. Мени жин урмайди. Қолаверса, сизлар,
тўртта баҳодир, нахотки, мени ҳимоя қилолмасанглар...

Биринчи дехқон. Биз бемалол... Лекин бу бизга
эмас, Эртақчига боғлиқ...

Учинчи дехқон. Ана келяптилар устоз... ўзлари...
(*Эртақчи киради. Дехқонлар шошиб қолишади.*)

Улар ҳаммаси (*Эртақчига пешвоз юриб*).

Жон Эртақчи, мархабо,
Сенга очик йўл бўлсин.
Дуч келса ҳамки саҳро,
Ҳар кадаминг гул бўлсин.

Кўрсатгин бир мўъжиза,
Бизни кутқар ташвишдан.
Сен ҳам бўлмагин изза,
Биз ҳам қолмайлик ишдан.

Йўқотгин Ялмоғизни,
Нима керак дардисар –
Қуршаб турганда бизни
Мана бундок Парилар...

Эртақчи (*олдингидан ҳам паршон, кайфиятсиз*).
Раҳмат... Мен ҳаракат қиляпман. Сизларга берган сўзим
сўз. Ишонинглар... Ҳаммаси ўрнига тушиши керак. Фа-
қат ҳозир бир оз сабр... узр... минг марта...

Биринчи дехқон. Яна узрми, шунча юриб? Сизни
одамлар бошига кўтарса, билганингиз узр экан-да, улуғ...

Иккинчи дехқон. Биродарлар... Нима, ҳалиям
топилмадими дафтар? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи дехқон. Сиз энди қўйинг узрингизни,

таксир. Жонга тегди... Бир иш қўлингиздан келмаса, бўйнингизга олиб нима қиласиз? Курук ваъдани пишириб ейдими?! Биз аҳмоқ бўлиб далага келиб, кутиб ўтирипмиз...

П а р и. Мен билмагандим... буларни сиз ишдан қолдираётган экансиз... Дафтарингиз бўлмаса, бундай ёлғон-яшиқ бирон нарса айтиб, ишлатавермайсизми қисинмасдан...

Э р т а к ч и. Йўқ. Минг йиллик тоат-ибодат... Мен ундай қилолмайман. (*Эзилиб, ўйчан*) Оддий бир дафтар эди. Билмадим, нима бўлди унга?! Қон бўлиб кетдим, қидиравериб... Нахотки, ҳаммаси тамом?! Бу қандай бахтиқаро кун!.. (*Илтижо билан*) Мендан юз ўғирманглар, азизлар. Шафқат қилинглр... Илтимос...

П а р и. Менга қаранг. Ҳалиги... Мен эшитдим... Ялмоғиз кампир нима қилиб юрипти кишлоқда? Бекор юримагандир?!

Биринчи дехқон. Дарвоқе, Ялмоғиз...

Тўртинчи дехқон. Кампиримиз...

Учинчи дехқон. Шунчаки каллага келган бир гап, устоз... Бу меҳмонингиз дафтарни, мисол учун, ямлаб қўймаганмикан?!

Иккинчи дехқон. Тўғри. Ямлаб ташлаган... Ўша! Бошқа биров бошига урармиди? Минг йилдан буён турган нарса...

Э р т а к ч и. Кампир... йўқ... У бундай қилмаслиги керак... Яна ким билсин. Дунёда ҳар нарса бўлади...

П а р и. Хўш, дафтар майли... Мен кампирни сўраяман...

Э р т а к ч и. Ҳа, албатта... Узоқ юриб, чарчаган. Уйда. Ухлаяпти кампир...

(Шу асно ҳиринглаган товуш эшитилиб, ҳеч ким кутмаганда Ялмоғиз кампир пайдо бўлади. Ҳамма сесканади ва нима қиларини билмай, қотиб қолади.)

Ялмоғиз кампир. Ҳи-хи-хи... Мен ухлаётганим йўқ. Каллам пишди... Мени ғийбат қилаётган экансанлар, қулоғим қизиб келдим, кадрдонлар...

Э р т а к ч и (*аччиқланиб*). Боринг уйга... Ухланг... Мен

хали сизга рухсат берганим йўқ чиқишга... Ҳаммаси вақти-соати билан. Бунақа ўйинбузуқилик қилманг... Боринг...

Ялмоғиз кампир. Мени хайдама, Эртақчи болам. Одамларни соғиндим. Ўзим кетаман... (Аланглаб) Мендан намуноча кўркмасанглар... Мен Пари эмас. Башарам хунук, унинг устига, қилиғим совук... Лекин кўнглим тоза. Қолгани тухмат, билсанглар...

Пари. Башаранг ҳам, қилиғинг ҳам курсин! Унинг ўзига зеб беришини қаранглар...

Ялмоғиз кампир. Пари? Шу ердан, денг... Минг йил бўлди сизни кўрмаганимга... (Яқинлашиб) Бунча чиройлисиз... Лекин кўп талтайманг. Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўлурсан мендек. Ҳи-хи-хи...

Эртақчи. Кетинг бу ердан. Уйга боринг. Сизга айтаяпман... Хозироқ кетмасангиз, ёмон бўлади... Мени биласиз. Дехқонларни бундай кўтарсам, бас, юз-кўзинг демай, калтаклаб хайдашади қишлоқдан...

Ялмоғиз кампир. Кучинг дафтарингда, Эртақчи болам. Йўқ нарсани гапирма. Қўлинг қиска. Ҳи-хи-хи...

Эртақчи. Хўш, мен ўзим-чи? Ақл-заковатим?... Менинг иродам?! Нима, мени дарров ўлдига чиқаряпсизми?! Йўқ. Мен тирикман хали... Биласиз...

Ялмоғиз кампир. Майли, Эртақчи болам. Қизишма. Майли... Мен кетдим... Сен ҳаммамизнинг отамизсан. Гапингни икки қилмайман. Кетдим... Ана, кетдим... хув... (Ялмоғиз кампир еойиб бўлади. Эс-ҳуши оққан дехқонлар бир четда гуж бўлиб олганча, паришон айлана бошлашади.)

Улар ҳаммаси.

Бошга не бало келди.
Қандай можаро келди?
Эртақчи фақир, маҳзун,
Қайдан бу хато келди?
Имон бору имкон йўқ,
Кўзгал деса, дармон йўқ,
Мақсад сари фармон йўқ,
Бир ғамли наво келди.

Кўнгилда малол энди,
Кочмоқда хаёл энди,
Бир эзгу савол энди:
Кайдан бу бало келди?

П а р и. Қизик... Ўзи нима бўляпти бу ерда? Менга айт-
маяпсанлар. Кишлоққа қаердан келиб қолди бу дардисар?

Иккинчи дехқон. Сўраманг...

Учинчи дехқон. Устоз чакиртирган... ўзлари...

Биринчи дехқон. Улуғимиз...

Тўртинчи дехқон. Хумпар...

Э р т а к ч и. Ҳа, мен... Билиб туриб... Кеча тушдан кейин
бирданига... Хаёл билан...

П а р и. Уни нега чакиртирасиз? Қизик. Бошқа одам
қуриб қолгандай...

Э р т а к ч и. Хафа бўлманглар. Эслолмаяпман. Ўйлага-
ним билан эсимга тушмаяпти... Эзгу бир ниятим бор эди.
Кўнглимда тугилган... Дафтарга ёзиб ҳам қўйгандим...

Биринчи дехқон. Ўзи нимадан бошланди, улуғ?
Эсланг... Минг йилдан буён биз тинч, кампир тинч... Уни
йўқлаб, қаёқдан у хаёлингизга келиб қолди.

Э р т а к ч и. Буниси эсимда. Минг йилдан буён ўйлай-
ман... Кампир одам бўлмаган олис-олис ерларда, тоғлар,
уммонлардан нарида, якка-ёлғиз яшаб келади шўрлик...
Унинг шунча йилдан бери бир ўзи юргани билан ҳам,
унут, ёввойи жойдаги машаққатли хаёти билан ҳам ҳеч
кимнинг иши йўқ... Айниқса, у хозир қариб-касалланиб,
қаровсиз қолди...

Учинчи дехқон. И-е, гапингиздан сиз Ялмоғизга
ҳам ачинапсизми, устоз?

П а р и. Турган гап. Ачинаптилар...

Биринчи дехқон. Улуғимиз...

Тўртинчи дехқон. Яшанг, тақсир...

Иккинчи дехқон. Йўқ, Ялмоғизга нега ачиниш
керак экан? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Э р т а к ч и. Ачинмай илож йўқ... Ҳеч ким онадан бад-
башара, ёвуз ҳам, Ялмоғиз ҳам бўлиб туғилмайди... Бу

хаммаси кейин рўй беради. Ҳаёт!.. Бўпти. Анча гаплашиб колдик. Мен шунчаки кўнгил учун келгандим... Дафтарни кидиришим керак. Ҳозирги аҳволга чидаш қийин... Узр...

(У шошиб, тез чиқиб кетади.)

учинчи кўриниш

Эртакчининг уйдаги хоналардан бири. Ялмоғиз кампир уйни берилиб томоша қилганча, ирғишлаб-сакраб ўйнаяпти.

Ялмоғиз кампир.

Бу чойнак, бу пиёла,
Бу ёқда атлас кўрпа...
Бизнинг Эртакчи бола
Кириб қолипти тўпга,
Хув...

Бу челак, бу тогора,
Бу ёқда идиш-товоқ...
Бўлиб шунча овора –
Шарт эканми, яшамок?
Хув...

(У ўйиндан тўхтаб, ўзича ўйланиб қолади.)

Нега чакиртирди, ҳеч ақлим етмаяпти. Бирдан, киш-лоққа келинг, кампир, деса бўладими! Мен ҳам югуриб келавердим, ит кувгандай... Уйини кўрсатиш учун чакиртирмаган бўлса керак?! Хўш, унда нима учун?! Мени шунчаки соғиниб қолдимикин?!

(У яна ирғишлаб, ўйнай бошлайди.)

Мен ҳам ёш эдим бир пайт,
Мен ҳам шўх эдим бир пайт.
Мен энди қариб қолдим,
Дунёда юриб лоқайд.
Хув...

Мен ҳам сув эдим бир кун,
Мен ҳам ўт эдим бир кун.
Мен энди тутаб қолдим,
Кўнглимда фақат бир ун:
Хув...

*(Эртакчи кириб, бир атрофга, бир кампирга
ажабланиб қарайди.)*

Эртакчи. Хамма ёкни ағдар-тўнтар қилипсиз-ку,
кампир. Ўз уйингизга ўхшаб... Нима учун ухламаяпсиз?

Ялмоғиз кампир. Намунча қистаб, мени ухлата-
сан? Бўлди... Ухлашга келганим йўк...

Эртакчи. Бўлмаса нега келдингиз?

Ялмоғиз кампир. Унинг гапини қаранглар...
Ўзинг нега чакиртирдинг мени? Шунча йўлдан...

Эртакчи. Нима десам экан... Айтмоқчи, сиз менинг
дафтаримга кўзингиз тушмадими?

Ялмоғиз кампир. Сенинг дафтарингга неча пуллик
ишим бор? Мен хат танайман...

Эртакчи. Қўйсангиз-чи. Боя гапирдингиз-ку дала-
да. Ҳаммасини билар экансиз...

Ялмоғиз кампир. Мен шунақа... оғзимга келгани-
ни айтавераман. Айтган ҳар гапга жавоб берса, дунёда...
ўх-хў...

Эртакчи. Ўзингизни гўлликка солманг... Дехқон-
лар сиз уни ямлаган, дейишяпти...

Ялмоғиз кампир. Шундоқ қилсам бўларкан...
Лекин мен ундоқ қилганим йўк... Булутга ўраб, офтобга
ташлаб қўйганман! Энди менга ёпишаверма... Мен ўйна-
моқчиман...

(У ирғишлаб, яна ўйнайди.)

Йўк, йўк... Мени бўлмас букиб,
Иш ҳам чиқмас қарғаб, сўкиб.
Мен йўлларда ўз умримни
Қолдирганман баргдай тўкиб.
Ҳув...

Топилмайди мендек қайсар,
Тентакликда ундан баттар.
Хавфу хатар, бу – мен ўзим,
Мен учун йўк хавфу хатар.
Ҳув...

(Эшик бошда секин, сўнг қаттиқроқ тақиллайди.)

Эртакчи *(пичирлаб)*. Дехқонлар...

(У, шунинг баробарида, челақдан арқон олиб Ялмоғиз кампирнинг устига ташлайди, кампирни чирмаб боғлайди.)

Ялмоғиз кампир. Ҳой, ҳой. Тўхта Эртакчи болам...
Нима қиялсан?

Эртакчи. Ҳадеб «хув-хув»лайверманг... Ҳийинни энди кўрасиз... *(Остонага бориб)* Кираверинглар. Эшик очик! Кўркманглар. Боғлаб қўйганман...

(Дехқонлар бари бир сал ҳайиқибми, қисинибми киришади.)

Биринчи дехқон *(мулозаматли кўйда)*. Зерикмай ўтирибсизми, улуғ?

Эртакчи. Ҳаммаси жойида. Қани, ўтинглар...

Иккинчи дехқон. Сиз қандай қилиб битта уйда турипсиз бу алвасти билан? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ҳай агар...

Тўртинчи дехқон. Кўп гапирманглар... *(Эртакчи-га)* Ҳўш, бу шоми ғарибонда нега бизни уйга таклиф қилдингиз, тақсир? Янги бир гап бўлса, айтинг. Бўлма-са, кетайлик... Қуни бўйи судралиб, чарчадик...

Эртакчи. Гап бундай... Кампир қариб, инсофга кирган, деб ўйлагандим. Лекин кампирга дафтарнинг дахли йўқ, деган гапга ўзимни ишонтириб, қанча кидирмай, у топилмади. Энди аниқ. Кампир келиб, ишни дафтардан бошлаган... Демак, хозир кенгашиб ҳукм чиқарамиз...

Ялмоғиз кампир. Ҳой, Эртакчи болам... Битта дафтар деб... Ҳой...

Биринчи дехқон. Унга қарамай гапираверинг, улуғ. Бор экансиз-ку...

Учинчи дехқон. Устоз...

Тўртинчи дехқон. Шундоқ, тақсир...

Эртакчи. Бизнинг ҳаловатимиз, бахтимизни ўғирлаб, дафтарни ямлагани учун...

Ялмоғиз кампир. Ҳой, тўхта... Мен ямлаганим йўқ... Сен ҳаммамизнинг отамиз...

Эртакчи. Дафтарни ямлагани учун...

Ялмоғиз кампир. Мен ҳеч нарсани ямламайман. Ҳой, Эртакчи болам. Мен фақат одамларни бир оз қўрки-таман. Қилиғим совук...

Иккинчи деҳқон. Ямлаб ташлаган... Ёлғон... Ўзи хунари шу...

Эртакчи (*Ялмоғиз кампирга*). Қанча сўрамай, топиб бермадингиз, демак, ямлагансиз... (*Деҳқонларга*) Ямлагани учун... менинг таклифим... Ялмоғизни обориб, кишлок четидаги дарахтга осиб керак...

Ялмоғиз кампир (*жон-пони чиққанча, зир югуриб, арқондан бўшашга уриниб*). Ҳой, Эртакчи болам... Ҳой...

Эртакчи. Бўйнига тош боғлаб, сувга ташлаш ҳам мумкин... Шундай воқеалар бўлган...

Биринчи деҳқон. Аввал осиб, кейин бўктириш керак фалокатни...

Иккинчи деҳқон. Йўқ, аввал сувга ташлаб, кейин куритса...

Учинчи деҳқон. Ўзингиз жарроҳсиз, устоз. Биринчи ёриб, ичидан дафтарни олиш...

Тўртинчи деҳқон. Кўп гапирманглар...

Ялмоғиз кампир. Ҳой, Эртакчи болам... Ҳой... Дафтаринг қуриб кетсин... Ҳайда буларни уйдан, хайда... Айтаман дафтарингни... ўзингга айтаман, Эртакчи болам... Битта дафтар деб... Ҳой... Ҳув...

Эртакчи. Демак, ҳукми тўхтатиб турайликми?

Ялмоғиз кампир. Гап битта. Ҳой... Чайнама... Ҳукминг бошингдан қолсин. Ҳув...

Эртакчи (*деҳқонларга*). Бўпти. Ҳозирча жавоб сизларга... Керак бўлса, кейин гаплашамиз...

Биринчи деҳқон. Биз кетсак, бу номинг ўчгур яна сизни аврамайдими, улуғ?

Иккинчи деҳқон. Унга сиз нега дарров ишоняпсиз? Мен тушунмаяпман...

Учинчи деҳқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи деҳқон. Хумпар...

Э р т а к ч и. Менга бари бир. Ўзига қийин... Нима қилганда ҳам, ҳаёт қайтиб изга тушадиганга ўхшаяпти...

Тўртинчи дехқон. Яшанг, тақсир... Эртақчимиз...
(Дехқонлар бир-бирларига суянишиб, гир айланишади.)

Улар ҳаммаси.

Биз ҳар қалай яхши одам,
Биз – самимий, биз – аҳил.
Лекин, рости, ҳаммадан ҳам
Эртақчимиз соддадил.

У ишониб яшаганча
Яхшига-ю ёмонга,
Юраверар ташлаганча
Дўпписини осмонга.

У билмайди – не хунук гап,
Унинг учун йўқ – танглик.
Эртақчимиз, бизга ўхшаб,
Қилавермас тажанглик.

Жон Эртақчи, йўлинг оғир,
Деймиз, аммо қайтмайди.
Айтгин, деймиз, бу қандай сир,
Жилмаяди, айтмайди...

(Дехқонлар чиқиб кетишади.)

Э р т а қ ч и. Хўш, кампир?

Я л м оғ и з к а м п и р. Еч арқонни... Бўғилиб кетяпман. Юрагим ўйнаяпти...

Э р т а қ ч и. Ўйнаса, ўйнайверсин. Нукул ўзингиз ўйнайверасизми?

Я л м оғ и з к а м п и р. Кулма, Эртақчи болам... Мени ёшим бир ерга борган. Унинг устига, хотин киши. Кўнглим нозиклигини айтмай қўяқолай... Сен нимани билибсан! Ота бўлсанг ўзингга... Бўшат. Кейин жавоб бер, уйимга кетаман...

Э р т а қ ч и. Нега бунча? Дабдурустан...

Я л м оғ и з к а м п и р. Гап тамом... Мен сени мехмонга чақирган, соғинган десам... Келганимдан зуғум қиялпсан.

Мени йўқ қилишинга бир баҳя қолди. Отадан чиққан иш шу бўлса!

Эртақчи. Айб ўзингизда... Яхши ният билан сизни чақиртирсам, ўзингиз дафтарни ямлаб...

Ялмоғиз кампир. Яна ямлаб, дейди. Яширганман, дедим-ку сенга... Мени қоғоз чайнайдиган одатим йўқ...

Эртақчи. Ёлғон... Қолаверса, менга ўхшаб, сизнинг феълингиз тесқари... Қилмайман, деган ишни қиласиз. Айтаман, деган нарсани айтмайсиз...

Ялмоғиз кампир. Нега айтмас эканман? Айтаман...

Эртақчи. Айтмайсиз... Айтманг. Қўйинг...

Ялмоғиз кампир. Айтаман... Дафтар эшикда, остонанинг тагига кўмганман. Ёлғон бўлса, бориб қара...

(Эртақчи остонанинг тагини кавлаштириб, дафтарни олади. Сўнг кампирни арқондан бўшатади.)

Эртақчи. Хўш, нега яширасиз?

Ялмоғиз кампир *(арқондан бўшаб, сал керишиб)*. Хув... Нимани?

Эртақчи. Дафтарни нега яширдингиз, деяпман...

Ялмоғиз кампир. Бу сафар шошилдимми... нимадир хатога йўл қўйдим, шекилли... Энди қўлимга тушса, ўзим биламан... Ямлаб ташламасам, бошқа қўяман номимни...

Эртақчи. Нима учун, ахир?

Ялмоғиз кампир. Ўзинг билмайсанми? Ҳамманг Парини мақтаганинг-мақтаган. Тилингдан бол томади... Мен ҳам асли Пари зотидан эканимни эсламайди биров... Минг йилдан буён мени фақат ёмонлаб ёзасан. Қарғишга солиб... Одамлар кўнглини мендан қолдирган – сен... Шу дафтар!

Эртақчи *(дафтарни йўл-йўлакай варақлаётиб)*. Ҳақиқатни ёзиш бурч... Ҳаётда бор нарса кўчади дафтарга. Илож қанча... Бизнинг айбларимиз, гуноҳларимиз, дунёда учраган бутун қабоҳат, жаҳолат, номардлик... буларнинг ҳаммаси учун қорозда нима айб?! Бу сиз билан менинг гарданимда, билсангиз...

Ялмоғиз кампир. Менинг борим шу. Майли... Жавоб бер менга. Уйимга кетаман... Дафтаринг энди қўлингда. Яшайверинглар ўзларинг...

Эртакчи (ҳамон дафтарни кўраётиб). Йўк. Мен жавоб беролмайман сизга. Бу ерда бошқа нарса ёзилган... Сизга тегишли қизик бир гап... эзулик... Мен сизни шунинг учун чақиртирган эканман...

ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

Даладаги ўша сув бўйи, дарахт сояси... Айни туш пайти. Ҳеч ким йўк... Ниҳоят, енг шимариб, елкасига ўрок осан хушчақчақ, мамнун дехконлар кириб келишади.

Улар хаммаси.

Бу даладан яхшиси йўк,
Бизники чексиз бу дала.
Бу далалар худди кўшиқ,
Бизники денгиз бу дала.

Шу она ер жонга туташ,
Унда, ахир, фасли баҳор.
Мумкин эмас бизга яшаш,
Янграмаса дилдаги тор.

Янгра, кўнгил. Янгра ҳаёт.
Янгра, баҳор. Янгра замин.
Бўлса жаҳон, зора нажот —
Топганича, бахтга яқин.

Бу даладан эзгу хаёл.
Бу далалар эзгу жаҳон.
Эй, она ер, кўрма завол,
Янгра, ҳаёт. Янгра, замон...

Биринчи дехкон. Пари кўринмайдилар. Ўринлари бўш...

Иккинчи дехкон. Биродарлар, яна нима бўляпти бугун? Мен тушунмаяпман.

Учинчи дехкон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи дехкон. У киши мабодо, ҳеч нарсадан хабари йўк, уйда ётмаганмикан беркиниб?

Биринчи дехқон. Йўқ. Билмадим... Пари беркиниб нима қилади? Бировдан қўрқадиган жойи йўқ. Унинг устига, керак бўлса, мана, биз бор...

(Шу пайт ёруе сахна бирдан янада чарогон бўлиб, чарақлаб кетади.)

Улар хаммаси *(энтикиб)*. Пари-и... Пари-и... *(Ҳарир либосда, безанган Пари киради)*. Райҳон Парига саломлар бўлсин...

Пари. Ана бу бошқа гап. Одам суюнадиган... Саломат бўлинглар, менинг заҳматкаш дўстларим!.. Хўш, очилиб-яйраб турганларингдан, хамма нарса ўрнига тушдим, дейман...

Биринчи дехқон. Шунга ўхшаяпти. Минг йиллик ҳаёт...

Иккинчи дехқон. Тушганда қандок. Эрталабдан бир дунё бугдой ўрдик...

Учинчи дехқон. Ичимизда чироқ ёниб қолди... Фақат сиздан жилла хавотир эдик. Сиз ҳам бахтимизга нур бўлиб...

Тўртинчи дехқон. Хур, денглар... Нур ёвилган жойда хур...

Пари. Бу хаммаси яхши... Лекин нима бўлганини менга бир бошдан...

Биринчи дехқон. Нима бўларди... Кечқурун ҳеч нарса аниқ эмасди. Саҳарлаб мен шунчаки бир хабар олай, деб Эртақчининг уйи олдига бордим. Қарасам, тиз-засида дафтар очик, остонада ўтирипти Эртақчи... Зувиллаб орқамга қайтиб, ногорани қоплаб ташладим. Кейин гумбирлатиб чалиб «Тургин, қишлоқ»ни айтвордим. Эшитгандирсиз?..

Пари. Эшитдим...

Иккинчи дехқон. Нарёғи одатдаги... Биз турдик...

Учинчи дехқон. Ҳар қачонгидан ҳам ажойиб эртақ айтдилар устоз. Бир-бирини ялаб-юлкаб, қанотини тузатиб, бирга учган ярадор окқушлар хақида...

Тўртинчи дехқон. Гўзал... Одамни қирк қулоч ердан юқорига кўтарадиган...

Биринчи дехқон. Ҳа, қандайдир парвоз...

(Дехқонлар беихтиёр руҳланишиб, гўёки
оққушлардек учмоқчи бўлишади.)

Улар ҳаммаси.

Келинг, биз ҳам учайлик,
Келинг, бирга учайлик,
Худди кўргандай тушлар,
Сингилжонлар – окқушлар.

Инсонлар ҳам қушлар-ку,
Учмоқ азалдан орзу.
Токай ер бизни ушлар,
Сингилжонлар – окқушлар.

Бир умр ёнар инсон,
Мангу ўртанар инсон.
Тезроқ ўтсин, деб қишлар,
Сингилжонлар – окқушлар...

Пари. Бу ҳаммаси яхши, албатта... лекин кизик...
Сизлар негадир Ялмоғизни унутиб қўйганга ўхшайсизлар.
Кампир нима бўлди?

Биринчи дехқон. Ялмоғиз... Ялмоғизми? Дафтар
топилгач, менимча, ахир...

Иккинчи дехқон. Ялмоғиз уйига кетган бўлиши
керак...

Учинчи дехқон. Қишлоқда энди бошқа нима ҳам
қиларди кампир?

Тўртинчи дехқон. Кампиримиз...

Пари. Э, йўқ. Хато ўйлапсанлар буни. У бемалол
юрпти қишлоқда... Мен ҳозир кўчада учратдим уни... Ту-
тилганимга сабаб ҳам шу. У йўлда мени тўхтатди бир оз...

Иккинчи дехқон. Вой, тавба...

Биринчи дехқон. Бунақаси ҳеч бўлмаган...

Учинчи дехқон. И-е, нега?

Тўртинчи дехқон. Хумпар...

Пари. Мени тоза гапга солмоқчи бўлди. Ҳайрон қол-
дим. Буниси гўрга. Минг йил бурун кўришганимизда,
рашми, адоват биланми, шунақанги ўсмоқчилаб гаплаш-

гандики... Кеча учрашган пайтимизда ҳам шунақа, ҳар сўзида киноя... Бугун қарасам, ипакдай... Алланечук илтижо билан эзилиб гаплашди... Юз-кўзида бир зорми, меҳрми, шунга ўхшаган...

(Кутилмаганда қўлтиегига дафтар қистирган Эртақчи киради. Ҳамма унга гангиб, жим тикилиб қолади.)

Эртақчи (*Парига*). Гапираверинг. Мен бир четда ўтириб, ўз ишим... Охирига етказиш керак.

(У ўтиб ўтирганча, дафтарни тиззасига қўйиб очади, кўз югуртира бошлайди.)

Пари. Хўш, буниси ҳам майли... ўзларинг кузатгандирсанлар. Унинг кўндокда теккан касали, мен яхшиман, менда айб йўқ қабилида оқланиш... Бугун аксинча, ишонмайсизлар, бўйинини эгиб, менинг гуноҳим кўп бўйнимда, дейди. Сен мендан хафа бўлма, дейди. Сен малаксан, марҳаматли, олиҳиммат бўл, дейди... Ундан кўркиш ҳеч қачон хаёлимга келмаганди. Лекин кўққисдан унинг муомаласи... ичимдан аллақандай қалтироқ ўтпти...

Учинчи деҳқон. Ҳа, кампирнинг эшилгани ёмон. Шундан кўркиш керак...

Биринчи деҳқон. Илонга ўхшаб авраган, фалокат...

Тўртинчи деҳқон. Битта Парини асраёлмасак...

Иккинчи деҳқон. Йўқ, Эртақчимиз нима қилиб ўтириптилар? Мен тушунмаяпман...

Учинчи деҳқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

(Дастлаб Пари, кейин деҳқонлар Эртақчининг оёғига йиқилишади.)

Пари ва улар ҳаммаси.

Жон Эртақчи,
Кимга керак –
Қалтис ўйин, хунук иш?
Ҳар нарсага чидар юрак,
Бунга қийин кўникиш.

Жон эртақчи,
Ўйнасанг ҳам,

Ўйлаб ўйна, шафқат кил.
Ёвузликни сендан олам —
Ахир, кўрмаган минг йил.

Жон Эртакчи,
Бергансан бахт,
Яна бахт бер минг йилга.
Ҳаёт деган кўркам дарахт —
Ўссин, кириб кўнгилга...

Эртакчи. Э, туринглар. Уят эмасми? Бу нима деган гап?.. (Юмшаб) Ҳаммаси яхшиликка қараб кетяпти. Ишонинглар... Битта ёмонроқ одам учраганда, атрофдагилар довдираб қолаверса, бунақада яшаб бўладими, азизлар? Туринглар. Ўзларингни қўлга олинглар...

(Пари билан деҳқонлар ўринларидан туришади.)

Биринчи деҳқон. Бизни кечиринг, улуғ... Бизга ҳеч нарса айтмадингиз. Шунинг оқибати...

Эртакчи. Ҳозир нимани гаплашиш мумкин?!

Тўртинчи деҳқон. Кампиримиз кеча мабодо дафтарни олган бўлса...

Учинчи деҳқон. Мисол учун ўғирлаган бўлса...

Иккинчи деҳқон. Ҳукм чиқариб, бари бир жазолаш... Сувга бўктириш, кейин дарахт...

Эртакчи. Йўқ. Мен ундай қилолмайман... Кампир дафтарни яшириб қўйгани унинг айби... ялмаганига қарамай! Лекин буни у аламдан қилган. Бутун ҳаёти саргардонлик, ғурбат, бахтсизлик билан кечгани учун... Бу қўли эгрилик эмас. Тушунишга тўғри келади...

Биринчи деҳқон. Бўлмаса... биз тинч яшамокчимиз... энди даф бўлсин қишлоқдан фалокат...

Учинчи деҳқон. Дафтарингизга шуни тиркаб қўйинг, устоз. Яхши гап...

Пари. Сиз уни ўзи нега қишлоқда олиб ўтирипсиз? Унга шунчалик кимнинг кўзи учиб турипти?

Иккинчи деҳқон. Сўраманг... Тўғри...

Тўртинчи деҳқон. Хумпар.

Эртакчи. Дафтарда бошқа нарса ёзилган... Сизлар

минг йилдан ҳам олдин нималар бўлганини эслайсизларми бундай? Эсламаяписизлар, афтидан... Бу дафтарда эса хаммаси бор... Гап бундай. Бир замонлар қишлоғимизда ҳаёт хозиргидан ҳам фараҳли эди... Зот-зурриёти парилардан бўлган Ялмоғиз кампир ҳам шу ўзимизнинг қишлоқда яшарди. Биз унга маҳлиё эдик. Хусни, юриш-туришини дoston қилиб юрардик... Аммо бир йили қурғоқчилик келди, далалар ловуллаб ёниб, ҳаммаёк қовжираб қолди, бизнинг шўримиз қуриди. Инсон нималарга чидамайди? Чидадик... Фақат ҳалиги... бизнинг алқаб юрган Эркамиз бардош беролмади...

Учинчи дехқон. И-е, нега?

Пари. Қизик...

Биринчи дехқон. Йўк. Бу ерда бошқа...

Иккинчи дехқон. У нима қилди? Мен тушунмаяман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи дехқон. Кўп гапирманглар... Шундоқ, тақсир...

Эртақчи. У янги кўзи ёриган эди... Очликдан дармони қочганида, бир куни боласини худди мана шу бизнинг қаршимиздаги дарахт остига келтириб, ташлаб кетди...

Учинчи дехқон. И-е, бу Паримизнинг ёқтирган жойлари...

Пари. Қизик...

Биринчи дехқон. Сиз ўшанда қаёқда эдингиз, Пари? Эсланг...

Иккинчи дехқон. Бу иши учун уни сувга бўқтириб...

Тўртинчи дехқон. Хўш, тақсир, кейин?

Эртақчи. Қанча оғир бўлмасин, ўша пайтда у болани тишида тишлаши, бошқаларга ўхшаб, ўзидан кўпроқ болани, келажак авлодни, халқни ўйлаши керак эди. Аммо нафс балоси уни ақлдан оздирганди. У биринчи галда нафсни, ўз роҳатини ўйлади... Мен қаттиқ ғазабланиб, дехқонларни, яъни сизларни кўтардим. Ялмоғизни қишлоқдан ҳайдаб юбордик...

Тўртинчи дехқон. Яшанг, тақсир. Хўш, кейин?

Эртақчи. Кейин дехқонлар калтак билан ҳайдаб,

орқасидан итлар қувиб, у қишлоқдан қишлоққа ўтиб кета-
верди. Ахийри, одамдан жуда узоқлашди... Бундан роппа-
роса минг йил бурун кампир адашиб қишлоққа бир келди.
Мен қизиқсиндим... У мени шунчаки билади... Лекин қиш-
лок ҳам, одамлар ҳам эсидан чиқиб кетган... Аллақайси
олис ерларда юриб, ҳамма нарсани унутганга ўхшайди...
Яна минг йил ўтди. Менга энди секин-аста алам қила бошла-
ди... Кампир қишлоқни, ўтган воқеани эслашга мажбур...
У ўзининг вақтида нафс қурбони бўлганини билиши ке-
рак... Халқнинг ўлмаганини билиши... Кампир ҳаммининг
олдида ўз гуноҳини тушуниб тан олишга, узр сўрашга мах-
кум этилган мен томондан... Дафтарга ёзиб қўйганман...

Иккинчи дехқон. Бола нима бўлди? Бола.

Биринчи дехқон. Дарвоқе, бола...

Учинчи дехқон. Бизга шуни айтинг, устоз...

Тўртинчи дехқон. Эртақчимиз...

Эртақчи. Бола ўсди... улғайди... Халқ бор экан, ҳар
қандай фалокат ҳам, ёвузлик ҳам ўтиб кетади дунёда...

Биринчи дехқон. Бўлмаса, у қаерда юрипти, улур.

Иккинчи дехқон. Уни биз танитаймизми? У ким
экан?! Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Пари. Қизиқ...

Эртақчи. Сизларга бутун гапни оғизларингга чай-
наб бериш керак... Нахотки, воқеага қараб, ўзларинг бил-
маган бўлсанглар... У ана... Пари...

Пари (*бирдан бўғилиб-портлаб*). Йўқ... Йўқ... йўқ...
У мен эмас... Мен эмас! Кераги йўқ... Бошимга ураман-
ми Ялмоғизни?! Бошқа она топилмадимиз менга, шунча
ғиж-ғиж одам ичида... (*Илтижо билан*) Жон Эртақчи...
ўчириб ташланг дафтарингиздан... Йўқ... Йўқ...

(*У бошини чангаллаб, югурганича чиқиб кетади.*

*Эртақчи маҳзун кўйга тушади. Дехқонлар
бир-бирларига суянишиб, гир айланишади.)*

Улар ҳаммаси.

Сенга оғир бўлди, Парижон,
Дардинг олай, Парижон, тўхта.

Бу — айланиб замину замон,
Ўт билан сув юзлашган нуқта.

Қочиб бўлмас ҳаёт, қисматдан,
Бир ёнда нур, бир ёнда зулмат.
Ҳар қадамда бордир изланган,
Изланмаган бахт билан Кулфат.

Тўхта бир дам, Парижон, алҳол
Ўзни олгин қўлингга, сингил.
Гарчи минг хил бошингда хаёл,
Гарчи сенга эмасдир енгил...

*Дехқонлар чиқиб кетишади. Эртакчи саҳнада бир
ўзи чуқур ўйга толганича қолади.*

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Эртакчининг уйдаги бизга таниш хона. У хонани наридан-бери тартибга келтиряпти.

Эртакчи (*ўзича*). Челакни нега тўнтариб қўйиш керак экан? Супурги нима учун хона ўртасида ётипти? Элакни шипга осиб қўйишга бало борми?! Э, бу кампир одам бўлмади, бўлмади-да... Чарчадим. Тезрок тугасайди хаммаси... Ҳаяжонланяпман...

(*Ялмоғиз киради.*)

Ялмоғиз кампир. Ғўлдираб, бу мени сўкмаяпсанми, Эртакчи болам?

Эртакчи. Худди сизни сўкяпман-да... Уйнинг нега авра-астарини ағдарасиз?! Хўп, буни кўяйлик... Уйдан чиқманг, десам, яна қаёқларда юриспиз бемахалда? Айниқса, хозир... мен зориқаётганимни билатуриб...

Ялмоғиз кампир. Ёшинг қайтгач, эрталабки дармонинг кечга томон тугаб, кечки пайт уни-буни ўйлашга тушар экансан... Хафа бўлма, Эртакчи болам...

Эртакчи. Кўчада санқишга бунинг нима алоқаси бор?

Ялмоғиз кампир. Гапинг ростми, деб қишлоқни диққат қилиб айландим...

Эртакчи. Хўш, ёлғон эканми?

Ялмоғиз кампир. Йўк, рост... Кейин, нима десам экан... Парининг уйини узоқдан бир кўргим келди... *(Бехос)* Мен уйимга кетаверсам-чи, отагинам? Кўрқяпман...

Эртакчи. Янгилик! Сиз ҳам кўрқар экансиз-да. Одатда, сиздан ҳамма кўрқарди...

Ялмоғиз кампир. Йўк, кулма... Мен ҳам тирик бир жон. Итлар қувиб, устимни юлкиб-йиртганида доим кўрққанман. Бошимга ҳар гал калтак тушганида... Менга зиғирча рахминг келмайдими?

Эртакчи. Сиз кўрқманг. Менинг ниятим сизни йўк қилиш бўлса, кеча кенгашни тугатиб, ҳукм чиқариб қўя қоладим... Бугун иш бир оз бошқача бўлади...

Ялмоғиз кампир. Дафтарингда шунақа ёзилганми?

Эртакчи. Мен шунга ҳаракат қилияпман... Хўш, сиз энди менга халал берманг. Ҳозир булар келиб қолишади...

(Эртакчи ўтиришга ўрин тайёрлашга киришади. Кампир бир четда чўнқайиб, ўзича хиргойи қилишга тутинади.)

Ялмоғиз кампир.

Мен ҳеч кимга, мен ҳеч қачон –
Бермагандим жавоб... жавоб.
Билмагандим, келиб замон,
Ҳолим бўлар хароб... хароб.

Мен ўзимча эркин эдим,
Мендан фақат хитоб... хитоб.
Бу дунёда, билмагандим,
Бир кун кутар ҳисоб... ҳисоб.

Бўлган экан, умрим бутун
Энди билсам, сароб... сароб.
Энди дунё айлар бугун –
Мени хоки туроб... туроб...

(Бетартиб кийинган, довдираб-паришонланган Пари билан ўйчан деҳқонлар кириб келишади.)

Эртакчи. Келинлар, азизлар. Марҳамат. Мана, бу ёкка... Сиз мана бу томонга ўтинг, кампир. Ана шундоқ... *(Ҳамма сукутда.)* Хўш, гап бундай... Кампирнинг бутун

хаёти, қисматини энди биласизлар... Мен ҳамма нарсани асосан кенгашда очмоқчи эдим. Лекин воқеани ўзларинг бугун далада тезлаштириб юбординглар... Қисқаси, кенгаш учун кампирнинг икки оғиз сўзини эшитиш, кейин қисқача муҳокама юритиб, ҳукм чиқариш қолди... Қарши эмасмисизлар?

Биринчи дехқон. Йўқ. Гапирсин, улуғ. Эштайлик...

Учинчи дехқон. Тўрт оғиз бўлса ҳам майли, устоз...

Иккинчи дехқон. Ўзи бунақа одамни... сув... дарахт...

Тўртинчи дехқон. Хумпар...

Эртакчи. Демак, бир овоздан маъқуллаб... Сўз Ялмоғиз кампирга!

Ялмоғиз кампир. Нима дей, кадрдонлар?! Гуноҳинг қанча кўп бўлса, шунча ўзингни оклашга мойил... уста бўлиб кетар экансан! Икки кун ичида Эртакчи болам кўзимни мошдай очди. Мен уни билиб, ота, дердимку, лекин бу бола жуда бошқача экан...

Учинчи дехқон. Устозни мақташга ўтилмасин...

Биринчи дехқон. Улуғимиз...

Тўртинчи дехқон. Таксир...

Эртакчи. Ҳа, кераги йўқ. Мақташ яхши эмас. Лекин оз-моз гапириш мумкин...

Ялмоғиз кампир. Қишлоқ олдида гуноҳим кўп. Айниқса, Пари... У мени қачондир кечирармикан?! Мен танимаганим, билмаганимга карамай, уни ўйлаганман умр бўйи... ўзимча қидирганман ҳам... Бу окланиш эмас, шунчаки айтяпман... Ҳукм ўзларингга ҳавола... Мен кўрқяпман. Лекин истасанглар, бир бошга бир ўлим, энди қайтиш йўқ... Зиғирча раҳм қилсанглар, менинг бахтим... чунки орзуим энди Парини ҳеч бўлмаса узоқдан кўриб турсам баъзан... босган тупроғини кўзларимга суртсам...

Эртакчи. Бўлдими, кампир?

Ялмоғиз кампир. Шундай, Эртакчи болам. Ҳаммамизнинг отамиз...

Эртакчи. Хўш, менинг фикрим... Кампирни ҳеч қанақасига кечириб бўлмайди. Дафтарда ҳам шунақа бир гап бор, ота-боболаримиз, кечирмаслик керак, деб ёзишган... Лекин ҳукм чиқарганда, бошқа бир нарсани ҳам инобатга

олишга тўғри келади. Биз кампирни қишлоқдан ҳайдаб, бир марта жазо берганмиз. Унинг устига, кампирнинг қарғишда ўтган кейинги бутун ҳаёти... бундан катта жазо йўқ... Унинг ҳозирги аҳволи, бировнинг шу қадар бахтсиз эканлиги... буни ҳам ўйлаш керак... Менимча, бу энди бизнинг ҳаммамиздан ҳам кўра кўпроқ Парига боғлиқ...

П а р и. Мен нима қиламан бунақа онани? Бундай меҳр кўргизиб, алла айтиб, эркаламаган... Умрида бирон марта у бошимни ювиб, сочимни ўрмаган бўлса... Эгнимга битта кўйлақча тикиб бермаган. Она эмиш! Менинг изтиробларим... менинг тўккан кўзёшларим... ўзларинг биласанлар, нима қилишни. У қайтиб бахтимни ўғирлади... Кенгашларингдан ўргилдим. Она эмиш...

(Пари ўрнидан сапчиб, югурганича чиқиб кетади. Эртакчи билан деҳқонлар нималарнидир қизгин баҳслашишга киришишади. Аммо биз уларни эшитмаймиз, чунки кампир эшитмайди, у ҳам шуурсиз ҳолда ўридан туради, кенгашни ҳам, ўтирганларни ҳам унутиб,

Парининг орқасидан бир нафас талпинади. Сўнг бўшашиб, боягидек бир четда чўнқайганча, ўзи учун ўзи хиргойи қилади.)

Я л м о ф и з к а м п и р .

Пари эдим-ку мен ҳам,
Қандай қилиб, урди жин!
Не узоқда – бир кадам,
Узоқлашди – не яқин.
Вой шўрлик менинг бошим,
Бош эмас, менинг тошим...

Мен ўзимни ўқ билдим,
Қарс этиб, учиб кетдим.
Мен ўзимни йўқ қилдим,
Қайларга кўчиб кетдим!
Вой, шўрлик менинг бошим,
Бош эмас, менинг тошим...

(Ниҳоят...)

Биринчи деҳқон. Ип чувалиб кетди, улуг... Одам нима дейишингни ҳам билмайсан... Тўғриси, шу...

Иккинчи дехқон. Сиз нима, охиригача ўйламаганмисиз, ахир? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи дехқон. Кўп гапирманглар...

Эртакчи. Бугун эзгулик тантана қилди. Тушунарли. Мақсад шу эди. Лекин нарёғи... ҳали ёзолмадим... Ўзимнинг ҳам бошим қотиб турипти.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Яна қишлоқ уйлари, Эртакчининг уйи, эшиги... Тонг пайти... Эртакчи билан Иккинчи, Учинчи, Тўртинчи дехқонлар фаромуш туришипти. Бўйнига новора осган Биринчи дехқон уни секин чалганича, кириб кела бошлайди.

Биринчи дехқон. Тургин, қишлоқ, хой... қишло-ок...

(Ажабланиб, тўхтаб қолади.)

Эртакчи *(шунга қарамай)*. Ҳозирча бунга айтмай туринг...

Биринчи дехқон. Ҳамма ўзи аллақачон турганми дейман...

Эртакчи. Ҳа, энди... Лекин гап унда эмас. Олдин кампирни кузатиш керак...

Биринчи дехқон. Кампир? Ҳазиллашманг, улуғ... Гўрга борадими кампир, қутилмаганда... Қачон чикди бу гап? Кимдан?

Эртакчи. Кўпчилик... Кеча мен мановилар билан ярим тунгача ўтириб қолиб, шу қарорга келдик. Биздан бўлак, кампир ўзи ҳам... Кетаман, деяпти...

Биринчи дехқон *(шерикларига)*. Шунақаям бўладими, оғайнилар? Гапни пишитиб, менга биронтанг бундай бир оғиз индамапсан ҳам... *(Эртакчига)* Бор экансизку, улуғ. Қутуладиган бўлипмиз фалокатдан. Хайрият... *(Унга ҳеч ким ҳеч нарса демайди, фаромушлик... бунга у дилғирлик, деб тушунади. Эртакчининг эшигига қараб-қараб қўйганича, нари-бери юрган кўйда новора чалиб, ўзича айта бошлайди.)*

Хуноб қилмай бунчалик,
Кетсанг, кетгин, кампиршо.

Сўроқлаб ўз кулбангни,
Етсанг, етгин, кампиршо.

Ярим йўлда қолсанг ҳам,
Қайтма ортик, кампиршо.
Бизга етар, эмас кам —
Шу бошоғрик, кампиршо...

(Унга яна ҳеч ким аҳамият бермайди. У энди баттар ажабланади.)

Йўқ. Бу ерда бошқа... Ростдан фалокат қишлоқдан даф бўлса, нега ҳеч ким суюнмаяпти? Ёки унга энди ҳамма ачиняптими?!

Тўртинчи дехқон. Бунинг нимасига суюнади, хумпар? Хилвиллаб қолган кампир... сен мазах қиялсан-ку, лекин ўйлаш керак, ҳақиқатан ҳам шу боришда у ҳали уйига етиб борадими, йўқми?! Буниси майли... Етиб борган тақдирда, қандай яшайди?! Ахир, энди унга минг чандон кийин...

Иккинчи дехқон. Тўғри... бунақаларга ўзи ачинмаса ҳам бўлаверади. Лекин одам... Унинг устига, ўртада Пари... Эртакчи (*ўйчан*). Ҳа, Пари...

(Лаҳза сукут чуқади. Сўнг бирдан ҳамма жонланади.)

Учинчи дехқон. Парига бундай айтилганми, устоз?

Иккинчи дехқон. Айтиш керак, биродарлар... Асакамиз кетмайди-ку! Кейин, биздан хафа бўлиб қолиши мумкин...

Биринчи дехқон. Дарвоқе, у менга ўхшаб ўзи келавермаса...

Тўртинчи дехқон. Кўп гапирманглар...

Эртакчи. Эзмаланиб нима қилдик... Жарохатни ҳадеб тирнайверса... Яна унутиб кетади, деб умид қилишга тўғри келади...

Учинчи дехқон. Бунақа нарсани унутиб бўлар эканми, устоз?!

Биринчи дехқон. Айниқса, Паридек кўнгли нозик...

Иккинчи дехқон. Ҳа, кийин... Биродарлар-е...

Тўртинчи дехқон. Бу бир бахтсизлик, таксир...
Эртакчи (*уйчан*). Бахтсизлик... Дунёда минг йиллар эгулик билан ёнма-ён ёвузлик бўлмаса эди, бундай бахтсизлик ҳам бўлмасди, албатта... Бир-бирингга ёвузлик қилишдан асраниш керак...

(Эртакчининг уйи эшиги очилиб, кичик бир тугун кўтарган Ялмоғиз кампир чиқади. У бош эгиб, ҳамма билан саломлашган бўлади. Шунинг баробарида, атрофга олазарак қарайди.)

Биринчи дехқон. Кетадиган бўлипсиз-да, кампир?
Иккинчи дехқон. Нега бунча шошасиз? Мен тушунмаяпман...

Учинчи дехқон. Мен ҳам. Ўлай агар...

Тўртинчи дехқон. Кампиримиз. Хумпар...

Эртакчи. Лаш-лушни йиғиб бўлдингизми? Ҳеч нарса эсдан чиқиб қолмадимми?!

Ялмоғиз кампир (*афтидан гапни эшитмай*). Нима? Ҳа, хозир кетаман, Эртакчи болам... Раҳмат сенга, нон-тузинг учун... Мендай бедавони сиздириб... (*Дехқонларга*) Сизлар нега йиғилиб турипсизлар, кадрдонлар? (*Илтижо билан*) Мени ҳайдаманглар. Мен ўзим...

Эртакчи. Булар кузатишга келган... Ҳеч ким сизни ҳайдаётгани йўқ...

Ялмоғиз кампир. Раҳмат... Демак, бу сафар ўзим... калтаксиз... Шу менга таскин бўлади... Ҳалиги... ха...

Эртакчи. Бир нимани сўрамоқчимидингиз?

Ялмоғиз кампир. Ҳа... Йўқ... энди кетяпман...

(Биринчи дехқон секин новорани чалишга тушади. Дехқонлар кампир билан хайрлашишга чоғланишади.)

Улар ҳаммаси.

Кампир, қийин... Сенга қийин,

Сенга қийин ниҳоят.

Ҳеч кимга сен — бу гап тайин, —

Қилолмайсан шикоят.

Сен ёлғизсан, дардинг — ёлғиз,

Мулкинг сенинг — ёлғизлик.

Кетмасмидинг бунча олис —
Қилмасанг Ялмоғизлик.

Шафқат қилдик биз, ҳар қалай,
Сенга келганча қўлдан.
Бўлса ҳамки, дардинг талай,
Энди қолмагин йўлдан...

Э р т а к ч и. Кетадиган одам йўлдан қолмагани маъкул,
албатта. Уйингизга ана-мана етиб оласиз... Менимча, шу...

Я л м оғ и з к а м п и р. Ҳа, энди кетдим... Сенга айт-
ган бутун гапим бекор, Эртақчи болам. Мен ҳақда ёзга-
нингни ёзавер. Ҳаёт... (деҳқонларга) Бахтли бўлинглар,
кадрдонлар... Ҳа, энди кетдим... Хув...

*(Ялмоғиз кампир ўзини дадил тутишга уринади. Аммо
дам сайин елкалари чўкиб, кичрайганича, узоқлаша бош-
лайди... У қора бир тугунга ўхшайди... Бехос саҳнага бир
кесим шуъла тушиб, чақмоқдек отилганча Пари чиқади.)*

П а р и. Она-а...

*(Ялмоғиз кампир тўхтаб, қайрилади. У бир нуқтада,
Пари бошқа нуқтада, бир-бирларига қўлларини чўзиш-
ганича қотиб қолишади.)*

Э р т а қ ч и (Биринчи деҳқонга). Айтмайсизми энди
ашулангизни? Нега серрайиб турипсиз?

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н (ноғорани чалиб).

Тургин, қишлоқ, хой қишлоқ,
Ухлаганинг етади.
Ухлайверсанг — иш чаток,
Умринг ўтиб кетади.

Ҳозир, кўз очиб чакнок,
Офтоб сени кутади.
Тургин, қишлоқ, хой қишлоқ,
Ухлаганинг етади...

(Ноғора кескин гумбурлайди.)

Парда

БОШ МАСАЛА

(Эски халқ эртаги асосида ишланган икки парда, олти кўринишли манзара)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Жимит шаҳарчанинг ўлик ҳокими ёки шунчаки жасадга ўхшаган бир нарса.

Мерган - қаландар

Бердикул - ҳокимнинг биринчи вазири

Ҳайбат - ҳокимнинг иккинчи вазири

Каримбек - саркарда

Мулла Муса - қози

Ҳошимжон - шаҳарда тиб ишлари бўйича мутасадди

Бўривой - шаҳарчада маърифат ишлари бўйича мутасадди

Акмалхўжа - Катта шаҳардан келган назоратчи

Гулбека - ҳокимнинг биринчи хотини

Нозанин - ҳокимнинг кейинги хотини

Чиннихон - ҳокимга меҳри тушган жувон

Каттабой, Ўртабой, Кенжабой - ҳокимнинг ўғиллари

Қудрат - қора халқ вакили, шу билан бирга ҳокимни болаликдан таниган одам

Бургут - лақабини ҳамма билиб, номини биров билмайдиган арокхўр ва тиланчи бир киши

Кулихон - қўшни шаҳар ҳокими

Абдусалом - унинг вазири

Аскарлар, турли мулозимлар, айғоқчилар, хонанда ва раққосалар.

БОШЛАНИШ

Хонандалар.

Кўп ажойиб боғлари бор,

гуллаган мулкдир бу мулк,

Кўп ажойиб тоғлари бор,

гуллаган мулкдир бу мулк.

Телбалар бордир, ва лекин,

телба бунда кўп эмас,

Ҳар қалай, кўп соғлари бор,
гуллаган мулкдир бу мулк.
Гарчи эртак сўйлашурлар,
бунда эртаклар кизик, —
Қалбга чўккан доғлари бор,
гуллаган мулкдир бу мулк.
Чин ва ёлғон бирлашиб,
бўлган каби эртакка жо, —
Кўп ажойиб чоқлари бор,
гуллаган мулкдир бу мулк.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Коронғиликда яланг майдон, орқадаги паст-баланд иморатлар ғира-шира кўзга чалинади...

Тўс-тўполон. Милтиқлар қарсиллаб, қиличлар бир-бирига урилганча чарсилламоқда. Икки гуруҳ ўртасида қизғин жанг борапти. Аскарлар олишганча чиқиб кетишади.

Атроф аста-секин ёришади.

Майдонга бир кўзига чарм боғлаган Мерган-қаландар, унинг изидан саркарда Каримбек кириб келади.

Каримбек. Сен кимсан?

Мерган. Мен Мерган. Танимаяпсизми?

Каримбек. Нима қилиб юрибсан бу ерда?

Мерган. Ўзим...

Каримбек. Бу ерда жанг бўляпти. Тушундингми?
Кет бу ердан!

Мерган. Хўп бўлади... *(Кета бошлайди)*.

Каримбек. Тўхта. Қаёққа кетяпсан?

Мерган. Шаҳарга...

Каримбек. Шаҳарга борма. Ҳамма ёқда жанг. Тушундингми? Дала-даштда айланиб юравер.

Мерган. Хўп бўлади...

(У чиқиб кетади. Каримбек ҳам аскарлар олишайтган томонга жўнайди. Майдонга маст-аласт Бургут кириб келади.)

Бургут. Оғзим бор, деб гапираверишади, гапираве-

ришади. Гапдан нима фойда?! Ўзларинг бундай ичиб юрмайсанларми? Келиб-келиб менга насихат қиласанми, хумпар? Йўк, буларни ўзи ойиси насихат учун туккан. Ҳаммаси шунақа, эрталабдан ичма, дейди. Ў, менга қара. Кечкурун шусиз ҳам маст бўлиб қолгандан кейин нима қилиш керак?! Э, майли, оғиз сеники, гапиравер... (*У ўртага ўтириб олиб, чунтакларини қоқиштиради ва шошмай чақа санашга тушади.*) Куни бўйи судраласан, биров сени ўйламайди. Тилини суғургандаям, ма, ол, жигар, захарингга ич бунди, демайди биронтаси. Бундай ёрдам ҳам қилишмайди. Хўп, шундай экан, ўзимга қўйиб бермайсанми, болам? Сенларнинг менда нима ишларинг бор?

(Ховлиқиб, нечундир ҳаяжонланиб яна Каримбек киради. Унинг Бургутга кўзи тушади.)

Каримбек (*ўзича*). Биттасини ҳайдасанг, иккинчиси келади. Тавба! (*Бургутга.*) Қоч, Бургут! Қоч бу ердан! Тур, деяпман!

Бургут (*пинагини бузмай*). Кўп бақирма, томоғинг йиртилади, болам. Бу менинг жойим. Мен шу ерда ўтиравераман.

Каримбек. Гапни чўзма! Бу ерда жанг бўляпти. Тундундигми? Мухораба...

Бургут. Э, менга бари бир.

Каримбек. Нима, сенга бари бир?

Бургут. Иккиси олишгани-олишган. Минг йилдан буён шу...

Каримбек. Хўп, улар майли. Лекин сен-чи? Сен оёқ остида йўк бўлиб кетишдан ҳам қўркмайсанми?!

Бургут. Э, мени йўқотиш қийин. Мени жин ҳам урмайди. Юравераман.

Каримбек. Бир оз лакиллашдик, бўлди. Тур, яхшиликча бу ердан кет, оғайни. (*Қиличи дастасини ушлаб*) Бўлмаса, сени ўзим чопиб ташлайман. Ҳозир адибадининг мавриди эмас.

Бургут. Майли, сарик чақадан чўз, кетаман. Ароққа пулим етмаяпти.

Каримбек. Сенда эс борми ўзи? Сен қанақа бемаъ-

ни одамсан?! Бу ерда ўтириш мумкин эмас, деяпман. Жанг, деяпман.

Бургут. Менга бари бир. Сарик чакадан чўз, кейин...

Каримбек. Бўпти. Сенга очигини айтаман. Ҳокимни хозир жангда ўлдириб қўйишди. Энди тушундингми?! Бу ёкка уни олиб келишяпти.

Бургут. Йў-е, ростдан ўлиптими ҳоким?! Ўлмайман, деб юрганди.

Каримбек (*асабий*). Мен унисини билмайман. Кет...

Бургут (*ҳамон чақа санаётиб*). Ҳа, майли. Ҳоким хам одам, бир кунни ўзи бари бир ўлиши керак эди. Худо раҳмат қилсин.

Каримбек (*бўеилиб*). Падарингга лаънат... (*Чўнтагидан чақа чиқариб берганча*.) Ма, ол. Ол... Йўкол.

Бургут. Гап бундоқ бўпти! (*Олган чақасини санаб*.) Қўлингни оч!

Каримбек. Нима?

Бургут. Дуо қилишим керак. Қоидаси шунақа. Ўшанда пул ҳалол бўлади. (*Каримбек еижиниб, истар-истамас қўл очади*). Худоё, раҳмат айла қўл очиб омин деганларни. Омин. Оллоху акбар... Хўп мен кетдим... (*У ўрнидан туриб, майдондан узоқлаша бошлайди. Тўхтайди*.) Бир нарса эсимдан чикипти... Жанг экан, сен хам ановинга ўхшаб ўлиб-нетиб юрмагин, хўпми?! Шундай юрган яхши. (*Бургут чиқиб кетади*.)

Каримбек (*Бургутнинг орқасидан, ўзича*). Падарингга лаънат. Итдек ичгани-ичган. Яна эрталабдан ичганига ўласанми?

(*Уч-тўрт жангчи ҳокимнинг жасадини кўтариб киришади*.)

Биринчи жангчи. Жаноб саркарда...

Иккинчи жангчи. Жаноб Каримбек...

Каримбек (*куйманиб, иморатлардан бирининг эшигига имо қилганча*). Мана, бу ёкка. Опкирларинг ичкарига... (*Жангчилар жасадни ичкарига олиб киришади. Улар кўп ўтмай андак паришон ҳолатда қайтиб чиқишади. Эшик очиқ қолади*.) Ҳа, нега бўзрайиб турипсанлар?

Биринчи жангчи. Энди буёғи нима бўлади?

Иккинчи жангчи. Биз қайтиб кетаверайликми жангга?

Каримбек. Йўқ, шошманглар. Шу ерда қиладиган ишлар бор. Ҳоким тўғрисида шахарчага хабар етказишга, жамоани жамлаб, уни дафн этишга тўғри келади. Бирваракайига янги ҳоким тайинлаш... Бу ишларни иложи бори-ча тез бажариш лозим. Ҳали муҳораба босилмади. Ортикча саросималаниб, имиллаб қолсак, душман бундан фойдаланиши мумкин.

Биринчи жангчи (*ғудраниб*). Бу ҳаммаси яхши... Лекин ҳоким...

Каримбек (*ажабланиб*). Хўш, нима ҳоким?

Иккинчи жангчи (*ботиниб-ботинмай*). Ўзингиз ичкарига бир қаранг. (*Каримбек эшик оёзига бориб, ичкарига қарайди. Энди у ҳам андак паришонланади.*)

Каримбек. Тавба... Мен тушунмаяпман, у аввалдан ўзи шунақамиди ёки бунақа эмасмиди?

Биринчи жангчи. Биз ҳам тушунмаяпмиз. Олдин кўп кўрмаганмиз.

Каримбек. Мен кунда кўрганман, дейлик. Лекин бундан нима фойда? Аввало, ҳокимга тик қараш... Бунинг устига, биз оми сипоҳлармиз, ҳамма нарсага бари бир ақлимиз етавермайди... Демак, дафндан ҳам олдин ҳокимнинг ўзи... Сенлар ҳозир бориб, икки вазир – Бердикул билан Ҳайбатни менинг номимдан бу ёққа чақиринглар. Ушалар билан машварат қилайлик-чи... Йўқ, тўхтанглар. Бунақа ишда, биринчи қози...

Иккинчи жангчи. Қанақа қози?

Каримбек. Бизда қози битта, Мулла Муса... Дарвоқе, уларнинг ҳаммасига ҳокимнинг ўлганини айтаверишларинг мумкин. Лекин бошқа ҳеч нарса деманглар. Тушундингларми?

Биринчи жангчи. Ҳа, албатта.

(*Жангчилар чиқиб кетишади.*)

Каримбек (*ўзича*). Қизик. Минг йилдан буён кўриб юриб, унга ҳеч бундай яхшироқ эътибор қилмаган экан-

ман... Лекин айб менда эмас! Гоҳ жангу жадал, гоҳ ас-карлар билан машқ. Ундан ташқари, уйда хотин, кўчада улфатлар. Бош қашишга вақт йўқ. Бунақада ўзингни ўзинг эздан чиқариб қўймаганингга раҳмат, бошқа бировни қаёқдан биласан! Худо кечирсин, албатта.

(Майдонга Ҳошимжон билан Бўривой келиб қолишади.)

Ҳошимжон. Каримбек, дўстим, биз шунчаки бир муносабат билан шаҳардан чиқиб кетаётиб, йўлда хоким хазратларини...

Бўривой. Дарров бу ёққа келавердик, кўнглимиз бузилиб...

Ҳошимжон. Ҳаммадан олдин зиёрат... мумкинми ўзи?

Каримбек. Зиёрат... Бемалол. *(Эшикни кўрсатиб)* Хув, ичкарида ётипти. *(Ҳошимжон билан Бўривой узун-қисқа бўлиб ичкарига киришади ва тезда қайтиб чиқишади. Иккиси ҳам гаранг.)* Ҳа, зиёратни ҳам ярим қилдингларми, дейман. Нега дарров қайтиб чикдинглар? Ўтирмайсанларми бир оз ўша ерда?

Бўривой. У ерда узок ўтиравериш... Оёқларига бир йиқилдик, бўлди...

Ҳошимжон. Бурчимизни бажардик, дўстим...

Каримбек. Хўп, майли. Лекин сенлар у ерда ҳеч нарса сезганларинг йўқми?

Бўривой *(шошиб)*. Йўқ, Ҳошимжон сезган бўлмасалар, мен...

Ҳошимжон. Бўривой ўзлари...

Каримбек. Оп-очик кўриниб турган нарсани нахотки сезмаган бўлсанглар?! Иккингни ҳам Худо урган экан-ку...

Ҳошимжон. Сиз нимани айтяпсиз ўзи? Биз тушун-маяпмиз...

Каримбек *(бўғилиб)*. Ҳокимнинг боши йўқ. Шундай ётипти... Сенларни қара-ю!

Бўривой. Биз бунга эътибор бермапмиз...

Ҳошимжон. Биз бу ҳақда ўйлашга қўрқдик, дўстим...

(Уч-тўрт аскар майдонга бир неча курсилар ва узун харрак кўтариб келишади.)

Учинчи аскар. Қози почча келяптилар.

Каримбек. Хайрият.

(Бошини чангаллаган қўйи қози киради.)

Мулла Муса. Водариф. Менинг пушти паноҳим.
Қиблагоҳим...

Каримбек (кескин). Мулла Муса, менга қаранг.
Мен сизни шовкин солиш учун чақирганим йўқ. Бугун
сизнинг ишингиз кўп... Нима бўлганини биласизми ўзи?

Мулла Муса. Эшитдик, бўтам. Онҳазрат...

Каримбек. Баракалла... Демак, ўтиб ўтиринг мана
бу ёққа. Бизга йўл-йўриқ кўрсатасиз.

Мулла Муса. Йўл-йўриқ маълум... (Ўтиб ўтирган-
ча) Онҳазратни дафн этиш. Бизнинг барчамиздан улуғ одам
бўлган Акмалхўжа билан бемашварат янги ҳоким тайинлаш...

Каримбек. Буларни мен ўзим ҳам биламан. Бу ерда
бошқа бир даҳмаза.

Мулла Муса. Яна қанақа даҳмаза?

Каримбек. Ҳокимнинг боши йўқ... Ичкарида ётип-
ти, кириб кўришингиз мумкин.

Мулла Муса (ранги ўчиб). Унақа деманг, бўтам.
Уят бўлади...

Каримбек. Мен борини айтяпман. Ишонмасангиз...

Мулла Муса (паришон). Йўқ, бўлди, мен сизга
ишондим. Хўп, нима килиш керак?

Каримбек. Менинг айбим бўйнимда. Мен олдин
эътибор бермаганман.

Мулла Муса. Нимага, бўтам?

Каримбек. Ўзи аввалдан унинг боши бормиди ёки
йўқмиди? Сиз балки биларсиз...

Мулла Муса. Мен?! Йўқ, унчалик... Мени анчадан
буён кўзим яхши кўрмайди. Одамнинг қорасини илғай-
ман, холос. Ўзини кўришим кийин...

Каримбек. Нима қилганда ҳам сиз бизга шуни тез
аниқлаб беришингиз керак... Мен уни шундай ҳам кўмаве-
рардим. Лекин шаҳримизда кейинги пайтлар жасадни
ёткизиб қўйиб, атрофидан айланиш одат бўлиб қолди.
Ўзингиз биласиз, биров қўққисдан кизиқиши мумкин.

Мулла Муса. Аклли одам кўп. Сўраб-суриштириш лозим... Вазирларга одам юборилганми?

Каримбек. Худди шундай.

Мулла Муса. Онҳазратнинг учта нуридийдалари уч ёкка – бири борса келар, бири ё келар, ё келмас, охиргиси борса келмасга кетишган. Вазирлар уларни чақиртиришар.

Каримбек. Ҳоким ўлганини эшитгач, албатта, шундай қилишар.

Мулла Муса. Бўлмаса сиз Акмалхўжани бу ерга чақиртиринг. Кейин онҳазратнинг заифалари – Гулбека билан Нозанин... Чиннихон деган жувон ҳам ҳокимни эшитган бўлса, шаҳарда ўтиравермай, шу ёкка келсин... Тўхтанг, Қудрат деган қосиб бор, раста охиридаги дўконда. Ўшани ҳам айтишсин. Ҳозирча шу.

Каримбек. Маъқул, тақсир.

Мулла Муса. Мен, бошқалар келишгунча, манави йигитлар билан сўзлашиб тураман... (*Ҳошимжон билан Бўривойга юзланиб.*) Қани, йигитлар, марҳамат, мана бу ёкка... (*Ҳошимжон билан Бўривой қисиниб келиб, қозининг рўпарасидан жой олишади. Каримбек аскарларга кўрсатма беради. Сўнг у ҳам бир чеккага келиб ўтиради.*) Хўш, Ҳошимжон, адашмасам, сиз шаҳарчада тиб ишлари бўйича мутасаддисиз, шундайми?!

Ҳошимжон (*истар-истамас*). Шундай.

Мулла Муса. Демак, одамнинг бутун аъзои баданини яхши биласиз. Бунинг устига, сиз пушти паноҳимизни муолажа қилиб тургансиз. Тўғрими?!

Ҳошимжон (*эзилиб*). Тўғри.

Мулла Муса. Бизга очик гапираверинг, бўтам. Онҳазратнинг аввалдан бошлари бормиди ёки йўқмиди?

Ҳошимжон. Мен қаёқдан биламан, қози почча? Тиб бўйича мени ўзларинг мутасадди қилиб қўйгансизлар.

Мулла Муса. Қизишманг, бўтам... Билганингизни эшитайлик.

Ҳошимжон (*ўйчан*). Негадир дорини яхши кўрарди. Қўллари доим олдинга чўзилган эди. Кўпинча қуни-

шиб, тапиллаб юрарди. Оёқлари ҳам кўз олдимда турипти... Ҳаммадан кўп елкаларини укалатарди... Лекин бирон пайт менга, масалан, бошим оғрияпти, демаган. Жони оғриб, бошини бундай деворга урган бирон пайт ҳам бўлмаган. Бўривой билан ҳозир ичкарига кирсак, боши йўқ. Олдин қандай эди, мен қаёқдан биламан?!

Мулла Муса. Бор экансиз-ку, бўтам. Раҳмат. Мана шунча нарсани айтдингиз... Энди навбат сизга, Бўривой.

Бўривой. Мен бу ишга иложи бўлса аралашмасам, қози почча.

Мулла Муса. Нега?

Бўривой. Мендан бирон ақлли фикр чикмайди. Мен ҳамма қатори...

Мулла Муса. И-е, бу нима деганингиз! Шу гапингиз рост бўлса, сиз қандай қилиб шаҳарчада маърифат ишлари бўйича мутасаддилик қияпсиз? Ахир, одамларни кузатиш, баҳо бериш бошқалардан кўпроқ сизнинг вазифангиз эмасми?!

Каримбек (*ўрнидан туриб, пичирлаб*). Бош вазир келдилар. (*Бердиқул, бир дам ўтиб, Ҳайбат киради.*) Иккинчи вазир ҳам...

Мулла Муса (*ўрнидан туриб*). Келинг, Бердиқул. Ҳайбат, келинг. Салом алайкум. Марҳамат.

Бердиқул (*жаҳл билан*). Нима шовқин бу ерда? Ҳоким ўлган экан, сенлар уни шаҳарга кўтариб бориш ўрнига нега бу ерда олиб ўтирипсанлар?!

Мулла Муса. Бизни маъзур тутасиз, жаноби олийлари. Мухим бир муаммо чикди...

Бердиқул. Қандай муаммо бўлмасин, ҳаммаси дафндан кейин.

Каримбек. Бу ишнинг дафнга алоқаси бор, вазири аъзам!

Мулла Муса. Бирпас ўтиринг, жаноби олийлари, ўзингиз ҳаммасига тушуниб оласиз. Жуда ичингиз қизиётган бўлса, ҳозирок ҳув ичкарига қараб қўйсангиз ҳам бўлади. (*Бердиқул истар-истамас ўтиб ўтиради. Гапга аралашмаган Ҳайбат очиқ эшик оғзига бориб, ичка-*

рига мўралайди ва капалаги учган бир ҳолда у ҳам келиб ўтиради. Сўнг Бердиқулнинг қулоғига нималарнидир пичирлайди.)

Каримбек. Бўривой, сиздан эшитаётгандик.

Мулла Муса. Ҳа, Бўривой, қани, гапиринг...

Бўривой. Мен айтдим...

Мулла Муса (жаҳли чиқиб). Ёлғонни кўйинг, ўғлим. Ёлғонни ўз ишингизда ишлатасиз. Сиз ҳали ҳеч нарса айтганингиз йўқ.

Бўривой. Қисқаси... Тўғриси айтишга қўрқаяпман. Юрагим ёмон бўляпти. (Ҳошимжонга) Ёнингизда бирон дорингиз йўқми?

(Ҳошимжон чўнтагидан ҳап чиқариб беради.)

Каримбек (ўрнидан сапчиб, қиличи дастасини ушлаганича). Қўрқманг, Бўривой, гапираверинг. Керак бўлса, мен сизни ҳимоя қила оламан.

Бўривой. Бу ерда, менимча, гапирадиган гапнинг ўзи йўқ. Мен фақат кузатганимни айтаман. Майли... Китоб ўқимасдилар. Билмадим, негадир ҳеч қачон томошага ҳам чиқмасдилар. Ҳар куни саройда юрганимга қарамай, ойда-йилда баъзан менга бехосдан кўринмайсан, ишинг кўпми, дердилар. Бир-икки марта, юр, иккимиз овлок кўл бўйига борайлик, деб таклиф қилган пайтлари ҳам бўлган. Гаплашиш учун эмас, қурбакалар вақиллашини эшитиб ўтиришни ёқтирардилар. Асосан, шу... Дарвоқе, охириги бир марта кўришганимизда менга... одам гапиришга ҳам уялади, кечирасизлар... киндик тўғрисида нималар ёзилган, шуларни тўпла, дегандилар.

Мулла Муса. Бу ҳаммаси яхши, бўтам. Лекин сиз мақсадга яқинлашмадингиз. Онҳазратнинг, масалан, ўзи бундоқ бошлари бормиди ёки йўқмиди?

Бўривой (тутақиб). Қизик экансиз, кози почча, бундан ортиқ нима истайсиз! Мени бунча қийнайсиз! Ўзингиз билсангиз, дангал айтавермайсизми? Бошқаларни тергашдан олдин, менимча, шахсий намуна...

Мулла Муса. Баракалла, бўтам. Бор экансиз-ку... Мен сиздан ҳаммадан бурун мана шундай бурро гапни

кутгандим. Зероки, мен дунёда ёмон кўрганим қисиниш. Ҳақиқатан ҳам, одам оғзига сув олиб ўтираверса, бунинг нима қизиғи бор! Гапиравериш керак... (*Бердиқул ўрнидан сирғалиб, секин эшик оғзига борганча ичкарига мўралайди*). Хўш, демак... (*Бердиқул билан Ҳайбатга юзланиб*). Ўзларинг балки бизга бир нима дерсизлар, вазири аъзамлар? Сизлар ҳарҳолда ҳокимнинг икки қўли...

Б е р д и қ у л (*шошиб*). Йўк, йўк... Биз ҳозир қайтиб шаҳарга борамиз. Бу ерда сиз ўзингиз бемалол... Бизнинг фикримиз аниқ, кейин айтаверамиз.

М у л л а М у с а. Мен ҳаммани шу ёққа чақирганман, шаҳарга бормасангиз ҳам бўлади, жаноби олийлари.

Б е р д и қ у л. Йўк, шаҳарда иш кўп... Сарой эшикларини очиқ, бу ёқда ҳоким ўлиб, у томондан душман хуруж қилаётган бир пайт, ўзингиз тушунасиз, қози почча. Ундан кейин, одамларга тасалли бериш... Онҳазратнинг нуридийдалари келишган бўлса, бошларини силаш... Хуллас, мен ишларни бажариб, яна тез қайтиб келаман. Унгача сиз менинг номимдан нимаики жоиз туюлса, кўркмасдан... Ҳайбат ҳам шу ерда қолаверсинлар, мен рози. (*У илдам юриб чиқиб кетади.*)

Ҳ а й б а т. Мен? Йўк, мен ҳам... (*У ҳам елганича, Бердиқулга эргашади. Қози ва бошқалар вазирларнинг изидан таажжубда тикилганча, қотиб қолишади.*)

Хонандалар.

Эй, хаёл, оддий хаёл!

неларга қодирсан, хаёл!

Гоҳида хуркакланиб,

гоҳида ботирсан, хаёл.

Сенда ожизлик билан қудрат

мужассам, ёнма-ён,

Шу сабабдан, эҳтимол,

дунёда нодирсан, хаёл.

Сен булутлар сингари

енгил юзарсан гоҳ-гоҳ,

Гоҳ эса тоғлар каби,

одатда, оғирсан, хаёл.

Сен ўзинг эртақчисан,
не бўлса ҳам — ойдин, аниқ:
Сен ўзинг илк куйчисан,
гўёки шоирсан, хаёл...

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Шахарчада ҳокимнинг саройи. Катта бир хона.

Қора кийган ҳокимнинг хотини Нозанин икки хос мулозим билан сўзлашиб турипти.

Нозанин. Мен бир нарсага тушунмаяпман. Ҳоким ўлган бўлса, нега уни келтириб кўмиш ўрнига, мени шахардан ташқарига чақиришяпти?

1 - мулозим. Фақат сиз эмас, маликам, қози билан саркарда Акмалхўжани, вазирларни, кўпчиликни ўша ёққа чақиришган.

Нозанин. Хўш, нима учун, ахир?

2 - мулозим. Биз ҳам шунга тушунмаяпмиз, маликам...

Нозанин. Саройдаги бошқа мулозимлар, одамлар нима дейишяпти?

1 - мулозим. Ҳокимни ўша ёқда кўмиб қўя қолишмоқчи бўлса керак...

Нозанин (*асабий*). Мен эримни шахарга келтирмай кўмишга қўймайман... (*Ўйланиб.*) Йўқ, менимча, бу ерда бошқа... Жанг бўляпти. Булар тез янги ҳоким тайинлашмоқчи!

2 - мулозим. Шундай бўлиши мумкин, маликам. Тўғри айтдингиз...

Нозанин. Демак, менинг ўғилларимдан биронтаси ҳам ҳоким бўлмас экан-да! Мен билан ҳисоблашмай, бошқа одамни қўйиб кўришсин, ўзларига кийин бўлади. Мен унинг йўлига шундоқ ўлигимни ташлайман.

1 - мулозим. Ундай қилманг, маликам. Булар сизни ҳам ҳокимга қўшиб кўмворишади.

Нозанин. Ҳамма нарсани тугиб, беркитдингларми? (*Мулозимлар бош силкишади.*) Бўлмаса, юринглар, ўша ёққа борайлик-чи... Мен ҳадеганда жон берадиган аҳмоқ эмасман!

(Нозанин хос мулозимлари билан кескин чиқиб кетади. Бошқа бир мулозим кириб, атрофга аланглайди. Сўнг чапак чалади. Хонанинг турли томонидаги эшиклар ланг очилиб, раққосалар, хонандалар кириб келишади. Раққосалар ўйинга тушиб, хонандалар шўх куйлай бошлашади.)

Хонандалар.

Биз билгандик сенинг ҳоким
Бўлишингни, ёр-ёр.
Биз билгандик, бошдан сенинг —
Ўлишингни, ёр-ёр.

Биз шунчаки буни обдан
Ўйламасдик, ёр-ёр.
Ўйласак ҳам бу тўғрида
Сўйламасдик, ёр-ёр.

Чиккан бўлса, чикибди-да
Сенинг жонинг, ёр-ёр.
Қибла эди, қибла бўлур —
Тўрт томонинг, ёр-ёр...

(Бердикул, унинг изидан Ҳайбат кириб келишади. Бир нафас нима дейишларини билмай қолишади ва ниҳоят...)

Бердикул. Нималар бўляпти ўзи бу ерда? Бош мулозим! Нега мотам ўрнида ўйин-кулги қияпсизлар?!

Бош мулозим. Ўйин-кулги эмас, жаноби олийлари... Ота-боболаримиздан қолган шунчаки расм-русум.

Бердикул. Қанақа расм-русум?

Бош мулозим. Кўп йилдан буён ўлим кўрмай, хотирангиздан кўтарилипти, жаноби олийлари. Биз одам дунёга келганида, кўрган кунинг қурсин, деб обидийда қиламиз. Дунёдан ўтганида ташвишлардан қутулдинг, деб ирғишлаймиз.

Бердикул. Ундай бўлса майли, ишларингдан қолманглар. Фақат дарвозахонадан битта-яримта хабардор бўлиб турсин. Ҳокимнинг ўриллари келиши билан менинг хузуримга чакирасанлар.

(Бош мулозим имо қилиб, мулозимлардан иккитасини дарвозахонага чиқартириб юборади. Кейин у яна чапак чалади ва яна рақс, куй давом этади.)

Хонандалар.

Ҳоким-эрим ўлибди, деб
Кўп куюнманг, маликам.
Тахт колар, деб ўзимизда,
Кўп суюнманг, маликам.

Акмалхўжа дегани бор,
Бир ёқда икки вазир.
Қай биридан гап сўрасанг,
Ҳокимликка мунтазир.

Жанг қилмоқда Қулихон ҳам –
Ўзим ҳоким бўлай деб.
Бу дунёда шуҳрат топиб,
Кейин майли, ўлай, деб...

Бердикул *(жаҳли чиқиб)*. Вазирларни нега ашулангга қўшасан, падарлаънат?! Йўқол ҳамманг кўзимдан! *(У мулозимлар, раққоса-хонандаларни қувиб ҳайдайди, улар турли эшикларга кириб кетишади. Вазирлар ёлғиз қолишади)*.

Ҳайбат *(ғудраниб)*. Гап кўпаймасин учун ҳокимни келтириб, тезроқ кўмса бўлармиди?!

Бердикул *(ўйчан)*. Кўмиш керак, албатта... *(Ҳайбатга тикилиб)*. Мен бундан буюғи сизнинг итингизман, жаноби олийлари.

Ҳайбат *(анграйиб)*. Бу ўзингизми, вазири аъзам? Нима бўлди сизга?

Бердикул. Биласизми, сиз бекор менга эргашиб, бу ёққа келдингиз. Акмалхўжа ўша томонга боради. Сал куюқрок саломлашиб турсангиз, бахт куши, дегандек... Ҳокимликка ҳозир сиздан муносиб одам йўқ.

Ҳайбат. Мени қўйишмаса керак.

Бердикул. Мен қўллайман. Ҳали бориб, Акмалхўжага ўзим секин...

Ҳайбат. Йўқ, мени қўйишмайди. Мендан олдин сиз...

Бердикул. Менга керак эмас. Қаридим... Вазирликда қолдирсангиз бўлди, жаноби олийлари.

Ҳайбат. Йўқ, ҳокимнинг ўғиллари, ўзингиз биласиз, вазири аъзам!

Бердикул. Ҳокимнинг ўғиллари бир-биридан аҳмоқ. Бунинг устига, кетишаётганида Акмалхўжа билан сўкишиб кетишган.

Ҳайбат. Ростдан омад келаётганмикан?

Бердикул. Келяпти. Фақат салгина ҳаракат... (Уйчан.) Бош мулозим қаёққа гумдон бўлди экан?

(Эшиклардан бири гижирлаб очилади.)

Бош мулозим. Мен шу ерда, жаноби олийлари.

Ҳайбат. Унда мен кетдим... *(шошилиб чиқиб кетади.)*

Бердикул *(қулимсираб, Ҳайбатнинг изидан тикилганича)*. Сенга кўзи учиб турипти ҳамманинг... *(Бош мулозимга.)* Сени олтинга кўмиб ташлашимни истайсанми?

Бош мулозим. Қуллук, вазири аъзам. Қулоғим сизда.

Бердикул *(қўйнидан хат чиқариб)*. Мана шуни Қулихонга етказасан. Фақат, ок туя кўрдингми...

Бош мулозим. Йўқ, туялар даштда... *(Хатни қўйнига яшириб.)* Тилим кесилган, деб билаверасиз.

(Икки мулозим киради.)

Биринчи мулозим. Ҳокимнинг ўғиллари дарвозахонада туришипти, вазири аъзам.

Бердикул. Учаласи ҳам келдимиз?

Иккинчи мулозим. Ҳа, кетма-кет.

Бердикул. Биттадан олиб келинглар. *(Бош мулозим, унинг изидан қолган мулозимлар чиқиб кетишадди. Дам ўтмай эшикда Каттабой пайдо бўлади.)*

Каттабой. Не кунга қолдик, вазири аъзам?!

Бердикул *(уни бағрига босиб)*. Бандалик, жигар. Бардам бўлинг. Ҳозир ҳамма шаҳардан ташқарида, дандангизнинг ёнида. Мен сизни муборакбод қилиш учун саройга келдим...

Каттабой. Бу нима деганингиз, жаноби олийлари?

Бердикул. От ўрнини той босади, тўрам. Нахотки, билмасангиз! Ота ўлса, катта ўвил унинг ўрнига ўтади. Қадимдан таомил шу.

Каттабой. Бу аник гапми, вазири аъзам?

Бердикул. Аник. Фақат бир шарти бор... Сиз тўғри майдонга бориб, от суриб, жангга кириб кетаверасиз. Отангиз учун кела солиб, интиқом олгандек бўласиз. Лекин шу билан бирга, укаларингизни олдинга ўтказиб, ўзингизни асрашга ҳам ҳаракат киласиз, тўрам. Менинг мақсадимни тушунгандирсиз, жаноби олийлари.

Каттабой. Тушундим, вазир...

(Каттабой чиқиб кетади. Биринчи мулозим киради.)

Биринчи мулозим. Булар иккиси бирга кирамиз, деб турипти, вазири аъзам.

Бердикул. Акаларига ўхшаб, биттадан киришса бўлмас эканми?

Биринчи мулозим. Йўқ, дейишяпти. Жахллари чикаяпти.

Бердикул. Ҳа, майли, кираверишсин... *(Мулозим чиқади. Ўртабой билан Кенжабой киришади.)* Бандалик, жигарлар. Оғир кунга қолдик... *(Чўнтагидан рўмолча чиқариб, кўзини артади. Ўртабой билан Кенжабойни бағрига босади. Кейин...)* Қулоқларингга айтадиган бир оғиздан гапим бор, жигарлар... *(У бир Ўртабойнинг ёнига югуриб, бир Кенжабойнинг ёнига югуриб, қулоғига шипшийдди. Алланималарнидир тушунтиради.)*

Ўртабой билан Кенжабой *(ўйчан)*. Ташаккур сизга, вазир. *(Улар чиқиб кетишади. Биринчи ва иккинчи мулозим киришади.)*

Иккинчи мулозим. Яна қандай хизмат бор, жаноби олийлари?

Бердикул. Хизмат бўлди... Боягидек расм-русумни бажо келтираверинглар. Фақат ашулаларингга мени кўшманглар, падарлаънатлар. Ўзларингга ёмон бўлади. *(У илдам юриб кетади. Турли томондаги эшиклар яна ланг очилиб, раққосалар, хонандалар ёпирилиб киришади.)*

Хонандалар.

Эчки ҳоким бўлмайдами,
Бизга энди бари бир.
Тулки ҳоким бўлмайдами,
Бизга энди бари бир.

Ҳоким деган – ота бўлса,
Одамларни ўйласа.
Қийналишга йўл бермаса,
Ғам чекишга қўймаса.

Келар бир кун ёруғ замон,
Орзу бизнинг мулкимиз.
Ўзгарар-ку бир кун жаҳон –
Янграйверса кулгимиз...

(Рақс, ўйин-кулги.)

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша паст-баланд иморатлар олдидаги майдон.

Каримбек, Мулла Муса, Хошимжон ва Бўривойдан ташқари Хайбат ҳам шу ерда. Мулла Муса уни қийин-қистовга оляпти.

Мулла Муса (Хошимжон билан Бўривойга имо қилиб). Буларни қайтиб яна бир бошдан тергадим. Сиз бўлса икки соатдан буён арзирли бир гап айтмаяпсиз, жаноби вазир.

Хайбат. Мен айтаман. Жоним билан. Масала аниқ... Ҳар қачон ҳоким ҳазратларининг муборак номларини тилга олганда, мен болаликда бутун кўрган-кечирганларим ёдимга тушади. Аввало, гап бундай. Мен яхши бузокманми, йўқми, билмадим, лекин мени волидам қолиб, болаликда бошқа икки хотин эмизган...

Мулла Муса. Сиз яна бизни чалғитяпсиз, яна мақсаддан узоқлашяпсиз, жаноби вазир.

Хайбат. Тушундим, тақсир... Сизга гапнинг пўскалласини айтишим керак, шундайми?

Мулла Муса. Албатта.

Хайбат. Ундай бўлса, айтаман. Ҳаммасини айтаман...

Бизнинг саройдаги турмушни ўзларингиз яхши биласизлар. Гоҳ хонама-хона юриш, гоҳ от миниб, кўча айла-ниш. Сарой ўз йўлига, лекин масалан, кўчада ҳар куни қанақанги одамларни учратмайсан...

Мулла Муса. Жаноби вазир, ҳоким...

Ҳайбат. Э, гапиргани кўясизми ёки йўқми? Мен секин-аста... хўш, ҳоким... Онҳазрат бутун ишни бош вазир билан менга топшириб қўйгандилар. Ўзлари кўпинча сарой орқасидаги ховуз бўйига чиқиб оёқларини сувга солиб ўтирардилар. Зарур бир иш билан ёнларига бориб қолсанг, арзингни эшитишдан олдин, доим нима учундир, қушни сувга, балиқни учишга ўргатишимиз керак, дердилар... *(Бир аёлнинг йиғламсирагани, иккинчисининг тўнеиллагани эшитилади. Уч-тўрт жангчи, буларга қўшилиб Гулбека билан Нозанин кириб келишади. Ҳайбат жонланади.)* Мана, бутун гапни, ипидан игнасигача айтдим. Мен яна гапиравераман, қози почча. Лекин олдин хотинлар... Заифаларга ҳурмат юзасидан!

Нозанин *(йиғламсираб)*. Нима қилиб қўйдинглар менинг эримни, қози почча?! Менинг паҳлавонимни нега ўлдириб қўйдинглар?!

Гулбека *(заҳарханда билан)*. Ёлғондан йиғламай ўл, лўли. Шунақа меҳринг бор экан, ҳозир айна пайти, гўрга бирга кириб ётмайсанми?!

Нозанин *(унга ташланиб)*. Ўзинг гўрга кириб ёт, алвасти!

(Аскарлар уларни ажратишади.)

Учинчи аскар *(Нозанинга)*. Юринг, мен сизга эрингизни кўрсатаман, маликам... *(Уни эшик томон етаклайди.)*

Мулла Муса *(Гулбекага)*. Сиз бу ёққа ўтиб ўтиринг, Гулбека. Марҳамат.

Гулбека. Ўтирмайман. Нега мени чақиртирдинглар?

Мулла Муса. Шовқин солманг, синглим. Илтимос. Бу ерда одам ўлиб ётипти...

Гулбека. Ҳокимни айтяпсизми? Ўлса, ажаб бўпти. Ярми аллақачон дўзахда қуйган бўлса...

Мулла Муса (*саросималаниб*). Менга каранг... Сиз буни қаёқдан билдингиз?

Гулбека. У дўзахдан бошқа қаерга ҳам борарди... Ифлос. Аблах...

Мулла Муса. Майли. Мақсадга кўчайлик. Сиз пушти панохимиз вақтида кўз очиб кўрган...

Гулбека. Хув, кўз очмай кўзларинг тешилгур... У бир йил ҳам туриб-турмай мени кўчага чиқариб, мулозимлари кўлига топширган.

Мулла Муса. Менинг билишимча, айб ўзингизда... Сиз жин-ажиналар билан ўртоқ тутиниб, кечалари саройда нукул базм кургансиз. Бунинг устига, онҳазрат сиздан тирноқ кўрмаган.

Гулбека. Тирноқнинг унга нима кераги бор?! Маймун. Бадбашара...

Мулла Муса (*ҳаяжонланиб*). Тўхтанг. Бадбашара деяпсизми? Демак, онҳазратнинг башараси бўлса боши ҳам бўлган, шундайми?

Гулбека. Мен унинг бошини пайпаслаб кўрипманми? Боринг-е...

Мулла Муса. Бўпти, синглим. Жавоб сизга. Сиз билан бари бир гапимиз пишмаяпти.

Гулбека. Гапингиз пишмас экан, мени нега чакирасиз?! Ҳамманг ифлоссанлар!.. (*У мушт ўдағайлаб, бақирганча чиқиб кетади.*)

Каримбек (*бир четга еудраниб*). Бунақа хотин билан боши бор одам ҳам бошини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас! Маймун деяпти. Эслаш керак... Маймуннинг ўзи боши борми ёки йўқми?

(*Мерган-қаландар, унинг изидан Бердиқул киради.*)

Бердиқул. Ҳалиям ўтирибсанларми эшилиб?

Каримбек (*Мерганга, унинг йўлини тўсиб*). Сен яна нега келдинг, жулдурвоқи?

Бердиқул (*Каримбекка*). Қўйинг, саркарда. Уни мен олиб келдим... (*Мерганга.*) Ўт, ўтир бир четга. (*Мулла Мусага.*) Эринмаган одам экансиз, кози почча! Мен сизни, ҳокимни олиб кетишга тахт қилиб қўйгансиз де-

сам, афтингиздан ҳали гапниям охирига етказмаганга ўхшайсиз.

Мулла Муса. Бошимиз котиб ўтирипмиз, жаноби олийлари. Тўғри айтдингиз. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

Бердикул. Бунга ҳайрон бўлишнинг холати йўқ. Менимча, ҳокимни олдин кўмиб, кейин бу иш юзасидан бирон ерда тўпланса ҳам бўлаверади.

Каримбек (*судраниб*). Йўқ, жаноби олийлари. Одамни дарров кўмавермайди. Ҳеч бўлмаганда биров ўлган экан, гўрга борсин, деб фатво бериши керак...

Ҳошимжон. Тибда бунга ўхшаган воқеа учрамаган. Мен хат қилолмайман. Мени ўзларинг сайлагансанлар.

Бўрибой. Мен бу ерда турганим ҳам, ҳеч кимнинг гапини эшитганим ҳам йўқ!

Мулла Муса (*Бердиқулга*). Балки ўзингиз бизга аниқ бир фикр айтарсиз, вазири аъзам? Ёки сиз ҳам айримлардек ҳокимнинг ёнида юриб, ҳеч қачон белдан юкорига карамаганмисиз?

Бердикул. Нега? Мен... Мен фикримни айтаман. Лекин бошқаларни ҳали эшитмай, дабдурустдан гапириш... Мана, масалан, Ҳайбат... (*Тагдор қилиб*.) Бизнинг Ҳайбатдан умидимиз катта.

Ҳайбат. Мен бутун билганимни айтдим.

Бердикул. Биз ҳам эшитайлик... (*пичирлаб*) жаноби олийлари!

Ҳайбат. Майли, сиз учун... яна икки оғиз... Биз онҳазрат билан Худонинг берган куни кўришиб турганмиз. Саройда мажлислар ўтказиб, базмлар уюштирганмиз. Аммо биз фақат саройда ўтиравермаймиз, биласизлар. Шамолокдек шаҳарчамиз бор. У бизга музофот тариқасида муҳрланган. Онҳазрат билан бизнинг бу шаҳарчада кириб-чиқмаган кўчамиз қолмаган.

Мулла Муса. Ҳоким тўғрисида, жаноби вазир?

Ҳайбат. Сабр, кози почча. Айтаман... Биз ҳокимнинг хотираларини ҳурмат қилган ҳолда, энди у киши тўғрисида борини гапираверишимиз мумкин, шундай эмасми?

Мулла Муса. Шундай, жаноби вазир.

Ҳайбат. Гапнинг пўскалласини айтганда... Онҳазрат кўпинча ўзларига тегишли хонада эшикка орқа қилиб ўтирардилар. Бирон нарса устида гапирган пайтларида худди хумдан чиққандек товуш эшитиларди... Кўча айланганимизда ҳачир минган боладек, отнинг қорнига негадир нукул ниқтаб, диққатни чалғитганлари-чалғитган эди. Булардан ташқари, қўл бериб кўришганда, қаттиқ тортиб-силтаганларидан, камида уч кун кишининг қўли оғриб юарди...

Мулла Муса. Буларнинг ҳаммаси гўзал, жаноби вазир. Лекин ҳозир бизни ҳокимнинг бошқа аъзоларидан кўра кўпроқ боши қизиқтиряпти.

(Ичкаридан Нозанин чиқиб, қозига яқин жойга келиб ўтиради. Чиннихон билан Биринчи ва Иккинчи жангчи кириб келишади. Чиннихон ҳаммадан орқага, панага ўтиб ўтиради.)

Ҳайбат. Одамга инсоф ҳам керак, кози почча. Фақат мен гапиравераманми?! Қолганини манови хотинлар гапирсин... *(У кескин ўтиб ўтиради. Биринчи ва Иккинчи жангчилар Каримбек билан қозига юзланишади.)*

Каримбек. Хўш?

Биринчи жангчи. Акмалхўжа банд эканлар, жаноб саркарда. Бир оз туриб бораман, дедилар.

Мулла Муса. Уйларида одам бор эканми?

Биринчи жангчи. Йўқ. Хотинлари билан шатранж ўйнаётган эканлар.

Каримбек *(ғижиниб)*. Шатранжга бало борми? Бу ерда ҳоким ўлиб ётипти. Ноинсоф! Чақиргандан кейин келавермайдими!

Бердикул. Қўяверинг, саркарда. Акмалхўжа ҳокимни вақтида тайинлаган, онҳазратга тенг, ҳатто юксакроқ даражадаги одам. Бунақа одамнинг ўзига яраша эркалиги бўлади.

Мулла Муса. У кишининг ўзи одатлари шунақа. Менга бир айтгандилар. Акмалхўжа фақат ўйнаётиб, дунё тўғрисида ўйлайдилар...

Каримбек *(Иккинчи жангчига)*. Сен нима дейсан? Гапир!

Иккинчи жангчи. Қудрат деган косиб, жаноб саркарда... бормайман, деди.

Мулла Муса. И-е, нега?

Иккинчи жангчи. Худо урган қайсар одам экан. Гапни эшитгиси ҳам келмади.

Каримбек (*тутақиб*). Оёғини ерга теккизмай, судраб келавермайсанларми?! Бу Акмалхўжа эмас-ку, ахир.

Иккинчи жангчи. Пичоқ чархлаётган экан. Қўлида манавинақа узун пичоқ... Бирон кўнгилсизлик рўй бермасин, деб кўркдик.

Мулла Муса. Майли, уни hozирча қўя туринглар. (*Нозанинга.*) Хўш, маликаи мухтарам, эрингизни кўрдингизми?

Нозанин. Кўрдим... (*хуркиб*) Нима қилипти эримга?!

Мулла Муса. Ўзингиз билмайсизми? Шунча ёнида ўтириб ҳам...

Нозанин. Ўлиб ётиптилар. Шу...

Каримбек (*бўеилиб*). Эрингизнинг боши йўк...

Мулла Муса. Онҳазратга учта кўчқордек ўғил туғиб бериб, унинг қандайлигини нахотки, сиз ҳам билмасангиз?! Эрингизнинг аввалдан боши бормиди ёки йўкмиди?!

Нозанин. Уйга кечаси қоронғида келардилар эгам... Ияклариди соқолга ўхшаган бир нарса силкинарди. Ўлиптими, бошлари ҳам бўлгандир, ҳар қалай? Одамдек юрардилар.

Мулла Муса (*кайфиятсиз*). Шуни билганингизга ҳам раҳмат! (*Аланглаб, Чиннихонга.*) Чиннихон, синглим, сизни бу ерга чакирганимиз унча одобдан эмас. Лекин ҳозир бошқа илож йўк... Қисқаси, бизнинг қозихонамизга тушган айрим номалар, қулоғимизга чалинган ҳар хил хангомаларга қараганда, онҳазрат ҳаммадан яширинча сиз билан баъзан кўришиб турган, шундайми?!

Чиннихон. Шундай. Қиблагоҳ менинг уйимга ҳафтада, ойда бир келиб турардилар, қози почча.

Нозанин (*ўрнидан сипчиб*). Э, ўша сенмисан?! Мен қолиб, хали сен малика бўлмоқчимидинг?! Ҳозир икки кўзингни ўймасам...

Мулла Муса (*унинг қўлини ушлаб*). Ўтиринг, маликаи мухтарама.

Каримбек (*уртага сакраб чиққанича*). Талашманлар, хонимлар. Унинг энди талашадиган жойи қолмади.

Мулла Муса. Гапираверинг, Чиннихон... Онҳазратнинг юриш-туришларига баъзан бундоқ диккат қилганмисиз ёки йўқми?!

Чиннихон. Бузрукворимнинг юриш-туришлари ўзи бир дунё эди. Дулдулга миниб, кўпинча кутилмаганда дарча ёнида пайдо бўлардилар. Кейин иккаламиз осмон-фалакка учардик... Уйга кирган пайтларида ҳам, кўйниларидан шохи рўмол чиқариб, силташлари билан осмоннинг ўзи бизнинг оёғимиз остига тўшаларди. Ишимиз сайру саёхат эди. Бунинг устига, онҳазратнинг тилларидан гўёки бол томарди. Менга турфа хикоялар, ажойиб латифалар айтиб берардилар. «Сочларинг тунмикан, тундаги дарё?» деб шеър ҳам тўқигандилар...

Каримбек (*уйиб*). Сиз-чи? Сиз ҳам тўқиганмисиз?

Чиннихон. Йўқ, саркарда. Мен у кишига ашулар айтиб берардим.

Мулла Муса. Қанақа ашула? Бизга хиргойи қилиб беролмайсизми?!

Чиннихон. Ҳозир бу ерда... Ундан ташкари, овозим бўғилиб қолди.

Бердикул. Бари бир, айтаверинг. Бир эшитайлик.

Мулла Муса. Биз балки сизнинг ашулангиздан бирон нарса илғаб олармиз. Айтинг, синглим.

Чиннихон. Ундай бўлса, майли... (*Хиргойи қилади.*)

Сен менга кўнгил бердинг,
Сен менга баҳор бердинг,
Даста-даста гул бердинг,
Менга лолазор бердинг.

Бағрим бир баҳор, жоним,
Бир боғдир кўнгил, жоним.
Бағрим лолазор, жоним,
Бағрим энди гул, жоним.

Бағримда бахор – сенсан,
Бағримдаги гул – сенсан.
Чексиз лолазор – сенсан,
Мен билган кўнгил – сенсан...

Мерган (*ўрнидан сапчиб*). Зап товушингиз борда, Чиннихон. Одамни эритадиган!

Каримбек (*Мерганга ярим ажабланиш, ярим ғазаб билан тикилиб*). Сен Чиннихонни қаердан биласан, хумпар? Гапир!

Бердикул. Кўйинг, саркарда. Хадеб бўғилаверманг. Бу – дунё кўрган каландар. Чиннихонни олдин ҳам бирон даврада учратган бўлса, учратгандир. Нималар бўлмайди дунёда.

Каримбек. Бари бир, катта даврага кириб қолгани етмагандек, ҳар гапга бурнини сукавермасин! (*Қиличи дастасини ушлаб*.) Бўлмаса, бошини сапчадек узиб ташлайман.

Бердикул. Буниси тўғри... (*Мерганга*.) Сен тек ўтир, Мерган.

Мерган (*итоаткорлик билан*). Хўп бўлади. (*Фақиргина бўлиб ўтиради*.)

Мулла Муса. Сиз нега жим бўлиб қолдингиз, Чиннихон? Айтавермайсизми? Ёки билганингиз фақат шумиди!

Чиннихон. Йўк, кўп...

Бердикул. Бўлмаса, яна битта эшитайлик...

Чиннихон (*хиргойи қилади*).

Бир умр ўзни тутарман –
Сўзларингизга хумор.
Ўтсам оламдан, ўтарман –
Кўзларингизга хумор.

Хоки пойим бўл, десангиз,
Хоки пойингиз бўлай.
Мен қуюндек чарх урармен –
Изларингизга хумор.

Менга шу бахтим етарли,
Бўлди бахтим пойдор!
Изларингиз, кўзларингиз,
Сўзларингизга хумор...

Мулла Муса. Бу ҳаммаси жойида, синглим. Баракалла. Лекин ашулангиздан ҳоким бутун бўй-басти билан бундай кўзимиз олдига келмаяпти... Ҳоким тўғрисида яна нималар дея оласиз?

Чинниҳон. Бундан роппа-роса бир ҳафта бурун, охирги кўришганимизда, қиблагоҳим мен билан хайрлашаётиб, бирдан алланечук қалтираганча кўлимни тутгандилар. Кейин «Менга бу дунёда сенинг мана шу бармоқларингдан бошқа ҳеч нарса керак эмас!» – дегандилар... (У рўмолча чиқариб, кўзларини артади.)

Ҳошимжон (пичирлаб). Чинниҳон! Сиз онҳазратни ҳаммамиздан кўп билар экансиз. Масалан, мен онҳазратнинг дулдул миниб осмонга учганларини биринчи эшитишим. Шеър тўқиб, ашулага кизиқиш, сиз айтган ҳар хил гаплар... ҳарҳолда, онҳазрат сўнгги пайтларда юраклари бир оз толиққан экан! Шуни вақтида менга бир оғиз айтсангиз эди...

Бўривой (изтироб билан). Мен ҳозир тушундим. Ҳокимимиз ажойиб одам бўлган эканлар. Қанча маърифат, заковат... Нахотки, шунинг ҳаммасини ўзлари билан бирга тупроққа олиб кетяптилар? Биз бунга қандай чидаймиз!

Нозанин. Менга қара, ў, қизгина! Сен ҳаммани лакиллатганда ҳам мени лакиллатолмайсан. Хўп, икковинг ҳам шунақа осмонда юрган экансан, менга айт-чи, у икки хотин камлик қилгандек, нима жин уриб, аввалдан сеникига борган экан?! У майли, сен жодугар нега уялмай-нетмай унга кўзингни сузгансан?!

Чинниҳон. Сиз мени ҳақорат қилманг, маликам. Мен бузрукворимга кўнглим ачиган... Гулбека ўзини ўйлаб, нуқул ҳақ талашган. Сиз, аксинча, пойандоз бўлиб тўшалишдан бошқа нарсага ярамагансиз! Қиблагоҳим дунёда қанчалик бахтсиз одам бўлганини, ёлғизликдан нақадар изтироб чекканини биронгангиз билсангиз эди!

(Шу асно кутилмаганда ҳўнграган товуш эшитилади. Бу – Каримбек.)

Каримбек (*ҳиқиллаб*). Биз шунақалигини билсак, уни кўпроқ кадрламасмидик! Бунақа ўлиб кетишга кўярмидик! Мен мунақа одамман, деб бизга айтиб кўймайсанми, тентак?!

Мулла Муса. Хўш, мақсадга кўчайлик... Товушингиз яхши экан, Чиннихон. Гапларингиз ҳам менга ёқди. Лекин мен бари бир тушунмаяпман... Пушти панохимизнинг кўл-оёқдан ташқари, бошлари ҳам бормиди ёки йўқмиди?!

Чиннихон. Сизга нима десам экан, қози почча... Менимча, бошлари бор эди. Кўзи, қулоғи, тили бор одамнинг ўзига яраша боши ҳам бўлиши керак-ку!

Мулла Муса. Нега аниқ айтмаяпсиз... Тусмоллаб гапиряпсиз?!

Чиннихон. Мен киблагохимга тик қарашга уялардим, қози почча.

Мулла Муса (*Бердиқулга юзланиб*). Вакт алламаҳалга бориб қолди, вазири аъзам. Бизга шафқат қилиб, ўзингиз балки...

Бердиқул. Менинг фикрим аниқ. Мен айтаман... Лекин мен Каримбекдан хафа бўлиб ўтирипман.

Мулла Муса. Каримбекдан? Нега?

Бердиқул. Каримбек ўзи билмайди, ҳозир қулоғича гуноҳга ботиб ўтирипти! (*Каримбек югуриб келиб, Бердиқулнинг олдида тиз чўқади.*)

Каримбек. Тўғри айтдингиз, жаноби олийлари, менинг айбим кўп. Биз оми одамлармиз.

Бердиқул. Нима гуноҳингиз борлигини биласизми, саркарда?

Каримбек. Йўқ, тақсир, билмайман.

Бердиқул. Туринг ўрнингиздан... (*Каримбек туради.*) Менга тик қаранг.

Каримбек. Қараёлмайман, тақсир.

Бердиқул. Бўлмаса, эшитинг... Аввало, сиз Акмал-хўжанинг орқасидан аскар юбориб, ҳурматсизлик қил-

гансиз. Акмалхўжа балки шунинг учун қорасини кўрсатмаётгандир?!

Мулла Муса (*судраниб*). Фаҳмимиз етмапти... Ҳақ гапни айтдингиз, вазири аъзам. Обрўлироқ бирон одамни юборишимиз керак эди, албатта.

Бердиқул (*Каримбекка*). Хўп, бу майли. Бунни тузатиш мумкин. Сизнинг бошқа бир айбингиз бор... Онҳазратга саройдан чиқиб кетаётганларида ҳам, кейин ҳам эътибор бермагансиз. Балки пушти паноҳимиз бошларини саройда унутиб қолдиргандирлар? Қараб кўриш лозим. Балки жангга киришдан олдин йўлдами, сўнг майдондами, бошлари бирон ерда қолиб кетгандир? Нима қилганда ҳам, ҳокимнинг ёнига тушдингизми, икки кўзингизни унга қадаб турсангиз, бунча даҳмазага хожат ҳам йўқ эди.

Каримбек. Ҳаммаси тўғри, жаноби олийлари. Мен оми бир одам...

Мулла Муса. Энди нима қилдик, жаноби олийлари?

Бердиқул. Гап бундай. Сизлар бу ерда ўтиравермай, ҳар эҳтимолга қарши, атрофни эринмай бир қараб чиқинглар. (*Безовталаниб, типирчилаётган Ҳайбатга кўзи тушиб.*) Ҳайбатни олдинга солиб... Мен бўлсам, манови Мерган билан бирга, саройга яна бир бориб, кейин Акмалхўжанинг ёнларига шахсан...

Мулла Муса. Сиз нега ўзи бу қаландарни бошлаб юрипсиз, вазири аъзам?

Бердиқул. Ҳали сизларга айтмадимми?! Бу бизга бош мулозим бўлади.

Мулла Муса. Мулозимнинг ўзи-чи?

Бердиқул. У кетди... Ҳокимни эшитиб, дашти саҳроларга қараб кетди. (*Каримбек яна Бердиқулнинг ёнига югуриб келиб, тиз чўқади.*)

Каримбек. Менинг кўз олдим жимирляпти, таксир. Яна гуноҳ қилишдан қўрқяпман!

Бердиқул. Сизга ким гуноҳ қилгин, депти?

Каримбек. Ҳеч ким. Лекин, бари бир, қўрқяпман... Мен шу ерда қолиб, ҳокимни қўриқласам.

Бердикул. Бўпти, сиз борманг. Аскарларингиз одамларни бошлаб боришсин.

Каримбек. Хўп бўлади.

(У одамлари билан пичирлашиб олади ва эшик оғзига бориб, соқчидек қаққаяди. Ҳамма чиқиб кета бошлайди. Улар бир томонга кетиб-кетмасдан, иккинчи томондан Бургут кириб келади.)

Бургут. Сен шу ерда турибсанми ҳалиям?

Каримбек *(истар-истамас)*. Турибман.

Бургут. Ҳоким қани?

Каримбек *(эшикка имо қилиб)*. Ичкарида.

(Бургут ичкарига қарайди ва эшикдан ҳафсаласиз узоқлашади.)

Бургут *(ўз-ўзи билан сўзлашган оҳангда)*. Мен кўп ичганим ёмон, албатта. Кўзимга кейинги пайтда алламбалолар кўринадиган бўлиб колди... Кўчада кетаётиб, рўпарамга қарайман: одам келяпти. Қайтиб қарасам одам эмас, мол ёки эчки... Яна қарайман: одам. Кўзимни бирюмиб-очсам, бўри...

Каримбек. Сен ўзинг-чи?! Лақабинг Бургут. Ўзингга ўзинг бургут бўлиб кўринсанг керак?!

Бургут. Йўк... Менга бурним кирғий бўлгани учун бу лақабни қўйишган. Балки, сал эркалигим учун қўйишгандир, ким билсин. Кўпинча ичиб юриб, учиб қолганим учун қўйган бўлишлари ҳам мумкин.

Каримбек. Сен нега бу тўғрида гапирдинг?

Бургут. Ҳоким кўзимга боши йўк бўлиб кўриняпти.

Каримбек. Сен уни умрингда ўзи биринчи кўраётгандирсан?

Бургут. Йўк, олдин ҳам кўрганман.

Каримбек. Сен кет бу ердан. Яхши эмас.

Бургут. Ҳозир кетаман... *(Эшикка имо қилиб.)* Бунни кўмганларингдан кейин ким ҳоким бўлади?

Каримбек. Билмадим. Уни хали гаплашганимиз йўк... Кет энди...

Бургут *(кета бошлайди, аммо беҳос тўхтайдди)*. Менга қара, ҳокимни кўмгандан кейин ичамизми ёки йўқми?!

ИККИНЧИ ПАРДА

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Кўшни шаҳар олисда худди ҳайбатли кемага ўхшаб турибди.
Саф чеккан бир тўп аскарлар ашула айтишиб, майдонни айлани-
шаётир.

А с к а р л а р .

Дунёда кўп кўшин, аммо
Биздан зўрроқ кўшин йўқ.
Қарсиллайди бирдан садо —
Биз милтиқдан узсак ўқ.
Қарс, қарс, қарс.

Биз хужумга одатланган,
Жондан кечиб, минг марта.
Биз ўтганмиз офатлардан,
Чиниққанмиз жангларда.
Қарс, қарс, қарс.

Келаверсин — душман келса,
Биз ҳеч кимдан қўркмаймиз.
Милтиғимиз олов бўлса,
Ўзимиз ҳам чўғдаймиз.
Қарс, қарс, қарс...

(Улар милтиқларини бошлари устида силкитишганча чиқиб кетишади. Уларнинг изидан қиличбозлик қилишганча, бир-бирлари билан олишаётган аскарлар киришади. Каттабой, Ўртабой, Кенжабой ҳам жангда қилич ўйнатишмоқда. Бу аскарлар ҳам бирин-сирин майдонни тарк этишади. Елкасида милтиқ, қилич таққан, қўлида дурбин билан Кулихон пайдо бўлади. Унинг ёнида икки мулозим.)

Кулихон *(дурбиндан атрофга тикилганча, ўйчан)*. Қизик... Ўлай агар, қизик... Нима бўляпти ўзи?! *(Мулозимларига.)* Менинг вазирим қаерда?

Биринчи мулозим. Шу атрофда, жаноби олийлари.

Иккинчи мулозим. Жанг қияптилар, жаноби олийлари.

Кулихон (*дурбиндан кўз узмай*). Чақир-чи бу ёкка.
(*Мулозимлар югуришганча чиқиб кетишади. Кўп ўтмай, ҳовлиқиб Абдусалом киради.*)

Абдусалом. Лаббай, ҳазрати олам?

Кулихон. Атрофда бу нималар бўляпти, Абдусалом?!
Мен ҳеч тушунмаяпман.

Абдусалом. Олишяпмиз, олампадох. Каттик олишяпмиз.

Кулихон. Йўк, мен бошқа нарса... (*Дурбинни узатиб.*) Қара.

Абдусалом (*дурбиндан у ёқ-бу ёққа қараб*). Мен ҳеч нарса кўрмаяпман, жаноби олийлари. Сайхонлик...

Кулихон (*асабийлашиб*). Яхшироқ қара.

Абдусалом (*анчадан сўнг*). Қандайдир одамлар... юришипти, шекилли... Эркак, аёл... шаҳарча томонда...

Кулихон (*дурбинни ундан олиб*). Баракалла... Эрталаб дон чўкиётган бир тўп чумчуқдай гуж бўлиб туришганди. Энди бўлса, ҳаммаси тош тергандай ер чизиб юрипти. Нега?! Душман ўзининг бу хатти-ҳаракати билан бирон хунар кўрсатмоқчими?!

Абдусалом. Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўк, ҳазрати олам. Лекин иккита айғоқчи ўша томонларни айланиб келди. Ундан ташқари, кўзимга шубҳали кўринган одамлардан...

Кулихон (*сабрсизлик билан*). Опке... Бир даста қилиб. (*Абдусалом мулозимлар билан бирга шошқин чиқади. Улар икки айғоқчи, қўли боғланган шаҳарчалик Бош мулозим ва Мерган-қаландарни бошлаб киришади.*)

Биринчи айғоқчи. Биз сизга хушxabар олиб келдик, жаноби олийлари.

Иккинчи айғоқчи. Бошингизда офтоб нурлари...

Кулихон. Чўзмасдан... Биттанг гапир.

Биринчи айғоқчи. Сизнинг минг йиллик рақибингиз шаҳарча хокими ўлипти, жаноби олийлари. Ҳамма ёқда шов-шув...

Кулихон. Анови шаҳарчадан ташқарида юрганлар нима қиляпти?!

Биринчи айвоқчи. Улар... хурсандчиликдан, эхтимол, шунчаки...

Кулихон. Бўпти... Арзирли бир гап эсласанглар ва- зирга айтасанлар! *(Айвоқчилар таъзим қилишиб, тиса- рилишганича чиқиб кетишади.)*

Абдусалом *(Бош мулозимга имо қилиб)*. Бу, шаҳар- чаданман, Бош мулозимман, деяпти. Сиздан бошқа одам билан гаплашмоқчи эмас.

Кулихон *(Бош мулозимга)*. Куловим сенда. Гапир.

Бош мулозим. Этагингизни ўпишга келдим, жа- ноби олийлари. Топширик билан... *(Кулихоннинг имоси билан унинг қўлини ечишади. У югуриб келиб, Кулихон- нинг этагини ўпади. Сўнг қўйнидан Бердиқулнинг ха- тини чиқариб узатади.)*

Кулихон *(хатни ўқиб, Абдусаломга)*. Ҳокимнинг ўлгани ростга ўхшайди... *(Мамнун турган Бош муло- зимга тикилиб.)* Сен илжаймай кўяқол. Сенинг ҳам ишинг чаток, оғайни...

Бош мулозим *(ҳамон илжайганича)*. Мен? Нега?!

Кулихон. Бош вазир сени, хатни топшириши би- лан дорга осинг, депти.

Бош мулозим *(серрайиб)*. Мени?! Тавба.

Кулихон. Хоиннинг ўзи қисмати шу... Мен шаҳар- чани эгалласам, Бердиқулни ҳам биринчи дорга осаман.

(Мулозимлар қайтиб Бош мулозимни бояғи арқон би- лан ўраб-чирмашади.)

Бош мулозим *(телбаланиб, асабий)*. Кўйворинглар мени... Кўйвор, деяпман. Э, сенларга хизмат қилганнинг...

Кулихон. Кўп бақираверма, оғайни. Мен раҳмдил- ман. Ҳозирча сени осмайман. *(Мулозимларга.)* Уни зин- донга ташланглар... Иш бир ёқлик бўлгунича!

(Мулозимлар Абдусаломнинг имоси билан бош муло- зимни судраб олиб кетишади.)

Абдусалом *(Мерганга имо қилиб)*. Бу Мерган деган қаландар. Олдин ҳам кўп кўрганман, ҳазрати олам. Гоҳ у томон, гоҳ биз томонларда айланиб юриверади. Лекин

бугун унга даштда кўзим тушиб, хаёлимга бир фикр келди. Бу ўзи жосус эмасмикан...

Мерган (*Абдусаломга кескин*). Ўзинг жосус. Оғзингга қараб гапир. Сени ҳам бир кун дорга осишади...

Кулихон (*беихтиёр жилмайиб, Абдусаломга имо қилганча*). Йўк, сен буни сўкмагин, дарвеш. Мен буни ўзим тарбиялаганман. Болалиқдан... Бу мени сотмайди! Сени бўлса аниқлаш керак, албатта.

Мерган. Аниқласангиз, аниқлайверинг... Лекин қўлимни ечсин. Мен эркин юрган одам, бунақада гапиролмайман.

Кулихон (*кулиб*). Гапиришга қўл эмас, тил керак. Тилингга ҳали куйдирги чикмагандир?

Мерган. Бари бир, гапиролмайман... (*Сенсираб*.) Кўркма, мен қочмайман. Оссанг ҳам майли, осавер. Мен бир ўлимни бўйнимга олганман.

Кулихон (*мулозимларга*). Ечинглар қўлини... (*Мерганнинг қўлини ечишади*.) Хўш, дарвеш, энди гапир-чи, икки ўртада нега санқийсан?! Нима қилганда ҳам бундай айланишдан одамда бир мақсад бўлиши керак.

Мерган. Мен айланиб юриб, бир нарсани билмоқчиман. Сенлар нега урушасанлар?!

Кулихон. Сенга нима дей... Эскидан улар баъзан бизга хужум қилишади, биз уларга... Шундай келяпти.

Мерган. Эскидан қолган ҳар ишни килавериш шарт эмас... (*Муғамбирона жилмайиб*.) У ёқда жуда қизик бир гап бўляпти! Сен агар, эски низодан кечаман, деб биринчи байроқ кўтариб сулх тузсанг, сенга ҳаммасини айтиб бераман...

Кулихон. Эсимни ебманми, дарров сулх тузавериб?!

Мерган. Сен у ёқдаги ҳокимдан пухтарокмисан, деб ўйлагандим. Афсус. Улоқ у ёққа кетадиган бўлди... Бало экан у ҳоким.

Кулихон. Бўпти. Мен сулх тузаман. Лекин олдин айт гапингни.

Мерган. Сен менга ишонмадинг, мен ҳам ишонмайман.

Кулихон. Абдусалом! Жангга ҳали кирмаган аскарларни қайтар. Дарвеш кўрсин, менинг сўзим сўз. (*Мерганга.*) Айтадиган гапингни эшитгач, улоқ мен томонга ўтадиган бўлса, сулҳни ҳам кейин тузавераман. (*Абдусалом четга бориб, аскарларни чақиради. Ҳали жангга кирмаган милтиқли аскарлар ашула айтишиб кириб келишади.*)

Аскарлар.

Ҳоким бизга, ўз сўзингни

Айтгин, деса, айтамыз.

Ҳоким бизга, ўз изингга

Қайтгин, деса, қайтамыз.

Жангга кириш осон, аммо

Қайта қолиш осонроқ.

Кўшни ҳоким шайтон, аммо

Бизнинг ҳоким шайтонроқ.

Ўртанишга тўғри келса,

Фақат душман ўртансин.

Пухталиқни, ақли бўлса,

Душман биздан ўргансин...

(*Аскарлар бошлари устидаги милтиқларини энди қўлтиқларига қистиришганча, чиқиб кетишади.*)

Кулихон (*Мерганга*). Хўш, қулоғим сенда, дарвеш. Мерган. У ёқда ҳамма ҳокимни ўлдига чиқариб ўтиришибди... Ахмоқгарчилик!

Кулихон (*ажабланиб*). Унинг ўзи ўлмаганми?

Мерган. Бирон ерда беркиниб ётган бўлса керак...

Кулихон. Ўлмаган билан ўлганни билмайдими улар?

Мерган. Ҳоким жангга чиқиб кетган эди... Ўлган, деб ўйлашяпти.

Кулихон (*шаҳарча томон ишора қилиб*). Ановилар жасадини қидиришяптими?

Мерган. Йўқ, жасад бор. Бошини қидиришяпти.

Кулихон (*жаҳли чиқиб*). Бутун гапинг телба-тескари. Ўлмаган дейсан. Яна жасад, дейсан.

Мерган. Ҳозир ҳаммасини билиб оласиз. Сиз бу сафар хужум қилмасангиз, жанг ҳокимнинг жонига теккан, мен энди тўхтатдим, деб юрган эди... Ҳафсаласизлик билан аскарларга қўшилиб, жангга борди. Кейин секин сирғалиб, бир томонга от суриб кетди. Қандайдир чол хачирга сомон юклаб бораётган экан, тилла бериб, сомонни копи билан сотиб олди... Адашмасам, ҳоким эгнини қопнинг устига ташлаб, ўзи бир ёқларда юрганга ўхшайди...

Қулихон. Кизик... ўз одамларини бундай ахлоқ қилишдан унга нима фойда?!

Мерган. Унисини айтишим қийин... У пухта бир иш қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Шу боисдан, сизга сулҳдан оғиз очдим.

Қулихон. Бўпти. Гапингни ўйлаб кўраман, дарвеш... *(Вазирига.)* Қаландарни кузатиб қўйинглар, Абдусалом. Унга ҳеч ким тегмасин. *(Абдусалом Мерганни бошлаб чиқиб кетади. Қулихон дурбин билан шаҳарча томон тикилиб қолади.)*

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Яна шаҳарчадаги ҳоким саройи, катта хона.

Бу ерда хонандалар, раққосалар – мулозимлар энди қаландарга ўхшаб бир халқага тизилишганча зикр тушишмоқда.

Хонандалар.

Ишонмагин дўстингга,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Сомон тикар пўстингга,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Дўстларда гоҳ вафо йўқ,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Бундан катта бало йўқ,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Сен ишонгин ўзингга,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Қараб юргин кўзингга,

Ҳой, ҳой, ҳой.

Қоқилсанг ҳам йиқилма,
Хой, хой, хой.
Йиқилсанг ҳам бўғилма,
Хой, хой, хой.

(Бердиқул ҳорезин кириб, бир четга ўтиб ўтиради. Зикр тугагач, ўрнидан саячиб, тизилиб турганлар ёнига кескин, кутилмаганда бостириб келади.)

Бердиқул. Менга қара! Бу нима қилиқ, падарлаънатлар?! Уйин-кулгинг бир гўр эди, энди буниси қолганмиди?! Ким ўргатди сенларга буни?!

Биринчи мулозим *(пичирлаб)*. Янги бош мулозим... Буни ҳам ўрганиб қўйинглар, деди.

Бердиқул. Э, бу қўлидан кўп иш келадиган ақлли одам, деб пинжимга олсам, бу ҳам ғирт аҳмоқ экан! Сенлар ундан ҳам ўтакетган аҳмоқсанлар! Ахир сенлар саройдаги хизматчи, кўчадаги каландар эмас-ку! Мерган ўзи қаерда?

Иккинчи мулозим. Хоналарни айланиб юриптилар.

Бердиқул. Айт, кирсин... *(Мулозим Мерганни чақиради.)* Сенлар йўқол – ҳамманг... *(Мулозимлар чиқиб кетишади. Мерганга.)* Дарров саройни каландархонага айлантирибсиз-ку, тўрам?!

Мерган. Узр, таксир... Касбимни кўрсатсам, буларга ёқди шекилли, ўзлари...

Бердиқул. Иккинчи бунақа хунарларни кўрмай...
Мерган. Хўп бўлади...

Бердиқул *(ўйланиб қолиб)*. Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Дарвоқе, ҳалиги... сен нима деб ўйлайсан ҳоқимни?!

Мерган. Сиз нима десангиз, биз ҳам шу... Сиз анча қалин бўлган экансиз!

Бердиқул. Қалин бўлганим билан эслолмаяпман... Бунинг устига, ҳозир ҳаммомда ювиниб, икки марта бозорга тушдим. Дуч келган одамлар билан сир бой бермай гаплашдим. Ҳеч ким аниқ бир гап айтмаяпти... Бўпти. Сен хоналарни ҳар эҳтимолга қарши яна бир кўздан кечиргин. Бирон эчкими, тулкинингми бошини топиб

қўйсанг ҳам майли. Биз билмагандан кейин бошқалар бунга эътибор бериб ўтиришармиди?

Мерган. Хўп бўлади.

Бердикул. Ундан ташқари, нима қилганда ҳам хокимни ахийри бари бир кўмиш керак. Демак, сен менинг номимдан кўрсатма бериб, хозироқ қабристоннинг тўридан бир жой тайёрлаб қўйишингга тўғри келади. Кейин сарой ховлисида каттароқ сўри тахтлаш лозим. Ҳоким билан хайрлашиш учун...

Мерган. Ҳаммасини бажарамиз, жаноби вазир.

Бердикул. Шу ишларни тез бажариб, менинг ёнимга етиб борасан!

Мерган. Ҳалиги жойгами?

Бердикул. Ҳа, албатта... Сен менга керак бўлиб қолишинг мумкин.

Мерган. Хўп бўлади. *(Бердикул чиқиб кетади. Унинг изидан бир нафас тикилгач, Мерган ҳам қайтиб ичкарига йўл олади. Мулозимлар боягидек ҳалқа бўлиб тизилишганча кириб келишади.)*

Хонандалар.

Елкангдаги бош экан,
Хой, хой, хой.
Сенинг бошинг тош экан,
Хой, хой, хой.

Йўлинг узун йўл экан,
Хой, хой, хой.
Кўлинг узун кўл экан,
Хой, хой, хой.

Қаландарлик яхшидир,
Хой, хой, хой.
Қаландар ҳам бахшидир,
Хой, хой, хой.

Мулозимлик не хунар?
Хой, хой, хой.
Биз ҳам энди қаландар,
Хой, хой, хой.

(Мерган қандайдир тугун кўтариб киради.)

М е р г а н. Э, яшанглар! Анча якинлашибсизлар қаландарларга! Шунақа бўлаверсин! Лекин чинакам қаландар бўламан десанглар, бир синовдан ўтишларингга тўғри келади.

Биринчи мулозим. Қанақа синов?

Иккинчи мулозим. Айтинг, пирим.

М е р г а н. Ҳозир иккига бўлинамиз, бўталоқларим... *(тугунни шу мулозимларга узатиб.)* Сизлар шаҳарчадан ташқарига чиқиб, панада беркиниб турасизлар. Мен қолганлар билан бу ердаги ишларни битказиб, сизларга бориб қўшиламиз. Кейин қизиқ бир томоша кўрсатамиз.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Шаҳарча ташқарисидаги бизга таниш майдон.

Ҳайбат, Мулла Муса, Каримбек, Ҳошимжон, Бўривой, Нозанин ва бир неча аскарлар – ҳар ким ҳар ерда бошини букиб, мудраяпти. Фақат Чиннихон ҳаммадан четда ўтириб, ўз-ўзича хиргойи қиялпти.

Ч и н н и х о н.

Менинг кўнглимни олдинг сен,
Менинг ақлимни олдинг сен.
Мени шайдо килиб бундай,
Мени не кўйга солдинг сен?!

Қолиб сендан, нетай энди?
Бу дунёда нетай энди?
Урай ўзни қаёқларга,
Қаёқларга кетай энди?!

Менинг жону жаҳоним сен,
Менинг яхши, ёмоним сен.
Наҳот, бир дард бўлиб қолдинг,
Наҳот, кечган замоним сен?!

(Бердиқул негадир қўлтиғига шахмат тахтасини қистирганча, ҳаллослаб кириб келади. Ҳамма секин-аста тирила бошлайди.)

Б е р д и қ у л. Акмалхўжа ҳалиям келмадимми?! Менга,

сен бу шатранжни кўтариб кетавер, изингдан етиб бораман, деганди... (*Ҳеч ким индамайди. Мулла Мусага*) Сизлар нима қияпсизлар?

Мулла Муса. Биз Қудрат деган косибга яна одам юбордик.

Бердикул. Уни нега чакиртиряпсизлар ўзи?

Мулла Муса. У хоким билан болаликдан ўрток бўлган, жаноби вазир.

Бердикул. Бошқа яна нима қилдинглар?

Мулла Муса. Сизнинг сўзингизга амал қилиб, атрофни айландик. Лекин натижа чикмади.

Бердикул (*шахмат тахтасини бир четга қўйиб, шошмасдан*). Мен ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлагандим. (*Мерган киради.*) Қалай бўлди ишлар?

Мерган. Ҳаммаси жойида, тақсир.

Бердикул. Баракалла... (*Мулла Мусага*.) Биз ҳам бир оз нафасимизни ростлаб олайлик. Кейин керак бўлса, сўзимизни айтармиз. (*У бир томонга, Мерган бошқа томонга ўтиб ўтиришади. Акмалхўжа киради. У билан изма-из уч-тўрт жангчи қўллари, кўзи боғланган Қудратни судраб киришади.*)

Мулла Муса (*Акмалхўжага*). Қадамларига ҳасанот, жаноби олийлари. Хуш кўрдик. Сиз мана бу ёкка, тўрга ўтсангиз. Барчамиздан улуғ одам сифатида...

Ҳайбат (*ўрнидан сапчиб, Акмалхўжанинг теграсида ошкора айланиб-ўргилганича*). Кўзимиз йўлингизда тўрт бўлди, жаноби олийлари. Қани, ўтсинлар... Қани, марҳамат.

Акмалхўжа (*Ҳайбатга*). Кўп бачканачилик қилманг, вазир. Ким киму сиз тушунишингиз керак... Буюк одамлар негадир зид холда жуда камтар бўлишади. Айниқса, мен... шунақаман! Мен ҳамма қатори бир четда ўтирмоқчиман... (*Кўзи билан шахмат тахтасини қидираётиб, Мулла Мусага*.) Ишингизни давом эттираверинг, кози почча.

Мулла Муса. Бизга бирон маслаҳат...

Акмалхўжа. Ҳовлиқманг, деяпман! Сиз бу ерда бутун иш қолиб, янгамнинг ёнига шошаётган бўлсангиз...

яхши эмас! Олдин иш, кейин хотин... (У шахмат тахта-сини топиб, ўтирганларни кўздан кечира бошлайди.)

Каримбек (*жангчиларга*). Косибни нега бунақа ўраб-чирмадинглар?

Биринчи жангчи. Калла ташляпти, жаноб саркарда.

Мулла Муса. Боши бўлгандан кейин калла ташлайди-да. Кизиқ экансизлар... (Унинг имоси билан Қудратнинг кўзи, қўлларини еча бошлашади. Акмалхўжа бу орада шахмат тахтасига доналарни териб, Каримбекнинг ёнига келади.)

Акмалхўжа. Шатранжга қалайсиз, саркарда?

Каримбек. Мен бунинг кўчасидан ўтмаганман, жаноби олийлари.

Акмалхўжа. Яхши эмас... Сиз бу шатранжни билмай, қандай жанг қилиб юрганингизга ҳайронман... (Чиннихонга кўзи тушиб.) Сиз ўйнашга қалайсиз, хоним?

Чиннихон. Мен фақат оз-моз.

Акмалхўжа. Шуниси яхши. Мен кўп билган одам билан ўйнамайман.

Мулла Муса (*Қудратга*). Бизни шунчалик илҳак қиласизми, бўтам? Бир чақирганда келавермайсизми?!

Қудрат (*ғудраниб*). Пишириб қўйиптими менга, ишимдан қолиб...

Мулла Муса. Ҳокимнинг ўлганини эшитдингизми, дейман.

Қудрат. Ўлса, мен нима қилай?!

Каримбек (*қиличи дастасини ушлаб*). Рухсат беринг, қози почча, мен уни чопиб ташлайман...

Мулла Муса (*унга қўлини силтаб, Қудратга*). И-е, сиз ўзи шаҳримизга фуқаромисиз ёки йўқми?! Ҳоким учун ростданми, ёлғонданми, ҳеч бўлмаганда бундай озгина обидийда қилмайсизми?!

Акмалхўжа (*ўтирган ўрнида тўнеиллаб*). Ўтлаб кетяпсизлар, қози почча. Кисқарок...

Мулла Муса. Узр, таксир... (*Қудратга*.) Ҳокимнинг боши йўқ, бўтам. Биз шу ҳақда сиздан фикр сўрамоқчимиз.

Қудрат (*жонланиб*). Шунақа демайсизми? Мен бирон тухматга қолдимми, деб ўйлапман.

Мулла Муса. Хўш, ҳоким билан болаликдан муносабатингиз...

Қудрат. Муносабат мойдек эди. Орамиздан қил ўтмасди. У бадавлат, мен фақир эканимга қарамай, иккимиз этагимиз тугилган, кўча чангитиб юраверардик...

Каримбек (*беихтиёр*). Кейин нима бўлди, жигар?

Қудрат. Нима бўларди? Кейин у саройга, мен дўконга қараб кетдик. Бошқа кўп кўришганимиз йўқ.

Мулла Муса. Хўш, ўша этак тугилган пайтлар, ҳокимнинг боши бормиди ўзи?

Қудрат. Билмадим, менимча боши йўқ эди.

Мулла Муса. Нега ундай деяпсиз?

Қудрат. Болаликда ҳар хил воқеа бўлади. Мабодо уришиб қолсак, у ҳеч қачон қалла ташламасди. Нукул оёқдан чаларди. Нарӣ борганда, орқадан келиб, биқинингга мушт туширарди...

Мулла Муса. Бўпти. Раҳмат, бўтам. Ўтиб ўтиринг... (*Акмалхўжага.*) Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, жаноби олийлари...

Акмалхўжа. Қонни ўртага қўшманг, қози почча. Гапираверинг.

Мулла Муса. Бировдан бамаъни бир нарса эшитмадим, жаноби олийлари. Қуни бўйи чулдираб ўтирибмиз...

Акмалхўжа. Бунинг менга нима алоқаси бор? Ёки фикр сўрамоқчимисиз? Йўқ, чақирганларингга индамай келаверганим кам, шошиб-пишиб фикр ҳам айтишим керакми сизларга?!

Мулла Муса. Агар иложи бўлса...

Акмалхўжа. Сиз яна ҳовлиқаяпсиз, қози почча. Тушунмаяпсиз! Мен умримда ҳеч қачон бировнинг бўйнига тушириб, овзига урган одам эмасман. Нега энди мени камтарликдан кечиб, одамларга дарров ақл ўргатишга мажбур қияпсиз!.. Кўрмайсизми, бу ерда, аксига, ўйин ҳам тугамапти. Фил бекорга қўлдан кетиб, ишлар баттар пачава...

(Узоқдан ногора гумбурлаши эшитила бошлайди. Товуш кўтарила бориб, бири ногора чалаётган, бири байроқ тутган икки мулозим ва қўлида қадоқ қилиб ўралган катта нома билан Абдусалом кириб келади.

Буларнинг изидан Каттабой, Ўртабой, Кенжабой пайдо бўлишади. Ўтирганлар кўпчилик паришон, бир-бирига тикилган... Нозанин ўғиллари бағрига отилади, уларни қучиб, арзиҳол-ҳасрат қилган алфозда алланималарнидир пичирлайди, ўғиллари асабий, шу билан бирга қандайдир бепарво, уни тинчитишга уринишади. Ногора олдингидан секинроқ бўлса-да, ҳамон гумбурламоқда. Мерган сапчиб, Абдусаломнинг ёнига борганча, унга нималарнидир шипшийдди. Бир гуруҳ аскарлар кириб, Каримбекнинг ёнига боришади, унга алламбалоларни тушунтиришади. Мулла Муса анқайиб ўтириб қолган. Бердиқул, афтидан ўзини қўйишга жой тополмай, дам сайин тажангланмоқда. Ниҳоят, ногора бирдан тинади.)

Абдусалом. Биродарлар! (Байроққа имо қилиб.) Мана, бизнинг сулҳ байроғимиз! Биз сулҳ тузгани келдик!.. Шаҳаншоҳимиз Қулихон минг йиллик орзуси – сизнинг шаҳарчангизга ҳам ҳоким бўлиш фикридан абадий қайтди! У Сизнинг ҳам олийҳиммат бўлиб, минбаъд бизнинг мамлакатимизга кўз олайтирмаслигингизни умид қилади. Қулихоннинг сўзи сўз. Эсинг борида этагингни ёп, дўстингни душманнинг ичидан топ!

Бердиқул. Булар бизни алдашяпти. Ҳаммаси ёлғон... Буларга нега ишониб ўтирибсизлар?!

Абдусалом (унга аҳамият бермай, қоғоз ўрамини ярим очганича). Шартномага шаҳаншоҳимиз биринчи имзо чекдилар. Бизнинг фақат талабимиз... сиз томондан ҳам унга шахсан ҳоким имзо чексин...

Ҳамма. Ҳоким?!

Абдусалом. Худди шундай... Бизга ишончли кишилар, ҳоким ўлмаган, деб хабар етказишди. Биз, албатта, ҳар қандай хабарга ишониб кетаверадиغان аҳмоқ эмасмиз. Текширдик. Бу гапда озми-кўпми, асос бордек туюлди. Лекин мабодо ҳокимни, чиндан ўлган, десанг-

лар, янги ҳокимликка чиқадиган киши имзо чекса ҳам бўлаверади.

Каримбек. Ҳоким нега ўлмас экан? Уни ўт-олов ичидан ёнидаги соқчилар олиб чиқишди. Мен ўзим ҳам ўша атрофда эдим...

Ҳайбат (*ўрнидан сапчиб, ўртага отилиб чиққанича*). Ҳокимнинг ўлган-ўлмагани кейин... Янги ҳокимни тайинлаб, олдин бу ердаги ишларни бажариш... (*Акмалхўжанинг ёнига югуриб келиб, унга чақчайганча тикилади.*)

Акмалхўжа (*Ҳайбатга*). Сиз яна бачканалик қиласиз, вазир. Нега менга ҳадеб кўз қисасиз? Ҳокимликни хаёл қилаётган бўлсангиз, чучварани хом санабсиз!

Нозанин (*ўрнидан сапчиб*). Менинг ўрилларим ҳоким бўлишади. Учасидан биттасининг боши бордир, ўлиптими!

Акмалхўжа. Сиз ҳам ўтлаб кетяпсиз, маликам... (*Мулла Мусага.*) Қози почча, нега сиз ўз вазифангизни бажармаяпсиз?

Мулла Муса. Узр, жаноби олийлари... (*Абдусалом ва унинг мулозимларига.*) Ўтиб ўтиринглар, азизлар. Яхши ният билан келибсизлар. Раҳмат сизларга. Лекин сизнинг талабингизга жавобан, дарров бир нима дейиш қийин. Зероки, иш яна ҳам чигаллашиб қолди... (*Бердиқулга.*) Навбатингиз аллақачон етиб ўтиб ҳам кетди, вазири аъзам. Сўзламоқчи эдингиз.

Бердиқул (*чайналиб*). Менинг фикрим аниқ... Лекин нимадан бошласам экан?!

Мулла Муса. Истаган жойингиздан, вазири аъзам... Ҳокимнинг ўлган-ўлмаганими, сулҳми? Янги ҳоким тўғрисида таклиф! Қолаверса, сиз хали бош тўғрисида ҳам бундай яйраб бирон нарса деганингиз йўқ.

Бердиқул. Айтишим керак экан, айтаман. Хаммасини айтаман... Хўш, масалан, биз ҳокимнинг ҳокимлигини қаёқдан биламиз?! Уст-бошига қараб, албатта... Ҳокимни ҳоким қилган нарса унинг қийими, демоқчиман. Онҳазратнинг эғни билан жасади шу ердами, демак, у аллақачон асфаласофилинга... Э, ҳалиги... ҳамма кетади-

ган жойга кетгани аник. Бу ҳақда гапириб ўтириш ортиқча... Энди сулҳ...

Каттабек (*ўрнидан сапчиб*). Йўк, вазир... дадамиз ростдан ўлган бўлса, сулҳни гапирмай кўяқолинг. Биз интиқом олишимиз шарт.

Бердикул. Мен ҳам шуни айтяпман, жигар. Интиқом сизнинг бурчингиз. Демак, сулҳ тузиб бўлмайди... Хўш, янги ҳоким... бунга кимни кўямиз?

Ҳайбат (*ўрнидан сапчиб, талпиниб*). Мен...

Нозанин. Менинг ўғилларим...

Бердикул. Акмалхўжа кимни кўйсалар, ўша бўлаверсин. Менга бари бир... Биттасига минг йил чидадик, бошқасига яна минг йил чидайверамиз. Қулихон билан ярашиб, оғиз-бурун ўпишмаса, бас. Чунки унда бизнинг ишимиз чаток бўлади... Хўш, ҳокимнинг боши... У жангда эмас, бошини олдинроқ йўкотганга ўхшайди. Масалан, Чиннихон билан кўришганда... Ёки дейлик, иккита хотин ўртасида қолиб боши қотганида, беихтиёр... Лекин рост гап учун хафа бўлмайсизлар, онҳазратнинг боши эчкигами, тулкигами ўхшаб кетарди... Бу фикрни манови дунё кўрган Қаландар тасдиқлаши мумкин.

Мерган. Ҳовва! Кўп яхши гапирдингиз, таксир! Керак бўлса, тасдиқлаш биздан!

Мулла Муса. Демак, сиз нима қилганда ҳам ҳокимнинг ўзига яраша боши бор эди, демоқчисиз? Шундайми?

Бердикул. Шундай, кози почча.

(*Сандироқлаб Бургут келиб қолади.*)

Каримбек (*унга ташланиб*). Сени бу гал ростдан чопиб ташлайман. Кет бу ердан...

Бургут (*пинагини бузмай*). Ҳозир кетаман. Шаҳар нега сув қуйгандек десам, сенлар ҳалиям ўтирган экансанлар... Ҳокимни қачон кўмамиз?

Акмалхўжа. Сиз уни нега шаппа тутиб олиб, тергамаяпсиз, кози почча?!

Мулла Муса. Уни биз чақирганимиз йўк, жаноби олийлари. Ўзи...

Акмалхўжа. Бунинг аҳамияти йўк. Кўзингизга чали-

ниб, кўлингизга тушдими, бемалол сўроқ қилавериш керак. Қозилик шу... (*Чиннихонга.*) Қаттиқ ўйнаб қўйдик, хоним. Хафа бўлмайсиз... Шах...

Мулла Муса (*Бургутга*). Сен онҳазратни билар-мидинг, Бургут?

Бургут. Қанақа хазрат?

Мулла Муса. Ҳокимни айтяпман.

Бургут. Ҳа... боши йўқ...

Мулла Муса. Сен буни каёқдан олдинг?

Каримбек (*тутақиб*). У боягина келиб, ичкарига қараб кетди, қози почча. Шуни айтаяпти.

Бургут. Олдин ҳам кўрганман... Кўчада...

Мулла Муса. Кўчада? Қачон кўрдинг сен уни?

Бургут. Тунов куни... Ҳеч кимга парво қилмай кетяпти. Тап-туп...

Мулла Муса. Нима, тап-туп?

Бургут. Ўзи... кетяпти... на кўз-қулоғи, на боши бор. Теп-текис елка... Яна кўкрагини кўтарган. Худди девор...

Мулла Муса. Бекорларни гапиряпсан, ахмоқ, кўзингга шунақа кўрингандир. Эрталабдан итдек ичганинг-ичган.

Бургут. Э, менга бари бир... Кўринганми, кўринмаганми... (*У Мерганга кўзи тушиб, ажаблангандек кўйда яқинлашади.*) Сен нега буларга қўшилиб ўтирипсан?

Мерган. Мен бугун Бош мулозим бўлдим.

Бургут. Қўйсанг-чи. Юр, ичамиз.

Мерган. Йўқ, мен кетолмайман.

Бургут. Сен ҳам айнипсан, занғар... Ўзинг юрганинг яхши эди! (*Ҳаммага.*) Ҳокимни қачон кўмамиз, нега айтмаяпсизлар?!

Акмалхўжа. Сен қабристонга боравер. Ҳадемай биз ҳам етиб борамиз.

Бургут. Ундай бўлса, яхши. Майли, мен кетдим...

(*У ўйланиб, яна нимадир демоқчи бўлади. Аммо Каримбек кет, кет, деб уни туртганича, чиқариб юборади.*)

Мулла Муса. Хўш, энди нима қилдик, азизлар? Биров ҳокимни ўлмаган, деяпти. Биров ўлган... Биров боши бор, деяпти. Биров йўқ, деяпти... Биров сулх туз-

моқчи, биров қарши... Олдинга анқайиб ўтиргандик. Хозир эса иккига бўлиниб қолдик. Ким ҳақ, ким ноҳақ, мени ақлим етмаяпти... Буни бизга қайси мард ҳал қилиб бера олади?!

Ҳайбат. Акмалхўжадан илтимос қилавермайсизми, қози почча, ишни чўзмасдан!

Нозанин. Акмалхўжа гапирсинлар.

Хошимжон (*пичирлаб*). Гапиринг, жаноби олийлари.

Бўривой (*пичирлаб*). Акмалхўжа...

Акмалхўжа. Демак, энди оғзимга сув олиб ўтиравермаслигим керак, шундайми?

Ҳамма. Шундай, жаноби олийлари...

Акмалхўжа (*Чиннихонга*). Шах... Икки марта қолдингиз, хоним. Бир оз машқ қилиб юринг, кейинчалик яна ўйнашамиз... (*Ўрнидан туриб керишади. Сўнг, ўтирганларга.*) Биласизларми, сизларга қараб ўтириб, ўз-ўзимдан хафа бўлиб кетяпман... Масалан, дунёда мен бўлмасам, нима қилардиларинг?! Мана, хозиргидек шўрларингга шўрва тўкилиб ўтираверардинглар, шундай эмасми?! Хайрият, мен бор эканман, бошларингга қандай кулфат тушмасин, чақирасизлар. Мен ҳам камтарлик қилиб келавераман! Мен ўлиб кетгандан кейин, билмадим, менга ўхшаган одамни топасизларми, йўқми... Ҳа, майли... Сизларга нимани айтишим керак, қози почча?

Каримбек. Ҳокимнинг боши...

Акмалхўжа. Энди гапга суқилаверманг, саркарда. Бош кейин. Дарров бошга чиқиб олиш яхши эмао... Мен китоб ўқиганимда ҳам кўпинча орқадан ўқишга тушаман. Одатим шунака... Демак, ҳаммадан олдин ким ҳоким бўлиши! Биз дуч келган одамни ҳокимликка қўёлмаймиз, албатта. Лекин, иккинчи томондан бу шаҳарчага кўчадан бировни тутиб ҳоким қилиб қўйса ҳам эплаб кетаверади... Мана, масалан, шу ердагилардан Каримбекни олайлик. Шатранжни билмаганига қарамай, шаҳарни ағдартўнтар қилиши ҳеч гап эмас.

Каримбек (*ҳаяжонланиб, шамолдек учганича, Акмалхўжанинг олдига келади ва тиз чўкиб у билан*

Мулла Мусанинг ўртасида пилдирай бошлайди.) Мен ростдан ҳоким бўлай, оғайнилар, илтимос... Кўзим кўр бўлсин, бу яхшилиқни унутсам. Илтимос, мени қўйинглар... (*Бошини ушлаб.*) Мана, менинг бошим ҳам бор, оғайнилар, ўрнида турипти...

Н о з а н и н. Эсини ебди бу телба. Менинг ўғилларим...

Ҳ а й б а т. Мен бошқа гапирмайман. Акмалхўжа ўзлари биладилар.

А к м а л х ў ж а. Яна ховлиқиб, ўтлаб кетяпсизлар... Туринг ўрнингиздан, Каримбек! Сиз, мисол учун, деган гапни ҳам тушунмас экансиз-ку! Боринг нари ёкка... (*Каримбек бўшашиб, четланади. Қолганлар ҳам нафаслари ичга тушади.*) Янги ҳокимни тайинлаш учун олдинги ҳокимни бундай кўз олдига келтириш, ўлган-ўлмагани, боши бўлган-бўлмаганини аниқлаш лозим, шундай эмасми?!

Ҳ а м м а. Шундай, жаноби олийлари.

А к м а л х ў ж а. Сенларнинг бутун чулдираганинг бе-кор. Менга фақат бояги саёқ Бургутнинг бир гапи ёкди... (*Мерганни кўрсатиб.*) Манови дарвеш нега бугун сенларга қўшилиб қолди?! Балки у ҳокимни ҳаммадан кўпроқ билар?!

Б е р д и қ у л (*жонланиб*). У кўп нарсани билади, жаноби олийлари. Дунё кўрган қаландар!

А к м а л х ў ж а (*Мерганга*). Нега ишшайиб ўтирибсан, дарвеш?

М е р г а н. Ўзим... Булар ҳаммани тергаб, нима учундир мени тергашмади. Вазири аъзам мени бош мулозимликка олдилар. Лекин у киши ҳам қаттиқ тергаганлари йўк. Кўча-кўйда кўрганлари учун ишондилар, деймикин... Қисқаси, мен ҳам ҳокимни яхши билмас эканман. Бугун пайқадим... Лекин унинг бошини топиб беришим мумкин. Яшириб қўйганман. (*Ҳамма жонланиб, бир оз довдираб қолади.*)

Б е р д и қ у л. Баракалла, Мерган. Бир каромат кўрсатсинлар.

М е р г а н. Хўп бўлади.

(У ўртага чиқиб, қарсак чалади. Панадан бир тўп мулозим қўлларида тугун, ҳалқа бўлиб тизилишганча кириб келишади. Улар тугунни Мерганга топширишганча, зикр тушиб, айлана бошлашади.)

Мулозимлар.

Қаландарлар балодир,
Ҳой, хой, хой.
Улар учган сабодир,
Ҳой, хой, хой.

Арқон солиб бўйинга,
Ҳой, хой, хой.
Тушиб қолма ўйинга,
Ҳой, хой, хой.

Умрни елга сочма,
Ҳой, хой, хой.
Никоб ичига қочма,
Ҳой, хой, хой.

Ажиб, гўзал бу очун,
Ҳой, хой, хой.
Яша, ёзиб қулочинг,
Ҳой, хой, хой.

(Улар чиқиб кетишади. Мерган тугунни ечиб, зарбоф тўп олиб кияди. Кўзидаги богични ечиб, бошига тож қўндиради. Сўнг ҳаммага мағрур юзланади... Ҳамма донг қотади.)

Хошимжон (пичирлаб). Онҳазрат...

Бўривой (пичирлаб). Ўзлари...

Мулла Муса. Одамни шунақаям кўрқитадими, қиблагоҳим?! Туф-туф... Хайрият, тирик экансиз.

Каримбек (югуриб келиб, тиз чўқади). Биз оми одамлармиз, жаноби олийлари. Афв этасиз.

(Ўғиллари индамай ҳокимнинг қучоғига отилишади. Нозанин обидийда қилгандек бўлади.)

Хайбат (ялтоқланиб). Сизни ҳамма ўлди деганда ҳам мен ишонганим йўқ, жаноби олийлари.

Акмалхўжа (*сал инжиган қиёфада*). Бир шўхлик қилай, дебсиз- да, бегим!

Бердикул (*уларга яқинлашиб, атрофларида ай- ланиб*). Биз онҳазрат билан бирга шунақа ҳазиллашги- миз келди. Онҳазрат менга албатта ҳеч нарса деганлари йўқ, лекин мен ҳаммасини сезиб тургандим.

Акмалхўжа (*ҳамон инжиган кўйи*). Бу ўйиндан муддао нима эди, бегим? Мен тушунмаяпман.

Мерган. Мени маъзур тутасиз, жаноби олийлари. Ўзи минг йилдан буён юришим шу. Гоҳ ҳокимлик, гоҳ устимни алмаштириб, қаландарлик қилиб келаман.

Акмалхўжа. Нега, ахир?

Мерган. Одамларни яқиндан кузатиш, билиш учун... Ахийри, иккита одам бўлиб яшашдан чарчадим. Бунинг устига, етти ёт кишилар билан учрашавериб, ўз атро- фимдагиларни яхши билмаслигимни ҳис этдим. Бир ўлиб кўрай-чи, баҳойим, қадрим қандай экан, деб ўйладим.

Акмалхўжа. Бўпти. Мен сизни кечирдим. Лекин иккимиз шатранж ўйнаб, менга бир қолиб берасиз, бе- гим. Ўшанда айбингиз ювилади.

Мерган. Хўп бўлади, жаноби олийлари. (*Ҳошим- жон билан Бўривой секин сирғалиб, эшик оёзига бори- шади, бир ҳокимга тикилиб, бир ичкарига мўралаша- ди. Ниҳоят...*)

Бўривой. Сиз ҳалиям иккитамисиз, жаноби олийлари?!

Ҳошимжон (*ғудраниб*). Бунақа ишда тиб ожиз- лик қилади.

Мерган (*кулимсираб*). Ҳозирча иккита... (*Ичка- рига имо қилиб.*) У ҳам мен, ахир! Мени боши йўқ, деган- лар тўғри айтишди. Бошим бўлганида, бири соткин, бири анқов вазирлар, довдир саркарда, сизларга ўхшаган эси- паст арбобларни атрофимга йиғармидим! Қаландар бўлиб юриб, фуқаро ичида қанча доно, ҳалол одамларни учрат- дим. Бошим бўлганида, ҳокимлик пайтимда ҳам ўшаларга кўпроқ суюнмасмидим! (*Яна ичкарига имо қилиб.*) Ҳозир- ча у бор экан, иккита бўлиб туравераман. Уни олиб бо- риб, кўмгандан кейин, бир ўзим қолишим мумкин!

Мулла Муса. Сулх тўғрисида фикрингизни айтмадингиз, жаноби олийлари.

Мерган. Дарвоқе, сулх... Биз унга имзо чекамиз. Бу мен билан Қулихон – иккимизнинг иродамиз.

(Абдусалом ўрнидан туриб, унинг ёнига келади.)

Абдусалом. Мен сизни Қаландар деб ишонгандим. Ҳоким эканингиз хаёлимга келмаганди. Улоқ бари бир сизда кетди, жаноби олийлари. *(У шартномани очиб, имзо чекишга тутади.)*

Мерган. Улоқ Қулихонда. Унинг самимияти, кўнгли очиклигини мен ҳеч қачон унутмайман... *(Имзо чекиб.)* Тинч-тотув яшайлик. Ҳар биримиз ўз шаҳримиз ҳаётини яхшилашни ўйлайлик. Умр қисқа...

Абдусалом. Мен сизнинг тилагингизни Қулихонга етказаман, жаноби олийлари... *(У мулозимлари билан таъзим қилиб, чиқиб кетишади.)*

Мерган *(Акмалхўжага)*. Менимча, бу ерда қиладиган бошқа ишимиз қолмади. Шаҳарга жўнашимизга руҳсат берсангиз, жаноби олийлари.

Акмалхўжа. Энди, албатта, шаҳарга қайтишимиз керак, бегим. Чунки ҳали бир томондан, сиз билан шатранж ўйнаш керак. Иккинчи томондан, уйда хотин...

Мерган *(Чиннихонга юзланиб)*. Сизга бир оғиз сўзим бор, Чиннихон... Мен бир гал ашулангизни эшитиб, отимни тўхтатганман. Товушингизни мақтаганман. Шу холос... Лекин сиз ўшандан кейин от дупурини эшитсангиз, ашула айтадиган бўлиб қолгансиз! Тўғрими?

Чиннихон. Шундай, қиблагоҳим.

Мерган. Мен ҳақдаги яхши сўзларингиз, менга нисбатан муносабатингиз учун раҳмат сизга! Лекин бутун хаёлдан кечганини ҳаёт деб билмаган маъқул, Чиннихон. Ундан ташқари, одамни ерга уриш жоиз бўлмаганидек, ортиқча кўкка кўтаришдан ҳам ҳеч нарса чикмайди. Менимча, бунинг ҳожати йўқ...

(Акмалхўжа, Мерган, қолганлар бирин-сирин чиқиб кета бошлашади. Каримбекнинг имоси билан аскарлар тобут кўтариб киришади. Улар тобутни очик эшик

оезида тутиб, унга жасадни жойлашади ва ниҳоят, кўтариб чиқиб кетмоқчи бўлишади. Шу пайт шошилиб Гулбека чиқади.)

Гулбека. Тўхтанглар! Мен уни охирги марта бир кўрмоқчи эдим. (Аскарлар тобутни пастга туширишади. Гулбека энгашиб қарайди. Сўнг бошини кўтариб, аскарларга тикилади.) Кизик... унинг боши йўкку... (Ўйланиб.) Унинг аввалдан ўзи боши бормиди ёки йўкмиди?!

(Аскарлар лом-мим дейишмайди. Улар қайтиб йўлга тушганча, чиқиб кетишади. Гулбека бир дам гарангсиз туриб қолади. Кейин у ҳам кетади. Майдон бўм-бўш... Бир неча дақиқа ўтгач, қаёқдандир Бургут келиб қолади. У очиқ эшикдан шунчаки ичкарига мўралайди. Сўнг атрофга ҳорғин, мудроқ кўз ташлайди.)

Бургут. Ҳокимни тирилди, дейишяпти... Одам ўлгандан кейин ҳам тирилар экан-да... Мен бунақасини эшитмагандим (у ерга ўтириб, чўнтақларини қоқиштирганча чақа санашга тушади.) Ароққа пулим етмаяпти... Булар хоким ўлганда ҳам, қайтиб тирилганда ҳам одамга ароқ беришмайди. Қурумсоқлар! (Қўлини силтаб.) Э, менга бари бир...

Парда

ИККИНЧИ ҲАЁТ

*(Яқин ўтмишдан тўқиб чиқарилган муқаддима ва хотима ҳамда
икки ҳолатдан иборат манзара)*

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Суратдаги одам ёки Ботирхон ака
Явшан оксоқол
Хайдарбек
Абдусамадхўжа
Ака-ука Суроб ва Туроб
Гулсум
Моҳидил

МУҚАДДИМА

Кичик бир шаҳар марказидаги майдон.
Тўрда қора хошияга ўралган каттакон сурат.
Хайдарбек, Абдусамадхўжа, ака-ука Суроб ва Туроб, Гулсум, Моҳидил –
барчалари майдонда сочилиб, ғамгин ўтиришибди. Айримларининг қўллари-
да гулчамбар, бошқаларининг қўлида китоб.
Шошилиб, қўлида биттагина гул – Явшан оксоқол киради.

Явшан оксоқол *(секин)*. Салом алайкум. Салом алайкум...

Кўпчилик. Салом алайкум, оксоқол. Явшан оксоқол, салом алайкум...

*(Ҳамма ўрнидан турган, биров келиб кўришади,
бироз узоқдан саломлашган бўлади.)*

Явшан оксоқол *(Абдусамадхўжанинг ёнига келиб)*. Салом алайкум. Бир оз кутдириб қўйдим. Узр...

Абдусамадхўжа. Зиёни йўқ... Ишга киришаверамизми, оксоқол, нима дейсиз?!

Явшан оксоқол. Ҳа, албатта. Халқ тўпланган. Дафн этиш комиссиясининг раиси сифатида ўзингиз...

Абдусамадхўжа. Яхши. Демак... Азиз биродарлар! Биринчи навбатда... *(У қўлидаги гулчамбарни сурат пойига элтиб қўяди. Бошқалар унга эргашади. Явшан оксоқол ҳам келтирган гулини суратга*

тиркайди. Абдусамадхўжа унга юзланади.) Явшан оқсоқол... Энди нима қилдик?! Бошлаймизми?!

Явшан оқсоқол. Олдин одамлар билан маслаҳатлашиб, бир фикрга келиш керакмикин?!

Абдусамадхўжа. Маслаҳатлашинг. Бемалол.

Явшан оқсоқол. Азизлар! Мана, сизлардан Абдусамад акамиз ҳурмат юзасидан сўраяптилар. Дафни, масалан, қандай тартибда ўтказамиз?! Видолашиш маросими дегандек, митинг қиламизми ёки кўпчиликка ўхшаб жаноза ўқиймизми?! Кейин кафанга ўраб кўмамизми ёки кутига солиб, миҳ қоқиб... Куйдириб ташлаш ҳам мумкин. Шунақа тартиб ҳам учрайди.

(Ҳамма Явшан оқсоқол билан Абдусамадхўжанинг атрофини ўрашади. Суроб ва Туроб олдинга суринишади.)

Суроб. Митинг қилайлик. Катта одам. Жанозани ҳар кимга ўқийверадилар. Митингда обрў бор.

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Митингсиз иш битмайди. Лекин жанозасиз кетсалар, озор чекмасмиканлар?!

Ҳайдарбек. Умри бошқа кўчада ўтган одам. Яшириб, жаноза ўқимаса, халқнинг кўз олдида... билмадим!

Гулсум. Митинг ўтказасиз, Абдусамадхўжа. Жаноза ҳам ўқийсанлар. Катта одам бўлса ҳамки эрим ичида муслмон эди.

Абдусамадхўжа. Бу иккиси бир-бирига ёпишмайди, Гулсум янга. Биттасини танлаш керак.

Гулсум *(кескин)*. Ёпишади! Танламаймиз. Гап тамом.

Моҳидил. Тўхтанглар. Шошманглар. Бунақа жиддий иш... Ўзларидан сўрамадингларми?!

Явшан оқсоқол *(суратга тикилиб)*. Ботирхон ака... Кечирасиз, Ботиржон ака! Сизни безовта қилиш...

(Шу пайт кутилмаганда сурат орқасидан Ботирхон ака югуриб чиқади.)

Ботирхон ака. Мен энди йўқ одамман. Менга бари бир. Тушундингларми?! Мени тинч қўйинглар. Бу ёғини ўзларинг эплайверинглар.

(У яна югуриб, сурат орқасига ўтиб кетади.)

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, демак, бу иш аник. Келишдик.

Явшан оқсоқол. Раҳмат. Кейинги масала Ботирхон аканинг жасадлари...

Туроб. Менимча акахонни куйдирган маъқул. Оппасон...

Суроб. Туробжон тўғри айтдилар. Куйдириб ташлаб, кулини боғларга сепса... Ажойиб! Лекин бутун сохт-сумбати билан қутига кирган яхшироқмикан?!

Гулсум. Йўқ, куйдирмайсанлар. Мен қўймайман. Эрим ўзи оловдан кўркарди... Қутига ҳам солмайсанлар. Одамдек гўри-кафан... Гап тамом! Абдусамадхўжа, қўлим бир умр сизнинг гирибонингизда бўлади, билинг!

Абдусамадхўжа. Ҳар бир одамнинг ўзига мос тартиб... Бу кишини қутига солмай бўлмайди-да ахир, Гулсум янга!

Ҳайдарбек. Аввал қутига солиб, кейин секин кафанга ўраш мумкин.

Гулсум. Мен кафансиз қўймайман. Гап тамом!

Моҳидил. Тўхтанглар. Мунча шошасизлар! Ўзларидан нега сўрамайсанлар?!

Явшан оқсоқол (*суратга тикилиб*). Ботирхон ака! Хўв Ботирхон ака! Бу жуда муҳим масала. Ҳеч бўлмаганда бир оғиз...

(*Сурат орқасидан Ботирхон ака бу гап сирғалиб чиқади.*)

Ботирхон ака. Мен учун бошқа ҳаёт бошланди. Мен энди йўқман. Тушунинглар! Мени ҳадеб чақираверманглар... Сал туриб, Мункарнакир ёнимга келади. Қандай гаплашишни ўйлаб, бир оз тайёргарлик кўришим керак! Бу ёқдаги ишларни ўзларинг... эзмаланмасдан...

У яна сурат орқасига ўтиб кетади.

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, демак, бу ҳам аник. Келишдик...

Явшан оқсоқол. Раҳмат... Энди бошласа бўлади!

Аёллар бўйинларидаги қора рўмолларини бошларига солиб олишади. Эркаклар қўйинларидан бўйинбоғ чиқариб, сиполик билан тақишади. Ҳамма сурат олдида саф тартади. Ниҳоят, Абдусамадхўжа сурат ёнига ўтиб, турганларга бирма-бир кўз ташлайди.

А б д у с а м а д х ў ж а. Азиз биродарлар! Тери ошлаш ташкилоти ходимлари! Машъум ўлим чинакам инсон, ар-боб, энг якин дўстимиз, жигаримиз Ботирхон акани орамиздан юлиб олиб кетди. Бу айрилиққа чидаб ҳам, уни сўз билан ифодалаб ҳам бўлмайди. Аммо бизга бир нарса таскин беради. Ботирхон акамининг номлари абадий қолади. Номард ўлим йўқ қилолмайди. Биз бу номга муносиб бўлиб, Ботирхон ака бошлаган буюк ишларни давом эттирамиз... Мотам митингини очик деб эълон қиламан. Биринчи сўз хурматли Явшан оқсоқолга!

Я в ш а н о қ с о қ о л. Азизлар! Оғир жудолик рўй берди. Бундай пайтда томоғинг қичишиб, кўзингга ёш тўлади, гапириш қийин. Айниқса, мен шундай кунда гапирман, деб ўйламаган эдим. Мен учун Ботирхон ака фидойилик, камарбасталик, мардлик тимсоли эдилар. Одамларга бағишланган факат ҳаётлари билан эмас, оташин нутқлари, мақолалари билан ҳам Ботирхон ака тарихда қолдилар. Биз Ботирхон аканинг тик туриб яшаб, тик туриб ўлганларини ҳеч қачон унутмаймиз. Гўрингизда тинч ётинг, азиз инсон! Алвидо...

А б д у с а м а д х ў ж а. Навбатдаги сўзни Ботирхон аканинг котибалари, жонажон сингиллари Моҳидилга берамиз.

М о х и д и л (*қўлида очик китоб билан чиқади*). Мен Ботирхон аканинг охириги китобларига кирган бир шоирнинг шеърини ўқимоқчиман.

Одам ўлар, ишқ ўлмайди,
Кўшиқ ўлмайди, оғалар.
Бундан бошқача бўлмайди,
Асло бўлмайди, оғалар.

Кўшиқ ёмғирдек ёғилар,
Осмон сигирдек соғилар,
Сиз билмайсиз, жон оғалар,
Юрагимда ишқ ўлмайди.

Бу омонат дунё экан,
Кўп аломат дунё экан,
Бир маломат дунё экан,
Бундан бошқача бўлмайди...

Алвидо Ботирхон акажон! Шу шеърни сизга бағишладим...

А б д у с а м а д х ў ж а. Сўз ака-укалар Суроб ва Туробга!

Ака-укалар ҳам қўлларида китоб кўтариб чиқишади.

С у р о б. Ботирхон ака биз учун ота ўрнида эдилар. Ма-на, китобга имзо чекиб... ўкинглар, одам бўлинглар, деганлар. Бизнинг бошимизни силаб, оқ йўл тилаганлар. Биз энди бу китобларни сўнгги нафасгача қўлимиздан қўймаймиз!

Т у р о б. Суробжон тўғри айтдилар. Ботирхон ака бизнинг отамиз эдилар. Лекин шу билан бирга, Ботирхон ака меҳрибон ва талабчан мураббий эдилар. У киши мағрур бир инсон эдилар!

С у р о б. Туробжон тўғри айтдилар. Ботирхон ака талабчан ва мағрур эдилар. Лекин шу билан бирга, у киши боладек самимий, камтар эдилар!

Т у р о б. Суробжон тўғри айтдилар. Ботирхон ака камтар эдилар. Лекин шу билан бирга, у киши буюк эдилар! Гўрингизда тинч ётинг, Ботирхон ака. Алвидо...

С у р о б. Алвидо, Ботирхон ака, отамиз, устозимиз! Гўрингизда тинч ётинг...

А б д у с а м а д х ў ж а. Мотам митингини ёпиқ деб эълон қиламан... (*Суратдан узоқлашиб.*) Хў-ўш, демак, хонимлар, сизлар энди обидийда қилиб турасизлар. Биз бир чеккада секингина жаноза ўқиб оламиз.

Эркаклар қайтиб бўйинбоғларини ечиб, бошларига салла қилиб ўрашади. Бир чеккага ўтиб, жаноза ўқишга тутинишади. Аёллар рўмолларини бўйинларига тушириб, сочларини ёзишганча, гўяндалик қилишади. Чарх уриб, «бу қандай қаро кун?!» қабилида оҳ-воҳ чекишади... Ниҳоят, барчалари яна сурат олдида тўпланиб, гулчамбарлар, гулларни олганча, ўртага қўйишади, биров тиловат қилаётгандек бўлади, биров қўйнидан ароқ шишасини чиқариб, култилла-тиб ичишга тушади, кавшанади. Ғовур-ғувур, ҳамма ўз-ўзи билан банд. Ким нима деяётганига тушуниб бўлмайди...

Фақат Явшан оксоқол бир суратга, бир шерикларига қўз ташлаб, ўйчан, хорғин айланиб юрибди. У бехосдан тўхтаб, тўпланганларга юзланади.

Явшан оксоқол. Азизлар! Ботирхон акани тупроққа топширдик. Дафн маросими ҳам битди. Ҳозир тарқаламиз. Шу билан тамом. Лекин кичик бир расмият

қолди... Ботирхон ака қанақа одам эдилар?! Очигини айтишимиз керак.

Говур-гувур тинади. Оғир сукунат чўқади.

Кейин яна говур-гувур, пичир-пичир бошланади. Аммо ҳеч ким аниқ гап айтишга шошмайди... Ахийри, Моҳидил Явшан оқсоқолнинг ёнига келади.

Моҳидил. Мен тушунмаяпман. Ботирхон ака қандай одам бўлганларини ўзларидан сўрамадингларми?! Нега сўрамайсанлар?!

Явшан оқсоқол (*суратга тикилиб*). Узр, Ботирхон ака. Минг марта узр! Айб бизда...

Ботирхон ака сурат орқасидан чиқади.

Ботирхон ака. Мен тўғримда хоҳлаганларингни айтаверинглар. Ўз қаричларинг билан ўлчаб... Бари бир ҳеч қайсинг билмайсан! Мен қандай одам эдим? — буни ўзим биламану Худо билади...

БИРИНЧИ ҲОЛАТ

Шаҳар марказидаги ўша майдон.

Тўрда ҳамон каттақон сурат. Бирок уни ўраган қора хошия олиб ташланган.

Сурат пойида ҳайбатли стол, бир неча курси.

Абдусамадхўжа йўғон жилд қўлтиқлаб кирганича, стол орқасидан жой олади. Жилдни очиб, шошмасдан варақлай бошлайди.

Аста-секин атрофга нур таралиб, Моҳидил кириб келади.

Моҳидил. Яхши ухлаб турдингизми, Абдусамадхўжа акажон?! Тинчмисиз?!

Абдусамадхўжа. Раҳмат. Лекин ухлаш қаёқда! Мижжа қокқаним йўқ... Кўриб турибсиз, ташкилотда иш кўп. Ташвиш кўп. Бемалол ухлаш мумкин эмас. Ҳамма нарсани ўйлаш керак... Халқ тўпландими?

Моҳидил. Ҳа. Йўлакда ўтиришибди.

Абдусамадхўжа. Бўлмаса, биринчи навбатда Явшан оқсоқолни чақиринг.

Моҳидил. Хўп бўлади.

У Явшан оқсоқолни бошлаб киради.

Абдусамадхўжа. Явшан оқсоқол. (*Кўл бериб кўришади.*) Ўтиринг... Зарур бир масала чиқиб қолди.

Явшан оқсоқол. Қулоғим сизда, Абдусамадхўжа ака. Нима иш бўлса, бош устига.

Абдусамадхўжа. Гап бундай. Ботирхон ака қандай одам эди?! Тез аниқлашимиз керак. Мана бу хужжатларда ғирт жиноятчи, дейишибди. Биз яхши билмаймиз. Айниқса, мен бу тўғрида олдин ўйламаган эканман...

Моҳидил (*бир чеккада ўтирганича, суратга қараб қўйиб*). Ботирхон ака қандай одам эдилар? – энди ўзларидан сўраб бўлмайди. Вақтида неча бора айтдим, сўранглар, деб. Яхшироқ сўрамадинглар! Ўзлари ҳам шошгандек мужмал гапириб, дарров кетиб қолдилар...

Абдусамадхўжа. Мен бу одамни ёмонлаш тарафдори эмасман. Ҳақиқат тарафдориман! Ҳақиқат қандай бўлса, шундай, бўяб-бежамасдан гаплашишимиз керак. Тўғри баҳо беришимиз керак.

Явшан оқсоқол. Халқда бир одат бор. Ўлган одамни ёмонлаб бўлмайди, албатта. Бундай муҳокама қилиш, жазо бериш қийин... Лекин, Абдусамадхўжа ака, дунёда бошқа гаплар ҳам бор. Масалан, тирикликда эмас, чинакам баҳо одамга ўлгандан кейин берилади! Ҳаётга яқун ясалади. Ёлғонга чек қўйиб, покланиш, ҳақиқатни тиклаш учун ҳам биз шундай қилишга мажбурмиз! Қолаверса, бундан сўнг қандай муносабатда бўлишни билиш учун ҳам шунга тўғри келади... Ботирхон акага балки хайқал қўйиш керакдир. Ёки, аксинча, гўрига ўт қалаш...

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, сиз нима маслаҳат берасиз?!

Явшан оқсоқол. Менимча, Гулсум янга билан Ҳайдарбек hozирча йўлакда ўтираверишсин... Ака-ука Суроб ва Туробларни чақиртиринг. Олдин ўзимиз бақамти бир фикрга келайлик.

Абдусамадхўжа. Гулсум янгани нега қўшмай турибсиз? Тушунтиринг.

Явшан оқсоқол. Янгани ўзингиз биласиз, Абдусамадхўжа ака. Ҳадеб эътироз билдиравериб, бизни қон қилиб юборади. Халқ қиснади. Биз Ботирхон акага ўзимиз истаган баҳони беролмаймиз.

Абдусамадхўжа. Хўп, Ҳайдарбек-чи?

Явшан оксоқол. Ҳайдарбек расмият учун... Янга бир ўзи қолса, хаёли кочиб, эшикни очаверади! Бунинг устига, Ҳайдарбекнинг ўзи ҳам ҳаддан ташқари ҳалол йигит! Пишиб, ўтиб кетган. Ўзини қандай тутади? Баъзан билиш қийин.

Абдусамадхўжа. Ўзимиз гаплашгандан кейин улар қирадимиз?

Явшан оксоқол. Худди шундай. Бир хулосага келгач, буларни чақириб, бор гапни айтганимиз маъқул.

Абдусамадхўжа. Яхши. (Моҳидилга.) Ака-укаларни чақиринг.

Моҳидил ака-ука Суроб ва Туробни бошлаб қиради.

Суроб. Абдусамадхўжа ака. Раҳмат. Бизни йўқлаб-сиз.

Туроб. Ишлар билан чарчамаяпсизми, ота!

Абдусамадхўжа. Келинлар. Ўтиринлар. Гап бор... Хў-ўш, қисқаси, мен Ботирхон ака тўғрисида билмоқчиман. Ортиқча валдир-вулдирнинг кераги йўқ. Ҳар кимнинг ўз фикри... ҳақиқат... Нима дейсизлар?!

Суроб. Инсоннинг кўчадаги аҳволини уйда, уйдаги аҳволини кўчада билмайсан. Юрагини эса ўлгунича очмайди... Биз Ботирхон акани ҳурмат қилардик. Лекин бизни алдашган экан. У киши тўғрисидаги ҳақиқатни халқ энди айтяпти.

Туроб. Мен Суробжоннинг фикрларига қўшиламан. Шу билан бирга, қўлни кўкракка қўйиб ҳақиқатни айтдиган бўлса, Ботирхон ака мураббийлик даъво қилиб, бизнинг иккимизни ҳам кўп хўрладилар. Одамни баъзан ёқасидан тутиб, силтаб гапирардилар. Мени неча марта ўрнимдан турғазиб, кўпчилик олдида ноҳақ сўкканлар.

Суроб. Туробжон тўғри айтдилар. Китобларини дуч келган одамга тиқиштириб, ўкигинг келмаса ҳам ўқийсан, деб мажбур қилардилар. Ота дейишни истамаганингга қарамай, мен отаман, деб тирғалишга ўрганган эдилар. Шунақа ёмон одатлари бор эди.

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Биз Ботирхон ака-

га ишониб-сигиниб, хато қилганимизни, ўз айбимизни ҳам бўйнимизга олиб, ёлғонга чек қўйишимиз керак. Сизнинг даврингизда, Абдусамадхўжа ака, ҳақиқат тиклан-маса, қачон тикланади?!

Суроб. Туробжон мард одамнинг гапини айтдилар. Мен фақат қўшимча қилмоқчиман... Мана, сизни, Абдусамадхўжа ака, иккиланмай яхши раҳбар, дея оламиз. Олижаноб. Диёнатли... Одамни тушунасиз! Ўзларини баъзан камтарликка солиб, илжайиб ўтиришларига қарамай, Ботирхон ака бунақа эмасдилар. Биринчи навбатда ёвуз эдилар.

Туроб. Мен энди Суробжондан ўтқариб бир нима деёлмайман. Лекин қаёқдаги тўнкани бошимизда кўтариб, чидаб юрганимизни айтаман! Биз ўзимиз ҳам қизик одам эканмиз!

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, сиз бу гапларга қандай қарайсиз, Явшан оқсоқол?!

Явшан оқсоқол. Нима десам экан... Бу йигитлар ёш. Андишани билишмайди, Абдусамадхўжа ака. Буларнинг ҳаёт тажрибаси ҳам йўқ. Дўппини ол десанг, бошни олишади. Ошириб юборишади... Менимча, катта бир одамга баҳо берганда, эҳтиёт бўлиш керак. Мана, сиздек буюк инсон, қанча истиҳола билан гапиряпсиз... Бировни лойга қориш осон. Тўғри баҳо бериш қийин. Айниқса, бирга ишлаганингга қарамай, бу замонда одам одамни яхши билмайди... Қисқаси, менинг фикрим. Мен Ботирхон акадан ҳаётда кўп нарса ўрганганман. Биздан ёшлари кичик бўлса ҳамки, пирдек қабул қилганмиз. Дўст эдик. Ўртада меҳр-эътиқод бор эди. Ботирхон ака ишнинг кўзини биларди. Ташкилотчи эди. Халқни ишлата оларди. Анча феъли кенг, самимий эди. Мен Ботирхон акани, умуман, ёмонламоқчи эмасман! Тилим бормайди... Лекин ҳозир аллабир хужжатлар, гуноҳлар, жиноятлар ҳақида гап чиқаяпти. Бундай пайтда киши беихтиёр айрим нарсаларни эслайсан. Ўйлайсан. Ҳар хил бемаънилиқлар ҳам бор эди, албатта... Масалан, Ботирхон ака саводсиз бир одам эди. Иккита гапни қовушти-

ролмасди. Ўз исмини ҳам тўғри ёзолмасди. У кишининг бутун нутқлари, мақолаларини мен ёзганман. Китоб тузганда эскирган гапларни янгилаб, яна қайта-қайта тер тўкканман. Обрў, шон-шуҳрат ҳаммаси Ботирхон акага келган. Қалам ҳақини ҳам мўмайгина, чўнтакларига солиб кўйганлар. Бирон марта менга ақалли бир оғиз раҳмат демаган. Аксинча, доим мени қарздор қилгандек муносабат... Мен буни таъна ёки миннат учун айтмаяпман. Ўлган одам... Дўстимиз! Бу сирни ҳеч қачон очмасдим ҳам. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин, дегандим. Лекин ҳозир илож йўқ. Қандайдир чора кўриш керак. Биз мажбурмиз! Меҳнатим сингганига қарамай, энг аввал кутубхоналар, дўконлар, одамлар қўлидаги Ботирхон акага тегишли жами китобларни йиғиб, таққлашни таклиф қилмоқчиман. Кейин, халққа давр айби билан йиллар бўйи одамга ўхшаб яшай олмаганимизни тушунтириб, бу шармандалиқдан қутулиш устида бош қотиришга тўғри келармикин?! Менимча, шундай.

А б д у с а м а д х ў ж а. Яхши. Моҳидил, сиз ҳам гапирасизми икки оғиз?! Қоғозда қолсин учун.

М о х и д и л. Ҳа, албатта... Явшан оқсоқол гапга уста. Тўн бичиб юборадилар. Мен унақа гапиролмайман. Лекин Ботирхон акани мен ҳаммадан кўпроқ билардим. Ботирхон ака фаришта эмасдилар. Гуноҳга ботиб юрган расво... Кечириб бўлмайди! Ўзлари билан вақтида гаплашолмаганимиз учун кеча китобдан бир шеър топиб кўйган эдим. (*Чўнтагидан қандайдир варақ чиқариб.*) Кимга ёқадими, йўқми – ташкилотдаги аёллар номидан мен шуни ўқиб бермоқчиман.

Сени эслайман ҳар кун,
Сени эслайман ҳар тун.
Менинг жигар-бағрим хун,
Падарингга минг лаънат.

Аввал чикди хиёнат,
Кейин чикди жиноят.
Жонга тегдинг ниҳоят,
Падарингга минг лаънат.

Мен сени дердим устоз,
Бирга қилгали парвоз.
Сен экансан хотинбоз,
Падарингга минг лаънат.

Юрибсан бошқа жойда,
Сендан бизга не фойда?!
Сени қарғаш бефойда...
Падарингга минг лаънат.

Абдусамадхўжа. Баракалла, Моҳидил. Раҳмат...
Азиз биродарлар! Аҳвол чаток. Мен бундай бўлишини
кутмаган эдим. Хужжатларда асосан, тўғри фикр айтил-
ган экан! Ишдаги йўл қўйилган хатолардан ташқари,
Ботирхон ака одамларда ҳам кўпроқ ёмон таассурот қол-
дирган. Демак, қисқача хулоса шу! Явшан оксоқол, қол-
ганларни чақирамизми?!

Явшан оксоқол. Энди чақирса бўлади.

Абдусамадхўжа. Яхши. (Моҳидилга.) Гулсум янга
билан Ҳайдарбекни чақиринг.

Моҳидил уларни бошлаб киради.

Гулсум. Яхшимисиз, Абдусамадхўжа?

Абдусамадхўжа. Раҳмат, Гулсум янга. Юрибмиз.
Ўзингиз тинчмисиз?

Гулсум. Бошимизда соябонимиз йўқ. Биз қандай тин-
чиймиз?! Ит ҳам, бит ҳам туртиб ўтади. Нималар бўляпти
ўзи?!

Абдусамадхўжа. Ажойиб аёлсиз-да, Гулсум янга.
Биз даромад қилишга улгурмай, гапни бошлаб қўйдин-
гиз... Ўтиринг... Ташкилотда аҳвол кўнгилдагидек эмас.
Халқ Ботирхон акадан норози бўляпти. Фирт жиноятчи
экан, деяпти. Муҳокама қилишимизни сўраяпти.

Гулсум. Сизлар, ҳамма бунга қўшилиясизларми?!
(Ҳамма жим.) Абдусамадхўжа, менга гапингизни сал ту-
шунтириброк гапиринг...

Абдусамадхўжа. Мен тушунтиролмаيمان. Мен
яхши билмаيمان. Олдин ўйламаган эканман.

Гулсум. Менга қаранг, Явшан оксоқол. Бир умр

эримнинг пинжида юриб, кўзининг ёғини еб, ҳеч бўлмаганда, сиз уялмайсизми?! Афтидан, буларга бош бўлиб ўтирибсиз... Кечагина қабр устида бошқача сайраган эдингиз.

Явшан оксоқол. Аввало, қабр устида ҳеч кимни биров ёмонламайди. Унақа тартиб йўқ, Гулсум янга. Қолаверса, сиз бекорга менинг тилимни қичитяпсиз. Ана, халқ гувоҳ, мен ҳозир ҳам Ботирхон ака ҳақида бир оғиз ёмон сўз айтмадим. Ҳолбуки, айтишим мумкин эди.

Абдусамадхўжа. Қизишиб нима қиласиз?! Мана, сизга бир жилд хужжат. Бу ёғи яна ҳамирдек кўпириб ётибди. Шароитга ҳам қараш керак-да, Гулсум янга.

Гулсум. Хўп, шундай экан, майли. Лекин сиз, Явшан оксоқол, ташкилот қолиб, бизнинг уйимизга бемалол бостириб бораверадиган эрка эдингиз. Шунақа айбларинг бор, деб нега вақтида эримга айтмадингиз?!

Явшан оксоқол. Айтиб бўлмасди, Гулсум янга. Қизиқ гапирасиз... Ана, ўзингиз билган Ҳайдарбек. Ботирхон акага ҳақ гапни айтиб, шу йигит, бирон пайт косаси оқарганми?! На унвон, на мукофот, на одамдек лавозим... Бунинг устига, мен сизнинг эрингизни ўзимдан ақллироқ деб билганман! Ҳозир ҳам тишни тишга босиб ўтирибман! Ҳадеб менга тирғалиш ўрнига раҳмат демайсизми?!

Гулсум. Раҳмат. Қуллук...

Абдусамадхўжа. Бу ерга сизни ҳеч ким ранжитиб, таҳқирлаш учун чақиргани йўқ, Гулсум янга. Биз шароит шундай бўлиб қолди, нима қилайлик, деб бирга ўйлашиш учун сизни чақирдик. Халқ эъзозлаган катта одамлар юзига оёқ қўйишингиз яхши эмас.

Гулсум. Мен тушунмаяпман. Мендан нима керак сизларга?!

Абдусамадхўжа. Оддий бир нарса... Эрингиз тўғрисида ўз фикрингизни қайтиб кўриб чиқишингиз керак. Эрингизга нисбатан ўз муносабатингизни бир оз ўзгартиришингиз...

Гулсум. Мен ҳам сизларга қўшилиб, эримни ёмонлайманми?!

Абдусамадхўжа. Унчалик эмас. Ҳақиқатни айтасиз, холос. Кўпчиликдан четда турмасдан... Эрингиз осмондаги ой бўлмагандир?!

Гулсум (*суратга имо қилиб*). Мен ўзимнинг жонажон эримни юз-кўзларига қараб туриб, ахир, қандай ёмонлайман?!

Абдусамадхўжа (*сурат томон бурилиб*). Эй, дарвоқе! Эсдан чиқибди... кечирасизлар!

У ўрнидан салчиб туриб, суратни тескари ўгириб кўяди. Ака-ука Суроб ва Туроблар шошганча унга кўмаклашишади... Аммо шу аснода орқадан Ботирхон ака югуриб кириб келади.

Ботирхон ака. Уф. Тавба... Нега бундай қилдинглар?! Ахир, мен сурат орқасида турганимни билардинглар-ку! Суратга тегмаслик керак эди... Ўлгандан кейин ҳам одамга тинчлик йўқ экан. Ўзим дўзахда қуйиб ётибман, бу ёқда яна минг хил дахмаза...

Гулсум. Булар сизга тухмат қилишяпти, Ботирхон ака. Гўрдан олиб, гўрга солишмоқчи... Мен қаршиман! Сизни ёмонламайман. Бировга хўрлатиб ҳам қўймайман. Курашаман... Сизни қайтиб бундай ўз ўрнингизга ўтиргизмай туриб, қанақа жиноятдан гапириш мумкин?!

Абдусамадхўжа (*столни маҳкам қучоқлаб*). Мен энди ўз ўрнимни ҳеч кимга бермайман. Хафа бўлмасиз, Ботирхон ака! Сиз йўқ одамсиз. Жой керак бўлса, пастроқда ўтиринг.

Ботирхон ака. Менга ўрин шарт эмас, Абдусамадхўжа. Кўркманг... шу жойни деб қанча гуноҳга ботмадим. Ўзингизга буюрсин! Ҳеч ким у дунёга курсини орқалаб кетмас экан. Шуни билсангиз, бас.

Абдусамадхўжа. Биз тез чора кўриб, номини тарихдан ўчириб ташламасак, бу одам мана шунақа сурат орқасидан чиқиб, руҳи бизни безовта қилаверади. Тинч яшаёлмаймиз! Гапиринглар... (*Ҳамма жим.*) Гапиринг, Гулсум янга. Нега гапирмаяпсиз?! Бизга қўшилмасангиз, ўзингизга қийин. Кўчада қолиб кетасиз. Кунингиз сомсафурушлик қилиб, бозорда ўтади. Мендан шафқат кутманг!

Гулсум. Мен сизлардан шафқат кутмайман... Бу-

тун ташкилотда битта ҳам дўстингиз йўқ экан, Ботирхон ака. Қандай ишлаб, қандай яшагансиз?!

Ботирхон ака. Чида, Гулсум. Сенга осон бўлмайди. Лекин чида... Шундай латифа бор. Бир одам кўчада кетаётган экан. Таниши учраб: «Нима қилиб юрибсиз?» – деб сўрабди. «Дўстим фалончи билан кўча айланаяпмиз!» – дебди ҳалиги одам. «Дўстингиз?! Қани дўстингиз!» – ажабланибди таниши. «Чўнтагимда. Гугурт қутига солиб қўйганман!» – дебди ҳалиги одам... Маълум бўлса, унинг дўсти чумоли экан!

Явшан оқсоқол. Менимча, Гулсум янга қандай қарорга келишларини ўйласинлар. Қистамайлик. Яхши эмас. Инсофдан бўлмаяпти... Ҳайдарбек гапирсин. Абдусамадхўжа ака, шу йигитни сиз, кўнглини эшитиб, бошини силасангиз. Ҳақиқат тикланган бўларди.

Абдусамадхўжа. Яхши... Хў-ўш, Ҳайдарбек, иним, яқинроқ келинг. Баракалла... Мана, Ботирхон ака сурат орқасидан чиқиб, шахсан кутиб турибдилар. Эзилган бир меҳнаткаш сифатида сиз хозир фурсатдан фойдаланиб, ўз муносабатингизни аниқлашингиз, бу одамнинг пўстагини қоқишингиз мумкин. Кейин, биз сизга шунга қараб муомала қиламиз.

Ҳайдарбек. Мен нима ўйласам, вақтида очик гаплашганмиз. Қарзим қолмаган. Энди нима дейман?!

Абдусамадхўжа. Айтадиган бир оғиз ҳам гапингиз йўқми?

Ҳайдарбек. Йўқ.

Абдусамадхўжа. Явшан оқсоқол айтмаганда ҳам, биз билардик. Майли, мен ўзим ҳаммасини айтаман. Лекин, йигит, сизга фойда бўлмайди. Бир умр яна ўсмасдан итнинг орқа оёғи бўлиб юраврасиз!

Ҳайдарбек. Ҳар кимнинг қисмати!

Абдусамадхўжа. Ботирхон ака қайиролмагани учун сизни ёмон кўрган. Лавозимингизни пасайтирса ҳам, кўтармоқчи бўлса ҳам сиз ўзгармагансиз. Жонига тегиб, сизга қарши ҳар хил ўйин кўрсата бошлаган. Умуман, бу одам ўйинга уста эди!

Гулсум. Булар сизни атайин тупрокка қоришяпти,

Ботирхон ака. Гўрда ётиб, бу таъналарга қандай бардош беряпсиз?!

Ботирхон ака. Кўявер, Гулсум. Бу таъналар дўзах азобидан оғирроқ эмас! Одамлар мenden олдинги раҳбарларнинг ҳам гўрига фишт қалашган! Ҳамма бало, эси бо-рида этагини ёпмаган – ўзимиз...

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, яна айтаверсам, сиз, Ҳайдарбек иним, бир кизни яхши кўргансиз. Лекин Ботирхон ака номардлик қилган.

Моҳидил. Шу гапларнинг нима кераги бор?! Абдусамадхўжа акажон! Илтимос...

Ҳайдарбек. Бу кўнгил иши. Бунга бировни ара-лаштириб бўлмайди. Уялмайсизларми?!

Гулсум. Йўқ, тўхтанглар... Ботирхон ака, шу ростми?! Буларга фақат мени яхши кўрганингизни айтинг.

Ботирхон ака. Сенинг олдингда ҳам, бошқаларнинг олдида ҳам гуноҳим кўп, Гулсум. Банда эканмиз! Мен бекордан бундай дўзах ўтида куймаяпман! Тушун...

Гулсум. Тушунмайман! Башарангиз курсин. Мен сизга ишониб юрибман-а!

Моҳидил. Ҳамма биледи. Ташкилот манфаатпараст-лик, хушомад, қабоҳат уясига айланган эди! Биз шу ҳақда гаплашишимиз керак... Нега шунақа холга келдик?! Мо-домики, сурат орқасидан чиқиб, серрайиб турган экан, Ботирхон ака ўзи жавоб берсин!

Суроб. Ўзи жавоб берсин! Ҳув жиноятчи!

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Ўзи жавоб бер-син! Муттаҳам.

Ҳайдарбек. Ўлган одам сизларга жавоб берадими?! Тирикликда бунга ўйлаш керак эди!

Явшан оксоқол. Бир оз адашдингиз! Тирикми, ўлганми – ҳар инсон ўзи учун жавоб беради. Кунун шу!

Моҳидил. Ўлгандан кейин ҳам бизга иддао билан гапираётганини кўрмайсизларми?! Қўйиб берса, Абдусамадхўжа акани четлаб, ўзини хали ҳам лаганга солмоқ-чи! Бизга раҳбарлик қилмоқчи!

Ботирхон ака. Ҳаммаси тўғри. Мени кечиринглар. Гуноҳим кўп. Аҳмоқ бир ташкилот, арзимаган мавқе деб...

Шайтон мени йўлдан оздирган эди. Мен ўзимга бино қўйган эдим. Баъзан ўзимни Худо деб ўйлар эдим! Айникса, нафс балоси. Беш қўлни оғизга тиккан эдим! Инсонга бир қарич ер кифоя экан. Мен бўлсам, иккита ҳовли, иккита боғ-ҳовлини эгаллаб олган эдим. Бошпанасиз юрганлар қанча! — ўйламас эдим. Менинг худолигимдан ташкилотнинг ҳам шўри қуриган эди! Ҳаммаси учун у дунёда жавоб берапман.

Г у л с у м. Шарманда! Одамнинг ўлгани яхши. Башаранг курсин...

(Кўксини чангаллаганча чиқиб кетади.)

Ҳайдарбек *(унинг изидан)*. Шошманг, Гулсум янга. *(У ҳам даврани тарк этади.)*

Явшан оксокол. Мен бир нарсани билмоқчиман. Ботирхон ака, сиз шу ишларни тушуниб туриб қилган-мисиз ёки адашганмидингиз?!

Ботирхон ака. Мен... мен... қандайдир... негадир...

Туроб. Ундан сўраб нима қиласиз, оксокол?! Атайин шундай қилган. Тушуниб туриб! Бизнинг барчамизни ўлиб кетмайдими, деб ўйлаган.

Суроб. Мен Туробжоннинг фикрларига қўшиламан. У бизни одам деб қарамаган. Манфаат йўлида туккан онасини сотиб кетадиган одамдан нима кутиш мумкин?!

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Бу одам ўзини эмас, бизни обрўсизлантириб кетди. У эмас, биз бош кўтариб юролмай қолдик.

Суроб. Туробжон тўғри айтдилар. Бундай одамларга шафқат йўқ! Ўлганнинг устига тепсанг арзийди!

Моҳидил. Мен йигит бўлсам, қараб турмасдим. Бунақа юзсиз... Ҳали ҳам қараб турмайман. *(Бориб, Ботирхон аканинг гирибонидан туттади.)* Нега унақа қилгансан?! Айт!

Туроб. Ур башарасига!

Суроб. Ур!

Улар Ботирхон акани дўппослай бошлашади. Абдусамад-хўжа ҳам у томон, бу томондан ўтиб бир-икки мушт туширади. Фақат Явшан оксокол хорғин, ўйчан айланиб юрибди. Атрофни аста-секин қоронғилик қоплайди.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ

Олдинги манзара.

Каттакон сурат ҳамон ўгирилмаган ҳолда турибди.

Ҳайбатли стол устида энди иккита йўғон жилд. Абдусамадхўжа гоҳ у-гоҳ бу жиллдаги қоғозларни кўздан кечириб, ҳар дамда бошини чайқаб кўяди.

Моҳидил қандайдир хатларни кўриб ўтирибди.

А б д у с а м а д х ў ж а. Иккиси бир-бирига зид. Икки хил! Қайси бири тўғри? – тушуниб бўлмайти. Биттасига қарасанг, ғирт жиноятчи! Бошқасига қарасанг, авлиё. Худоё тавба.

Моҳидил (*бехосдан*). Абдусамадхўжа акажон! Қизиқ бир хат. Ишонмайсиз...

А б д у с а м а д х ў ж а. Қаердан экан? Кимдан?

Моҳидил. Фаришталар деб кўйишибди. Осмондан... бунақаси олдин ҳеч қачон бўлмаган!

А б д у с а м а д х ў ж а. Нима деб ёзишибди?

Моҳидил. Жуда валати. Ўқиб берайми? Эшитинг...

«Тери ошлаш ташкилотидаги осий бандалар!

Ташкилотнинг собиқ раҳбари Ботирхон – валади Ботирбек, валади Ботирали, валади Ботирхўжа дўзахда қуяётганига қарамай, бир куни жаннатга тушишга муносиб инсондир. Унинг қилган ёвуз ишидан эзгулиги, гуноҳидан савоби бисёр. Бариси тарозуда тортиғлиқдир! Унинг бошидан ниҳоят раҳмат нурлари ёғилгай!

Тери ошлаш ташкилотида бу ожиз бандага тирик пайтида ҳам, ўлганидан сўнг ҳам номардлик қилиб, зулм ўтказиб келинди. Золимлар, шак-шубҳасиз, дўзах азоби билан сийланурлар!

Тирикликда кўзингни оч, мунофиқликдан асран! Бошинг устида Буюк Ҳакам борлигини унутма!

Фаришталар...»

А б д у с а м а д х ў ж а. Мен ишондим. Ҳар нарса бўлиши мумкин... Юқоридан кўрсатма шу экан, бажариш керак! (*Шошиб.*) Хў-ўш, демак, буниси тўғри, мана буниси уйдирма экан! (*У жилдлардан бирини олдиға тортиб, иккинчисини ахлат қутиға улоқтиради.*) Моҳидил! Тез Явшан оқсоқолни топинг. Кейин, бутун халк... (*Моҳи-*

дил чиқиб кетади.) Мен ўзи кўнглим сезиб турганди. Мени чалғитишди. Шундай буюк одамни хўрлаш... Ҳа, майли. Ўтганга салават! Менгача бу курсида ўтирган Ботирхон ака жаннатга киргач, нега мен кирмас эканман?! Киришим керак! Фақат покланишга тўғри келади... Ўзи ишни Ботирхон акани қоралашдан бошлаганимиз яхши бўлмади. Лекин айб менда эмас. Шароит... Тузатамиз!

Моҳидил Явшан оксоқолни бошлаб киради.

Явшан оксоқол. Бормисиз, Абдусамадхўжа ака? Бардаммисиз?!

Абдусамадхўжа. Раҳмат. Юрибмиз. Келинг. Ўтиринг. Бир нарсага бошим қотган. Нима десам экан... Ботирхон ака қандай одам эди? – биз ҳали ҳам билмаяпмиз. Ҳақиқатни тиклаёлмаяпмиз. Мен олдин вақтим бўлмаган, яхши ўйламаган эканман...

Моҳидил. Ботирхон ака қандай одам эдилар? – ўзларидан жиддийроқ сўраш керак эди! Биз доим шошамиз! Ҳар қандай буюк инсонга ўхшаб, Ботирхон ака бир дунё сир-асрордан иборат эдилар. Биз буни тушунишга фақимиз етмади!

Абдусамадхўжа. Мен бу одамни улугламоқчи ҳам, топтамоқчи ҳам эмасман. Оддий ҳақиқат тарафдориман! Масалан, «уч» баҳо оладиган мактаб ўқувчисига «икки» қўйиб ҳам, «беш» қўйиб ҳам бўлмайди! Қисқаси, шу ҳақда гаплашиб олишимиз керак.

Явшан оксоқол. Инсонни, у ким бўлмасин, илоҳийлаштириб юрмаган маъқул, албатта. Ботирхон ака ҳам икки қўл, икки оёкли одам эдилар! Лекин, Абдусамадхўжа ака, ҳалқда бир одат бор. Ўлган одамни камчиликлари, хатоларидан кўз юмиб, фазилатларини, яхши хислатларини эслайди. Биз ёлғонга чек қўйиб, покланиш, ҳақиқатни тиклаш учун ҳам шу йўлдан борсакмикан?!

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, нимадан бошлаймиз?!

Явшан оксоқол. Ҳалқ тўпланган бўлса, энг аввал ака-ука Суроб ва Туробни чакиртиринг. Ўзимиз фикрлашиб олайлик.

Абдусамадхўжа. Гулсум янгани чақирмаймизми?
Явшан оксоқол. Йўқ, Гулсум янга билан Хайдарбек
кутиб туришсин. Уларга пишган ошни сузганимиз дуруст.

Абдусамадхўжа. Яхши (Моҳидилга.) Ака-укалар-
ни чақиринг.

Моҳидил Суроб ва Туробни чақиради.

Туроб. Раҳмат, ота. Чақирган экансиз.

Суроб. Яхши юрибсизми, ота? Чарчамасдан.

Абдусамадхўжа. Келинглар. Ўтиринглар. Хў-ўш,
демак... Ботирхон ака масаласи. Мени сизларнинг аниқ
фикрларинг қизиқтиряпти. Бўяб-бежамасдан. Ҳақиқат.

Туроб. Бизни алдашган экан, Абдусамадхўжа ака!
Тоғ узокрокдан яхши кўринади, дейишади. Ботирхон ака
мана энди чинакам ўз бўйларини кўрсатяптилар! Худога
шукр, хайрият, ҳақиқат тикланадиган кун ҳам бор экан.
Айрим чигалликларга қарамасдан, биз Ботирхон ака но-
мини доим юрагимизда асраб келганмиз.

Суроб. Мен Туробжоннинг фикрларига қўшиламан.
Ботирхон ака тоғ эдилар, биз – чумоли... У киши ўзлари
чумоли тўғрисида жуда келтириб гапирганлар. Шунака
буюк одам эдилар! Биз ҳамиша бирдек бу одамнинг қад-
рига етавермаганмиз. Ўз айбимизни бўйнимизга олиб,
виждон азобидан қутулишимиз керак.

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Ўзингиз биласиз,
Абдусамадхўжа ака. Ботирхон ака камтарлик қилиб, ўзла-
рини хоксор тутганларида, бошларига чиқиб олган айрим
одамлар ҳам бўлди! Баъзи шундай одамлар тузоғига или-
ниб, биз ҳам хатога йўл қўйдик. Холбуки, Ботирхон ака
сизга ўхшаган отамиз эдилар!

Суроб. Туробжон тўғри айтдилар. Ботирхон ака айт-
ган ҳар бир сўз ҳаётда биз учун сабоқ эди. Ўзларидан
эшитмаганимизни китобларидан олардик. Ботирхон ака
бир хазина эдилар!

Туроб. Мен энди Суробжондан ўтказиб бир нима
деёлмайман. Лекин айтмоқчиман. Ботирхон ака бир чи-
нор эдилар. Биз барчамиз шу чинор соясида ўсганмиз.
Бунини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Суроб. Туробжон мард одамнинг гапини айтдилар. Мен факат кўшимча қилмоқчиман. Ботирхон акага нисбатан хурмат, бизнинг хурматимиз, у кишига берилган баҳо бизга, бутун жамоага берилган баҳо бўлиб қолаверади. Биз бундан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ.

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, сиз бу гапларга нима дейсиз, Явшан оқсоқол!

Явшан оқсоқол. Умуман, кўшилиш мумкин. Лекин, Абдусамадхўжа ака, бу йигитлар ёш, тажрибасиз. Кўпинча арпа билан буғдойни, сут билан айронни ажратишолмайди. Хато қилишади. Бунинг устига, кўнимлари йўқ, лип этиб гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёққа ўтишади: ўзларини ҳар томонга ташлашади... Менимча, ўлган бир одамга баҳо берганда, шошмаслик керак. Ҳамма нарсани инobatга олиш керак. Мана, сиздек буюк бир инсон, қанча мулоҳаза, қандай босиқлик билан гапиряпсиз... Бировни осмонга кўтариш осон. Кейин нарвонсиз, ерга тушолмай қийналиб қолиши бор: ўйламай бўлмайди... Мен Ботирхон акадан инжиган, ҳатто нафратланган пайтларим кўп. Катта одамга тўғри келмайдиган бачкана ишлар, бачкана қилиқлар... Эгрилик, фирромликларни айтиб ўтирмайман. Лекин у кўнгли тоза эди. Нияти пок эди. Биз шунинг учун уни яхши кўрардик! Унинг китоблари чиқишида менинг бир оз меҳнатим сингиган. Гапиришга арзимамайди. Чунки улар, асосан, Ботирхон ака ҳаёти, калби кўзгуси: биз уларни ўқиб, унинг буюклигини ҳис этамиз! Китоблар таъқиб қилиниб, қатағонга учраган бир даврда ҳам, мен уларни олиб қўйиб, яна қайтиб рўёбга чиқишини кутганман. Уларни энди эълон қилиш пайти келди. Кейин халққа Ботирхон ака хизматларини тушунтириб, тарғиб қилишга тўғри келади. Менимча, шундай.

Абдусамадхўжа. Яхши... Моҳидил, сиз ҳам гапирмоқчимисиз?

Моҳидил. Ҳа, икки оғиз... Явшан оқсоқол гапни қийиб ташладилар. Мен ундай қилолмайман. Лекин Ботирхон акани мен бу ташкилотда бировдан кўп билсам, билганман, оз эмас! Ботирхон акадек одам қайтиб дунёга ё келади, ё йўқ. Меҳримизни вақтида ўзларига яхши изҳор қилолма-

ганимиз учун мен китобдан бир шеър топиб қўйган эдим.
(Тортмадан китоб олиб.) Шунни ўқиб бермоқчиман.

Сиз бергансиз бахтли хаёт,
Сизни ҳамма севади.
Қуллуқ сизга, мухтарам зот,
Сиз яшайсиз абадий.

Мен розиман доим сиздан,
Сиздек борми меҳрибон?!
Ўтган кунлар чикмас эсдан —
Қочган билан, ҳеч қачон.

Ололмадик кўнглингизни,
Биз сув ичиб ариқдан.
Лекин энди ҳеч ким сизни
Йўқотмайди тарихдан.

Сизга етиб борармикан
Менинг бугун овозим?!
Қаерларда ўлиб юрган —
Менинг буюк устозим...

Абдусамадхўжа. Раҳмат... Азиз биродарлар! Де-мак, масала аник. Ботирхон ака фақат дунёда эзгу ишлар қилиб қолмай, одамларда ҳам ўзларига нисбатан ҳурмат, эътиқод уйғотган. Ҳалол обрў-эътибор қозонган. Биз шунга қараб муносабатда бўлишимиз керак!

Явшан оқсоқол. Энди қолганларни чақирса бўлади.

Абдусамадхўжа. Яхши (Моҳидилга). Гулсум янга билан Ҳайдарбекни чакиринг.

Улар киришади.

Гулсум. Юрибсизми, Абдусамадхўжа? Одамларни ҳадеб чақириб... Мажлис қилмаса, ишламаётгандек...

Абдусамадхўжа. Келинг, Гулсум янга. Ўзингиз яхшимисиз? Ҳорманг. Жиддий бир гап чикди. Бўлмаса, чақирмасдик... Янгиликдан хабарингиз бордир?!
Гулсум. Мен янгиликларни ҳаммадан кейин эшитадиган бўлиб қолганман.

Абдусамадхўжа. Гапирасиз-а, Гулсум янга. Ертагида илон кимирласа биласиз... Хў-ўш, қисқаси, халқ Ботирхон акани берилиб эслаяпти. У кишига дoston ба-вишлaш керак, деяпти. Тўғри баҳо беришимизни сўраяпти.

Гулсум. Сизлар, ҳамма шундай фикрдамисизлар?! (Барча жим.) Менга тушунтириброк гапиринг, Абдусамадхўжа.

Абдусамадхўжа. Мен яхши билмайман. Халқнинг гапини сизга айтяпман.

Гулсум. Явшан оқсоқол, сиз эримнинг гуноҳи кўплигини билардингиз. Ёнида юргансиз. У кишини улуғлаб, хайкал қўйиб бўлмаслигини, наҳотки, сиз ҳам билмасангиз.

Явшан оқсоқол. Эрингизни ҳамма сўкканида, мен бир оғиз ёмон сўз айтмадим, Гулсум янга. Хабарингиз бор. Ҳозир ҳам, ана, халқ гувоҳ, оғзимдан сув кетиб мақтаётганим йўқ. Арзимайди, деб тишни тишга босиб ўтирибман. Холбуки, кўкка кўтариб мақташим мумкин эди. Мен бунга ҳақли эдим.

Гулсум. Менга қаранг, Явшан оқсоқол. Сиз шундай доно экансиз, вақтида эримни хушомадгўйлик, ортик ёлғон мактовдан асрамаганингиз етмагандек, ҳозир ҳам нега саклаб қолишга уринмаяпсиз?!

Явшан оқсоқол. Бу ҳаёт, Гулсум янга. Одам ўзи ўзини тутмаса, бошқага кийин... Қолаверса, мен Ботирхон акани ўзимдан ақлироқ деб билганман. Умуман, эрингиз буюк одам эди.

Гулсум. Хўп, эрим яхши экан, мен тушунмаяпман, нега кўплашиб уни хўрлаб-топтадинглар?! Нега тупроққа қориб ташладинглар?!

Абдусамадхўжа. Айб биздан ўтди, Гулсум янга. Туртиб-сўкканда ҳам, ўласи қилиб дўппослаш шарт эмасди, албатта... Лекин ҳар ишнинг охири бахайр бўлсин экан!

Гулсум. Хўп, мен нима қилишим керак?! Нега мени чақирдинглар?!

Абдусамадхўжа. Оддий бир нарса... Эрингиз тўғрисида ўз фикрингизни қайтиб кўриб чиқасиз. Муносабатингизни ўзгартирасиз.

Гул сум. Мен ҳам сизларга қўшилиб эримни мақтайманми?!

Абдусамадхўжа. Унчалик эмас. Ҳақиқатни айта-сиз, холос. Эрингиз осмонимизда бир қуёш эдилар! Сиз буни биздан яхшироқ биласиз. Нур ичгансиз! Ёшлик йилларингизни эслаб, кўнгилнинг энг нозик торларини чертиб...

Гул сум. Қизиқ экансизлар! Ўлган одам учун қанақа тор чертади?! Ҳеч бўлмаганда, суратига қараб гапирилса... (Ўйланиб.) У киши ўзлари қаерда?!

Абдусамадхўжа. Эй дарвоқе... Ботирхон аканинг ўзлари қани?!

Моҳидил. Шу яқин атрофда... қаердадир бўлишлари керак!

Суроб. Ҳеч қаяққа кетгани йўқ. Шу ерда ётган эди.

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Шу ерда...

Ака-укалар билан Моҳидил зир югуришиб, ниҳоят, қоронғи бир бурчакда «туринг-туринг» дейишганча, Ботирхон акани ўрнидан қўзғаб, ўртага судраб чиқишади. Абдусамадхўжа ҳам яқинлашиб, улар Ботирхон аканинг уст-бошини қоқишади, елкаларини силаб-сийпалашади.

Ботирхон ака. Тегманглар. Қўйворинглар. Уф... Мен қаердаман?! Жаннат дейишаётганди, бу ҳаммаёқ дўзах-ку! Сизлар нима қияпсизлар?!

Абдусамадхўжа. Биз сизни муҳокама қияпмиз.

Ботирхон ака. Ҳалиям муҳокамами?! Мени бошқа дўппосламанглар. Илтимос...

Гул сум. Булар сизни ерга киритиб қўйишганди. Энди, аксинча, осмон дейишяпти. Бир ундок, бир бундок... Мен ҳозир тирик пайтингиздан кўпроқ сизнинг гуноҳларингизни биламан. Ҳамма нарсани унутиб, мақтаёлмайман.

Абдусамадхўжа. Сиз аравани бошқа ёққа торт-япсиз, Гулсум янга. Унақа эмас-да. Шароитга ҳам қараш керак. Бунинг устига, ўз эрингиз... ўйламайсизми?!

Явшан оқсоқол. Гулсум янгани қистамайлик. Эр-хотин орасига аҳмоқ одам тушади: қўйиб берайлик, балки аста-секин ярашиб кетишар. Кейин, Гулсум янга ўз

фикрларини бемалол айтаверадилар... Хайдарбек гапирсин. Абдусамадхўжа ака, шу йигит, биласиз, Ботирхон акани ёмонлашга олдинроқ тили бормаган... Мана, пайти келди, кўнглини эшитиб, бошини силаш мумкин.

Абдусамадхўжа. Яхши... Хў-ўш, Хайдарбек, иним, фурсатдан фойдаланиб, кўнглингизда борини... қисинмасдан...

Хайдарбек. Мен вақтида гапирганман. Гапим йўқ!

Абдусамадхўжа. И-е! Бировни танқид қилмагандан кейин бундай яйраб мақтамайсизми?!

Хайдарбек. Ҳеч қарзим қолмаган. Тушунинг.

Абдусамадхўжа. Майли, мен ўзим... Лекин, йигит, сизга фойда бўлмайди. Орамизда яна судралиб юраверасиз!

Хайдарбек. Ҳар кимнинг қисмати!

Абдусамадхўжа. Сиз Ботирхон акани макташни истамайсиз. Ёмонлашга ҳам тилингиз бормаган, чунки сирингиз очиларди. Ҳамма бало, сиз кибр-ҳаволи: ўзингизни халқдан устун деб ўйлайсиз! Қанчалик яширманг, кўнглингизда Ботирхон акага аввалдан нафрат билан қарагансиз. Ёлғиз дуч келганда ҳам, катта-кичик давраларда ҳам ҳурматсизлик қилиб, обрўсини тўкишга урингансиз. Биз биламиз... Мабодо сиз вақтида шундай қуюшқондан чиқмаганингизда эди, кейинчалик ҳеч ким бу одамни камситмасди! Иш ҳарҳолда Ботирхон акани дўппослаш даражасига бормасди! Бизнинг барчамизга бу касал сиздан юқди! Биз ғараз, тухмат, бадбинлик орқасида ҳақиқатни кўролмай қолдик.

Гулсум. Нималар деяпсиз, Абдусамадхўжа?! Энди Ботирхон аканинг ўрнида бу йигитни тупроққа қориб, қурбон қилмоқчимисизлар?! Мен қандай кунларга қолмадим, Ботирхон ака! Шу йигит, бу гаплар ўтади, деб далда бермаганида, билмадим, холим нима кечарди?! Нега индамаяпсиз?!

Ботирхон ака. Чида, Гулсум... Одамлар каттанинг хотинига доим осон, деб ўйлашади. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам сенинг бошинг эгик. Сен чидашинг керак!

Абдусамадхўжа. Хў-ўш, яна айтаверсам, сиз,

Ҳайдарбек иним, Ботирхон ака-сингил деб самимий қаранган бир қизга кўз олайтирганингиз етмагандек, сўнгги пайтлар Гулсум янганинг атрофида ўралашиб юрибсиз. Биз ҳаммасидан хабаримиз бор.

Моҳидил. Шу гаплар шартми, Абдусамадхўжа ака-жон?! Кўйинглар.

Ҳайдарбек. Йўқ, оғизларингга келганини айтавринглар. Бемалол. Букурни гўр тузатади... Мени кечиринг, Гулсум янга! Сизни ғийбатга, маломатга қолдирганим учун. Инсоф, диёнат йўқлиги... Биз бу дунё, у дунё ҳеч кимнинг олдида тили қисик эмасмиз. Бировнинг чилдирмасига ўйнамаймиз... *(У бошини ғамгин букканича, чиқиб кетади.)*

Абдусамадхўжа. Гапиринг, Гулсум янга. Ҳайдарбекнинг ёнига киргандан кўра эрингизнинг ҳалиям соясига салом бермайсизми?! Ўлса ўлиги ортиқ.

Гулсум. Одамлар юзини сидириб ташласа, қийин экан. Оддий бир уят ҳисси... Мен фақат бу дунёда сизни ўйлаб юрганганимни айтинг буларга, Ботирхон ака!

Ботирхон ака. Мени мақтайман, деб шармандалик... Бундан ўша, урганларинг яхши эди! Энди жаннатга кираётганда, нега йўлимни тўсаяпсанлар?! Нега мени яна гуноҳга ботираяпсанлар?!

Абдусамадхўжа. Бу ҳаммаси ҳақиқат учун, Ботирхон ака. Хафа бўлмайсиз. Биз ҳақиқатни тикляпмиз.

Гулсум. Дунёда ҳақиқат шу бўлса... ўргилдим! *(Югурганича, у ҳам чиқиб кетади.)*

Моҳидил. Тўхтанглар. Шошманглар... Ботирхон акани улуғламаган одамга шафқат йўқ! Кун йўқ. Буюк инсон! Лекин ўзлари ҳақда ўзлари нима деб ўйлайдилар?! Нега сўрамаяпмиз?!

Суроб. Ўзларидан сўраш керак! Гуноҳдан қандай қочиб қутулиб, жаннатга кираётганлари... Қайтиб бизга оталик қилаётганлари...

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар. Ўзлари гапирсинлар.

Ботирхон ака. Мен энди ўзимни ёмонламайман ҳам, оқламайман ҳам... Мен сенлар билан у дунёда гаплашаман.

Абдусамадхўжа. Тарихда қолиш учун бу дунёда
хам озгина гаплашмаса бўлмайди, Ботирхон ака. Тушунинг.

Ботирхон ака. Йўк. Тамом. У дунёда...

Явшан оксоқол. Мен бир нарсани билмоқчиман.
Ботирхон ака, дўстларингиз чумоли, сиз фил эдингиз!
Нега ёмон кунларда ўз-ўзингизга тухмат қилдингиз?! Нега
ўшанда оқланмадингиз?! Фил бўлиб турмадингиз?!

Ботирхон ака. Фил?! Қанақа фил?! Мен ҳам чу-
моли эдим. Инсон – чумоли! Бир шоир айтган экан: «Йўк,
инсон аждоди бўлмаган маймун, чумолидан таркаган
инсон...» (*Ўйланиб.*) Ким билсин, балки маймундирмиз?!

Явшан оксоқол. Ажойиб... Мана, сенларга яна
бир янги хикмат!

*(Қарсак чалади. Бошқалар ҳам дарҳол унга қўшилиб,
гувиллаб қарсак чалиб юборишади.)*

Ботирхон ака. Менинг суратимни ўнглаб қўйинг-
лар. Мен энди кетишим керак.

Хамма шошиб суратни ўнглашади. Шунинг баробарида, Ботир-
хон акани қўлларида кўтариб, сурат орқасига йўналишади.

ХОТИМА

Ўша манзара. Фақат каттакон сурат кўринмайди.

Мохидил, қўлида қандайдир дафтар, нари-бери юриб, кироат би-
лан шеър ўқияпти.

Мохидил.

Сизга мени, эҳтимол,
Севиш оддий бир хаёл.
Нега сизни ёқтирдим?! –
Юрагимда шу савол.

Сизни фақат ўйлайман,
Сизни фақат куйлайман.
Ташвишингиз кўп, доим
Ишлагани қўймайман.

Сизга, балки, тахт керак,
Лекин менга бахт керак.

Иккимизга муҳаббат –
Энди ҳамма вақт керак...

Калин жилд қўлтиклаб, сипо кийинган Ботирхон ака киради.

Ботирхон ака. Мохидил! Кўнглингизга олманг. Шеър ўқиш мумкин. Лекин бундан кейин идорада шеър ўқимайсиз, кўрсам хафа қиламан! Келишдикми?!

Мохидил. Вой, Ботирхон ака! Салом алайкум. Келганингизни сезмапман.

Ботирхон ака. Йўлакда халқ тўпланганини ҳам сезмадингизми?! Котибанинг вазифаси мен келгунча одамлар билан гаплашиш... Шундай эмасми?!

Мохидил. Кечирасиз, Ботирхон акажон! Албатта... Бугун чап томондан турдингизми, дейман?!

Ботирхон ака. Чапми, ўнгми, ишга жиддий қарамасангиз, қаттиқ хафалашиб қоламиз. Бу аниқ... Одамларни чақиринг. Киришсин.

Мохидил ҳаммани чақиради.

Туроб. Ҳорманг, ота!

Суроб. Тинч юрибсизми, ота?! Яшанг.

Ботирхон ака. Гап бундай. Одамнинг отаси битта бўлади! Агар отасиз тувилган бўлсанглар, майли, мен оталик қиламан. Йўқ, ўз отамиз бор, десанглар, минбаъд мени ота дейишни бас қилинглар! Бундан ташқари, сенлар менга нима ёқади, нима йўқ, факат шунга ўралашиб қолдинглар. Кунларинг бекор ўтяпти. Бориб иш билан шуғулланинглар! Шуни айтмоқчи эдим.

Суроб. Хўп бўлади, о... эй...

Туроб. Суробжон тўғри айтдилар...

Улар шошганча чиқиб кетишади.

Ботирхон ака. Абдусамадхўжа! Сиз бир куни менинг ўрнимни эгаллайсиз. Бўлиши мумкин. Лекин ҳозирдан бунга ўйлаб, бир оз ҳовлиқиб юрибсиз. Ҳаяжонланманг, ўзингизни тутинг, демокчи эдим. Шу! Сиз ҳам энди кетаверинг.

Саросималаниб, чиқиб кетади.

Явшан оқсоқол. Бирон кўнгилсизлик рўй берди-

ми, Ботирхон ака?! Мен тушунмаяпман. Ташкилотда иш ёмон бормаяпти. Атрофда обрў-эътибор топаяпмиз. Ҳамма хурсанд... бу бирдан нима бўлди, ўзи?!

Ботирхон ака. Мен учун сиз ёзадиган китобни тўхтатамиз. Китоб ёзиб, ном қолдириш шарт эканми?! Ҳар ким ўз ишини бажарса... Ташкилотда аҳвол қандайлигини сиздан кўра мен яхшироқ биламан, Явшан оқсоқол. Малол келмаса, буни бизга кўйиб берсангиз.

Явшан оқсоқол. Тушундим... Маъкул.

У ҳам кетади.

Ботирхон ака. Сен босар-тусарингни билмай, мендан кўпроқ мағрурланиб юрибсан, Гулсум. Умуман, ҳозир бахтлисан! Менинг бошимдан кейин сенга қийин бўлади. Шунинг учун ортиқча ҳаволанма! Дунёга сергак қара.

Гулсум. Сизнинг сўзингиз мен учун қонун, бегим.

Кетади.

Ботирхон ака. Мен сизнинг олдингизда қарздорман, Ҳайдарбек. Бу хатони тузатамиз! Лекин шарти, сотилманг. Ҳозиргидек тўғри бўлинг. Кўркманг! Яна айтмоқчи эдим... Сиз бир қизни ёқтирасиз. Унга уйланишингиз мумкин. Лекин бу қиз билан бахтли бўлармикансиз?! Ўйланг...

Ҳайдарбек. Ўйлаш керак... Сизнинг таклифингизни ҳам ўйлайман. Менга меҳр-эътибор кўрсатмасангиз ҳам майли. Ҳар кимнинг қисмати!

Кетади.

Ботирхон ака. Сизга ҳам жавоб, Моҳидил. Ташкилотни айланинг. Уззукун бу ерда ойнага қараб ўтиришингиз шарт эмас.

Моҳидил. Ҳа, албатта.

Кетади.

Ботирхон ака (ёлағиз). Ўнгми, тушми... Менинг бу кўрганим ўзи нима эди! Бир марта ўлиб-тирилган одамга ўхшайман! Ҳаммаси кўз ўнгимда. Худди бир кино! Худоё тавба... Менинг иккинчи ҳаётим, наҳотки, шундай кечса?!

ИККИ КИШИ

Бу касалхона обрўли.

Бошқа касалхоналарда аксар тўрт киши, баъзан беш ёки олти киши палатага жойланадиган бўлса, бу ерда хоналар асосан, икки кишилик. Бир кишилик хоналар ҳам бор. Лекин уларда ётиш учун шунга муносиб даражада бўлиш ёки оз-моз «жанг» қилиш керак. Махсус ажратиб қўйилган хоналар ҳақида-ку, гапириш ортикча.

Кўп йил турли мансабларда ишлаб, чарчаб колган Абдулахад (Абдул Аҳад) ота ўз хизматларини пеш қилишни истамас, биров билан ҳақ талашишга ҳам унинг тоқати йўқ эди. Икки кишилик хонага ётқизишганига кўниб кетаверар, ҳатто икки киши бўлгани яхши, зерикмайсан, деб доим ўзини овутарди. Касалхонага эса йилида бир ёки икки ётиб чиқар эди.

Бу гал ҳам у одатдаги тартибда жойлашган эди-ку, иккинчи ўрин бўш эди. Кеч куз пайти, касал кам эканми, сурункасига уч кун ҳеч кимни ётқизишмади.

Абдулахад ота «шерик»сиз кириб-чиқиб юришга ўргана бошлаган (Худо кечирсин, инсоннинг ожизлиги-да, бундан бир оз мамнуният ва ғурур сеза бошлаган) эди, тўртинчи кун...

Кун ҳам эмас, тун-алламаҳалда хона эшиги тарақлаб очилиб, чирок ёкилиб, ҳаким ва хамширалар аравачада қандайдир беморни олиб келишди.

Нима бўлаётганини билгач, ўзининг уйқудан қолмаслиги-ю, бошқаларга ҳалал бермаслик учун Абдулахад ота яхшироқ ўраниб, девор томон бурилиб ётди. Ниҳоят, ғовур-ғувур тинди. Чирок ўчди. Шерик келганидан оғринишми-суюниши кераклиги ҳозир унга номаълум эди.

Эрталаб уйқудан турганида, янги бемор ҳали ухлаб ётарди. Бу ким, қанақа одам экан, деган савол табиий

унинг хаёлидан кечди. Аммо безовта қилмасликни ўйлаб, шовқинсиз ювиниб-кийинди. Кейин, боғ-ховлига чиқиб кетди. Очик ҳавода бир соатдан кўпроқ айланиб, нонушта қилгани ошхонага кирди.

Касалхонада ҳар бир хона эшигига келган беморнинг биринчи кунданок исми шарифи ёзиб қўйиларди.

Нонушта қилиб бўлиб, у хона эшиги олдига келганида «А. Солиев» деган ёзув ёнида «Ш. Маҳрамов» деган янги ёзувни кўрди.

Бирдан валати ҳолатга тушди.

«Наҳотки, бу Ширин Маҳрамов бўлса?..»

Шошиб ичкари кирди.

Янги бемор бошини чойшабга ўраб, ҳамон ётар эди.

Тумбадан тоза сочиқни олиб, муолажадан ўтгани чиқиб кетди.

Ярим кун ўзи муолажа билан банд, хаёли Маҳрамовда эди.

Улар иккиси бир-бирига алоқадор икки идорани бошқаришарди.

Маҳрамовнинг яхши хислатлари бор. У ишнинг кўзини билар, тўғри ишлаб, хизматчиларни тўғри ишлата оларди. Кўли остидагиларга ҳар томонлама ёрдам берарди. Уларни шахсан сўкса, сўкарди, биров камситиб-топташига йўл бермасди. Бироқ унинг ёмон одати ҳам бор. Тенг даражадаги кишилар даврасида ўзини ҳаммадан юқори тутар, кимдир ғурурланса гаши келар эди. Хунук жойи, кейин минг хил йўл топиб, ўша кишининг асабини ўйнатар, бундан алланечук хатто роҳатланарди. Масалан, Солиевга аввалдан шундай ўчакишиб, идоралараро «хатбозлик»да Солиевнинг исмини ҳар гал бирдек Абдулаҳад (Абдул Аҳад) эмас, Абдуллаҳат (Абдул лаҳат) деб ёзишга тушган эди. Юзма-юз келганда фақат бир марта шу ҳақда гап чикди. Маҳрамов гўё хатга имзо чекмайдигандек, кизлар хато қилгандир, деб қўйди. Лекин икковлари ҳам ишдан кетгунларигача ўшандай хат ёздириб юрди.

Албатта, Абдулаҳад ота вақтида озор чекканига қарамай, Ширин Маҳрамов билан (агар «шерик» у бўлса!)

бир хонада туришга норозилик билдирмоқчи эмасди. Эски гапни эслаб, hozир ортикча бўғилаётган ҳам эмасди. У бошқа нарсани ўйлаётган эди.

Энг аввал ҳол сўрайди. Шундан сўнг, биродар, халқда «ўтди умрим, водариф» дейишади, иккимизга ҳам нари томон кўриниб қолди, бу дунёнинг ғалвасини у дунёга олиб бормаган дуруст, келинг, мен сизни кечирдим, сиз ҳам ўтганни унутинг, бошқалар олдида беш-ўн кун яхши шерик бўлиб турайлик, мазмунида босиқ сўзлашади. Абдулаҳад ота ҳарҳолда, шундай қилмоқчи эди.

Муолажани тугатиб, қайтиб палатага келса, янги бемор йўқ.

Дори олиб кирган ҳамширадан беихтиёр сўради:

– Бу бизнинг шерик қаёқда экан?

– Оғир тортиб қолдилар. Реанимация! – деди ҳамшира.

Абдулаҳад ота роппа-роса уч кун (энди «шерик»сиз эканлиги ҳам татимай) ундан бир хабар олсаммикан, деб ўйлаб, нотинчланди. Бир неча бора, боғ-ховлини айланаётиб, «Реанимация бўлими» томон йўналган ҳам бўлди. Аммо Маҳрамов бадгумонлик қилиб, ҳа, менинг ўлган-ўлмаганимни текширгани кирдингизми, деб юборса-чи! Бунақа «наштар»ни энди Абдулаҳад ота кўтарадиган ёшда эмас! Ўзини ночор-ноилож қолгандек сезиб, азоблангандан-азобланди.

Уч кундан кейин...

Яна тун-алламаҳалда Маҳрамовни аравачада олиб келишди.

«Реанимация бўлими»дан палатага ўтқазилган эди.

Яна эрталаб Абдулаҳад ота бемор билан юзлашолмади.

Яна муолажани тугатиб хонага келганида Маҳрамов йўқ эди.

Бу гал чойнак-пиёла, дегандек хонада Маҳрамовга тегишли бирон нарса ҳам йўқ эди.

Топ-тоза янги ўрин тўшалган эди.

Ҳамшира дори олиб кирди.

– Эй дунё шу экан! – деди хўрсиниб, ёши йигирмага бориб-бормаган қиз аллақачон дунёнинг тагига етган оҳангда.

Абдулахад ота гангиб қолган эди.

– Исми нима эди?

– Махрамовними? Шавкатми? Шухратми?

– Ширин эмасми?

– Эсимда йўқ. Хоҳласангиз хали хужжати ётибди, кўриб беришим мумкин.

Абдулахад ота ўйланиб туриб, бош чайқади:

– Шарт эмас!

МЕЗОН

Бу аслида, устозларимиздан бири узук-юлук тарзда айтиб берган воқеа. Мен айрим кузатувларимни кўшиб, уни тартибга келтирганча, эътиборингизга ҳавола қиляпман.

* * *

– Сиз билан суҳбатлашмоқчи эдик.

– Ҳозир вақтим йўқ, – дедим.

Усти ёпиқ, қишки гулхонада айланиб юрган эдим. Гулхона тўрига ўтиб, ўпкамни босолмай бир оз йиғлаб ҳам олдим. Кимнингдир афти башарасини кўриш кўнглимга сиғмаётган эди.

Эшик олдида котган ўрта ёш, ориқ-озғин, новча киши ярим ўгирилиб ёнидаги хотинини ташқарига чиқартирди. Кейин, ўзи ҳам орқага тисарилиб, индамай эшикдан чиқа бошлади.

– Тўхтанг, – дедим.

Унинг юзи қоқ суякдан иборат, кўзлари ичга ботган, фақат эгнидаги тиниқ зангори кўйлак унга сал ранг берган эди. Қандай чикиб кетаётган бўлса, шундай мутелик билан тўхтади.

– Тадбирга чақиришганми?

У бош силкиди.

– Вилоятданмисизлар?

У яна тасдиқлади.

– Майли. Мен ҳам етиб бораман. Ўша ерда гаплашармиз, – дедим.

Баъзи катта йиғинлар шаҳар этагидаги боғда, янги

курулган хашаматли кошонада ўтар эди. Мен бугун бирон соат олдин келиб қолиб, боғни айланган, эшиги очик гулхонага кириб кетган эдим. Биров кўзи тушиб, эр-хотинга дарагимни айтган бўлиши керак.

Гулхонадан чикиб устимдаги чангни қокдим. Оқар сувда юз-қўлимни ювдим. Ниҳоят, икки ён терак бўй чўзган хиёбондан кошонага қараб кетдим.

Йиғин замонавий шаклда расмиятсиз, дастурхон атрофида ўтаётган эди. Бир неча дўстларим мени қуршаб, ичкарига бошлашди. У ён-бу ён қарадим. Ҳалиги эр-хотин чеккада, яна бир аёл ва икки чол билан ўтиришибди. Уларни ёнимга қақирининг ҳам, ёнларига бориб ўтиришининг ҳам иложи йўқ.

Мажлис-зиёфатда чалғигандек бўлдим.

Лекин давра совишини кутмай дўстларим билан кошонадан чиққанимда, мендан олдинроқ чикиб пойлаб турган эр-хотинга кўзим тушди.

Атроф қуюқ дарахтзор.

Хилват бир йўлкадаги харракка бориб ўрнашдик.

– Хўш? – дедим. Булар мухлис, шунчаки танишиб, икки оғиз гаплашмоқчи, деб ўйлаган эдим. Фикрим теда ўзгарди. Орик-озғин киши бикинига хотини туртиб қўйиб, қутилмаганда:

– Бошимизга кулфат тушди. Биргина қизимиз бор. Ундан айриладиган бўлиб турибмиз, – деди.

– Нега? Касалми?

– Касал эмас. Соғ ҳам эмас, – деб қизик гап қилди у.

– Кейинги кунлар бошқача бўлиб қолган. Маҳал-бемахал уйдан чикиб кетади. Қаерга кетди, қандай юрибди, билмаймиз. Кундан-кун сўлиб боряпти. Жони суғуриб олингандек.

– Бировни яхши кўрадимми?

– Бу аниқ, – кўзлари ичга ботган киши хижолат чекиб қизарди. – Айтиш ноқулай бўлса ҳам... бир йигит билан учрашиб юрган. Йигит уни ташлаб, дугонасига ўйланган... Ўзини бир нарса қилиб қўймасин, деб қўрқаяпмиз. Бизга ёрдамнингиз керак.

– Кишлоқдан келсак, ахвол шу, – деди то ҳамон ориз очмаган хотин. – Уни олиб кетолмаймиз. Ўзимиз ҳам уйга кетолмай турибмиз. Илтимос.

Воқеа оддий эди. Шоир айтмоқчи:

*«Бевафо кўп экан дунёда,
Муҳаббат йўқ экан дунёда...»*

Аммо эр-хотин менга Ҳазрати Хизргами, бошқа бирон хожатбароргами юзлашгандек, хуркак ва илтижоли тикилишган эди.

Сўнги йиллар ичида одамлар орасида танилиб, барча «Шароф домла! Шароф домла!» деб арбобга айланиб қолганимдан буён мендан бировлар ёрдам кутиб, баъзан мурожаат қилишади. Олдинлар сезмаган эдим, дунёда дарди ҳасратини кимга айтиб чора-нажот топишини билмай, гангиб юрган киши ҳам оз эмас экан. Аламли жойи, улар менинг ўзим қанчалик ҳимояга муҳтож эканлигимни ақларига сиғдиришолмайди.

Ана, қаттиқ ҳасталаниб, толиққан вужудимда ҳаёт ва ўлим жанги бораяпти. Тезда касалхонага ётишим керак, бу иш нима билан тугайди, ёлғиз Худога аён! Боя бокка келганимда гулхонага кириб йиғлаб олганимга ҳам сабаб шу эди.

Ҳозир паришонланган эдим:

- Мен у қизни танимасам, билмасам.
- Сизни домлам деганди.
- Бизда ўқийдими?
- Учинчи курс, – деди ориқ-озғин киши.
- Исми нима?
- Байрамжон.

Кимдир биз, домлаларни ҳар қандай талаба (ёки толиба)ни дархол эслайди, деб ўйласа, адашади. Билим даргоҳи бир дарё. Гоҳо ўқиётган билан битиргани ажратолмайсан. Кўпинча исмию афти ангори «алохида» келади, яхлит тасаввур қилиш қийин. Бунинг устига, олимларга хос хаёлпарастлик ва арбобларга хос учраган кишини эслаб қолишга имкон йўқлиги!

Мен эр-хотинга таскин бериш ўрнига, Байрамжонни ҳеч кўз олдига келтира олмаётганимданми, ўз аҳволим оғирлигини унута олмаётганимданми, негадир асабийлаша бошлаган эдим. Ўзимча ўйлаётган эдим: «Бир йигит билан бир киз (тўғрироғи, бир йигит ва икки киз)нинг махфий муносабатига қандай аралашасан?! Улар буни истайдими?! Бунга сенинг ҳаққинг борми?!»

— Мен у кизни бари бир эслолмадим. Суриштириш керак, — дедим эр-хотинга. Кейин, беҳос жаҳлим чиқа бошлади. — Бу қанақа гап?! Ўзини тутолмаса! Ҳар нарсага сапчийверса... Ҳаёт бу!

Эр-хотин ортиқ индамай ўринларидан туриб, эгилиб-энкайишди.

Яна орқага тисарилишди.

Кетишди.

* * *

Мен аччиқ-алам устида юрган Байрамжонгаю унинг ота-онасига қайси йўсинда бўлмасин, меҳрибонлик кўрсатишни истар эдим. Айниқса, бўйнимга вазифа юкланган, бировнинг хиёнати бу оила учун жабрга айланган эди.

Лекин ўша кунлар, эртасими ёки индини касалхонага ётдим.

Соғлиғим оз-моз ўнгангач, университетда дарс беришдан воз кечишимга тўғри келди. Кексалар айтмоқчи, қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказайлик, деб уйда ётиб имкон даражасида илм билан шуғулланишга киришиб кетдим. Олим ва арбоб сифатида мартабам менга етарли эди.

Шу тахлитда орадан беш-олти йил ўтди.

Худо кечирсин, Байрамжон хақидаги гапни буткул унутиб юборган эдим.

Дунёнинг ишлари кизик. Қайсидир байрам арафаси эди, кўчада ясан-тусан қилган кизларга кўзим тушди. Ёнимда бораётган бир дўстим ҳам завқланиб қараб, байрамжон-да, деди. Шу асно шаҳар этагидаги боғ, аҳволим оғир пайтда менга учраган эр-хотин лоп этиб ёдимга тушди. Буниси майли. Дарсхонада барчадан орқада сал қиси-

ниб ўтирадиган , жўн бир саволга жавоб берганда ҳам дув кизарадиган киз беихтиёр кўз олдимга келди-қўйди. Ўша кизнинг тақдири кейин нима бўлди экан, деб ўйлаб хаёлим қочгандан-қочди.

Шу кундан бу савол менга «ёпишиб олиб», ҳаловатим йўқолди. Назаримда, таъсирчан Байрамжон тоқатсизлик қилиб, фожиа рўй берган эди. Вақтида чора-тадбир кўриб унга ёрдам бера олмаганимдан изтироб чекаётган эдим... Аммо ўзимни айбдор сезиш баробарида, окланишга ҳам уринмоқда эдим. Хўп, сен қўлидан бир иш келадиган ҳолда эмасдинг! Қолаверса, дунёдаги барча бедодликларни бар-тараф этиш сенинг вазифангми?! Бунинг устига, парда ортида бўлган муносабат (муҳаббат савдоси) ҳар ким «бурнини сукавермаслиги»ни талаб қилади. Сенга «вазифа юклаш»нинг ўзи бемаънилик эди. Бунга жиддий қараб бўлмайди! Яна, даҳшатли бир ҳақиқат. Кимнингдир на-сибаси ўзига суикасд қилиш бўлса, у бир кун бари бир шунга етиб боради, дейишади. (Мен фаталист эмасман, лекин доим менинг ақлим Буюк Ирода олдида ожиз келади. Рухшунос олимлар таъкидлашича, ҳатто ҳалокатга учрай-диган тайёра-самолётга ҳам одатдагига нисбатан камроқ одам минар ва улар асосан, бунга маҳкум этилган киши-лар бўлиб чиқар экан!) Шу билан бирга, халқда ниятни яхши қил, ҳамма нарса ниятга боғлиқ, деган тушунча бор. (Замонавий тилда айтганда, кўпинча инсон ўз ҳаёти-ни ўзи «режалаштиради».) Инсонга ҳарҳолда қисматни ўзгартириш имкони ҳам берилган. Инсон чироқ ёкишга кодир бўлса, рўпарасидаги қоронғи йўл шубҳасиз, ёришади.

Қисқаси, ўтган воқеани эслаш баҳонасида минг хил хаёлга бордим. Неча йил давомида бот-бот, айб менда эмасми ёки мен айбдорманми, деб безовталанганим са-бабли ўз ҳаётимга қайта-қайта назар ташлашга мажбур бўлдим. Айтиш мумкин, Байрамжоннинг тақдири ҳақидаги савол ўрнини бора-бора, мен ўзим кимман, қандай одам-ман қабилдаги саволлар эгаллай бошлади... «Одам ўзи-ўзини бошқалардан кўра кўпроқ билиши», бунга зид ҳолат-да «сенга тўғри баҳони, атрофдагилар бериши» – булар

бари хавойи гап! Одам ўзи-ўзини билса, минг йиллар бунчалик тубан ва забун яшамас эди! Атрофдагилар тўғри бахони берса, дунё ҳам боридан батамом ўзгариб кетар эди! Мақсадга кўчсак, – «Эй ўзингни ҳолатингни билмаган, Асрорқул!» деган эски ашула – мен олдиндан, ҳар қачон ким, қандай эканлигим бобида фикр юритиб келганман. Аммо энди илк дафъа юзлашгандек, чуқур ўйлашга тушган эдим.

Атрофимдаги кишилар аксари мени «яхши одам», пиликни кўтаргилари келганда «улуғ одам» дейишади. «Ёмон одам», ерга уришни истаганда оппа-очик «худбин», «аҳмок» дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Умуман, мақтов керак бўлса – мақтов, танқид керак бўлса – танқид учун сўз ҳам, уни амалга оширадиган киши ҳам топилади. Менинг ўзим-чи? Баъзан кўзгуга қарагандек намойишда фақат умримдаги хатолар, гуноҳларни кўраман (ана, нодонлик қилиб бировларга озор берганим ёки аниқ мисол, ёш пайтим машинада бир болани уриб кетиб, мажруҳ қилиб кўйганим хаёлимда жонланади). Юрагимни ғашми, кўркувми қамрайди. Баъзан аксинча, фақат умримдаги кўркам томонларни кўраман (ана, маломатли йилларда тухматга қолган қанча одамни ҳимоя қилганим ёки аниқ мисол, икки етим болани фарзандларим сафида тарбиялаб вояга етказганим хаёлимда жонланади). Суюнаман. Худога шукрона келтираман... Одамнинг бутун ҳаёти аслида, соат қапгирига ўхшаб, ёвузлик ва эзгулик орасида тебранишдан иборатми?! Икки елкада икки фаришта ёзиб боргани каби ҳар бир одам ҳаётида бўлган ёвузлик ва эзгуликни ўлчайдиган тош-тарози борми?! Комил инсон дегани шу соат қапгири билан тош-тарозини тасаввур қилиб, энг аввал ҳар ким ўз устидан ўзи ғолиб келиши эмасми?! Ҳаётда учраган тўсиқларни, бало-қазони енгиш эмасми?!

Шундай ҳаёллар оғушида тунлари уйқум ўчиб, азобланиб юрган эдим.

Ўтган кўклам кунлари бир тўп олимлар даврасида сафарга чиқдим.

Яқин-узок турли туманларда катта-кичик қироатхоналарда учрашувлар ўтказдик. Ҳаёт кузатувларим, кўнгилдаги «дард»ларимни ўртоқлашиб, кўпдан буён буюрмаган ҳолат – вужудимда қушдек енгиллик сездим.

Нихоят, уйга қайтиш тараддудига тушдик. Кимдир:

– Яхши бир мактаб бор. Кўрмайсизларми?! – деди.

Мактаб обод, янги ускуналар билан безанган экан. Муҳими, ўқувчилар ташландиқ ерни боққа айлантириб, музей ташкил этишган экан. Биз илож-ноилож рози бўлдик.

Мактабга борсак, коровулдан бўлак ҳеч зот йўқ. Ўзимиз бинони, боғни томоша қилдик.

Шу пайт узун йўлкада ҳаллослаб югуриб келаётган бир жувон кўринди.

– Директор! – дейишди мезбонлар.

Жувон ёш бир қизчадек югурмокда эди. Яқинлаша бошлади.

– Шароф домла!

Не кўз билан кўрайки, қаршимда Байрамжон дув кизариб турарди.

Мен ҳаётимда биронта собиқ шогирдимни учратганимда ўзимни бунчалик бахтиёр сезмаган эдим...

МУСУЛМОН

«Агар одамнинг ўз жонига қасд қилиши гуноҳ бўлма-са, аллақачон ўзимни ўлдирардим».

Бу гапни йиллар бўйи Қурбон хаёлидан кечирган эди. Эҳтимолки, яқин дўстларими – битта-яримтага беихтиёр айтган ҳам эди. У мусулмон эди. Гуноҳ қилишдан қўрқарди. Бунинг устига, бундай кишига жаноза ўқилмайди, деб эшитган. Ит қабилида кетади. Қурбон бундан ҳам қўрқар эди. Осмондаги Худо, ердаги бандалар олдида шарманда бўлишни истамасди.

Унинг жонидан тўйгани-ю, ёмон хаёлга боргани бежиз эмасди. Болалиқдан кўрган жабр-зулм, етишмовчилик, атрофдагиларнинг худбинлиги, беғам-бепарволиги уни аввалданок яшашдан безор қилиб юборган эди... Қурбон ақлини таниб-танитай, масжидда имом бўлган

отаси қамалган, кейин ишчи батальонига жўнатилган, кейин жангга киритилган эди. Ота ниҳоят, урушдан мажрухланиб уйга қайтганида, мактаб ёшига етган Қурбон онасидан айрилган эди. Мактабда болалар гоҳ унинг отаси эғнида гимнастёрка, кўксида орден-медаль, бошига салла ўриб юришидан, гоҳ ўгай онаси ҳадеб мактабга келиб уни назорат қилишидан кулишар эди. У мактаб, институт – барча ўқишларни битириб, тупроқшунос бўлган, бутун қолган умри ҳам «тупроқ ичида» ўтган эди. Оилада ҳам унинг ҳаёти даҳмазадан иборат эди.

«Эркак учун ҳаёт асосан, хотин олишдан бошланади. Ёки бахт, ёки бахтиқаролик...

– Ҳар жиҳатдан мукамал (идеал, деймизми) хотин борми? – деган саволга жавобан, бир донишманд:

– Бор. Лекин у сенинг хотининг эмас... Менинг хотиним ҳам эмас! – деган экан».

Насиба яхши аёл эди. Меҳнаткаш, эрига, болаларига меҳрибон. Уйни чиннидек тутар, кунда бўлмаса-да, кунора кир ювар, эри, болаларини кўчага «қўғирчоқдек» қилиб чиқарар эди. Лекин Қурбон хотиндан омадим бор экан демас, кўнглига муттасил чўккан озордан бир дам қутулолмас эди. Гап шундаки, Насибанинг ота-онаси ҳам шундай бўлганми, ҳарҳолда, удумга зид, уйни у «қўрғон»га айлантирган, меҳмонни ёқтирмасликни одат қилган эди. Биров уни камситиши мумкинлигидан хавотирлангандек, ховлида, кўча-кўйда, бозорда маврид-бемаврид ҳар ким билан бахслашар эди. Яна, таниш-билишлардан биров, эркакми-аёлми таъбига ўтиришса, ўз «таржиман холи»ни керак-нокерак тафсилотлари билан гапиришга тушарди. Буларга чидаш мумкин. Энг ёмони, Насибага «оналик хисси», «бола тарбияси» деган тушунча ёт эди. Улар уч ўғил кўришган, болалар ёввойи ўтдек ўсишган эди. Қурбон «Бола – пошшо» қабилидаги бемаъни гапга, бу «эркинлик»ка қарши турса, орада доим жанжал чиқар эди... У тўнғич ўғлига умид боғлаб Улуғбек деб исм қўйди (ўшанда истибдод шамоли сал тиниб, миллат ўзини «таний» бошлаган давр эди). Аммо бола мактабда бир ўқиб-бир

ўқимай юриб, кейинчалик ароқхўр бўлиб қолди. Уйда ҳар куни: «Улуғбек яна ичиб келибди!» — деган гап. Афтидан, гиёхвандлик ҳам қиларди. Қандай бўлмасин, бир куни кўчадан жасадини кўтариб келишди. Ўртанча ва кенжа ўғил Умар ва Ибрат бошда дуруст юришгандек эди. Пухта билим эгаллашди. Обрули жойларда ишлашди. Бирок... чарх бир айланиб, замон ўзгарди. Мисол учун, мусулмонликни оз-моз бажарган Қурбонни «диндор» деб калтаклаб юрган оғайнилари барчаси энди мулла бўлиб, уни баъзан «динсиз» деб чўқийдиган бўлишди. Мабодо Умар билан Ибрат ҳам ота-боболарга муносиб йўлни тутишса, Қурбон суюнардди, холос. Ҳамма бало шундаки, Умар хочга ёпишиб, черковга борадиган, Ибрат буддачилар ибодатхонасига қатнаб, бутга сиғинадиган йўл танлашди. Ота-боболари қолиб, аллакимларга эргашишди. Қурбоннинг бирон динга эътирози ёки душманлиги йўқ эди. Фақат «мусулмон фарзанди» деб аталмиш кишининг бу пайтдаги аҳволи маълум. Қурбон бугун бўлмаса эртага, атрофдагилардан кимдир бетига тупуришини хис этаётган эди... Қисқаси, у севиб уйланган хотинидан, меҳр қўйган болаларидан, уни вақтида камситишгани етмаганидек, ишдан кетгач, буткул эсдан чиқарган ҳамкасбларидан — ҳаммадан, Худо кечирсин, ҳатто Худодан ҳам хафа эди. Ўз норозилигини қайсидир йўсинда билдиргиси келар эди.

Мана, энди кўрмайсизми, ўладиган дунё экан! — ўзини ўлдирмаган ҳолда ҳам, куч-дармони тугаб, ўладиган бўлиб қолди.

«Биринчи. Ёшлигим қийин аҳволда ўтганига қарамай, кейин одамдек яшашим керак эди. Менинг умримни эговлаган ҳам, мени гўрга тикаётган ҳам — хотиним, у туққан оқибатсиз болаларим. Оқила хотин, солиҳ фарзандлар истаган эдим, бўлмади. Менга тегишли шахсий мулк-мерос уйдагилар қўлидан олиниб, институт музейига топширилсин.

Иккинчи. Эллик йил ҳалол тер тўкиб, иш жойимда менга «чойнакнинг қопқоғи»ни ҳам раво кўришмади. Биламан, бир куни номим юзага чиқиб, қилган хиз-

матим учун «чойнакнинг қопқоғи» эмас, ўзларини оқлаб «бутун чойнак»ни топширишга уринишади. Мен бунга қаршиман. Марҳумга икки оғиз дуои фотиҳа кифоя. Менга тегишли эътибордан бировлар фойдаланишига йўл қўйилмаслигини сўрайман».

Қурбон сўнг нафасда аламдан кўнглида бор шикоятни тахминан шундай мазмунда хат қилишга шахдланди.

Аввалида расмий тартибда «Васиятнома» тузишни ўйлади. Лекин бундай ҳужжатни бировнинг қўлида кўрган эди. «Васият» сўзининг ўзида «ўлим» сўзи соя ташлаб тургани майли, «ўзимнинг вафотим олдидан», «васият қолдирувчи», «мулоқотга лаёқатли» каби жумлалар қалашиб ётгани гашига текканини эслади. Бу ниятдан воз кечди.

Ўйлай-ўйлай, оддий қоғозга «дарди»ни белгилаб, ёстиғи остига ташлаб қўйди.

Очигини айтганда, Қурбон ҳамкасбларидан қанчалик ўпқаланмасин, унинг Юнус ва Ҳамид исми икки садокатли-меҳрибон шогирди бор. Булар «янга»нинг қош-қовоғига ҳам, биров уйга келганда «оқсоқол»нинг қисиниб-кийналишига ҳам парво қилишмайди. Ҳафта-ўн кунда бир остонада кўриниб туришади. Шу йигитларга у: «Келажакда одамлар мен тўғримда ҳақиқатни билсин!» – деб қўлларига «қасоскор» ёзувни тутказишга қарор қилди.

Ана Юнус билан Ҳамид кириб келишиди.

Бу сўнгги мулоқот эканлиги аниқ эди.

Қурбон салом-алиқдан кейин, қўлини ёстиқ остига тикди... тикдию... шунчаки ёстикни тузатган бўлиб, қайтиб қўлини тортди. Шу асно миясига чакмоқдек фикр урилган эди:

«Биродар! Қирқ йил бир ёстиққа бош қўйган хотинингни одамлар олдидан шарманда қилиши, таъна-маломатга қолдириши инсофданми?! Бировлар бармоғини бигиз қилиши, уни камситиши, топташидан нима топасан? Болаларингга ҳам Худо ўзи тавфиқ берсин! Бировлар улардан юз буриши, қолаверса, падарингга лаънат, дейишидан сенга нима фойда?!

Ҳамкасбларингни айблаш шартми?! Аввало, дунёда ҳар кимнинг бошида ўз ташвиши. Бундан ташқа-

ри, ишлаган одам биргина сенми?! Тирикликда тузатолмаган қўтир дунёни ўтгандан кейин тузатмоқчимисан?! Шогирдларинг кўзига қара! Шукр қил! Вақти келиб, агар «чойнак»ми, «қопқоғи»ми топширилса, оилангга ўшанда ҳам озгина нафинг тегади. Сендан миннатдор бўлишади! Тушун!»

– Раҳматли отам қирғин уруш йилларини баъзан эслардилар, – деди йигитларга. – Қанча ёшлар дарахтдек кесилиб, ерда сочилиб ётгани... Кўкракдан узиб-узмаган норасидалар оёк остида қолгани... Ёшим етмишдан ошди. Яхшими-ёмонми, шу-да!

Унинг кўзлари ёшга тўлган эди.

АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

«Бухорода икки имом бўлган экан.

Дейлик, Мулла Бадриддин билан Мулла Садриддин.

Улар бири бирига отишга ўқи, сўйишга пичоғи йўқ – шунақанги душман экан. Бунга сабаб, Мулла Бадриддин енгилтак, нодон, Мулла Садриддин аксинча, босиқ, доно экан.

Тасодифан қайсидир хилват жойда Мулла Бадриддин зино қилишда айбланиб, уни ҳам, ёнидаги аёлни ҳам зиндонга келтириб ташлашибди. Эртаси куни қозикалон ҳукм чиқариши, буларга тошбўронми, сазойи шаклидами – ўлим жазоси берилиши муқаррар ҳолатга айланибди.

Ўша куни бу хабар бутун Бухорога тарқалибди. Мулла Садриддиннинг ҳам қулоғига етиб келибди. У дарҳол йиллар давомида ўзи йиққан уч-тўрт тангани халтачага солибди. Мулла Бадриддиннинг уйига келиб, хотинига:

– Тез паранжи ёпинингу бу ёкка юринг, – дебди.

Зиндон эшигида тўхтаб, зиндонбонга:

– Мана шу заифа имомнинг хотини. Беҳаёлар юзига бир марта тупуриб чикмаса, тутаб ётибди, – деб халтачани узатибди.

Қисқаси, паранжи ичидаги хотин ичкари кириб, бегона аёл паранжида зиндонни тарк этибди. Кейинги кун ишни текширган қозикалон:

– Мулланинг ёнида ўз никоҳидаги хотини экан! Бу

холда жазо беролмаймиз! — деган ҳукм билан «қўлга тушган»ларни қўйиб юборибди.

Мулла Бадриддин бош эгиб, Мулла Садриддиннинг хузурига келибди.

— Сен мени ўлимдан, муҳими маломатдан қутқардинг. Биз душман эдик. Нега бундай қилдинг, тушунмаяпман, — деб сўрабди.

Мулла Садриддин унга ўйчан тикилибди:

— Сенга ўлим кам. Мен сени маломатдан қутқарганим йўқ! Сенинг касрингга халқ бизнинг барчамиздан юз ўғирарди. Мен имом деган номни маломатдан қутқардим!»

* * *

«Эски шаҳар боғи»даги чойхонада бир синфда ўқиган, ҳар хил касбдаги уч-тўрт оғайни гоҳ-гоҳ тўпланиб, ошхўрлик қилишар эди. Учраган битта-яримтани бошлаб келишганидан, айрим пайтлар давра кенгайиб ҳам кетар эди. Кулишиб, хордик чиқариб уй-уйига жўнашарди.

Одатдаги шундай даврага олдин «тиш дўхтири» бўлган, энди соғлиқни сақлаш бўйича идорада ишлаётган гавдали-йўғон киши қўшилиб қолди. Синфдошлардан адабиёт муаллими Шавкатга аввалдан унинг исми Калон эканлигими, ўзини тутишида ҳам сал калондимоғлик борлигими — «нимадир» ёқмади. Бундай ҳолатда бир кун бўлма-са-бир кун орада бехос чархга пичоқ теккандек, ўт чиқади. Душманлик пайдо бўлади.

Ўша гал синфдошлар тўпланадиган даврада ёт киши айниқса кўпайган эди. Лекин бунга ҳеч ким эътибор бермай, ширин суҳбатлашиб ўтиришарди. Шавкат Бухорода ўтган туркийгўй (озрок форсий мероси ҳам бор) бир шоирни эслаб, унинг:

Оташингдан куймади

устим менинг ёки барим,

Телба уммон устида

учмоқдадир хокистарим, —

деб бошланган ғазалини ўқиб берди. Кўпчилик завқлангандек бўлди. Шу палла ғишт қолипдан қўчди. Ҳалиги Калон кулиб:

– У бизнинг кўчамизда яшаган. Эшитганман! Бу одам ханги эди... – деди.

Яйраб ўтирган даврада валати ҳолат рўй берди.

Ким ўзини қандай тутишини билмаётган эди.

Агар Шавкат адабиёт муаллими бўлмаса, аҳмоқ гапни балки қулоғи остидан ўтказиб юборарди. Мабодо Калон шоирни «оз-моз шўхлик қилган», хатто «аёлларни ёқтириб, эгри юрган» деса, бунга ҳам Шавкат тишини тишига босиб чидарди. «Ханги» деган оғир сўздан биров юзига тарсаки тортгандек қизариб, миясига қон қуйилди.

Албатта, ўтган-ўтмаган барча шоир (ёзувчи)ни бир қаричда ўлчаш қийин. Авлиё-анбиёлардан ташқари, бандага хос ожизликлар уларда ҳам бор. Яна айтаверса, бу тоифа ичида қадимдан шоир (ёзувчи) деган номни (доно имом сингари) юксак тутганлар қанча учраса, номуносиб юрган (нодон имом сингари) кишилар шунча топилади... Адабиёт муаллими-чи?! Унга бағишланган ва айни шу ном берилган ўнлаб китоблардаги хикояларда у ҳам гоҳ кўркем, гоҳ хунук тасвирланган. Ана, улуғ бир адиб «қахрамон»и «сигирни хайвон» дейди. Ёш қариндоши тушунмаган алламбалоларни валдирайди. (Тўғри, бечора ёзувчи «тўра»ларни танкид қилолмай, адабиёт муаллими, деб атаб қўя қолган). Аслида, адабиёт муаллими бунақа эмас. Бошқа фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар аксар ундан хаёлпарастлиги, соддадиллиги учун кулиб юришади. Баъзан ўзини мағрур, баъзан ўзини хоксор тутганидан, уни камситиб, унга беписанд карашга уринишади. Адабиёт муаллимлари орасида атрофдагилардан фарқ қилмайдиган, умрида китоб ўқимаган кишилар ҳам кўринади. Аммо ақллироқ, руҳи тозароқ бўлганидан, мактабларда улар асосан, бошқалардан «бир калла» юқори туради... Қисқаси, биринчи навбатда, муҳим вазифани бўйнига олган иймонли шоир (ёзувчи)ларнинг ўзи (доно имом сингари) қайси даргоҳга кирганини билмайдиган суллоҳ «қалам аҳли»дан Адабиёт деган муқаддас Сўз, Адиб деган номни ҳимоя қилишга, маломатдан қутқаришга мажбур. Адабиёт муаллими эса бу ишда уларнинг ёнида ту-

ришга масъул. Йўкса, дарсхонага кириб, кўзи очилмаган ўқувчига нимани ҳам ўргатади?!

Шавкат — ориқ-озғин, кўримсизгина йигит, ажабки, кучли эхтиросга, бургутдек шиддатга эга эди. У:

— Эй сен, оғзингга қара! — деди Калонга сенсираб. — У одам олдида сен соядек бир нарса...

Калон ҳам қизишиб ҳақорат қилган эди, Шавкат олдидаги пиёлани чойи билан унинг башарасига отди.

— Оғайнилар, — деди дўстларига. — Ёки ҳар ким бу даврага кирмасин ёки бунақа даврани йиғиштириб кўя қолайлик!

Шундай деб, лаганда ош келаётганига ҳам қарамай, ўрнидан сапчиб, даврадан этак силкиб чикиб кетди.

У аждодлардан бир шоирни маломатдан қутқарган эди.

ЁЗИЛМАГАН ҲАЁТ

Ёш ёзувчи Исмоилга поччаси Сайфулла ака:

— Фарғонага бир бормоқчиман. Довондан ҳеч ўтиб кўрмаганман, — деди. — Кўйликдан тўрт-беш соатлик йўл экан.

— Машина тутиб нима қиласиз? Ўзим оббораман, — деди Исмоил.

Сайфулла ака Кўйликдан ичкарироқда, қишлоқда яшар эди. Ёшлиқда табелчи, сувчи бўлган, кейин анча йил почтада ишлаган. Олдин эшакда, кейин «шайтонарава»да хат, газета-журнал ташиб умри ўтган эди. У букирми-қий-шиқми, Квазимодага ўхшаган бесўнақай киши. Лекин ўша Квазимодага ўхшаб муҳаббатли қалби бор эди. Исмоил уч йилча бурун баҳорда опаси Рохиланинг қабри бошида почча билан ёнма-ён турганида, унинг кўзлари нурланиб кетган, алланечук ширин хўрсиниб:

— Яна бир оз яшамади-да! — деган, ўша сонияда бизнинг ёш ёзувчимиз булар фақат эр-хотин эмас, орада катта бир муҳаббат ҳам бўлганини ҳис этган эди.

Роҳила дунёдан ўтгач, Сайфулла ака қайтиб уйланмади. Муҳаббатдан ташқари, афтидан хотинига тегишли жигарлардан узоқлашгиси келмади. Шу боисдандир, у ҳам бу томондагилар учун «ҳар қачонги почча» бўлиб қолаверган эди.

Фарғона сафари хақидаги гапдан бир хафта ўтгач, улар йўлга чиқишди.

Аввалида, машина Қамчиқ дово­нига яқинлашгунича индамай кетишди. Сайфулла ака ўзи камгап эди. Исмоил эса йўлга тикилиб, хаёл суриб борарди. Довон бошлан­гач, у бе­хос жўшди:

– Олдинлар бу йўл тор, хатарли эди. Кишда бутун­лай ёпиб қўйишарди. Бир гал туманда, яна машина бузи­либ қолиб, роса овора бўлганман. Энди машиналарни каранг! Гўё ша­хар ичида юрибди! – Исмоил бир оз илдам босилгач, сўзини давом эттирди. – Атрофнинг гўзаллиги! Одамлар Шве­цария дейди. Ана, сизга Шве­цария!

– Ҳа, чиройли, – деди Сайфулла ака тоғларга қара­гач. Кейин хижолат чекиб, қўшиб қўйди: – Сиз доим банд киши. Сизни ёзишдан қолдирдим.

– Эй ишим яхши. Ёзишдан олдин ўйлаш ҳам керак, – деди Исмоил. – Ҳозир ғалати бир нарсалар устида ишла­япман.

Унинг шапалоқдек иккита китобчаси чиққан, уларни поччага берган эди. У поччаси ақлли эканлигини билар­ди. Зероки, афт-ангорини кўриб хунукми-тасқарами деса бўлаверадиган бу одамни кишлоқда ҳур­мат қилишарди. Лекин почча хаёт шароити мажбур қилиб, етти синфдан нарига ўтмаган. Савод даражаси қандай? – Исмоил бил­мас эди. Берган китоблари хақида, у ўқимаган, майли, опамнинг эри бўлгани учун бердим, ўзи вақтида тарқат­ган газета-журналлардан биронтасини ҳам ўқимаган бўлса керак, деб ўйлар эди. Шундай фикри борлигидан, шу кунлар «қоғозга тушаётган» бир воқеани Исмоил, болага эртак айтаётгандек «соддароқ» қилиб Сайфулла акага айтиб беришга тутинди. Бари бир айтмас ҳам эди-ку, йўлда суҳбат иштиёқи унинг тили тугунини ечган эди.

– Бу ривоятми, шунақа... Қадимда бир бой бор экан. Хотини ўлган... Кечирасиз! – фарзанди йўқ экан. Ўли­шидан олдин бир жума куни масжидга чиқиб, мусулмон­лар, дунёдан ўтганимда ким мен билан бир кеча қабрга кириб ётса, йиққан тилламини битта қолдирмай, ўшанга

беринглар, деб эълон қилибди. Бой кўз юмгач, жуда камбағал бир йигит ўртага қўйилган шартни бўйнига олиб, тобутнинг олдига тушибди. Бошини эгиб кетаётса, ерда ётган қандайдир арқонни кўрибди. Шунчаки илиб, белига боғлабди. Қисқаси, жамоа бойни гўрга жойлаб, халиги йигитни ҳам туйнукдан киритиб юборибди. Тош босиб, тупроқ тортишибди. Кўп ўтмай, йигит қараса, рўпарада Мункар-Накир туришибди. «Булар иккита экан» – дебди Мункар. «Ёшидан бошлайлик», – дебди Накир. «Йўлда ётган арқонни биров тушириб қолдирган эди. Сеники эмасди. Нега олдинг?!» – деб сўрабди Мункар. Йигит чайналган экан, Накир бошига гурзи билан туширибди. Эрталабгача шу арқон устида сўз борибди. Йигит неча марта яксон бўлиб, неча марта ўз холига қайтибди. Эрталаб қабрни очишса, йигит чиқа солиб, дуч келган томонга қараб югурибди. Уни тутиб, нега бундай қиялсан, деб сўрашса, бир қулоч арқон учун кўрганимни кўрдим, қочмасдан тиллани олсам, ўлганимда бунга қандай жавоб бераман, дебди...

– Яхши ҳикмат экан! Баракалла! – деди почча. – Лекин нотўғри.

– Нимаси нотўғри?! – деб хафа бўлди Исмоил.

– Кўп жойи...

– Буни халқ тўқиган.

– Халқ катта. Тўпланиб юрган одам. Ҳар кимнинг гапи ҳар хил. Мулланинг гапи бор. Бойнинг гапи бор. Камбағалнинг... Ана, камбағаллик айб эмас, дейди. Буни бойлар тўқиган. Камбағал чидасин, норози бўлмасин, деб... Халқ доно! Лекин гап доим ҳам ҳаётга мос чиқавермайди...

– Айтаверинг, почча, – деди ажабланиб-саросималанган Исмоил энди хафалиги тарқаб. – Мен учун муҳими, ривоят.

– Ҳа, албатта, – деб ўйга чўмди Сайфулла ака. – Ривоятда мол-мулкка ҳирс қўйма, омонатга тегма, мазмунида ҳикмат келган. Лекин гапнинг тагида бой бўлгандан камбағал бўлган маъқул, қабилида маъно ҳам ётибди.

Буниси тўғри эмас. Дунёда ҳамма тўк-тўкин яшашни истайди... Бой учраган кишига бойлигини қолдирмайди. Гўрига кириб-чиқса ҳам! Биз эшитганмиз, бойлар кўпинча ўлаётиб ҳам мол-мулкни бир жойларга беркитган. Кўмган. Бойликка бепарво, сахий, валломат киши кам! Йигит қабрга кириб ётгани ёлрон. Минг дийдаси қаттиқ бўлмасин, юраги ёрилади. Ўлган деб адашиб тирик кўмилганлар ҳам тезда чиқишга уринган, чиқолмаганига юраги дош бермаган. Кечаси қабристондан ўтганида кўркканидан ўлган қанча! Йўлда ётган арқонни олган йигитнинг тиллага қарамаслиги бўлмаган гап. Бойлик қўлга киришини била туриб, бундан кечган одам девона ёки авлиёсифат бўлиши керак. Одамнинг фожиасими, бахtimi, азобдан қутулибоз азобни унутиши! Азоб билан бола тукқан она уч кунда буни унутади... Мункар-Накир аҳмоқ эмас, тирикни ажратолмайди. Улар жон ҳам ато қилолмайди. Бу – ўлиш билан тирилиш, ёлғиз Худога тегишли!

Исмоил поччасининг фикрлари баҳсли, ривоят шубҳасиз, олимлар айтган «шартли ҳолат» тарзида «яшашга ҳақли» эканлигини ўйлади. Аммо бир томондан, буни энди бор-борича ёзолмаслигига қаноат ҳосил қилган, иккинчи томондан, Сайфулла аканинг «саводи даражаси»ни ҳис эта бошлаган эди.

– Эшитинг. Бошқаси. Ҳозирги ҳаёт, – деди Исмоил. – Мана, шу Қамчиқ билан боғлиқ, – унинг овози, кайфиятидан ёзаётган «замонавий» воқеа поччага ривоятдан кўра кўпроқ ёкишига умидланаётгани сезилиб турарди. Аксар ёш ёзувчилар каби у «асар»ига биров фикр билдиришини истар ва эътирозли фикр чиқса, дарҳол «оқланишга» тушар эди. – Корчалон бир бошлиқ қўли остида ишлаган Суюн ва Даврон деган икки йигитни хонасига чақиради. Довондан ўтиб, Данғарагача борасизлар, дейди. У ердаги бир кишининг исми, тураржойи мана, бу қоғозда белгиланган, бу ҳалтада иккита бўлка нон, дейди. Шунини ўша одамга берасизлар, кейин Тошкентга қайтиб келаверасизлар, дейди. Йигитлар бошлиқ то ҳозир нимаки иш буюрса, бажаришган. Баъзан фақат тўнғил-

лаб кўйишади, бу — ўзларини яқин тутишганидан, улар иккиси ҳам итоатли. Бу гал ҳам, дархол машинага минишади. Данғарага етиб бориб, қоғозда белгиланган Шоҳид деган кишининг уйини топишади. Халтадаги иккита бўлка нонни унга беришади. Шоҳид уларни зиёфат-зарофат қилиб, қайтиб Тошкентга жўнатади. Лекин, йигитлар бошлиқ буюрган ишнинг маъносига бу гал ҳеч тушунишмайди. Бориб-келгунча йўл давомида шу ҳақда ўйлашади. Суюн Давронга, Даврон Суюнга оғиз очмайди, бири бирининг бошлиқка чақиб кўйишидан қўркади. Иккиси ҳам ўз уйига кела солиб, хотинига юрагини очади. Суюн, хотин, шунақа-шунақа бўлди, дейди. Мен тушунмадим, дейди. Бошлиқ Хусниддинов бекорга бир ишни қилмайди, бу ерда аллақандай сир бор. Хўп, нега шунча йўл босдик? Нон йўқми у ерда? Дўкону бозорда тахланиб ётибди. Шоҳид иккита бўлка нонга муҳтожми? Данғиллама уй-жойда турибди, дастурхони шоҳона. Адашмасам, биз жинорий бир ишга араллашиб қолдик, хотин, дейди. Даврон ҳам, хотинжон, шунақа гаплар, дейди. У Суюндан ҳам кўра кўпроқ мулоҳазага берилади. Худо урсин, ноннинг ичида бир нарса бор эди, дейди. Махфий хатми? Қимматбаҳо буюмми? Қорадорими? Тўппончами? Курук нонни машина бериб, бизни овора қилиб, Хусниддинов шунча йўлга юбормайди-ку! Мен тушунмадим, хотинжон, дейди... Икки кундан кейин, Шоҳид идорага келиб, Хусниддинов билан анча суҳбатлашиб кетади. Олти ойдан кейин, Хусниддинов бошқа обрўли ишга ўтади. Унинг ўрнига Шоҳид бошлиқ бўлиб келади. Янги бошлиқ тез орада Суюнни бу идорага алоқасиз бир, Давронни иккинчи ишга ўтказиб юборади. Шу билан сирли ишнинг, гапнинг думи тугилади...

— Яхши. Қизиқарли экан! Ибратли! — деди почча. — Лекин нотўғри.

— Нега?

— Булар иккисининг ҳам таъби нозик, — деганича узоқларга тикилди Сайфулла ака.

— Суюн билан Давронми?

– Йўк. Хусниддинов билан Шохид! Ҳар қандай идора бошлиғи ёки бадавлат кишини корчалон, муттаҳам деб ўйлаш тўғри эмас. Улар ишнинг кўзини билиб, кўпчилик учун аҳамиятли-фойдали ишлар қилиши мумкин. Асос-сиз шубҳаланиб, бировни жиноятчига чиқариш хунук таассурот қолдиради.

– Буни айтган киши ёлғон гапирмайди, – деди ялин-гудек ҳолда Исмоил.

– У тушунмаган. Йигитларга ўхшаб! Нон оддий нон, ичида ҳеч нарса бўлмаган. Эси бор бошлиқ махфий хат-ни ёқтирмайди. Керакли бир гапни ёзса, йигитлар орка-ли ҳам юбораверади, улар хатни очиб ўқимаслиги аниқ. Қимматбаҳо буюм доим қўлдан-қўлга берилади. Тартиб шу. Қорадори, тўппонча, ҳозир бунақа хунарлар кетмай-ди. Постда турган назоратчилар дарров ушлайди. Қонун-ни бузишга йўл қўймайди.

– Бўлмаса, сир қаерда? – деб сўради Исмоил.

– Олдинлари ҳам бундай воқеалар рўй берган. Эски бир бой янги бир бойга ёки катта бир бек кичикрок бек-ка иккита зоғорами, қотган патирними юборган. Бунинг маъноси: «Сен бизнинг нонимизни еб одам бўлганингни унутмаяпсанми? Кўзингни оч!» деган гап...

Исмоил яна поччасининг фикрлари баҳсли, воқеани қайси шаклда «қабул қилиш» ўқувчининг ихтиёрида эканли-гини ўйлади. Мухими, болалигидан ўзи кўриб-кузатиб юр-ган Сайфулла акани «танимаган-билмаган»лигини хис этди. Кўнглида бу оддий, камтар инсонга нисбатан меҳри ошди.

Йўлда неча бора, сизга берган китобларим-чи, улар-ни ўқиганмисиз, уларда ҳам «кўп жойи нотўғри»ми, деб сўрагиси келди. Аммо сўрамади. Қўрқди...

ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ

Баъзи кишилар қайси асрда, қандай шарт-шароитда яшаётганини тушунмайди.

Кўзини очиб атрофга қараш йўк, кечаги урф-одатлар-ни соғиниб, гапираверади. Гапираверади. Баъзан ўзбек одоби, қизлар ҳаёси, ҳатто ўзбекнинг феъл-атвори (ха-

рактари) тўғрисида учраган даврада нутқ ирод қилади. Шим кийган, оз-моз ўзига пардоз берган қизни ёмонлаб, барчани юз буришга чақиради.

«Атлас кўйлак оббермасанг, ёрим демасман» кабилида ашула бўларди. Албатта, қизлару жувонлар (борингки, кампирларгача) атлас кийгани яхши. Лекин узун кўйлак кийдиргандан кейин, паранжи ёпинишни, тўрт девор ичида ўтиришни талаб қиладиган бўлса, ҳаёт издан чиқади.

Ота-боболарни унутиб кимга эргашишни билмай юришдан Худо сақласин! Шу билан бирга, қанчалик «орқага қайтиш» мумкинлигини ўйлаш керак.

Ҳозир аср бошқа. Шарт-шароит бошқа.

* * *

Ана, мисол учун, Очил ака деган бир киши.

Унинг бобоси ички-ташқи ҳовлида турган.

Отаси даврига келиб, ҳовли иккига бўлинди. Ички ҳовлини ажратиб, дарвоза ўрнатилди.

Кейин, ақлини таний бошлаганида, ҳовли бузилди. Катта оиладан «қолган-қутган»и тўққиз қаватли уйнинг (талашиб-тортишиб) биринчи қаватидан жой олди.

Бора-бора шу жой Очил акага тегди.

У олди-орқасида озгина ери бор бу жойни болаликдан ўзи ўрганган ҳовли ўрнида кўра бошлади.

Аввалида бепарво эди, аста-секин пайқади. Унга тегишли ер (томорка деймизми) юқори қаватлардан қараган кишига кафтдагидек кўриниб туради. Кемани эслатган ҳайбатли уй этагида ҳовлидагидек эркин юриб бўлмас экан.

Ҳўп. Энди кўчадан ичкарига кирайлик.

Уч хона кичик бир оила учун етарли. У, хотини Замира, икки фарзанд – ўғилчалари Ботир, қизчалари Руқия – вақтида истаган хонада эркин-бемалол, думалаб-думалаб яшаб юришган эди. Аммо болалар улғая боргач, муаммо чиқа бошлади.

Эр-хотин бир хонага жойланиб, қолган икки хонани Ботир билан Руқияга беришди. Болалар эркин ўсишгани яхши, лекин уй олдидаги майдон ҳовли бўлолмас экан,

болалар «кўча таъсири»га тушмасин, деб эр-хотиннинг жони ҳалқумига тикила бошлади.

Ой ўтиб, йил ўтиб, балоғат ёшига етган Ботир уйланди.
Бу ёғини тасаввур қилинг.

Келин-куёв кечалари на бири бирига очик муҳаббат изхор эта олади, на хонадан чиққанича, одамга ўхшаб бундай ювина олади. Шундоқ ён томондаги бир хонада «чол-кампир» ухлаёлмай хансираб, иккинчи хонада бўй етган Руқия «уф» тортиб ётибди.

Табиий ҳолки, иккита институтни битириб, дунёнинг баланди пастини кўрган, ҳамма нарсага ақли етган Очил ака қисинади. Кўплашиб яшаган гўшада бир-бирининг олдида «парда» кўтарилмаслиги керак.

Айрим пайтлар Замира, Ботир, Руқия кўчага чиқиб кетиб, Очил ака уйда келин (Ҳакима) билан ёлғиз қоларди. Бундай пайтларда у ўзини не йўсинда тутиб, не йўсин гаплашишни билмай қийналарди. Тўғри, келин ҳам — ўз кизи, аммо мусулмончилик (ўзбекчилик, бутун Шарк)да ўн саккиз ёшдан ўтган ўз қизинг ҳам сенга номаҳрам саналади. Фақатгина хотининг — сенга маҳрам. Фарбда бунга ажабланишар, бироқ бизда олий бир тартиб шундай бўлиб келган.

Булар майли. Гоҳ-гоҳ қишлоқдан қариндошлар — меҳмонлар «бостириб» келиб қолишади. Ўзбек меҳмондўст — «меҳмон отангдан улуғ». Яна «меҳмоннинг олдида пишагинг (мушугинг)га пишт», демаслик керак. Сал қовоғинг солинса, меҳмон бурилиб чиқиб кетади, одамлардан (жамоадан) «узилиб» қоласан. Меҳмонларга Руқия эгаллаган хонани «топшириб», Руқияни ошхона ёки айвонда «яшаб туришга» кўндиришга тўғри келади. Аксар Очил ака бошлиқ эркаклар (уйдагилар ва бир қисм меҳмонлар)ни бир хонага киритиб, икки хонани аёлларга «бериб қўйишдан» бўлак илож кўринмайди. Меҳмонлар турган уч-тўрт кун нотинчликда ўтади.

Ҳаёт тегирмон тоши. Айланаверар экан.

Бир маҳал Ботир оиласи билан бошқа жойга кўчди.
Кейин, Руқия ҳам эрга тегиб, уйни тарк этди.

Уйда чол-кампир ёлғиз қолишди.

Ўзбекка ёлғизлик ўлимдан баттар бўлиб туюлади. Кўпчилик ичида минг йил қисинишга тайёр, ёлғизликка бир дам тоқат қилолмайди! Кунда бўлмаса ҳамки, кунора болалар, неваралар хабар олиб туришади. Аммо бу – кам, гоҳ Замира Руқиянинг уйига бориб ётиб олади, гоҳ Очил ака Ботирнинг уйида уймалашади. Ёшлар сахардан хуфтонгача иш билан банд. Болалар-чи? Болалар ҳам... бири дарсдан кейин мусиқа ўрганади, бири спортга қизиқади. Қисқаси, ғат-ғат, югур-югур.

Чол-кампир энди муттасил болалари, неваралари меҳрига тўймагандек ҳолатни ҳис этишади.

Ховлида яшайдиган ўзбек ҳам кўп. Шунга қарамай, ҳаммани ховлига жойлаб бўлмайди.

Айтмоқчиманки, қизлар шим кийгани-ю, оз-моз ўзига пардоз бергани оддий ҳодиса...

ҚУШПАРАСТ

Бухорога деярли ҳар гал борганимда укам Садриддиндан: – Ҳозир қандай қизиқарли кишилар бор? – деб сўрайман.

Менинг саволим бир оз китобий бўлиши мумкин. Бироқ маъно аниқ – ғаройиб инсонлар тўғрисида шу ерда яшаган укамдан маълумот олгим келади. Кейин, имкон топиб ўша инсонлар билан кўришиш, суҳбатлашишга ҳаракат қиламан.

Бу ерда албатта, ҳамма жойдаги каби мулкпараст, шуҳратпараст, уйпараст ва овқатпараст кишилар истаганча топилади. Улар мен учун қизиқарли эмас. Тасодиф дуч келганда ҳам, юракдан гаплашолмай, зерика бошлайсан. Шунинг баробарида, муҳими, бу ерда юзлаб шундай буюк зотлар ўтганки, номини эслагандаёқ тиззанг қалтирайди. Дарвоқе, ном... тарихда қолишни ҳатто ўйламаган, бирон китобга номи кирмаган буюклар айниқса кўп. Бухорода ҳозир ҳам бундайлар юрган йўлингизда учраб туради.

Гапнинг индаллоси, бир гал укам Садриддин менинг саволимга жавобан:

– Кушпараст бир чол бор. Кизик! Уйи тўла куш, – деди.

Менга «параст» деган кўшимча «сифиниш» мазмунида келиши ёқмас эди. Ўтга сифинган, бутга сифинганларни оташпараст, бутпараст деб аташган. Ўйлаб қарасам, унинг маъноси кенгроқ экан. У баъзан телбаларча ёки фидойиларча меҳр кўйиш, яхши кўриш мазмунида ҳам келар экан. Мен укам деб ўзимга яқин тутган мулла Садриддин табиийки, буни мендан чандон пухта билади.

Чол билан учрашишга чоғландим. Лекин укам Садриддин:

– Майли, бир келганингизда уйига олиб бораман, – деди.

Сўнг чол тўғрисида яна баъзи бир гапларни айтди. Оддий беданабозлар, каптарбозлар бошқа, у бошқа. Уни сайроқи кушларни тинглашга ўч кишиларга ҳам ўхшатолмайсиз. Чол ҳар хил кушларни тўплаган. Асосан, каноти синган, майиб-мажрух кушлару якка, ночор қолган полапонлар. Уйда тўпланган паррандани тутқун бўлишга мажбур ҳам қилмайди. Даволайди, боқади, холос. Чолга ўрганган куш бир учиб кетганда ҳам ўзи қайтиб келаверади.

Ўша кун бу фаройиб инсон ҳаёлимга ўрнашди.

Чолни гоҳ-гоҳ эслаб, тасаввур қилдим. У Бухоронинг тор бир кўчасида содда ҳаёт кечирган. Лекин Худо берган катта ақл, эҳтиросга эга. Бизнинг ҳасратли, жафокаш Еримизга нисбатан Осмон тиник, юксак эканлиги унга аён. Кушларга ҳавас билан қараб, енгил-беозор парвозни комиллик деб тушунади.

Икки-уч йил орасида яна неча марта Бухорога бордим. Аммо чолга учраш бобида ҳеч гапимиз пишмади. Гоҳ мен имкон тополмадим, гоҳ укам Садриддин қандайдир ташвишлар гирдобида эди.

Кейинги борган пайтим учрашишга шахдланган эдим. Садриддин эса бошини эгди. Чол дунёдан ўтган экан.

Мен ақалли унинг уйини, кушларини кўриш мумкиндир, дедим. Зиёрат қилмоқчи эдим! Укам Садриддин:

– Энди кийин. У ерда кимлар турибди, номаълум. Энди у ерда кушлар ҳам бўлмаса керак, – деди.

Йиллар аёвсиз ўтяпти.

Олдинлар қушларга кўзим тушганида, уларни эгасиз деб ўйлар эдим. Ҳозир қачондир, қаердадир паррандани, шу сафда майиб-мажруҳ қушлар, химоясиз полапонларни кўрганимда, улар менга бухоролик чолнинг қушлари бўлиб туюлади.

ОШНИНГ ОБРЎСИ

Биз борган жой Сирдарё бўйидаги ташландиқ бир «Дам олиш зонаси» эди. «Ташландиқ» деганим, «хароб» деган маънода эмас. Бу ерда катор кўркем уйлар бор, фақат «зона» ишламай қўйганми, улар негандир бўм-бўш эди. Бинолардан четда чойхона. Ўчоқларда катта-кичик қозонлар чанг босиб ётар, ана-мана улгурмаган эгаси келиб уларни олиб кетадиганга ўхшар эди.

Бу жойни Зокир деган оғайнимиз «разведка» қилиб топган, бизни дам олгани меҳмонга чақирган эди. Биз тўрт оғайни — улфати чор эндигина кичик бир қозонга гўшт ташлаб, шўрва пишгунича дарёда чўмилмоқчи бўлиб турган эдик.

Шу пайт кутилмаганда ён томон йўлда кўринган машина биз ёққа бурилди. Чанг-тўзон кўтариб, кўп ўтмай нақ бурнимиз остида тўхтади. Бошлиғимиз Қаюм аканинг ёрдамчиси Рамазон машинадан тушиб, дабдурустдан:

— Оғайнилар, юкни туширишга ёрдам берворинглар, — деди.

Биз ажабланиб, гангиб сўрадик:

— Қанақа юк?

— Қизик иш бўлди-ку!

— Ўзи нима гап?

Шундан кейин, Рамазон тушунтирди:

— Қаюм ака ҳар ёқдан келган ўнтакча меҳмон билан шу ёққа келмоқчи. Идорадан яна беш-олти хизматчи қўшилади. Тахминан икки соатлар орасида келишади. Унгача сизлар гилам, кўрпа тўшаб, ошнинг зирвакию газакларни тайёрлаб турасизлар.

Демак, бизга хилват туюлган жойда катта бир давра тўпланар экан.

Мен билан Зокир индамай турардик.

– Бу қизик иш бўлди, – деб бояги гапни қайтарди Холмирза.

– Мен тушунмадим, – деди тўртталамиздан энг ичи тор, асабиймиз Равшан. – Сен ҳазиллашаяпсанми, Рамазон? Ёки чинми? Қаюм ака бу жойни қаёқдан билибди? Сен қаёқдан билдинг? Бизнинг бу ерда эканлигимиз сизларга қаердан маълум бўлиб қолди?

Рамазон чайналди:

– Бир гал Зокир бошлиқни ҳам бу жойга олиб келиб, меҳмон қилган... – У гапнинг давомини айтмади. Ўзимиз тушундик. Бизнинг идорамизда Зокирдек «чаққон» йигит бор экан, ҳеч қандай иш ёки гап сир бўлиб қолмайди!

Хўп.

Машинадан юкни тушириб, яқин бино айвонига ташидик. Кейин, масаллиқни катта қозон бошига олиб келдик. Рамазон йўлни чангитиб, қайтиб кетди.

Нихоят, ошни ким пишириши устида гап чиқди.

Бизда йигитман деган киши уйда ош қилишга ўрганган. Аммо икки кишилик ош билан йигирма кишига мўлжалланган ош фарқ қилади! Шу боисдан, бир-биримизга қарадик.

– Мен пишираман, – деди Зокир. Афтидан у «чаққонлиги» учун хижолат чеккан ва бизнинг наздимизда «оқланиб» олмоқчи эди.

– Сен ўзинг биласанми? – деб сўради Равшан.

– Оз-моз, – деди Зокир. Биз буни камтарликка йўйдик.

Қискаси, бир неча машинада меҳмонлару ўз кишилари- миз келишди. Ичимлик ва ичкилик шишалари очилди. Қайнатилган гўшти дастурхонга тортдик. Навбат ошга етди.

Зокир ошни сузди. Қани, олинглар, деб кўл узатдик.

Ошнинг гуручи хом, ўзи шўр, қандайдир ширин қоришиқ ҳолатда эди.

Ҳар ёқдан келган меҳмонлар, буларнинг оши шунақа экан, деб ўйлабми, бемалол ея бошлашди. Биз эса, Қаюм ака раҳбарлигида ошнинг обрўсини тўкишдан қўркиб, афтимиз буришиб-бужмайганча ёлғондан лаганга «хужум» қилаётган эдик.

Дастурхон йиғиштирилгач, мен, Равшан, Холмирза Зокирни четга имлаб, тўнғилладик:

– Пиширишни билмас экансан, нега бўйнингга олдинг?

Зокир бўш келмади:

– Сизлар индамаганларингдан, мен бир ҳаракат қилиб кўрай, дедим-да!

Биз уч йигит бу оғайнимизга баҳо беришда шу куни иккинчи марта адашган эдик.

СУРОНЛАР

Ўзбекка унинг афти ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди.

Ўхшаш томони – сочи, қош-кўзи қора, чиройли-ингичка мўйлов ҳам кўйган. Достонлардаги ботирлардек хушқомат, кўкси қабарик. Яна бир белги, кўзларида махзунликми, мунислик, шунинг баробарида, парда ортида турган ички ишончми, қатъият.

Ўхшамаган томони – ранги ниҳоятда оқ. Шунчалар оқки, умри қорликларда ўтгандек эди. Кўллари, оёқлари узун, яна қизик жойи, юрганда шарпасиз, учиб бораётгандек таассурот уйғотарди. Ўзбекнинг эса одатда, ўзидан юки оғирроқ келади.

Халқимиз орасида мўғуллар, араблар, форслар, ҳатто юнонларга бир томири бориб туташган кишилар учрайди. Ўзбекми, ўзбек! Уларга иштибоҳ билан қараёлмайсиз. Бунга ҳаққингиз йўқ. Факат, дунёда азалдан миллатлар қоришиқ эканлигига эътибор бериб, бу ҳақда баъзан ўйлашингиз мумкин, холос... Манови одамни ҳам ўзбек деса бўлаверар эди.

Умуман, бу гаплар кейинги мулоҳаза.

Аввалида Назар унга разм солишни хаёлига келтирмаган, бундай фикр юритишга эҳтиёж ҳам сезмаган эди.

Улар тасодифан сартарошхонада дуч келишди.

Эҳсон сартарош курсида ўтирган мижознинг юзига атир сепиб, уни елпиётганида, Назар сартарошхонага кириб қолди.

Ойнадаёқ Назарнинг аксини кўриб, кўп йиллик қадрдон эканликларидан Эҳсон суюниб жилмайди.

– Худди сени кутаётган эдим, огайни. Зап вақтида келдинг-да! – деб дарҳол қўлини ювиб-артиб, Назар билан елка кучишди сартарош.

Шу орада мижоз ўрнидан турган эди.

– Тинчликми? – деб сўради Назар.

– Олдин бу ғаройиб инсон билан таниш, – деди сал тантаналими, ҳаяжонланган кўйда Эҳсон.

Назар қаршисидаги кишини одатдаги мижоз, ана-мана дўкондан чиқиб кетади, деб ўйлаган эди. Адашганини сезди. Кўришгани қўл чўзди.

– Джон! – деди ҳалиги киши.

– Бизда «Д»ни ишлатмайди. Жон, дейди – кетаверади. Шунда бизга яқин ҳам бўлиб қолади! – гап тушунтирди Эҳсон. – У менинг меҳмоним. Икки соат вақти бор экан. Бизникига олиб борасан. Ўртоқларга айтдим, тўпланиш-япти. Мен бирров бозорга кириб, орқадан етиб бораман.

Назар гангиб-паришонланган эди. Иягини кашлаб, дўстидан:

– Соқол-чи? – деб сўради.

– Соқол кейин, – деди Эҳсон. – Унча ўсмаган. Эртага олса ҳам бўлади.

Мана, энди Назар меҳмонга тикилиб, бу одам қайси миллат вакили бўлмасин, ажнабий эканлигини хаёлидан кечирди. Ўзбекка ҳам ўхшашлигини пайқади. Кетдик, деб имо қилиб, кўчага чикқанларида, Назар у билан инглизми, фарангми, олмонми – қайси тилда гаплашаман, деган хаёлга борди.

– Ўзбекчани биласизми? – деб сўради ҳар эҳтимолга қарши.

– Ман билади. Яхши эмас, – деди Жон.

– Билганингиз бари бир яхши, – деди Назар мамнун бўлиб.

Эҳсоннинг уйида Қамбар, Ҳотам, Малик – ўртоқлар тўпланишган, аллақачон қозон ҳам осишган эди. Назар меҳмонни бошлаб остона хатлагандан ҳаял ўтмай, Эҳсон ўзи ҳаллослаб келди.

Барчалари кенг, хушҳаво айвонда давра қуриб ўти-

ришгач, мезбон дўстларига ажнабий меҳмон тўғрисида батафсил гапиришга тушди.

– Бу фаройиб инсон адашиб сартарошхонага кирмаса, мен уни учратмасдим, – деди Эҳсон. – Касби оддий, телефон бўйича мутахассис экан. Лекин тўқ-тўкин киши экан. Берлинда, Парижда, Лондонда уйи бор экан.

– Ўҳ-ҳў! Зўр-ку! – деб қўйди Камбар.

– Булар учун уй ёки машина катта бойлик ҳисобланмайди, – деди билимдон Ҳотам.

– Бу ёққа нима иш билан келган экан? – деб қизиқсинди Малик.

– Ман турист. Хотелга бориши керак. Аэропорт, – деди соатини кўрсатиб Жон.

– Ўзбекчани тушунади. Ўзи ҳам бир оз ўхшаш, – дуч келганидан буён олган таассуротини айтди Назар.

– Улгурамиз! – қўлини кўтариб, безовталанаётган меҳмонни тинчитди Эҳсон. – Сизлар гапга кулоқ солмаяпсизлар, – деди ўртоқларига. – Бу фаройиб инсон дўконга кирганида мен у билан суҳбатлашдим. Соқол олаётиб ҳам сўзлашдим. Қизиқ воқеа!

... Иккинчи жаҳон урушидан кейинги сарсон-саргардонлик йиллари Булғорияда Комил деган йигит билан Франсуаза деган қиз бир-бирини яхши кўриб қолади. Улар бир турк муллани топиб, никоҳ ҳам ўқитишади. Лекин давр суронида манзилдан-манзилга кўчган икки ёш қайсидир поезд бекатида бир-бирини йўкотади. Бунинг устига, ўша пайтдаги Шўро сиёсати маълум! Франсуаза қайтиб турмуш қурмай, умри охиригача Комилни кутади.

– Меҳмон шу Комил билан Франсуазанинг невараси. У ўзбек тилини атай ўрганишга уриниб, бобоси юртини кўргани келган.

Назар воқеани эшитиб, Жон тўғрисидаги тахмини тўғри чиққанига қаноат ҳосил қилди. Хаёлга чўмди. Дунёда ўзбекка бир томири бориб туташган кишилар ҳам оз эмас. Бошқа халқлар каби ўзбек ҳам рўйи-заминда сочилган! Муҳими, ўзбеклар ажнабийларга қизиқиш, эҳтиром билан қараганидек, ҳамма ерда ўзбекни ҳам шундай қаршилашармикан?! Ундай бўлса, юртидан олисда юрган

Ўзбекнинг аксари нега мамнун эканлигининг акси садо-си эшитилмайди?!

Бир лаҳза сукутга чўмган йигитлар яна тилга киришди.

– Қариндошларидан бирон кишини топибдими? – деб сўради Малик.

– Уша йиллар йигит тирик қолган тақдирда ҳам энди аллақачон дунёдан ўтган. Авлодлари бор, деб ҳам айтиш кийин, – деди билимдон Ҳотам.

– Одам игнамиди?! Бировни топган бўлиши керак! – деб қайсарланди Қамбар.

– Қандай топади? Комил деган исмдан бўлак маълумот йўқ, – деди Эҳсон. – Бизда ўнта одамдан бири Комил. Ана, менинг она томондан бобом ҳам Комил бўлган... Қисқаси, биз-да унинг қариндоши!

Эҳсон шундай деб, ўзи бозордан кўтариб келган тугунни очди. Меҳмонга тўн кийдириб, кийикча билан белини боғлади, бошига дўппи кўндирди.

ЗИНДОН

Бировдан ёзиб олинган

Одамлар даврада тўпланади.

– Битта дуо қилайлик!

Ҳамма қўл очади.

Оллоху акбар.

– Нега серрайиб ўтирибсан?! Шишани очмайсанми?!

Томоқ тақилляпти...

Ва албатта:

– Қани, олдик!

Давраларнинг юз фоизи бўлмаса ҳамки, саксон фоизида аҳвол шу. Художўйлик қилинади. Ичилади. Кейин, яна юзга фотиҳа тортилади.

Биз мусулмон фарзанди, қачон бу «тескари» ҳолатга ўргандик? Айтолмайман. Балки, қадимда расм бўлган базмлар, айш-ишрат иштиёқи, эски «шўхлик»лар конимизда сақланиб қолгандир?!

Қисқаси, етти пушти уламолару эътиқодли муллалар бўлиб келган мен ҳам, Худо кечирсин, гоҳ-гоҳ «шариатни бузиб» тураман. Ҳалигидек давраларда мусулмонлик-

ни унутмаган холда, орайниларимнинг қўлини қайтаргим келмайди, бир дўстим айтмоқчи, «тормоз» ишламайди. Тўғри, бирон муносабат бўлмаган пайтда, Худонинг берган куни ичиб юрмайман. Лекин гоҳо даврага тушиб сурункасига уч кун ичсам, тўртинчи куни сахардан хумори тутиб, қийнаб юборади. Жоним суғуриб олинган. Бошим эса ишламаётгандек бўлади... Ўша куни ҳам холатим шунақа эди.

Нонушта ҳам қилмай кийиниб дўконга чикмоқчи эдим, телефон жиринглаб колди. Дастакни кўтарган қизчам:

– Дада, сизни сўрашяпти, – деди

Иккиланиб, эриниб телефонга яқинлашдим:

– Алло.

– Салом. Бу Абдушукуров, – эшитилди бошлиғимиз Абдуқундуз аканинг овози. – Машина тутиб, тез кел. Иш бор!

Бошлиқ янги эди. Унинг уйга қўнғироқ қилиши ақлга сиғмайдиган хол эди. Умуман, менинг кузатганим, катталар бировга ўзи қўнғироқ қилмайди. Бир ерга ўт тушди-микин, деб ўйладим.

Кўчада дуч келган машинани ёллаб бордим.

Хайбатли хонада Абдуқундуз ака раҳбарлардан яна икки йигит билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Сен ёзиш-чизишга уста экансан. Идорадаги ишни ҳам биларкансан, – деб у дархол мақсадга кўчди. – Мен бугун кечкурун обрўли йиғинда гапиришим керак. Йигитлар сени хилват бир жойга олиб боришади. Қимир этмай ўтириб, соат икки-учгача нутқни битказасан! Тушундингми?!

Мен гангиб, серрайиб турардим.

– Бугун хали чой ҳам ичганим йўқ, – дедим ниҳоят.

– Бу ҳисобга олинган, – деди бошлиқ. – Вақт зик.

Чўзманглар.

Йигитлар ўринларидан сапчишди. Илож-ноилож эргашдим.

Идора биноси орқасидаги тор кўчада илгарилаб, болаҳонали бир ховли олдида тўхтадик. Йигитлардан ёшроғи

дарвозанинг қулфини очди. Ховлига кириб, зинадан болахонага кўтарилдик.

– Баҳром ака. Сизга муваффақият! – деди иккинчи йигит даҳлизга кирганимизда. Кейин, улар қайтиб чиқишди, эшикни ёпишди ва мен хаёлимга келтирмаган иш – ташқаридан қулфлашди. Кўп ўтмай, дарвозанинг ҳам қулфланганини пайқадим. Бу йигитларми, биров Абдушукуровга мен ҳақда истеъдодли киши, лекин баъзан ичгани ёмон, деган бўлса керак, у ичмай туришим учун «зиндонга солиш»ни буюрганга ўхшар эди.

Бир уй, бир даҳлиз экан. Ичкарига кирдим. Ўртадаги столда дастурхон ёзиғлиқ. Иккита патир, термосда чой, бир нимкоса қаймоқ, яхна гўшт, қазн. Четдаги стол устида қоғоз-қалам.

Нонушта килишим, кейин ўтириб ишлашим керак. Аммо шу палла дастурхонга қарагим ҳам келмаётган эди. Қаллам бари бир ишламайди, қандай қилиб озгина арок топсам экан, деган хаёлга бордим. Ҳозир томоқни бир ҳўлласам, ойлаб бошқа ичмай юришим мумкин, бундай ҳолат олдин ҳам рўй берган, буни мен, «сўнгги нуқта» деб номлайман. Уч кун давом этган бемаънилик ниҳоясида бу «нуқта»га эҳтиёж бор... Ўзимни қўлга олдим. Қайтиб даҳлизга чиқиб, сув остида бир оз турдим. Ювиниб-кийиниб, дастурхон ёнига келдим. У-бу ейишга уриндим. Бўлмади. Яна қийнала бошладим. Бу ҳолда кечгача «қамалиб» ўтирсам ҳам, ишлаёлмайман, ҳеч нарса ёзолмайман... Ўрнимдан туриб, у ён-бу ён қарай бошладим. Деворларга ҳар хил плакатлару арзон расмлар ёпиштирилган. Бир-икки бўшлиқни ялпи шиша ёрлиқлари тўлдирган. Бу ховли кимники экану бизнинг идорамиз нега эгалик қилар экан?! Қизик. Йиллар бўйи ишлаб юриб, киши «идора орқасидаги» ҳаётдан беҳабар қолаверар экансан-да!

Парда тортилган иккита дераза. Ховлига қаратилган.

Уларга рўпара, анча юкорида кўчага юзланган кичик бир дарча. Унинг остида ранги ўчган эски диван.

Диванга чўзилиб, нима қилсам экан, деб ўйлай бошладим.

«Қамалиш» ҳолати мени айниқса қийнаётган эди.

Эркисизликка чидаёлмайман. Ўзимни бир ердан, ҳатто мажлис ўтган бинодан чиқиб кетолмасликка маҳкум сездимми, юрагим қиса бошлайди. Худо инсонни азалдан бетоқат яратганми ёки менга келганда «тоқат етмай» қолганми, ҳарҳолда мен учун бундай «зиндонга солиниш»дан оғирроқ жазо йўқ. Ана-мана, ховли билан бирга портлайдигандек эдим. Бошлиқ мени ўз ҳолимга қўйиб, ишни талаб қилгани дурустмиди?! Ичишни оқлаш эмас, ичкиликнинг падарига лаънат, бироқ эркин юришдан ташқари, бутун дунёда одамлар гоҳо химоясизликдан, ночорликдан, ўзаро муносабатнинг нокомиллигидан чарчаб, кўнгли бўшлиқ қилишмасмикан?! Одам боласи жилла курса ичда кенглик истайди.

Хонани айланган нигоҳим плакатлару расмлар орасидаги бўшлиқни тўлдирган шиша ёрликларига тушиб, асабимни бузаётган эди. Ўрнимдан туриб кетдим.

Пардани суриб, деразалардан бирини очганча, ховлига кўз ташладим. Деразадан сакрасам, оёқ синади. Бунинг устига, бари бир ховлидан ҳам кўчага чиқолмайман. Хўп. Дарча-чи?!

Диван устига курси қўйиб, дарчани очдим. Бир елкам аралаш бошимни суқиб, кўчани кўздан кечира бошладим. Албатта, амаллаб дарчадан сирғалса, фақатгина оёқ синмай, соғ жойим қолмайди. Болаҳонага қайтиб чиқолмайман ҳам. Мен эсам «каллани ишлатиб», бўйнимдаги вазифани бажаришим керак!

Лекин дарахт шохидаги кушдек қунишиб турган эдим, кўчада бехос ширакайф бир йигит кўринди...

* * *

Котиб ухлаб қолган эканман, шовқиндан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, шахсан Абдуқундуз ака стол устидаги шишага имо қилиб, мени сўқиб ётибди.

Дивандан оёғимни тушираётиб:

– Нутк тайёр. Нариги столда! – дедим.

Абдуқундуз ака дағдағани тўхтатди. Аммо ҳамон вазожати ўзгармай четдаги стол ёнига бориб, ажратиб қўйилган варақларни қўлига олди, бирров кўз югуртирди.

кейин ўтириб, ўқишга тутинди. Ўқиб бўлгач, чехраси ёришди.

– Баракалла. Яхши, – деди. – Арокни каердан топдинг?

– Кўчада кетаётган бир йигитга пул ташладим, олиб келди.

– Танишмиди?

– Йўқ.

– Ичадиган киши бевурд бўлади.

– Ҳар хил киши учрайди.

– Тўхта! Шисани бу ёққа қандай олиб чиқдинг?

– Деразалардаги икки тўр пардани бир-бирига боғлаб, аркон ясадим.

– Мияннга қойил! – Абдушукуров, афтидан келгандан буён кимир этмай остонада қотиб турган йигитларга тикилди. – Кўрдингларми топқирликни! – У ўртадаги стол ёнига келиб, бир пиёлага тўлдириб арок куйди. – Ма, ич. Менинг номимдан!

– Йўқ. Бошқа ичмайман, – дедим.

– Нега?

– Доим топқирлик қилолмайсан. Ичмаганда ишлаёлмай, бир куни юзим шувит бўлиши мумкин! Бу кунги зиндон менга увутилмас сабоқ бўлди...

АҲМОҚ

Нуриддин икки қаватли янги солинган уйлар этагидан бораётган эди, эшик олдида ўтирган хайбатли ит беҳос қаттиқ вовуллади.

Нуриддин ўтақаси ёрилиб, хафа бўлганидан:

– Аҳмоқ! – деди.

У йўлида давом этиб, беш-ўн кадам босган эди, орқадан биров ҳаллослаб келиб, йўлини тўсди:

– Ким аҳмоқ?!

Спортчиларни эслатган кийимда бўлган гавдали киши вазоҳатидан хозир бировни ўлдириб кетишга ҳам тайёрдек эди.

– Кечирасиз. Сизни эмас, анови итни айтдим, – деб беозорлик билан гап тушунтирди Нуриддин.

– Биламан, – деди гавдали киши. – Менинг итимни нега ахмоқ дейсан?! У сенга ўхшаган анча-мунча одамдан ақлли.

Бу очик ҳақорат бўлса ҳамки, Нуриддин гапни кўпайтиришни истамай:

– Хўп. Яна бир карра узр! – деди. – Кутилмаганда хуриб кўрқитмаса, индамасдим.

Бу орада вазоҳатли киши Нуриддиннинг уринган уст-бошию кўлидаги халтада ётган нон билан суякка разм солган эди:

– Суяк олган экансан. Суякни кўриб хурган итда нима гуноҳ?! У оч эмас! У эрка! Қизим яхши кўради. Ана, сўкканинг учун йиғлаб ўтирибди.

Нуриддин энди рўпарасидаги безбет кишидан ҳам кўпроқ ўзидан, зиёли, мўмин эканлигидан хафа бўлиб кетди. Ғурури тутди.

– Осмон бўлсангиз ҳам сенсираманг, – деди. – Мени сиздан ёшим улур. Менинг ахволимга келсак, биз нафақага қараб яшаган одаммиз. Баъзан нафакани вақтидан тўрт-беш кун кеч келтиради. Мен унча билмайман, пулни бировлар айлантиради, дейишади.

У охирги гапни айтмаса ҳам бўларди. Беихтиёр айтди.

Лекин гавдали киши энди сал жаҳлидан тушди.

– Айлантиради-да! – деди вижиниб. – Сизлар учун кечроқ бергани яхши эмасми?! Бари бир кетади. Мўлжални тўғри олиш керак... Лекин шу кўчадан ўтадиган бўлсангиз, итни бошқа сўкманг. Тушундингизми?! У ахмоқ эмас!

– Тушундим, – деди гудраниб Нуриддин.

Вазоҳатли киши изига қайтиб кетди.

Нуриддин уйи кўчанинг шу бетида бўлса-да, хозирдан нариги бетга ўтиб олди...

ОЧИҚ ЭШИК

Бир пайт тақдир Ризо билан Қайнарнинг киндигини боғлаган. Улар талабалик йиллари танишишган. Тўғри, Қайнар бошқа, Ризо бошқа жойда ўқирди. Лекин, биласиз, талабалар нотинчроқ халқ бўлади, ҳатто симоб. Ётоқхоналарга бош сукиш оддий ҳол.

Кейин дўстлашиб кетишди. Уйланишгач, оилавий учрашиб туришга одатланишди. Байрамлар, ҳар хил муносабатларни бирга ўтказишарди. Қайнарнинг яхши хислатлари бор. Кўп ўқиган. Билимли. Ҳаётни ҳам билади. Аксар мисол келтириб гапиради. Давранинг гули. Боридан ташқари, янги латифалар ҳам тўкиб ташлайверади. Дадил. Ўқтам. Ризо аксинча, мулойим-мўмин. Гапга йўқ. Билими ҳам ўзига яраша. Ҳарҳолда, ўзи хақида жуда «юкори» фикрда эмас. Тупроқдан ташқари юрган одам. Эҳтимол, шундан (киши ўзида бўлмаган нарсани кидиради) у Қайнарга анча меҳр қўйган эди.

Кунлар шундай ўтаётиб, кутилмаганда Ризонинг тоби кочди. Аксига. ўшанда хотини кишлокка кетган, ойиси оғир ётган эди. Икки ўғил ва бир киз ҳам уйда эмас, оилалари билан чет элга сафарга кетишган. Кўрпа-тўшак қилиб олганингда, ёлғизлик ўлимдан баттар экан. Ризо дўстини уйга чақиртирди.

– Ишим чаток, – деди у Қайнарга. – Ўзимдан кўркиб қолдим. Кечаси уйқумда бир нарса бўладигандек... Олдин ҳеч бундай ҳолга тушмагандим. Юрагим борлигини сезмасдим.

– Тез касалхонага ётиш керак, – деб маслаҳат берди Қайнар.

– Ётаман. Гаплашганман. Лекин навбат кутишга тўғри келаяпти, – деди Ризо. – Илтимос, гоҳ-гоҳ қўнғироқ қил. Мана, уйнинг икки калитидан биттаси сенда турсин. Ҳар эҳтимолга қарши. Мабодо узок дастакни кўтармасам, мендан хабар ол. Хор бўлиб қолиб кетмай...

Қайнар калитни олди, шу билан бирга кулиб:

– Сен ҳам ваҳимачи экансан, оғайни, – деди. – Касал сенга ёпишса, сен ҳам унга ёпишмагин-да! Тузалишни ўйла.

Ризо бунга жавобан ҳеч нарса демади. Дўстининг гапи жўяли эканлигини билса-да, киши тузалишни ўйлагани билан дарҳол тузалиб қолавермаслигини ҳис этаётган эди.

Уч кун давомида Қайнар бир марта ҳам қўнғироқ қилмади.

Бу ишдан Ризонинг кайфияти бузилди. Илтимосни унутгандек беписанд ҳолат малол келаётган эди. Умуман, ўзи одамларга ишонувчан, содда-гўл эканлигини эслади ва беихтиёр: «Уйнинг калитини ҳар кимга бериб бўлар эканми?! У дўстинг бўлган тақдирда ҳам...» — деган хаёлга борди. Албатта, Ризо дўстига бадгумон қарамас, буни ақлига ҳам сиғдирилмас эди. Шунчаки: «Қайнар беғам-бепарволикдан калитни йўқотиб қўйса-чи?!» — деб ўйлади. Калитни йўқотиб қўйиш баъзан юз берадиган воқеа. Бунга бўғилиш ортикча. Фақат, эшикнинг бутун кулфи калитини эҳтиёт юзасидан янгилашга тўғри келади. Бу эса Ризо учун ҳозир дард устига чипқон билан баробар. Ўз ахволидан ташқари, у энди бунга ҳам (балки, бекордан) ташвишланаётган эди.

Тўртинчи куни кечга бориб, унинг тоқати тугади.

— Қайнар! Бормисан?! — деб қўнғирок қилди.

— Ишим кўпайиб кетди, оғайни. Кечирасан, — деди Қайнар. — Нақ бориш учун эшикдан чиқаётган эдим.

Ярим соатда етиб келди. Эринмай бозор ҳам қилган эди.

— Идорада текшириш, — деди кириб ўтириши билан. — Хафа бўлма. Бир оз ўралашдим... — Калит солинган қопчиқ қўлида эди, афтидан у, Ризонинг хаёлида борини ўқиб, мана, калит ёнимда, безовталанма, демоқчи эди. Керак бўлса, ташлаб ҳам кетмоқчи эди.

Ризо қўнгли торлик қилдим, деб хижолат чекди. Дўстига миннатдорчилик билдирган алфозда чайналди.

Икки кундан сўнг, Қайнар қўнғирок қилди. Ризо ётишга йўлланма олганини эшитиб, яна югуриб келди. Калитни эгасига қайтарди.

Қисқаси, шу куни Хуршида кишлоқдан қайтди. Ризо касалхонага ётди, маълум вақт ўтиб, тузалиб чиқди.

Икки дўстининг дўстлиги, оилавий борди-келди одатдаги тарзда давом эта бошлади. Тоби қочган пайтдаги воқеалар Ризонинг хаёлидан ҳам кўтарилиб кетди.

Орадан уч йил ўтди.

Ҳар йили ёзда Ризо хотини билан дам олгани бирон

санаторийга ёки фарзандларини кўргани чет элга жўна-
шар эди.

Аmmo энди, дастлабки сафардан кейин уйга кадам
қўйганларида. Хуршида авзойи ўзгариб:

– Уйда қандайдир бегона хид. Тавба! – деди. Ризо:

– Одам бўлмаганидан, ҳаво бузилгандир, – деб дераза-
ларни очди. Кўп ўтмай, ичкари бўлмадан хотини овоз
берди:

– Битта халқам йўқ. Тополмаяпман.

– Яхшироқ қара. Қолдирган жойинг эсингдан чиқ-
қандир, – деди Ризо.

Улар уй хақида бошқа гаплашишмади. Шунга қара-
май, Хуршида гоҳ-гоҳ халқани ҳамон тополмаётганини
айтиб юрди.

Келаси гал сафардан қайтганларида, олдинги аҳвол
кайтарилиди. Хуршида:

– Уйда бегона хид, – деди. – Бўйинга осадиган тилла
занжир билан битта узук йўқ, – деди. Сал туриб, гудран-
ди: – Уйни ўғри урган.

Майда гапни ёқтирмаган Ризо асабийланди:

– Шошма. Эшик-деразалар берк бўлса! Калитлар бизда
бўлса! Ўғри шамол бўлиб тиркишдан кирадими? Бундан
ташқари, ўғри фақат сенинг тақинчоқларингни олади-
ми? Каттарок нарсаларни кўтариб кетмайдими?! Аниқ
битта-иккита тақинчоқдан бўлак буюмга қўлини ҳам тек-
кизмайдими?!

Хуршида эри билан бахслашиб ўтирмай, уни ювина-
диган хона остонасига бошлаб келди:

– Эътибор бергандирсиз, доим атир қўл ювгичдан чап
томонда, совун ўнг томонда турарди. Ўрни алмашган.
Тарок, қайчи бир ерда эди, икки ёқда ётибди. Бу ўзи-
ўзидан бўлмади-ку!

Шу дамгача пинагини бузмаётган Ризо қотди-қолди.
У ҳар куни ишга боришдан олдин соқол олиб, ўзини тар-
тибга келтирганидан, айниқса атир билан совуннинг ўрни-
ни яхши билар эди. Хотинига ишонмаётган Ризони ана
шу арзимаган далил ҳам эсанкиратиб, ҳам хушёр торт-

тирди. Уйда рўй берган воқеани тушуниш қийин, бировга гапирсанг, сени жинни деб ўйлаши мумкин, сир-синоатдан иборат эди. Ризо бундай ҳолда нима қилишини билмай саросималанди.

Бу хонадонда ўтган гап-сўздан Қайнар беҳабар эди.

Дўсти касал пайти калитни берганида, унинг хаёлига шум бир фикр келган эди. Ўша кунлари у калитсозга учраб, калитдан нусха ясаттириб олган эди. Ўз уйида ўзини Қайнар эркин сезмасди. Ҳар қандай аёл сингари хотини унинг босган қадамига қарарди. Калит ясашиб олгач, эркинлик эшиги очилгандек бўлди. Уй эгалари сафарда бўлган паллада у ҳар хил беҳаё қўшиқлар ёзилган кассеталар ва ичкилик кўтариб келиб, кайф-сафо қилиб ўтиришга одатланди. Буниси ҳолва. Қайнар аёлларга ишқибоз эди. Ўзи танишган синашта-носинашта хонимларни келтириб, баъзан кечгача, баъзан тонготаргача базми-жамшид қуришга тушди. Инсоф юзасидан айтганда, ўғрилиқ қилишни у ўйламаган ҳам эди. Ювинадиган хонада уймалашган ҳам, қўлга тушмаслигини билганидан такинчок-безакларни чўнтагига тиккан ҳам — бу ўша, бетайин хотинлар эди.

Ризо йўл-йўлакай қўшнилاردан, бир эркак (у ким бўлса экан?!) аллақандай жувонлар билан ора-орада шу атрофда кўриниб туришганини аниқлади.

Уйдаги ахвол ҳақида у ҳеч кимга гапирмади. Хотинига ҳам оғиз очмасликни тайинлади.

Олдинги тарзда ҳаёт давом этиб, орадан бир йилга яқин вақт ўтди.

Ризо дўстлари, таниш-билишлари, қўни-қўшни — ҳаммага сафарга кетаётганликларини маълум қилди.

Бироқ Хуршидани кишлоққа жўнатди.

Ўзи эса уйдан чиқмай, беркиниб ётиб олди.

Уч-тўрт кундан сўнг, бир маҳал эшик ширк этиб очилди.

Чарм-халта кўтарган Қайнар катта хонага кирди. Уст кийимини ечди. Дастурхон ёзиб, ўз-ўзини меҳмон қила бошлади.

Шунда беркиниб турган Ризо хона остонасига келганча, комат тиклаб, бир оғиз:

– Хў-ўш?! – деди.

Қайнар бақрайиб, оғзидаги овқат бўғзига тикилиб колди.

У апил-тапил кийиниб, Ризонинг юз-кўзига қарамай, эшик ёнига борди. Эшикни очди. Шуурсиз холда калитни олмоқчи эди, орқада турган Ризо яна бир оғиз:

– Ҳа-а?! – деди.

Қайнар қўлини тортди ва гўшт ўғирлаган мушукдек, ўзини кўчага урди.

ОДДИЙ ВОҚЕА

Бугдойранг, лаблари олчадек кип-кизил жувоннинг исми – Лайли.

Лайли суйган кишисига турмушга чикқан. Лекин бу хонадонда ҳам қайнона-келин можароси бор.

Мабодо Лайли:

– Ҳалиям эртарок эрга тегдим, йигирма ёш нима, яна беш йил юрганам маъқул эди, – деса, қайнона муштини ерга уриб:

– Хай, келинжон, хай! Биз ўн тўрт ёшда эрга текканмиз, дўппи билан урганда йиқилмаса раво, деган гаплар бор. Бизни ҳисобга олса, тўйнинг ўзидаёқ қарикиз эдингиз, келинжон! – дейди.

Қайнона кун бўйи ховлида ивирсиб юради, келини ишдан келгунча гап йиғиб қўяди, келини келгач, бешиктерватдай бир у, бир бу ёнга қийшаяди, сўнг яна худди бешиктерватдай бошини бир силтаб, гапга тушади. У келиним ўзимга ўхшаса, дейди. Келини унга ўхшамайди.

Қайнона умрида оёғига калиш-махсидан бошқа нарса ни илмаган. Келини эса пошнаси бир қарич этикчадан пошнаси бир қарич туфлигача кияди. Қайнона бошини очмаган – бошидан олдин паранжи, кейин рўмол сира тушмаган. Келин эса боши очиқ юради. Битта сочининг ўзига юз хил оро! Қайнона хотин киши уй қоровули, деб билади. Келин эса азондан шомгача ишда. Уйга келгач, яна эрини судраб томошага кетгани дард устига чипқон!

Қайнона умрида эркак кишининг юзига тик қараб гапирмаган. Келин эса гапиргани етмагандай, уларга қўшилиб куладиям! Мана, можаро учун икки ўртада қанча зиддият!

Бу зиддиятларга, ниҳоят, бир куни кампирнинг, ўғлим бола тирноғига зор, деган гапи қўшилди. Кампир бир у-бир бу ёққа қийшаяди, бошини силтаб, келган-кетганга «тирноқ»дан гапиради.

Қайнонанинг ҳеч гапига парво қилмаган Лайли шунга келганда безовталаниб қолди. У ойна олдида жимгина ўтирар, сочида оқ тола кўринса, шарт юларди. Кампир хонага кириб афтини буриштирганини кўрса, баттар фиғони ошар, ойна олдидан сапчиб туриб, кўчага югурарди.

Бир куни бола сабаб бўлдимиз, Лайли аллақаердан қоп-қорагина мушукча топиб келди. Бутун эътиборини ўшанга берди: едириб-ичиради, ювиб-тарайди, дардларини айтади, бошига қалпоқча кийдириб қотиб-қотиб кулади!

Кампир мушук зотини асли ёмон кўрар, хатто қўрқарди. Мушукча кўриндимиз, у хўмраяр, бошини силтаб алланималарни гўлдирадди. Баъзан кечалари эркатой мушук кампирнинг қўйнига кирар, у ўрнидан сапчиб туриб, ҳовлини бошига кўтарарди. Ўғил шўрлик икки орада сарсон – на онасига, на хотинига бир нима дея оларди.

Бу ноқулай савдо кўпга чўзилмади. Бир куни мушукча ўзидан-ўзи йўқолиб қолди.

Лайли яна ойна олдида жимгина ўтирадиган, сочидаги оқ толани юладиган бўлди. Кампир яна ўзини эркин сезиб, боладан бемалол гапирадиган бўлди.

Лайли мушукчани қайтиб топмади, ўрнига қафасда майна олиб келди. У энди майнага емиш берар, қафасга қўйилган кафтдай ойначанинг панасида туриб, унга гап ўргатарди. Майна эшик гийқиллаб очилса: «Ким у?» деб сўрашга, ҳар куни эрталаб: «Ассалом!» дейишга ўрганди. Кампир мушукчани кўриб аччиқ қилган бўлса, бошида «одобли» майнадан хурсанд бўлиб юрди, лекин тагин можаро чиқди.

Қайнона ҳовлида ивирсиб юраркан, гўлдираб, келинидан нолиди ва ўзини ҳам озгина ерга ургиси келиб:

– Мен-ку, мияси ачиган кампир, лекин у... – деди.

Майна кулоқ солаётган экан, гап ўрганибди. Қайнона кафасга қизиксиниб қараган эди, майна бўлиб-бўлиб:

– Мияси ачиган кампир, – деди.

Қайнонанинг ранги ўчди, кўзлари бежо бўлди. Унинг кўнгли майнадан ҳам совиди, вақтини топиб, бировга бериб юборди.

Лайлининг ойна олдида жимгина ўтириши бу гал кўпга чўзилди. Ахийри, у қайнонаси кутгандай, яна бир балони олиб келмади, балки «Болалар уйи»дан уч-тўрт ёшлардаги бир болани олиб келди. Энди у болани эркалар, кўчага кўғирчоқдай ясашиб чиқарарди. Ҳовли юзи қолиб, ўғилчасини дарвоза олдидаги қалин дарахтлар соясида, каттакон тоборада чўмилтириб ўтирарди. Булар кампирга сира ёқмасди. Яна можаро чиқди.

– Бировнинг боласи бошқа бировга вафо қилганини ҳечам кўрмадим, – дерди энди кампир. – Ўз боланг вафо қилмайди-ю!..

Бола ўзидан-ўзи йўқолмади, қайнона уни бировга бериб юборолмади.

АҲМАД АКАНИНГ ҚИЗЛАРИ

Аввалдан айтишим керак: бундай воқеа бизда кўп учрайди. Шу важдан, кимдир ўқиганман, эшитганман, дейиши мумкин. Аммо ундайларга эътибор бермаган маъкул...

Қисқаси, Аҳмад ака бир пайтлар йигитмисан йигит эди. Ўшанда у Аҳмад ака ҳам эмас, фақат Аҳмад эди, тўғрироғи – Аҳмад полвон!..

Кимдир тўй қиладими, маросимми – дарҳол Аҳмад полвонни суриштирарди. Гап шундаки, икки чақирим наридан дошқозонни кўтариб келадиган бақувватроқ одамга халойиқнинг кўзи учиб туради. Иш фақат қозонда бўлса майли эди. Тўй, маросим деганнинг ўзига яраша дахмазалари бор. Бировлар кўнглига олмасин-ку, лекин масалан, бизнинг ҳозирги бахтли замонамизда ўтин ёришга ҳам на кучи, на уқуви бўлган йигитларимиз анча-мунча топилади. Демак, кимни ҳамма излашга тушади – Аҳмад

полвонни! Бунинг устига, Аҳмад полвоннинг хизматида миннат йўк. Унинг тўғри, ҳалол одам эканлигини айтмайсизми! Биргина мисол: қайсидир бир тўйда қилтириккина куёв тикмачоқдек келинни аравадан кўтариб тушишга қийналиб қолади. Аҳмад полвон аввал бир оз қараб туради, кейин сабри чидамайди, бориб келинни даст кўтарганча, ичкарига киритиб кўяди. Лекин, ҳеч нарса бўлмагандек, тўйхонада яна юмушини давом эттиравергани боис, бирон-бир киши бу воқеани кўнглига малол олмайди.

Гапни сал чўзиб юбордим. Қисқаси, Аҳмад ака бир пайтлар шунақа йигит эди. У хизматдан ташқари, тўйлар, байрамларда курашга ҳам тушарди. Елкаси ҳеч қачон ер кўрмаган эди. Бироқ ўзини камтар тутар, унинг ҳамма ишида, ҳали айтганимиздек, тўғрилик, ҳалоллик акс этарди. Қилмиши эзгуликдан иборат эди: кимнингдир лойга ботган машинасини елкаси билан туртиб жилдириб юборадими-е, йўлда ётган катта бир тошни четга суриб ташлайдими-е.

Менинг гапимдан, бу полвон бутун умри кўча-кўйда ўтадиган, киладиган ишининг тайини йўк, бекорчи бир тўнғиз бўлгандир-да, деб ўйламанг. Аҳмад ака ўсмирлигидан пахта заводида ишлаган. Ҳозир ҳам...

Майли, чалғимай, бир бошдан...

Аҳмад ака ўша – полвон сифатида танилиб юрган йигитлик пайтида, қорачадан келган, кўримсизгина бир киз унинг уйи олдидан ҳар куни икки марта – эрталаб ҳамда кечқурун ўтиб турадиган бўлиб қолди. У кизни беихтиёр кузата бошлади: оёқ олиши ёмон эмас, юриш-туриши, ўзини тутуши бинойи. Аҳмад полвон сўраб-суриштириб аниқлади: исми Зухра, тикувчилик фабрикасида ишлар экан.

Бир куни дабдурустдан кизнинг йўлини тўсди.

– Узр. Сиз билан икки оғиз гаплашмоқчи эдим, – деди у. – Узоқдан келсам, сизни анчадан буён кўз остига олганман. Яқиндан келадиган бўлсам, сизга уйланмоқчиман.

– Сиз? Билмадим... – қизариб, нафасини ичга ютга-

нидан, зўрға пичирлади Зухра. Сўнг овози титраб кетди:
– Мен чиройли бўлмасам...

– Менга ёқдингиз, демак, чиройли экансиз-да! – деди Аҳмад полвон. – Қолаверса, мен сизнинг ҳуснингизга нон ботириб ермидим! Ҳусн тўйда керак, ақл кунда... Ҳўш, нима қилдик?

– Уйдагилар... – Бир оғиз сўз айтди Зухра ва югурганича кетиб қолди.

Аҳмад полвон эртаси куни совчи юборди. Кейин, айримлардек узок ўйланиб-эзмаланиб юрмай, ҳаш-паш дегунча, Зухрага уйланди-қўйди.

Бахтли ҳаёт кечира бошлашди. Уларнинг бутун умри лаҳзама-лаҳза бахтга тўлғин: ўзлари орзу қилганларидан ҳам икки ҳисса кўпроқ бахтиёр бўлишлари ҳеч гап эмас эди, аммо...

Аммо хонадон ҳаётида кулфат, нохушлик дейишга тил бормаиди-ку, кизиқ бир ҳол рўй бера бошлади.

Зухра беш йил ичида Аҳмад полвонга учта қиз туғиб берди.

Биринчи галдан ўғил кутган Аҳмад полвон ортиқ тишини тишга босиб туrolмаслигини ҳис этди.

Уйлангандан кейин сенсирашга ўтган эди, хотинига у бундай бамаъни гап қилди:

– Ҳар бир ишнинг эви бор... Энди қизни тўхтат, хотин. Бир уйга учта қиз етиб ортади. Яна кўпайтираверсанг, хафалашиб қоламиз...

Аҳмад полвон ана шундай жиддий «огоҳ»лантирганига қарамай, кейинги беш йилда Зухра яна учта қиз туғди.

Ҳар қизи туғилганда Аҳмад полвоннинг қанча умиди барбод бўлганини-ю, қанчалар изтиробга тушганини ўзингиз англайверасиз! У, хотини туғишига яқин қолганда, ҳар гал тиз чўкканча ёлворарди:

– Шу сафар ўғил туғсанг, сенга жонимни бераман, хотинжон. Туғруқхонадан қўлида кўтариб келмаган номард! Унақа қилаверсанг, охири ёмон бўлади...

Зухра, эри олдида айбдор кишидек, секин ютиниб кўярди.

– Хўп, албатта... қарайлик-чи, – деб беозор пичирларди. Лекин негадир яна киз туғаверарди.

Аҳмад полвон хотинини кўрсатмаган дўхтир, профессор қолмади. Бирок дўхтирлар, аҳволни билибми, билмайми, парво қилманг, кейин ҳаммаси яхши бўлади, деб илжайишарди. Кейин эса...

Олтинчи киз туғилгач, Аҳмад полвоннинг сабр косаси тўлди. Унинг ўзига ўхшаган анча-мунча ёр-биродарлари бор эди. Булар унга келгусида ўрнини босадиган азамат бир ўғил кераклигини яхши билишарди. Оғайнилар тўплашиб турадиган давраларда ҳар хил гап чиқа бошлади.

– Сен бунча эзилаверма, – деб ҳазиллашди бир куни Фозил деган дўсти Аҳмад полвонга. – Мен сенга айтсам, аслида, қиз боладан яхшиси йўқ. Уйда дастёр. Ҳаётнинг гули... Умринг узоқ бўлсин-ку, аммо, масалан, ўлганингда ҳам киз боладан обрў кўпроқ келади. Қизларинг ховлида бундай, отажон, деб бир овоз солишса, бутун Бухоро эшитиб, титраб кетади...

Ҳалим деган дўсти эса очик гап қилди:

– Эски замонларда киз туғаверган хотинни эри ҳайдаган пайтлар ҳам бўлган, мен эшитганман. Сен хотинингни ҳайдамайсан, албатта. Лекин бошқа бирон йўлини кидирса...

Тўғриси яна айтаверадиган бўлсак, Аҳмад полвон сабр косаси тўлган кунларда бир гал хотинидан ажралиш ҳаёлига ҳам борди. У рўйирост буни амалга ошириш пайига тушгани йўқ, аммо мабодо ўғил туғса, уйланаман, деб бошқа «хоним» билан улфатлашишга ҳаракат қилган пайти бўлди... Шаҳар марказидаги кутубхонага боши айланиб кирган эди, қараса чиройли бир жувон ўтирибди. Ундан бундан гаплашишди. Эри ўлган, бева экан. Эрсиз қолганидан буён фарзанд кўрмаганидан доғда юрган экан! Аҳмад полвон ўша куни уни кинога олиб борди. Кейин, яна бир учрашишди. Аҳмад полвон бу гал жувонни уйига кузатди. Уйга кираверса ҳам бўларди, жувоннинг суюқоқлигидан эмас, йўқ, муносабатнинг ўзи шунга бориб қолган эди, аммо Аҳмад полвон бу йўлдан қайтди. Бунга

жўн нарса сабаб бўлди: кўча муюлишида гурунглашиб турганларида у, жувоннинг шамоллагандек сал бўғиқ товушда гапириши ўзига ёқмаслигини хис этди. Бундан ҳам баттари, китобда ўқиганми, эшитганми: «Устингизга тахта кўйиб, машина юритса, кўтара оласизми?» кабилидаги бачкана саволлари қандайдир ғашига тегди. Шундан сўнг кутубхонадан икки чакирим наридан ўтадиган бўлди...

Аҳмад полвон қанчалик изтироб чекиб асабийлашмасин, хотинини яхши кўрар, хотини ҳам ўзини яхши кўришини билар эди. Айрим тунлар икковлари ҳам уйқулари кочиб, узоқ-узоқ гаплашишарди.

– Мен йўлингдан чиққанимда, кўрққанмидинг, хотин? – деб сўрарди Аҳмад полвон, биринчи юзлашган пайтларини эслаб.

– Йўк, мен сизни танирдим, – деб пичирларди Зухра. – Орқамдан юрганингизда, уялганимдан қоқилиб, йиқилиб кетмай, деб кўрқардим. Ундан ташқари, сиз менга ҳеч қачон уйланмайсиз, деб кўркиб юрардим... Гаплашган кунингиз, шу ростмикан, деб кечаси бўйи киприк қоққаним йўк.

– Сен мени олдин ҳам кўрган экансан-да?

– Икки-уч кўрганман. Тўйдами, бировларнинг уйида... – У очиқ кўнгиллик билан кўшиб кўярди: – Сизни ёқтирган қизлар кўп эди. Мен ҳайрон қолганман.

Аҳмад полвон ҳаммадан ҳам Зухранинг оқилалигини, зийраклигини қадрларди. Бир куни уларнинг уйида ғалати воқеа рўй берган эди: Аҳмад полвон тўрт-бешта оғайниларини уйга чакириб, дастурхон ёзганди. Таомдан кейин у чой кўтариб кирган Зухрага юзланиб:

– Олдин тарвузни олиб кел. Томда тарвуз бор, – деган эди.

Ховли бурчагида томга тиркаб кўйилган хонаки, одмигина нарвон бўлиб, деразадан кўриниб турарди.

– Ҳа, албатта... Ҳозир, – деди секин Зухра.

У нарвондан томга кўтарилиб, кўлида каттакон тарвуз билан сал қийналиброк тушди.

Аммо Аҳмад полвон тарвузни думалатиб кўрди-ю, хотинига тиришиб қаради:

– Бошқасини келтир!

– Ҳозир... – пичирлади Зухра. У тарвуз билан томга тирмашиб чиқиб, тирмашиб қайтиб тушгандек бўлди.

Аҳмад полвон тарвузни кафтлари билан сиқиб, эшитиб кўрди:

– Бу тарвузинг ҳам менга ёқмади, хотин. Яхшироқ кара!..

– Хўп бўлади... – деди Зухра ва яна нарвон томонга қараб кетди.

– Ана бу бошқа гап! – деди Аҳмад полвон хотини бу гал тарвуз кўтариб келгач.

Зухра хонадан чиқиб кетганидан сўнг, воқеани кузатиб турган даврадаги йигитлар Аҳмад полвонга ўйчан тикилишди.

– Хотиндан ёлчигансан-да, жўра, – деди эски оғайниларидаан Ҳалим унга. – Бизнинг хотинлар бир мартадан кейин, ёқмаса, ўзингиз олиб келинг, дейди. Уч марта томга чиқартирсанг ҳам миқ этмайди-е! Бундай қошини чимириб, ковоғини ҳам солмайди, афти ангори бирдай...

Аҳмад полвон бошқаларнинг ҳам ҳайратомуз гапларини жим эшитиб, беҳосдан тиззасига шаппатилиб урганча, роҳатланиб кулди:

– Сирни очаверсаммикан, йўқми? – деди сўнг.

– Қанақа сир? – деб ҳайрон бўлишди йигитлар.

– Сенларнинг айтганларинг ҳаммаси тўғри. Хотин гап қайтаришга ўрганмаган, ҳурмат, одобни саклайди, – деди Аҳмад полвон. – Лекин ҳозир бу ерда ундан ҳам муҳимроқ бир нарса бор, сезмадинглар... Ҳамма бало шундаки, томда тарвузнинг ўзи битта эди! – Зухра, эрим дўстлари орасида хижолат чекиб, ўсал бўлмасин, деб биргина тарвузни томга кўтариб чиқиб кўтариб тушаверганди...

Аҳмад полвон анойи эмас, тушунарди: бизнинг бугунги ҳаётимизда меҳру оқибат кўпириб-тошиб, баъзан ачиб-айниб ётганига қарамай, бунақа хотинни қаердан топасан! Бир омад келгандан кейин, юз буриш нонкўрликка ўхшайди...

У ҳар гал қиз тувилганига минг бўғилса-да, қизчала-

рини ҳам ўзича яхши кўрарди. Ишдан қайтганида, улар барабар елкаларига тирмашишганида, бутун чарчоғи таркаб кетарди. Қизчалари бири-биридан чиройли. Аҳмад полвоннинг назарида, уларнинг ҳар бири бир олам севинч эди. Худди гулдек топтаб, ташлаб кетиши мумкинлигини шунчаки тасаввур қилса бас, жигари эзилиб, кўзларида беихтиёр ёш филтиллаб қоларди...

Аммо Аҳмад полвонга биттагина ўғил керак эди! Бу истак вужуд-вужудидан жой олган эди.

Зухра эса кейинги тўрт йилда яна иккита қиз туғди. Охирги қиз туғилганида Аҳмад полвон хотини бу ишларга айбдор эмаслигини билса ҳамки, унга:

– Э, сен ўзи қиз учун яралган экансан, хотин, мени хонавайрон қилдинг! – деб захрини тўкканча, бир хафта аччикланган кўйда кўксини зах ерга бериб ётди.

Зухра Аҳмад полвонни хонавайрон қилмаган тақдирда ҳам, энди унинг барча умидлари барбод бўлгани муқаррар эди. У ўз умрини тиккан мақсадга эришолмай чарчаган, энди нима қилишини билмас эди...

Инсон бундай пайтда тоғдай чўқади. Аҳмад полвон ҳам кундан-кунга чўқа бошлади...

У ҳамон тўй-ҳашамларга бориб хизмат қилар, кураш ҳам тушаверар эди. Лекин унда олдингидек ҳафсала ҳам, кайфият ҳам йўқ эди. Тўйларда келин қанақа, куёв қанақа – унга бари бир: кўчада кимдир аравасига қўшилиб лойга ботиб ётаверсин, кўпинча қарагиси келмас эди. Курашда баъзан йиқилиб ҳам қолаверар, синиқ жилмайиб, четга ўтиб тураверарди.

У энди Аҳмад акага айланган эди!

Буниси майли. Бир хонадонда ўн кишидан тўққизтаси аёл зотидан бўлса, секин-аста уларнинг феълу атоврини юктирмаслик, уларга ўхшаб кетмаслик душвор экан. Аҳмад ака биров билан гаплашиб ўтириб, бехосдан: сизни қарангу ёки ўлиб кетинг-э, деб юборганини ўзи пайқаб қолиб, хижолат чекарди. У хотинига қозон-товоқ масаласида куюниб маслаҳат берар, жаҳли чиққанида, қизчаларини башаранг қурсин, деб койирди... Уйи тўла

қиз, деб ёру дўстлари унинг уйидан бирин-сирин оёк тортишган эди...

Аҳмад аканинг қизлари ҳам ўсиб-улғайиб қолишди. Каттасини тўй-томоша билан узатиб ҳам юборди. Аҳмад ака кўпроқ вақтини заводда ўтказар, ўлдирса – иш ўлдирсин, деб қаттиқ ишлар, шу билан ўзи ўзини ову-тар эди.

Пахта тозаланаётган цехга бир куни унинг ёшлиқдан кадрдон дўсти Фозил негадир ҳовлиқиб кириб келди.

– Идорадан келяпман. Суюнчини чўз! – деди у цех шовқинини босиш учун бақириб.

– Нега? Қанақа суюнчи? – деб сўради Аҳмад ака паришонланиб.

– Катта қизинг Малоҳатмиди?

– Малоҳат...

– Янгам хозир телефон қилибдилар... Кўзи ёрибди. Эгизак. Иккита беш килодан... ўғил!..

Аҳмад ака бир лаҳза қотиб қолди. Кейин, қўлидаги соатини шарт ечиб, Фозилга узатди:

– Мана, жўра! Қолганига қарздорман...

У цехдан чиқа солиб уйига қараб ўкдай учди.

Ҳовлида тўкнаш келган Зухрани дабдурустдан қўлла-рида кўтариб, бағрига олди:

– Мен сени билмаган эканман, хотин. Ўлай агар, билмаган эканман! Сен бир халқа кейинни мўлжаллаб иш қилган экансан... Шунақа қизларим бор, демайсанми?!

У энди яна Аҳмад полвон эди.

ЎҒРИ

– Қизик... эрталаб уни шу ерга қўйгандим, энди қарасам, йўк...

Комилжон паришонланиб, стол устидаги қоғозларни нари-бери сураб, тортмаларни шарақлатиб очганича, қўл суқиб пайпаслар, кейин яна шарақлатиб ёпар эди. У энгашиб, стол тагига ҳам қараган бўлди. Бироқ унинг паришонлиги бари бир ўзгармади.

Хонада Комилжондан бўлак бир аёл, икки йигит бор.

Булар ҳаммаси идорада тенг мавқени эгаллаган кишилар, фақат аёлнинг ёши йигитлардан сал каттароқ эди.

Комилжон ниманидир йўқотгани-ю, энди куюниб қидираётгани аниқ бўлса ҳамки, аёл ундан: «Бирон воқеа рўй бердимиз?» деб сўради. У, афтидан, бу билан ҳамхонаси ниманидир йўқотган бўлса, бундан мутлако хабарсиз эканлигини билдирмоқчи эди.

Комилжон аёлни «опахон» деган маънода «ойтимулло» дерди.

– Э, ойтимулло, бир оз пулим бор эди, – деди у. – Костюм олмоқчи эдим. Конвертга солиб қўйгандим, энди қарасам йўқ...

Комилжон бундан икки соатча аввал бир даста қоғозни кўтариб бошлиқнинг хузурига қўл қўйдириш учун кирганини, бошлиқ ўз хонасида бўлмаганидан қайтиб келганини эслади. У, пул солинган конверт қоғозларга қўшилиб кетгану қабулхонада тушиб қолмаганмикин, деган хаёлда қабулхонага борди.

Котиба қиз машинка ёнида бекор ўтирар, аммо бир нарсани ёзмоқчи-ю, ҳозирча ўшани ўйлаб турган одамдек жиддий эди.

Комилжон котибанинг столи устидаги қоғозларга, унинг хаёл суришига халал бермасликка тиришиб, беозор кўз югуртирди. Кейин, ўшандай беозорлик билан стол тагига оҳиста тикилди.

Қиз уни оёқларимга мўралаб қараяпти, деб ўйлади-ми, ўрнидан сапчиб турди-да, дераза олдига бориб, Комилжонга тескари ўгирилиб олди. У кўчага жилмайиб кўз ташлаётганга ўхшар, афтидан йигитнинг «шўхлик қилгани»дан кўнглида оз-моз мамнун ҳам эди.

Комилжон хонага қайтди ва яна стол устидаги қоғозларни нари-бери суриб, тортмаларни тита бошлади. Унинг: пулни уйда қолдирган бўлсам-чи, қолдирган бўлсаму, хотиним бирон жойга беркитиб қўйган бўлса-чи, деб ўзини ишонтиргиси келарди. Бироқ бу алданишдан бошқа нарса эмасди. У пул эрталаб ёнида бўлганини яхши эслар, уйда ёки хотинининг қўлида эмаслигини биларди. Ўзича, уни худди шу хонада йўқотдим, деб ишонар, азба-

ройи тезрок топгиси келганидан, дам сайин хуноби ошмоқда эди.

Комилжон, пулни ўзим йўқотдим, деб ўйлашдан кўра, хонада уни биров олган бўлиши керак, дея кўпроқ гумонсирарди. У, эри катта бир ташкилотда хизмат қилаётган, бола-чақали «ойтимулло» тўғрисида ҳеч вақт ёмон хаёлга бормас, бундай хаёлга бориш мумкинлигидан ҳаттоки уялар эди. Бу ишни ўзича, рўпара ўтирган икки йигитдан биттаси – Тожибой ёки Шарифжон қилган, деб ўйлар, йигитлардан қайси бири кинғирлик қилганини тезрок аниқлагиси келар эди.

– Қизик... эрталаб шу ерга қўйгандим, – деб яна гудранди Комилжон.

Тожибой уф тортди.

Комилжон стол орқасида катта бир дафтарни варақлаб ўтирган йигитнинг онда-сонда куруқкина «дўстим» деб мурожаат қилишини, камгап эканлигини эслади. Бу йигитнинг кам гапиришини ичдан пишганлик аломати, деб тушунар, қўлидан ҳар қандай ёвузлик келгани учун ҳам пусиб юрса керак, деб ўйларди. Комилжон, гапдон, бир оз эзмароқ Шарифжонни кадрлар, Тожибойга нисбатан бу йигит билан кўпроқ муносабатда бўлар эди.

– Ўзидан-ўзи йўқолмайди, биламан, – деди Комилжон энди кўнглидаги гумонни яширолмай. – Биров олган бўлса, бари бир, насиб қилмайди... тешиб чиқади...

Тожибой яна уф тортди.

«Ким оларди, – деб ўйлади Комилжон. – Шу Тожибой олган-да! Олишга олиб қўйиб, энди виждони қийналяпти!..»

– Кўп куяверманг, ака, топилиб қолар, – деб гап ташлади Шарифжон Комилжонга ҳамдарад эканлигини билдирувчи бир оҳангда. – Пул йўқотиш, албатта, одамни хурсанд қиладиган нарса эмас. Ҳафсала қилсангиз, лекин, ҳар эҳтимолга қарши уйни ҳам бир айланиб келинг, ака...

Комилжонга бу таклиф ўринли туюлди. У шиддат билан ўрнидан туриб, ингичка бўйинини тик тутганча, худди хозир оёғи ердан узиладигану учиб кетадигандек, енгил қадамлар билан яна хонадан чиқиб кетди.

Комилжон кетгач, Шарифжон ўртага чикди. Чанг ўтирган дагал туфлисини тўкиллатганча, хонада нари-бери юра бошлади.

– Пул йўқотиш, албатта, одамни хурсанд қиладиган нарса эмас, – деди яна у. – Маълумки, Комил жўрамиз шу пулни костюм олмоқчи бўлиб йиғиб юрган... Фақат... фақат бир нарса ёмон. Шундай пайтда бу бизнинг дўстимиз, бир жойда ишлаймиз, деб қанчалик куймайлик, буни ё биледи, ёки йўқ. Устига-устак, қайсидир биримизни ўғри, деб ўйлаши мумкин.

Тожибой дафтар варақлаётиб, Шарифжонга зимдан қараб қўйди ва очик дафтарнинг ичига кириб кетмоқчидек, бўйнини қисиб олди.

– Хайриева опа, нима дейсиз, гапим тўғрими? – аёлга мурожаат қилди Шарифжон. Аёл тасдиқ маъносида бош иргитиб қўйгач, сўзида давом этди. – Хўш, агар пул ростдан шу хонада йўқолган бўлса, демак, учовимиздан биттамыз олган бўлишимиз керак... Опа, сиз бировнинг игнасига ҳам олайиб қарамайсиз, биламиз. Менчи? Мен камбағал ўсган боламан, чўнтагимда доим ҳам пулим бўлавермайди, лекин болалигимдаёқ уйда бирор хасни сўрамай олган бўлсам, онам қўлимга урган. Мендан гумон қилиш нотўғри... навбат Тожибойга келди, дейлик... Мен Тожибойнинг қўли эгрилик қилганини билмадим, бу ёғи олган ёки олмаган бўлса, ўзи айтсин!..

Шарифжон сукутга чўмиб, хамхоналарининг фикрини эшитмоқчи-ю, бир хулосага келингач, жойига ўтиб ўтирмоқчидек, хонада яна нари-бери юра бошлади.

– Дунёда яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам кўп. Э, бу дунё! – деб пичирлади Хайриева.

Тожибой миқ этмади.

У очик дафтарнинг ичига энди ростакам кириб кетмоқчидек, баттар бўйнини қисиб олди.

Комилжон Гавкушон минораси остидан ўтиб, Лабиховуз томон пойи-пиёда кетди.

Куз охирлаб колганига қарамай, Бухорода бахордаги-дек хаво мўътадил эди. Одамлар илик қуёш нурларида роҳатланиб, Лабиховузда айланишар, бу ердаги қатор магазинларга тўп-тўп кириб чиқишар эди.

Комилжоннинг хаёлига биринчи навбатда: «Мен бугун ишдан эртaroқ чиқиб, костюм қидирмоқчи эдим, ахир!» деган гап келди. Бундан сўнг эса у: «Пулни Тожибой олган, мен эса бекордан-бекор уйга кетяпман!» деб ўйлади. Уйга бормасдан изига қайтгиси, Тожибойни бўғзидан тутиб, муттаҳам эканлигини айтгиси келди. Бирок шу сонияда «хар эҳтимолга қарши» қабилдаги фикр Комилжонни изига қайтгани қўймади.

Комилжон хотини билан қайнотасиникида турарди. Улар турган ҳовлида иккита хона бор. Комилжонларга тегишли даҳлизнинг ҳам, уйнинг ҳам деразаси кўчага қараган эди. Эр-хотин аҳил кун кечиришар, мана шу деразалар сабаб бўлиб, баъзан ўт чиқишини айтмаганда, уларнинг турмуши ёмон эмас эди. Комилжон ҳар куни эрталаб уйдан чиқаётиб, хотини Олимага насихат оҳангида бундай сўз қотарди:

– Ишга кетаётганингда деразаларни ёпиш эсингдан чиқмасин, жоним... Эшикни қулфлайсан-у, деразалар доим эсингдан чиқади... Биласан, бу томон катта кўча, биров кириб уйни супуриб кетса, ҳеч ким билмайди...

– Уйимизда тилла йўқки, биров ўғирласа!.. Мунча кўркасиз, – дерди Олима бепарво оҳангда. – Иккита қаравот билан тўртта курси бировга керак бўлса, олаверсин.

– Сен ҳаётни билмайсан! – хотинидан ранжиб, қошқовоғини уярди Комилжон. – Содда бўлганингдан, ҳаммани ўзингдай тўғри деб ўйлайсан.

– Майли, ёпаман, эсимдан чиқмайди. Майли... – дерди Олима шундан кейин.

У, Комилжоннинг қуюниши бежиз эмаслигини чуқур хис этгани-ю, эрининг фикрини юз фоиз қабул қилгани

учун эмас, гап кўпайтиришга тоби йўқлиги учунгина шундай дерди. Ўзи эса ишга деразаларни кўпинча очик қолдириб кетаверарди.

Комилжон ховлига яқинлашганида, бугун ҳам даҳлиз деразаси ланг очик қолганини кўрди. У эзилганча ховлига кириб, эшикни очди ва энг аввал деразани беркитиб, илгакларини илиб қўйди. Шу фурсатда беихтиёр, Олима билан жиддийроқ бир гаплашиш керак, деган хаёлга борди-ю, бугун пул йўқотгани боис; хотини олдида айбдорлигини, демак, жиддий гаплаша олмаслигини ўйлади.

Комилжон даҳлиздан уйга кирди.

Хона тўридаги галадон устида адабиётга тегишли китоблардан тортиб, кераклию кераксиз қоғозларгача – хаммаси уюлиб ётарди.

У китобларни бирма-бир очиб кўрди, қоғозларни узок тинтиди. Ниҳоят, уйни кидириб кўришдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигига қаноат ҳосил қилиб, қайтиб ховлига чиқди.

Комилжон эшикни қулфлаб, бошини кўтарганида, рўпарадаги уй остонасида яшил қийикча ўраган қора соколли қайнотасига кўзи тушди.

– Ҳа, доммод¹, чи гап? – деб сўради қайнотаси.

«Пулимни бировга олдириб қўйиб, энди уйдан кидириб юрибман!» деган гап Комилжоннинг тили учиде турарди. Бироқ қайнотасига бу гапни айтса, қайнотаси мийиғида қулиб: «Э, доммод, сиз ҳамин бўшсиз-да!» деб юбориши муқаррарлигини ҳис этди.

– Мен шундай... ўзим... келдим, – деб гудранди у бошқа нима деярини билолмай.

– Ишлар жойигами?

– Тузук... кетяпти...

– Ҳа, яхши... баракалло! – деди қайнотаси.

Комилжонни кўнгли дам тўғри идорага қайтишга, дам хотинига учраб, бафуржа ҳасратлашиб олишга ундар эди.

У дераза олдида анча иккиланиб турди ва ниҳоят, Олимага учрашиш керак, деган фикрга келди.

¹ Доммод – куёв деган мазмунда.

Олима техникумда дарс беради.

Комилжон техникумнинг қизғиш дарвозасидан ичкари кирди. Узун йўлак деворидаги жадвалдан хотини қайси аудиторияда эканлигини аниқлаб, аудитория эшигида дарс тугагини кутиб турди.

Нихоят, кўнғироқ жириглади.

Комилжон эшик олдида дилтанг юрганию беҳос рўпара келгани учунми, Олиманинг ранги докадек оқариб кетди:

– Нима бўлди?.. Гапиринг, бирон нарса бўлдимиз?!

– Йўқ, тинчлик... фақат, биласанми, жоним, пул бугун ёнимда эди, шуни йўқотиб қўйдим.

Комилжоннинг ҳамон, пулни уйда қолдиргандирману хотиним бирон жойга беркитиб қўйгандир, деб ўзини ишонтиргиси келарди. У рўй берган воқеага иқроп бўлишни истамас, хотини ҳозир: «Пул менда турибди-ку!» дейишига кўнглида умидвор эди.

Аmmo Олима Комилжоннинг умидини чипакка чиқарди.

– Қайси пул? – сўради у.

– Костюмнинг пули... Бугун ишдан кейин сотиб олмоқчи эдим.

– Шошилиб нима қилардингиз?.. Шанбами, якшанбами, ўша сабилни бирга бориб олсак ҳам бўлади-ку! – деди Олима ўқиниб. Сўнг эрига антиқа савол берди: – Қандай йўқотиб қўйганингизни билмайсизми?!

– Билсам, йўқотармидим!.. – деб ғудранди Комилжон. – Эсимда турибди, ёнимда эди, кўлимга бир-икки олгандим.

Олима қаерда йўқолган бўлиши мумкин, деб сўрамади. Шундан, Комилжон ҳам унга, идорада йўқолган бўлиши керак, деб тушунтириш бериб ўтирмади.

Шу пайт навбатдаги дарсга кўнғироқ чалинди.

– Энди нима қилмоқчисиз? – деб сўради Олима.

– Нима қилардим, идорага борай-чи...

– Майли, яна қидириб кўринг, йўқолган нарса топилиши ҳам мумкин-ку! – эрига таскин берди Олима. – Мен бирон соатдан кейин уйга бораман...

– Яхши, – деди Комилжон.

У идорага қайтиб, хонага қадам қўйиши билан Хайриева, бошлиқ икки-уч марта сўроқлаганини айтди. Комилжон бошлиққа қўл қўйдириши керак бўлган қоғозларни олиб, шошилганча эшик томон юрди. Йўлакка чиқар-чикмас, котибага тўкнашди.

– Қаерларда юрибсиз? – деди котиба койиш оҳангида. – Сизни Шавкат Муродович сўраяптилар...

Комилжон гилам тўшалган, ялтирок столлару юмшоқ курсилар кўрк бериб турган тоза, озода хонага журъат-сизгина кирди.

Шавкат Муродовичнинг кайфияти яхши эди. У Комилжонни иш пайтида кўча кезгани учун койилади. Бу ҳам етмагандек, Комилжоннинг бошида бир ташвиш борлигини ҳис этган, йигитнинг кўнглини кўтаргиси келган одамга ўхшаб, оталарча меҳрибонлик билан сўрашди. Унинг кўлидаги қоғозларга индамай имзо чекди. Шундан сўнг:

– Эртага пешин пайтида кичкина бир мажлисча ўтказмоқчимиз, – деди Шавкат Муродович. – Сиз шунга пухта тайёрланиб, ўн минутча гапиришингиз керак бўлади. Умуман, идорадаги ишларнинг ахволи тўғрисида икки оғиз сўзлаб, ўзингиз ишлаётган бўлимга кенгроқ тўхтайсиз... Дарвоқе, идорамизга турли ташкилотлардан, жамоатчилик вакилларида келаётган миннатдорчилик хатлари ўз кўлингизда, шулардан уч-тўрттасини мисол қилиб олсангиз, менимча, ёмон бўлмайди...

Шавкат Муродович, ҳамма гапим тушунарлими, дегандек Комилжонга энди тик қаради.

Комилжон бўйнини, елкаларини қисди.

– Мажлисда гапириш қийин иш эмас-ку, лекин ҳозир... – деб пичирлади у.

Ҳозир кўнгилга қил сиғмаяпти, демоқчи эди, ботинолмади.

– Ҳозир бўлимда ишларингиз кўп, биламан, – деди Шавкат Муродович. – Лекин сиз эртага, албатта гапиришингиз керак!.. Сиз гапирмасангиз ким гапиради?

– Бу сафар, мабодо иложи бўлса, Шарифжон... Ўзин-

гиз биласиз, у мендан кўра гапдонроқ. Гапга тўн кийдиради.

– Бу мажлисда тўн-пўннинг кераги йўқ, – деди Шавкат Муродович кескин. – Шуни ҳам билинги, муҳим ишлардан ўзингизни бундай четга тортаверсангиз, ҳеч қачон ўсмайсиз!..

Комилжон яқинда синфдош бир қизни кўчада учратганини беихтиёр эслади. Унга қиз: «Мунча дароз бўлиб кетибсиз!» деб тегишган, қизга эса у бундай жавоб берган эди: «Қарасам, ҳамма одамлар нима жиҳатдандир ўсишяпти. Ўзимнинг бошқа бирон томондан ўсмаётганимни кўриб, бўйга эътибор беряпман!»

Комилжонга бошлиқнинг гапидаги таъкид оҳанги таъсир қилди. Бундан ташқари, у катта бир одамнинг сўзини қайтаравериш одобдан эмас, деб ўйлади-да, бошлиқнинг ўзидан кўнгли совуши мумкинлигидан ҳадиксираб, мўмин киёфада:

– Майли, агар жудаям зарур бўлса... – деб пичирлади.

– Зарур бўлмаса, бу тўғрида чайналиб ўтирармидик!
– деди Шавкат Муродович.

Комилжон бошлиқнинг хонасидан олдингидан ҳам паришон бўлиб чиқди.

У ҳамхоналари ёнига қайтиб, ҳорғин чўкди.

Бу кун бошқа кунларга ўхшамас, хонада ҳамма бирдек мум тишлаган, хомуш эди.

Улар одатда, вақтни гангир-гунгур қилиб ўтказишар, дилкаш суҳбатни, ҳазил-мутойибани яхши кўришар эди. Хайриева кўпинча ўғилчаси Анваржоннинг одамни қулдирадиган ғалати қилиқларидан сўзлар, хали фарзанд кўрмаган йигитлар унинг ҳикоясини қизиқиб, бир оз хавасмандлик билан эшитишар эди.

Бугун ҳамма нарса қутилмаган бир янгиша шамойил қасб этган эди.

Ҳар куни кечга яқин кўшни хонадан жиккаккина оқсоч қария кириб келар, уни бу хонадагилар «тоға» дейишарди. У: «Одамдан дунёда яхшилиқ қолади!» деган гапни кўп такрорлаб, яйраб ўтириб, кимларга қандай яхшилиқ-

лар қилгани тўғрисида гапириб беришни ёктирарди. Қария Хайриеванинг Анваржонини чақалоқлик пайтида бир кўргану орадан йиллар ўтгани, энди Анваржон роппароса бешга тўлганини билмай қолган бўлса керак, Хайриевадан доимо бир хилда:

— Чақалоқ қалай?.. Ўзи юряптими? — деб сўрарди.

Кечга томон хонага, қариядан ташқари, ёши қайтган, хушрўй бир жувон ҳам кадамранжида қиларди. У курси олиб, Хайриеванинг ёнгинасига ўтирар, кейин икки аёл, йигитларни ишдан қолдирмаслик учундир, товуш чиқармасдан, узоқ пичирлаб гаплашишарди.

Хушрўй жувон бугун ҳам хонага кириб, Хайриева билан гаплашиб ўтирди. Аммо бугун уларнинг пичирлашиши Комилжоннинг ғашини келтирди, унга аёллар ўзи тўғрисида гапиришаётгандек бўлиб туюлди.

Йўқ, улар кўп ўтмай, негадир хонадан бирга сирғалиб чиқишди ва Хайриева тез орада хонага юпқа қоғозга ўралган қандайдир нарсани кўтариб кирди.

— Идорага магазин келибди, — деди у хушхол бир кайфиятда.

Тожибой Хайриевага беихтиёр қизиқиб қаради. У бутун кун давомида биринчи марта тилга кириб, магазин билан қизиқсинди:

— Ўзи нималари бор экан?

— Рўзгор буюмлари бор... туфли... кўйлак...

Комилжон Тожибойнинг кўзлари бир дам чақнаганини аниқ кўрди. Уни беҳосдан хаяжон босиб, юраги қаттиқ ура бошлади.

У Тожибойнинг ўрнидан енгил кўзгалишию магазинни томоша қилишга чиқишини жони дилидан истаб, худди шундай бўлишини сабрсизлик билан кута бошлади. Комилжон ножўя деб билса ҳамки, шу дамда Тожибойга эргашиб, у қайси чўнтагидан қанча пул чиқариши, нима харид қилишини кузатмоқчи эди.

Аммо Тожибойнинг кўзлари бир дамгина чақнади, холос. У қалин дафтарни чеккага қўйиб, энди олдидаги қоғозга нималарнидир ёза бошлади.

Комилжоннинг жони ҳалқумига тиқилди. Унга Тожибой уялмасдан ўғирлик қилиб, устига яна туткич бермаётгандек бўлиб туюлди. Аксига магазин келгани бир алам қилган бўлса, пулининг йўқолгани икки алам қилди.

Хайриева Комилжонга юзланди:

– Кўриб келдим, жуда яхши костюм ҳам бор. Хўп десангиз, ҳозир бекорга хафа бўлиб ўтирманг, дугонамдан бир оз қарз олайлик, қўлимдагини қўшса битта костюмга етади.

– Йўқ, ойтимулло, раҳмат, – деди Комилжон. У Хайриеванинг меҳрибонлик қилганидан таъсирланиб, отаси юзига тарсаки тортганида онаси ёнини олган боладек, йиғлаб юборишига оз қолди.

Хонага оксоч қария кириб келди. У қайтиб чиқиб кетаётганида, Комилжон ҳам йўлакка сирғалди:

– Тоғо, сизга бир гап бор эди...

Сўнг қарияни чеккага тортиб, дардини ёрганча, Тожибойга нисбатан қандай чора кўришни маслаҳат солди.

Қария кўзларини пирпиратди. У бир сонияда Комилжоннинг мушқулини осон қиладиган яхшилик йўлини топгандек бўлди:

– Ҳозир сиз хонага кириб, Тожибой билан Шарифжонга, бугун тоғанинг туғилган куни экан, дейсиз. Ярим соат ўтказиб, мен кираман, унгача иш вақти ҳам соб бўлади. Кўчага чиқиб, биттагина шишани бўшатамиз. Мен ўзимни мастликка солиб, Тожибойни қучоқлайман-у, ҳазиллашиб, чўнтақларини текшираман. Ёнидан катта пул чиқса, гап тамом!..

– Сиз бир қучоқлаганда, унинг ҳамма чўнтақларини, бари бир, кўролмайсиз-ку! – деди Комилжон, қариянинг таклифига журъатсизгина эътироз билдириб.

– Ҳаммаси шарт эмас... Тожибой тўғри бола, пулни доим юзадаги чўнтагига қўяди, – деди қария.

– Тўғри бола бўлса пул ўғирлайдими? – деб хафа бўлди Комилжон.

– Ўғирлайди! – деди қария. – Мана, кўрасиз...

Комилжон қариянинг таклифи кулгили, бир оз бачкана эканлигини англаб турарди. Аммо кун бўйи юриб ҳеч

қандай тадбир тополмаганидан, буни ҳар қалай бир чора сифатида қабул қилди.

У ўз ташвиши билан оворалигига қарамай, эртанги мажлисда гапириши кераклигини унутмаган эди. Нутқни кечаси уйда ёзиб келишни мўлжаллаб, қоғоз-папкага идорага келган бир даста хатни солиб қўйди. Стол тортмасини маҳкамлаб, папкани қўлтигига қисди. Шундан кейин қария чизган режага амал қилди. Тожибой билан Шарифжонга туғилган кун тўғрисида гап очди ва ўзи қариянинг кириб келишини кута бошлади.

Қария чизган режа қанчалик кулгили, бачкана бўлса, ўғирликни текшириш ҳам шу қадар кулгили, бачкана чиқди.

Идора олдидаги ошхонада маишат қилишиб, Лабиховуз томон йўл олишгач, қария Комилжонга берган ваъдасига биноан, чиндан ҳам бир неча марта Тожибойни кучоклаб, чўнтақларини кўришга уринди. Бироқ бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Қариянинг кўнглида ишлатилган макрнинг очилиб қолишидан ҳайқиш ҳам бўлса керак, у ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиларди. Ҳар сафар қўлини Тожибойнинг елкасига астагина қўяр, эркаланганнамо лабларини чипиллатиб: «Эй, менинг яхши ўғлим», дерди-да, қўлини елкадан тушираётганида, йигитнинг чўнтақларига секингина тегиб ўтарди. Тожибой эса сиркаси сув кўтармайдиган йигит, худди баданига совуқ бир нарса теккандек силтанар, тўнғиллаб: «Суйкалманг, тоғо, аччиғим келади!» дер эди.

Комилжонда «ўғирликни текшириш» жиддий тадбирдан кўра шунчаки дилхушлик учун ўтказилган ўйиндек таассурот қолдирди.

Кўрилган чорадан чиққан натижа шу бўлдики, уйга у бугун ҳар кунгидан кечроқ ва устига-устак, ичиб қайтди.

* * *

Олима эрига лом-мим демай, дастурхон ёзди. Таомни келтириб, уни дастурхонга таклиф қилди.

Комилжон ўзини қанчалик мажбурламасин, томоғидан овқат ўтмас эди.

– Олинг...

– Э, кайфият... – деди Комилжон беихтиёр.

У, томоғидан овқат ўтмаётганига ичиб келгани эмас, кайфияти йўклиги асосий сабаб эканлигини билдирмоқчи, шу билан ичиб келганини ўзича окламоқчи эди. Бирок кайфият деган сўз оғзидан чиқиши билан хатога йўл қўйганини, аксинча, қўлга тушганини ҳис этди.

– Мен пулни топибсизми, деб ўйлабман. Демак, топмабсиз-да! – деб қўлидаги қошиқни дастурхонга қўйди Олима. – Пулни топмаган бўлсангиз, нимага ичиб келдингиз?.. Пул йўқотганингизни нишонлаш учунми?!

Комилжон елкаларини қисди.

У Олиманинг таъна-надомат тошлари ёғдиришини кутиб, узок сукут сақлади. Аммо Олима бошқа ҳеч нарса демагач, ўзи ниҳоят тилга кирди:

– Бу ишни бари бир шундай қўймайман... Сенга ростини айтсам, пулни Тожибой олган... Эртага ўзим у билан очиқ гаплашиб, қайтиб беришини сўрайман. Бирса яхши, бермаса судга ёзаман.

Олима эрига ана энди таъна тошларини ёғдирди:

– Сиз қачон бундай одамларга ўхшаб яшашга ўргана-сиз!.. Одамлар, билсангиз, аниқ бир фикрга келганидан кейин, фикрим шу, дейди. Аниқ бир ишга қарор қилганидан кейин, шу ишдан гапиради. Сизнинг бўлса, фикрингиз беқўним, қарорингиз йўқ. Хафа бўлманг, тўғриси, мана ҳозир ҳам ўзингиз нима қилмоқчи эканингизни билмай туриб валдираяпсиз...

Комилжон Олиманинг гапини эшитиб, қайнотасининг баъзан: «Э, доммод, сиз ҳамин бўшсиз-да!» дейишини эслади. У, отасининг қизи – Олима айтган гаплар замирида ҳам ўшандай сермаъно маломат пинҳонлигини ўйлаб, суяк-суякларида баёнсиз бир оғриқни сизди.

– Биладан, Тожибой ўғирлаган. Бу аниқ! – деди у, ўзини оклашга уриниб. – Лекин қандай чора кўришни билмаётганим рост, сен буни тўғри айтдинг...

– Суд дейсиз... Суднинг сизга йўқотиб қўйган пулингизни топиб беришдан бошқа иши йўқми?!

Комилжоннинг хаёлига янги бир фикр келди:

– Бу тўғрида ҳозир бориб Жўраев билан маслаҳатлашаман.

Жўраев уларнинг гузарида истикомат қиладиган милиционер эди.

Комилжон хаёлига келган фикрдан илҳомланиб, дархол даҳлизга чиқди. Тошнов олдида чўнқайиб, ичкилик кайфини, хидини кетказиш учун яхшилаб ювинди. Қайтадан кийиниб, кўчага равона бўлди.

Жўраев тўр кўйлак кийган, чирок олдида устарада қирилган бошини сийпалаб ўтирганча, газета ўқимокда эди. Комилжон Жўраевни формада, тунд, жиддий қиёфада эмас, милиционерга ўхшамайдиган ҳозирги осойишта холатида, бемалол, сиқилмасдан суҳбатга тортиш мумкин, деб ўйлади. Унга шунингдек хаёлида айланган чигал масалани Жўраев осонгина ҳал қилиб берадигандек, шу йўсинда, ниҳоят, ўзи ланж кайфиятдан қутуладигандек бўлиб туюлди.

Жўраев Комилжоннинг шикоятини диққат билан эшитди. Бироқ у билан икки оғиз гаплашар-гаплашмас, Комилжон беихтиёр қисиниб, масалани ҳал қилиш Жўраевнинг бўйнига тушмай, ўзининг бўйнида қолаверишини ҳис этди.

– Мен, амаки, бир ишга маслаҳат сўраб... – дея сўз бошлади Комилжон. У пулни идорада йўқотганига шубҳаси йўқлигию гумон ўқи Тожибойга бориб қадалганини айтиб, шундай масалани судга бериш мумкинми-йўқлигини сўради.

– Сиз, демак, ҳамкасбингиз ўғирлаган, деб ўйлайсиз, шундайми? – Комилжон ҳамма гапни айтиб бўлганидан сўнг, худди гапга тушунмаётган одамдек, савол ташлади Жўраев.

– Шундай... ўғирлаган...

– Гапингизга қараганда, ўғирлаганига ишонасиз ҳам.

– Ишонаман! – деди Комилжон қатъий.

– Маъқул, – деди Жўраев. – Энди сиз менга бир нарсани айтинг: пулни ўша, оти нимаиди... Тожибой ўғирлаган деб, нимага ўйладингизу, нима учун бунга ишоняпсиз?

Комилжоннинг назарида, Жўраев қаршисида тикла-

ган иморати эскигина пахса девор сингари бир зарб билан кулаб тушгандек бўлди. У, табиий, асосли савол олда да довдираб қолди.

– Аввал... Ўзим йўқотдимми, деб ҳаммаёкни кўрдим. Топилмади! Хонадаги иккита ҳамкасбим тўғри одам, улар олишмайди, биламан...

– Хўш, Тожибой-чи?..

– Тожибой индамас бир йигит. Пусиб юради, ичидан пишган. Унинг қўлидан ҳар қандай ёвузлик келади.

– Майли, Тожибой ўғри дейлик. Лекин у йигитнинг ўғирлик қила олишига... шундай қилганига кўлингизда далил борми?

– Далил?– ўйланиб қолди Комилжон. – Кўпинча Тожибой стол устига биров қўйган газетани сўрамай олиб кетади... Кашандалар чўнтагидан папиросни сездирмай олиб, дуч келган одамнинг чўнтагига солиб қўяди...

Жўраев мулойим, беозор кулди.

– Булар далил эмас, укажон, – деди у босиқ оҳангда. – Майли... айтинг-чи, дўстингиз бугун, масалан, ўзининг пул ўғирлаганини сездириб қўядиган бирон-бир иш қилмадимми?

– Кун бўйи уф тортди...

Жўраев бу сафар қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Йўқ, биродар, булар далил эмас, – деди у. Сўнг катта, ёруғ кўзларини бир нуқтага ўйчан қадади. – Гап бундай... Ўғирлик жуда ёмон касал... Оталаримиз, узок яшайдиган учта касалликдан биттаси шу, дейишган... Бунинг кўринишлари кўп. Биров кимнингдир уйига кириб, уйни талаб кетади. Бу – ўғирлик! Биров дўконда сиздан ярим сўм ўрнига бир сўм олиб қолади. Буям ўғирлик! Биров қўл учида ишлаб юриб, ҳалол меҳнат қилган одамнинг ҳақини олади. Ёки биров йўқ нарсани бор деб қўл қўяди, одамлар кўзини шамғалат қилиб, давлат мулкени ўмаради. Булар ҳам ўғирлик!.. Лекин сиз менинг, ўғирлик узок яшайди, деганимга, бу мисолларга қараб, ҳаммаёкни ўғри босган экан-да, деб хулоса чиқарсангиз, хато қиласиз. Ўғри битта-яримта, виждонли одам эса юзлаб-минглаб... Хўш, энди судга келсак, суд ўғирликни

каттик қоралаб, ўғрини, шубҳасиз, жазолайди. Умуман, суд тўғрилиққа хилоф бўлган, ножўя ишни кўрса, муҳокама қилишга эринмайди, бемалол ариза ёзишингиз мумкин. Лекин, укажон, олдиндан бир нарсани билиб қўйишингиз керак. Ишни текширган пайтда Тожибой агар ростдан ҳам ўғри бўлиб чиқса, суд уни жазолайди. Аксинча, у ўғри бўлиб чиқмаса, виждонли бир одамга тухмат қилган киши бўлиб, жазосини сиз тортасиз... Тухматчи бўлиб қолмайин десангиз, далил топишингиз шарт!..

Комилжон таниш милиционер ҳузурига эшик тақиллатиб кириб келганида, унинг шикоятни эшитиб, ўрнидан сапчиб туришини-ю, ушла ўғрини, дейишини кутган эди. Энди эса ўзининг суд ҳайъати қаршисида ўтирганини... бир тўп одам ўзига тухматчи деб қараётганини тасаввур қилиб, сесканиб кетди. Мана сизга далил, деб Жўраевга шу дамда нималарнидир гапириб беришни истар, тухматчи эмаслигини тушунтиргиси келарди. Бирок унинг боши ғовлаган, гўё эгаси кўчиб кетган уйдек, хаёлида ҳеч вақо йўқ, кўнглини номаълум бир ғусса чулғанган эди.

Комилжон Жўраевга ташаккур билдирганича, тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга қайтди.

Олима ухламасдан эрини кутиб ўтирарди.

Комилжонга тадбир излаб югурганидан яна натижа чиқмаганини тан олиш ўлимдан кийин эди. Бирок илож қанча, Олимага чор-ночор аҳволни тушунтирди.

– Тожибой олган, биламан, – деди тагин гапининг ниҳоясида. – Лекин... Нима қилишимни билмаяпман.

– Сиз қизиқсиз: биров сизга ўғри бўлиб туюлса, ўғри дейсиз, шайтон бўлиб туюлса, шайтон! Жўраев тўғри айтибдилар, мен билмадим-ку, харҳолда, Тожибой олманган бўлиши ҳам мумкин! – Олима ўйланиб қолди: сал фурсатдан кейин, фикрини босик давом эттирди: – Сиз баъзан одамларга ҳеч бир далилсиз бадгумонлик билан қарайсиз. Хафа бўлманг, лекин, рости, одамларга шундай қараш одатингиз бор!

Комилжон индамади.

Эр-хотиннинг гапи шу билан тугади.

Хона тўридаги стол устида Комилжон бугун идорадан кўтариб келган қоғоз-папка ётарди. Папкани очиб, хатларни кўздан кечириш, эртанги мажлис учун ўтириб нутқ ёзиш Комилжон учун hozir дор остига бориб, бўйнини сиртмоққа тутиб бериш билан баробар эди. У стол олдида бир оз серрайди ва ахийри, нутқ ёзиш бўлса, эрталаб идорага барвактрок бориб, ўша ерда ёзарман, деган фикрга келди-да, ўзини тинчита қолди.

Ўринга кириб, кўрпани бошига тортди.

Олима энди пишиллиб ухлар, бироқ Комилжоннинг назарида, у ҳамон таънакор оҳангда биргина гапни такрорлаётгандек эди.

– Сиз одамларга бадгумонлик билан қарайсиз...

Олимадан бундай таъна эшитганига, бир томондан, Комилжон озор чекди, иккинчи томондан эса хотинининг ҳақлигини бир қадар хис этиб, ўзи-ўзидан ҳам уялган бўлди.

Комилжон, умуман бир умр ўзича, кимдир ниманидир ўғирлаб кетиши мумкин, деб сал бесаранжом яшар, чунки унинг ҳаётида қачондир – чопқиллаб юрган бола кезлари кичик бир воқеа рўй берган эди...

У ярим кечаси шовкин-сурондан уйғониб, кўрпадан бошини чиқарди. Хона ўртасида онасининг қалтираб тургани, отаси бир қўлида лампа чироқ, бир қўлида косов кўтариб, ховлига чиқаётганини кўрди. Комилжоннинг қулоғига отасининг: «Ўғри! Ўғри!» деган овози ваҳимали эшитилди. Ўрнидан сапчиб туриб, отасининг изидан ховлига қандай чиққанини ўзи ҳам билмай қолди.

Ўшанда уруш эндигина тугаган кунлар эди. Бухорода хали янги шаҳар қурилмаган, эски шаҳар бир-бирига улашиб кетган ингичка жинкўчалардан иборат бўлиб, бутун шаҳарни томма-том айланиш мумкин эди.

Комилжоннинг отаси ҳамон бир қўлида лампа чироқ, бир қўлида косов, бир оёқдан иккинчи оёққа оғирлигини ташлаганча, рўпарадаги уйнинг томига тикилар эди.

Комилжон ҳам томга каради. Худди шу фурсатда, у «тўп» этган товушни эшитдию ногахон томда тез, жуда тез юзиб ўтган қора бир сояни кўрди.

– Ўғри!.. Ўғри!.. – деди Комилжоннинг отаси.

Ота шундан кейин: «Агар бу ўғри гузар бошида томдан тушса тутаман!» дея лампа чирокни ҳовли юзида қолдириб, кўчага югуриб кетди. Кейин, вақт сахарга яқинлашганда, хўрозлар қичқиргандагина уйга қайтди.

Ўғрини тополмаган эди...

* * *

Комилжон эрталаб идорага барвақт келди.

Олдига бир даста қоғозни тахлаб, қўлидаги папкани очди, хатлар билан жиддий таниша бошлади.

Унга бир хат одатдагидан хийла оғир туюлди. Орқасини ўгириб қаради.

...яна бир конверт қисқичга омонат илиниб турарди.

МАҲАЛЛАДАГИ МОЖАРО

Ўзи бу бемаъни таклиф Ҳайдар бободан чикди!

Маълумки, қариялар ҳеч вақт ош еб арок ичиш учун чойхонада тўпланишмайди. Баъзан уларни кампирларнинг томдан нари томонни кўрмай бошлайдиган дийдиёси, талаб-даъволари безор қилиб юборади. Бундай пайтда беихтиёр тенгдошлари даврасида бир пиёла чой ичиб, дунё тўғрисида гаплашгилари келади. Секин уйдан кўчага сирғалишади.

Ўша куни ҳам, аслида, шундай бўлган эди.

Исҳоқ Маҳсум билан Уста Мўмин бир ёқдан чойхонага энди қадам қўйишганида, иккинчи ёқдан Ака Муродни эргаштирганча, негадир илжайиб Ҳайдар бобо келиб қолди... Шу ўринда бошқалардан ажратиб, нима учун бу қарияни «бобо» деяётганимизни қисқача тушунтиришга тўғри келади.

Тенгдошлари ёш йигитларга ўхшаб ҳамон костюм кийиб, бўйинбоғ тақиб юришганига қарамай, бутун маҳаллада мана шу биргина Ҳайдар бобо катта сокол қўйиб,

тўн кийганча, бошига фўта ўраб юради. Сирасини айтганда, бир даврага уюшган бу қариялар барчаси шу тахлит кийинишлари мумкин эди, лекин ҳеч кимга сир эмаски, бизнинг ажойиб замондошларимиз узоқ йиллар бўйи бундоқ турки-тароватдаги кишини мулла, муллани эса махлуққа ўхшаган бир нарса, деб билишган. Ҳозир одил ҳукумат такводорларнинг пилигини кўтариб, айниқса, дуч келган қарияга мулла деб зуғум қилманглар, кабилида янгича фикр юритишга ўтаётган бўлса ҳамки, одамлар учун орқага қайтиш анча кийин. Қайси оқсоқолга, бор, соқол қўйиб, уйдан тўнингни кийиб чиқ, кексалигинг билиниб турсин, дейсан. Инсонга ўзига мос кийим ҳам файз бағишлашини ҳаммага бирдек тушунтириб бўлмайди!

Гапнинг индаллоси...

Чойхонада қариялар чой ичишиб, Исҳоқ Махсум билан Уста Мўмин халқаро ахволни бир сидра ўгириб чиқишганида, Ҳайдар бобо ҳалиям негадир илжайиб ўтирарди. Ниҳоят, дўстлари диққатини тортиб, Ака Мурод унинг бикинига туртди.

Ҳайдар бобо аста йўталиб қўйди. Кейин:

– Менда бир таклиф бор, – деди. – Ўзимиз маҳалланинг олди бўлиб қолдик, жўралар. Катта-кичикни бошини силаб, теграмизга йиғиш, йўлга солиш бизнинг вазифамизга киради! Шу важга кўра маҳаллада «Ойдин» деган янги бир мукофот таъсис қилсак. Энг яхши, халқпарвар, виждони пок одамга йилига бир марта шу мукофот бериб борилса...

Исҳоқ Махсум билан Уста Мўмин бу гапни эшитиб, бир дам ўйланиб қолишди. Ҳайдар бобога қўшилиб, Ака Мурод ҳам улардан жавоб кутар эди.

Икки қўлни кўкракка қўйиб ҳақиқатга тик қарайдиган бўлсак, ҳозирги замонда нима кўп – мукофот! Адашиб қайси кўчага кирма, қаршингдан фалон мукофот олган киши чиқади! Кичик бир маҳалланинг ўзича яна мукофот таъсис қилиши шарт эканми?! Лекин... лекин...

Шу фурсатда Ҳайдар бобонинг соқол қўйиб, чинакам мўйсафидларга хос кийиниши қандайдир аҳамият касб

этди. Бошқа биров эмас, китобларда расми босилган Муқимий, Фуркатларга ўхшаш улугвор қиёфадаги бу одамнинг кутилмаганда ўртага ташлаган таклифига жавобан Исхок Махсум билан Уста Мўминнинг терсайиб «йўқ» дейишга юзлари чидамади. Бундан ташқари, умуман, ҳозирги кунда ҳар қандай таклиф кишини ҳаяжонга солади. Одамларимиз шунга ўрганиб қолишган! Исхок Махсум билан Уста Мўмин ҳам хом сут эмган банда. Бир дам ўйланиб тургач, ҳаяжонланиб, бу гапни қаёқдан толдингиз, баракалла, деб юборишди.

Дарвоқе, маҳалла қўмитаси чойхонанинг ўзида эди. Қариялар ўринларидан сапчишиб, одам кўп йўламайдиган ичкаридаги хонага йўналишди: қўлларига қоғоз-калам олиб, дарҳол ишни режалашга киришишди.

Мулоҳазага берилмай масалага жўнрок ёндашса, тан олиш мумкин: ният эзгу эди! Одамийликни шарафлаб, катталар мисолида ёшларга таъсир қилиш, уларни тарбиялашга нима етсин! Инсоф юзасидан, яна бир нарсани айтиш керак: кўнгилдаги содда ниятни энди албатта амалга оширмақчи бўлиб кимирлашга тушган тўрт қариядан ўша куни ҳеч ким, шу ишни ташкил қилсак, ўзимиз ҳам курук қолмасмиз, деган шум хаёлга бормаган эди. Улар бундай тубанликдан йирик кишилар эди!

Қариялар бутун маҳалладаги одамларни бирма-бир кўз олдиларига келтиришиб, шошмасдан яқин беш йилга мўлжалланган бир рўйхат тузишди. Беш кишининг исми шарифини бундай тартибда қоғозга тиркашди:

- | | |
|---------------|--------------|
| 1. Мирҳосил | 4. Қаямжон |
| 2. Абдужаббор | 5. Истам ака |
| 3. Кимсан ота | |

Йўқ! Ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандек кетаверади, биз назорат қилиб турамыз, деб ўйлаб қариялар каттиқ адашишган эди.

Улардан ким оғзидан гуллагани маълум эмас, ўша куни ёқ, орадан икки соат ҳам ўтмай, бутун маҳалла мукофотнинг хидини билиб, аллақандай ғимирлаб қолди. Пичир-пичир, шивир-шивир... Ўша кундан бошлаб, маҳаллада четдан кўз

илғамайдиган ажиб бир можаро кўзгалди. Ким экан энг яхши, халқпарвар, виждони пок одам, бир кўрайлик-чи!..

Шу ҳафтанинг охирги куни чойхонага Жўрақулов деган олим кириб келди. У қариялар билан қуюк сўраш-гач, бундай гап қилди:

– Яхши бир ишни бошлапсизлар, отахонлар. Менга ёқди! – Кейин, хайъатга ўзини қўшган алфозда дардини ёрди: – Биринчи мукофотни Ҳошимжон акамга берсак, олармиканлар? Арзимаган нарсани бериб мени камситибсизлар, демасмиканлар? Хафа бўлмасмиканлар?!

Ҳошимжон ака катта бир идорада каттагина мавқе эгаллаган, аммо бурнидан қурт ёғадиган бетамиз бир киши эди. Жўрақулов чойхонадан чиқиб кетгач, қариялар эн-салари қотиб, ташвишланиб, узок машварат қилишди. Боягидек одамга бу мукофотни бериш – жиноятга тенг! Бермасанг, қиш ўртасида ўн кун иссиқ сувни боғлаб ташлаш ёки тўй қилаётганингда уч кун чирокни ўчириб қўйиш қўлидан келади! Тўртта қариянинг касрига бегунох халқ-ка жабр бўлиши аниқ. Қандай йўл тутмоқ керак?!

Қариялар ғуссага чўмиб, хаёлга толиб, илож-ноилож, биринчи мукофотни шу лаънати олса олсин, бундан сўнг ҳар кимга беравермаймиз, деган гапни маъқул топишди. Бироқ шу билан можаро тинди, деб ўйлайсизми?!

Бу дунёда мен ёмонман, мен виждонсизман, дейдиган одамни учратиш кундуз куни осмонда юлдузни кўришдан ҳам мушкул экан! Дунёда, мен олганимни олганман, бўлди, дейдиган одамларни ҳам баъзан кундузи чирок ёқиб кидиришга тўғри келар экан!.. Олдинлар одам кам кирадиган чойхона кундан-кун арининг инига айлана бошлади. Хали Ҳошимжон акага мукофотни бериб-бермай, ўзи келиб ялтокланиб мукофот сўрайдиганлар, талаб қўйиб, дўк урадиганлар пайдо бўлишди! Икки ҳовлиси бўлатуриб, беш хонали уйни қўлга киритган Рўзимат ака дейсизми... Бир умр етим болалар нонини туя қилган Комилбой дейсизми ҳамма мукофотга даъвогар эди! Иш шу даражага бориб етдики, хатто - Кулмат дўкондор кўтара савдога ўтиб, қарияларга оппачик, менга сенларнинг юз сўм пулинг керак эмас, обрў учун берасанлар, бўлмаса эртадан дўконни очмайман, деди!..

Кунга тун уланиб, шу тахлит мўлжалланган беш йил хам оркада қолди...

Бир куни бошдан-охир барча машваратларда оғзига сув олиб миқ этмай ўтирган Ака Муродга бехосдан тил битди.

– Хўш, энди янги рўйхат тузамизми? Бу ёғи мукофотни нима қилдик?! – деди у мазах аралаш бир оҳангда. Кейин юмшаб, қўшиб қўйди. – Олдинги рўйхатдан бир кишига берайлик, ақалли. Уят бўлиб кетди.

Мулзам кўйда ўтирган Исҳоқ Махсум билан Уста Мўминга, айниқса Ҳайдар бобога жон кирди. Уларга шармандаликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли шу бўлиб туюлди.

Қариялар кўчадан ўтиб кетаётган боладан исм-шарифи рўйхатда биринчи турган оддий муаллим – Мирҳосилни чақиртиришди.

Кўп кутдирмай, Мирҳосил чойхонага кириб келди.

– Бизнинг кичик бир мукофотимиз бор, эшитгандирсиз, – деди Исҳоқ Махсум салмоқлаб. – Шуни бу йил сизга бермоқчимиз!

Мирҳосил катта бир мактабда дарс берса ҳамки, hozirгача кўп ақлли гапларни эшитган қарияларга ўта хашаки гапни айтди:

– Мен доим кўнглим буюрган ишни қиламан. Мукофот олиш учун ҳеч иш қилганим йўқ.

– Шунинг учун ҳам сизга беряпмиз-да! – асабийлашиб, тўнғиллади Ҳайдар бобо.

– Бунақаларга у берилмайди, шекилли... Мен ололмайман!

Шундай деб, Мирҳосил чойхонадан этак силкиганча қайтиб кўчага чиқиб кетди.

Қариялар гангиб-паришонланиб қолишди. Улар буни кутишмаган эди.

Энди нима қилиш керак?! Ишни эски тартибда олиб бораверган маъқулми ёки тўхтатган маъқулмикан... Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмасди!

(Сиз қандай маслаҳат берасиз, биродарлар? Фикрингизни бизга ёки қарияларнинг ўзига ёзиб юборолмайсизми?! Уларнинг манзили: Кунжут маҳалла, тупик Чорпоя, уй рақам 15...)

ЗЎРАКИ ЖОСУС

Бу аслида бўлган воқеа. Лекин сал умумлаштирилган. Сал бўёқ берилган. Фарс, деймиз-да.

Акмал Мажид япон жосусини суратга олмоқчи эди. У елкасида фотоаппарат, жосусни қидириб, ингичка сўқмоқдан тоққа кўтарилиб борарди.

Бир тўп бола рўпара келди. Улар ўйнаб юришарди.

– Болалар! Япон жосуси қаерда туради? Билмайсизларми?

– Биламиз, – деди болалардан каттароғи. – Жосус бобо хув тепада. Тик чиқаверинг. Кейин ўннга юрасиз. Кейин чапга.

Акмал ҳориб-толиб анча йўл босди. Сўқмоқ – чувалган аркон: тушуниб бўлмасди. Тугун кўтарган икки аёл кўринди.

– Опажонлар! Менга япон жосуси керак. Танисанглар...

– Жосусни ҳамма танийди, – деди бўйи пастроқ аёл. – Ҳали бир оз юрасиз.

– Бу ёғи яқин, – деди улардан новчаси. – Уйи йўл устида. Уйда ётган бўлса, тутиш мумкин.

Терга ботган Акмал яна юрди. Юраверди. Бир маҳал... кутилмаганда:

– Тўхта! Қаёққа кетяпсан?!

Каттакон харсанг ортида кекса, ориқ бир киши кўзлари бақрайиб, милтиқ ўқталиб турарди.

– Ассалом алайкум, отахон. Япон жосуси керак эди.

– Унга нима ишинг бор?!

– Кўриб гаплашмоқчи эдим.

– Нега?!

– Сиз унинг қўриқчисими? Ўзига айтаман, – деди Акмал.

– Жосус мен бўламан! Яқинлашма, бола. Отаман.

– Мен гаплашишим шарт. Суратга олмоқчиман. Буюришган.

– Суратга тушмайман, – деди ориқ киши. – Сени уйга ҳам киритмайман.

– Ҳар кимнинг вазифаси. Отсангиз, отинг! – Акмалнинг овози титраб кетди. – Мен ўзи етим ўсганман. Бир пайтлар отам қамоқхонада ўлган.

Жосус ўйланиб, бўшашди. Кўлидаги милтикни туширди.

– Юр, ундай бўлса...

Улар қоя пинжидаги тош бир кулбага киришди.

– Сенинг отанг ҳам жосусмиди?!

– Мен қаёқдан биламан. Кечаси олиб кетишган.

– Биз ўз оёғимиз билан борганмиз! – деди қария.

У чой кўйди. Қумғонда чой дамлаб келиб, дастурхон ёзди. Нон ушатди.

– Мен йигирма ёшда эдим, – деди ниҳоят. – Раисликка кўйишди. Қама-қама авжига минган йиллар. Бир куни «орамизда бўлган тўртта душман»ни тутиб, туманга жўнатишимни буюришди. Бизга норманинг ўзи тўрт киши экан! Ўз кучларинг билан жўнатасанлар, деб тайинлашди. Менинг бошим қотди. Тоғдаги кичик бир қишлоқда тўртта «душман»ни қаёқдан топаман?! Аммо ёш, дадилман. Улар ким, қанақа душман, деб сўрадим. Душман сизларда уя қурган, улар япон разведкасининг агенти, жосус, дейишди. Ватан, халқ талаб қиляпти, дейишди. Ўша пайтга қадар япон деган гапни эшитмаганмиз. Билмаймиз. Буйруқни бажармасдан илож ҳам йўқ... Идорага бор одамни чакирттирдим. Кенгаш курдим. «Кимни юборамиз, оқсоқоллар?! Нима қиламиз?!» Униси у деди, буниси бу деди. Талашиб-тортишиб, уч кишини кўпчилик танлади. «Мамарайимни ҳеч кими йўқ, борса борсин. Қосимбек болаларидан қутулган. У ҳам борсин. Ҳамиджон ўн бир кишилик оиладан бир кишини беради. Бўлмаса, ўзи боради». Қисқаси, бошқа одам тополмадик. Учта чолни қабатимга олиб, бори шу, деб туманга тушдим. Тўртталамизни ҳам тутиб, камашди. Энди у ердаги савол-жавобни кўрсангиз... Сизлар бошқа авлод, япон ким, хунари нима, тушунсанглар керак?!

– Японлар қатта халқ, – тилга кирди ҳикояни то шу дам жим тинглаб ўтирган Акмал Мажид. – Мен кўп учрашганман. Дўст-ошна орттирганман. Улар билан ҳозир мамлакатимиз ҳамкорлик ўрнатган. Қурилишлар, корхоналар...

– Баракалла, – деди жосус. – Бизнинг аклимиз етмайди. Ўшанда «соқов бўлиб» турганимиз учун бошимизга не азобларни солишмади. Уриб-тепишгани, оч қолдириб, қорларда судратишгани ҳолва... Ёнимдаги чоллар бегона бир ерларда ўлиб кетишди. Ҳамқишлоқларга кўрган-кечирганларимни айтдим. Шундан буён лақабим Япон жосуси... Ана шу кулбада умрим ўтди. Ов билан тирикчилик қиламан... Мени суратга олма, болам... Менинг ўзи фақат суратим қолган...

ТАНИШЛАР, БЕГОНАЛАР...

Улар – тўрт киши эди.

Уч йигит ва бир қиз.

Ҳар ердан келиб, ҳар хил ўқишга киришган эди.

Лекин ўша пайтда танишишган.

Йигитлардан Абдумалик – омадсизроғи эди. Юрагининг аллабурчида буни ўзи ҳам билгандек, сал асабий, кескин, токатсиз эди! Унинг отаси қариб қолган эди. Мажруҳ эди. Ўқишга келаётганда, мен ёрдам қилолмайман, ўғлим, сенга қийин бўлади, деган эди. Аравангни ўзинг тортишинг керак, деган эди.

Абдумалик ўқишга «зўра илинди». Билими йўқлигидан эмас. Имтиҳонда домлалар келишиб олгандек, бир бошдан унга тирғалишганидан! Омади йўқлигидан! Уни нафақа ва ётоқхона бермаслик шарти билан қабул қилишди.

Маълум муддат оч-наҳор кун кечиргандан кейин, ўз ихтиёри билан ўқишни кечкига ўтказиб, заводга ишга кирди. Амал-тақал қилиб яшаб юрган эди, кутилмаганда ҳарбий хизматга чақиришди. Аскарликка кетди.

Унинг ёшлик йилларидаги ҳаёти асосан шу эди.

* * *

Аммо дунё кизик экан.

Уч йигитдан – Ҳобилга ҳам, Қобилга ҳам эмас! – унга ўша даврда бутун кулфатларга зид, катта бир бахт насиб қилган эди. Шамсия деган қиз билан – шахсан у тил топишган эди. Икки ёш қисқа вақт ичида ҳатто аҳди паймон қилишга ҳам улгуришган эди.

Ана, энди хизмат бурчини ўтаётиб, Абдумалик гоҳ ота-онаси, гоҳ Шамсияга, гоҳ таниш йигитларга хат ёзиб, булардан хат олиб турар эди.

Тегирмон бир маромда айланаётиб, Худойим! –
хаёт унга яна бир зарба берди.

Қобилдан хат келди. Ҳол-аҳвол сўраб, ўз тирикчилиги тўғрисида ҳикоя қилгач, Қобил бундай деб ёзган эди:

«Абдумалик! Азизим!

Бир гапни сенга билдирмоқчи эмасдим.

Дўст бўлганимиздан, эзилиб кетдим.

Ичимда сақлаб туrolмаяпман.

Шамсияни айтаман! У сен ўйлаган

қиз эмас экан! Муносабатингга арзимайди.

Ҳобил билан дўстлашиб, бирга судралиб

юришибди. Эй майли, кўнглингга олма.

Дунёда қиз қуриб қолгани йўқ. Тушунасан.

Ўзингни асра!

Шу...»

Хатни ўқиб, Абдумалик аввалига саросималанди.

Қобилга ишонмади. Миясига қурт тушибди, деб ўйлади.

Ўзидан ҳам, Қобилдан ҳам норозиланди, холос.

Бирок кейин аста-аста хатдаги сўзлар унга «юкди».

Шамсиянинг кун-тун дераза олдида ўтирадиган қиз эмас, эркин, ҳаракатчан – бир оз нотинч эканлигини эслади. Ҳобил билан у ижара уйда бирга турган эди. Ҳобил унга ўхшаб ночорликдан эмас, аксинча, бемалол яйраб юриш учун ижара уйни танлаганди! Чўнтагида ақчаси бор, чиройли. шўҳ, хар қандай қизни «эритадиган» йигит бу! Ҳобилнинг туриш-турмуши ҳам Абдумаликнинг ёдига тушди. Қобил ҳақиқатни ёзганга ўхшар эди.

Нима қилганда ҳам хиёнат юз берган эди.

Ўзбек деганингиз танг шароитда ҳеч қачон йигитдан айб изламайди. Қиз болани, аёлни айблаш эскидан конимизга сингиган! Ҳаво айниса ҳам аёл – айбдор! Офтоб куйдирса ҳам аёл – айбдор!

Абдумалик Ҳобилдан ортиқча ўпкаланмади. Йигитда! Гунажин кўзини сузмаса... Ҳобил ёзган бир-икки хатни

ўқимамай йиртиб ташлади. Хобил билан фақат ўз муносабатини тугаган, деб ҳисоблади. Шуниси етарлидек эди!

Унинг бутун алам-нафрати Шамсияга қаратилган эди. Қобилдан, бўлган гапни менга аниқроқ ёз, деб сўради. Қобил олдинги хатдаги мазмунни бошқа бир сўзлар билан ифодалаб, жавоб ёзди. Бу хатда оғайниси унга янада кўпроқ далда берган эди.

Абдумалик эса баттар ўт олган эди.

У Шамсия ёзган хатларга жавоб қайтармади. Яна хат келгач, аччиқ-нордон кўйда, тошингни термайсанми, қизча, қабилида икки оғизгина жавоб қилди.

Абдумалик ўзидан Шамсияни ҳам узиб ташлаган эди!

Лекин унинг ғазаби қаршисида бу – шунчаки, арзимаган ҳаракатдек эди. У ўзини қўйишга жой тополмаётган эди!

Шу кунлар, аскарликка кўтариб келган биргина китоб – Шекспир драмаларини Абдумалик қайта-қайта ўқир, айниқса Алданган Ҳабаш иқрорини ўзининг дил сўзларидек ёдлаб, у ҳам хилват-хилватда девонавор инграниб, пичирлаб юрар эди:

*Шамни пуфлай. Шамни пуфлай. Хўш, ундан кейин
Ўчирсам-у, порлоқ шамим, бўлсам пушаймон, –
Сенинг бу шуълангни қайтара оламан. Ёндира оламан!
Аммо сенинг ўтинг ўчса, эй нозик малак,
Табиатнинг кўрки учун ўрناق бўлган тан! –
Сенинг бу шуълангни қайтармоқ учун
Қайдан олай АБАДИЯТ Алангасини?!*

Хўрсиниб қўйиб, олдингисидан ҳам паст товушда, шивирлаган бўлиб, давом этар эди:

*Гулни узиб бутогидан, унга қайтадан –
Яшнаб-яшаш хосиятин бера олмайман...*

Абдумалик – аскар эди!

Кўлида милтик бор эди!

Мабодо шу кунлар Шамсия яқин ерда, рўпарада бўлса, у отиб ташлашга тайёр эди!

Албатта, қизни отиб ташлагач, ўзини ҳам маҳв этишга тайёр эди!

Алданган Ҳабаш!

Дунёда бако бўлмаганидан, куннинг ранги ўчаверади.
Умр ўтаверади.

Абдумалик ҳарбий хизматни ҳам тугатди.

Қайтиб келди.

У олдинги даврадан Қобил билан кўришиб турар эди.

Назарида, Қобил ёмон йигит эмас. Лекин бир оз феъ-
л тор. Босган қадамида фойда-зиёнга қарайди! Бунни сез-
гач, Абдумалик Қобилдан ҳам совий бошлади. Бунинг
устига, Қобил Абдумалик кўрган бахтсизликнинг гувоҳи
эди! Гувоҳни эса ҳеч ким эркалаб, ёнида тутгиси келмайди!

Шундай қилиб, бир-бирини топган тўрт киши – ҳар
ким, ҳар ёққа таркаб! – бир-бирини йўқотди.

Абдумалик тўғри заводга қайтган эди.

Ўқишни битирганидан сўнг ҳам шу ерда қолди.

Иши яхши эди. Обрў-эътибор топди.

Уйланди. Бола-чақа.

Турмуши тинч эди. Лекин унинг кўнглида бари бир,
аёлларга нисбатан бир адоват сақланар эди! Аёлларни
ичида ёмон кўрар эди.

Орадан анча йиллар ўтди...

Бир куни Ҳовос поездига минди.

Сирдарёга кетаётган эди.

Вагонда одам сийрак эди.

Бўш жойда ўтирса ҳам бўларди-ку, негадир у бир аёл
қаршисига бориб ўтирди.

Ўрнашиб олгач, бошини кўтариб қаради-ю...

Тўғрироғи, олдин аёл унга тикилаётганини пайқади.
Кейин бошини кўтариб қаради. Қараса...

Шамсия!

Бир кунлар очилган-яшнаган даста гул қани?!

Абдумалик кўриб турган Шамсия озган-чўккан, хор-
гин, хунуклашган эди! Худо кечирсин, Шамсияни таниб,
у биринчи навбатда: «Бунга вақтида уйланмаганим ҳам
дуруст бўлган экан! Ўз хотиним минг чандон яхши!» де-

ган худбин хаёлга борди. Индамай-сўзлашмай, туриб кетишни ҳам ўйлади. Аммо одобми, қизиқиш хиссими уни ўрнига михлаган эди.

Инсон шундай яралган-да! Шамсияга тикилиб, унинг бу аёлга қандайдир раҳми ҳам келди. Шамсия хаётда жуда кўп азобларни бошидан кечиргандек туюлдими?! – ҳарҳолда, Абдумалик аёлга тикилиб, ўзи қаердадир эшитган шундай сўзларни ҳам эслади:

Эркак – сув бўлиши мумкин.

Шамол бўлиши мумкин.

Ҳатто офтоб бўлиши мумкин.

Лекин дарахт – Аёл!

*Илдизи Ерда, шохлари вазмин-гарон –
Бир дарахт...*

– Тинч юрибсизми?! – деб ниҳоят сўз бошлади Шамсия. – Дўстим!

– Мен сизнинг дўстингиз эмасман, – деди истехзо билан Абдумалик. – Биз дўст бўлмаганмиз! Сизнинг дўстларингиз бошқа.

– Бошқа? Ким экан?!

– Ҳобил-чи?!

– Ҳобил?! – энтикди Шамсия. – Ҳобил дўст эди. Сизнинг дўстингиз! Тоза, беғубор инсон... Қобил унга ўхшамайди. Қобил дўст эмасди. У менга шилқимлик қилган эди. Мен унинг юзига тарсаки тортган эдим! Сиз эса ўшанда, менинг юзимга тарсаки тортгансиз...

Абдумалик котди-қолди.

Не савдолар бошингга тушган?! –

Қамрай олмас ҳаттоки хаёл.

Аёл! Сенга кўп бўлди душман,

Сенга кўпдир душманлар, Аёл!

Абдумалик Шамсиянинг айтганларига парво қилмай, ишонмай кетаверишга ҳақли эди. Вақт ўтгач, гапираверади-да! Биров текшириб, аниқлармиди?!

Бироқ у ич-ичида воқеа айнан шундай бўлганини ҳис этди!

Шундан кейин, кизик бир холат рўй берди.

Абдумалик бошини чангаллаган эди.

Қараса...

Поезд олдинга эмас, нечундир оркага, шиддат билан кетяпти!

Кетяпти!

Яна қараса...

Шамсия – бир пайтлардаги киз! Ўша. Бир даста гул!

Ўзи ҳам – ўша пайтдаги. Ёшгина йигит!

Поезд кетяпти. Кетяпти.

У:

– Шамсия! Шамсияжон! – деб тиз чўкди.

Қўлларини чўзди.

Қараса...

Шамсия йўк!

ҚАРИ ТУТ ОСТИДА

Бу болалар – безори эмасди. Мева-чева теришга ёрдам бергани қишлоққа келишган эди. Аммо икки кун сурункасига ёмғир ёғиб, ер жикка лой бўлганидан, улар бекор қолишган эди. Ва бекорчиликдан, минг йил демаганда ҳам, тахминан тўрт-беш юз йил умр кўрган тут остида тўпланишган эди.

Болаларнинг нияти ҳам безорилик қилиш эмасди. Улар вақтни хушчакчақ ўтказишмоқчи эди, холос. Болалар бирон бемаъниликни хаёлларига келтиришмаган эди, бугун офтоб чарақлаб турганидан, хайбатли соябон тутган дарахт остида узун бир арконни у ён-бу ёнга тортиб замонавий-маданий ўйин билан машғул бўлишмоқчи эди.

Дастлаб бир оз шундай ўйнашди.

Кейин улардан кимдир:

– Чарчадик. Нафас ростлаб олайлик! Бизни зериктирмай, Ориф хикоя айтсин, – деди.

Ориф болалар орасида кўп нарсани эшитган, кўп ўқиган, анча билимдон эди. У баъзан соатлаб турфа хикояларни гапириб берарди! Лекин уйда унинг касал онаси колган эди. Кеча овқатга бораётиб, кўлидаги коса тушиб

синган: шундан буён кўнгли алланечук гаш эди. Нима қилганда ҳам шу палла Ориф одатдагига ўхшаб хикоя айтишни истамас эди!

– Хикоя йўқ. Айтолмайман, – деди у.

Аслида, ҳозир ундан буни қатъий талаб қилиш тўқ одамни овқат ейишга ёки оч одамни овқат емасликка мажбур қилишдек бир гап эди! Болалар унинг хоҳишига қарашлари, уни тинч қўйиб, қандайдир бошқа машғулот топишлари керак эди. Инсон эмас, оддий бир қушни ҳам зўравонлик билан сайратиш мумкин эмаслигини улар тушунишлари керак эди! Бироқ болалар, Ориф табиатан мулоим-беозор эканлигидан, у билан ҳисоблашгилари келмадими, у ўзини тарозига соляпти, деган юзаки тасаввурдан нарига ўтишолмадими?! – ҳар қалай, қутилмаганда асабийлашишди. Иззат-нафси оғригандек, қизариб-бўзаришди.

– Айтсин! – тўнғиллади Маҳкам.

– Айт! – талаб қилди Латиф.

– Айтасан! – дағдағани бошлади Саттор.

– Айтолмайман! Айтмайман! – деди Ориф.

Бу кулгили, аҳмоқона ва аянчли бир ҳолат эди.

– Кўрамиз-да! – ғудранди Латиф.

– Кўравер! – деди Ориф. У ўртоқларини қолдириб, ётоққа қараб кетмоқчи бўлди. Аммо Латиф билан Маҳкам унинг йўлини тўсиб, икки қўлини тутишди.

– Айтмасанг, дарахтга боғлаймиз! – пўписа қилди Саттор.

– Бари бир айтмайман! – деди Ориф.

– Боғла! – деди Саттор.

Болалар Орифни тут ёнига олиб келиб, арқон билан чирмаб боғлашди.

– Айтмасанг, ўт қўямиз! – барчанинг номидан ваъда берди Маҳкам.

– Энди ҳеч қачон айтмайман! – деди Ориф.

Шундай қилиб, мана, ниҳоят, ўйиндан ўт чиқа бошлаган эди!

Бу болалар – илк қарашда, афти ангорлари дуппа-

дуруст, чиройли, интизомли, эзгу намоишда юриб! — каердан, кимдан ёвузликни ўрганишади?! Уйда, ота-оналари шундай тарбия беришадими?! Мактабда, муаллимлар?! Йўқ, албатта! Кўчанинг таъсирими?! Бу ҳам унчалик тўғри эмас... Бошингизни кўтариб, қаранг! Ҳавода нур билан бирга қоришиб чанг-ғубор юзиб юради. Инсон қонида ҳам шу... нурнинг ҳам ўрнини чанг-ғубор эгалламасин учун болалиқдан инсон доим, ҳар қадамда сергак туриши, етти ўлчаб кесгандек иш тутишга одатланиши керак!

Болалар дарахт остига хас-чўп йиға бошлашди.

Ориф китобдаги, кинолардаги қаҳрамонлардек, дарахтга боғланган ҳолда, кўзларидан нафрат чакнаб, мағрур турар эди.

— Гугурт кимда бор?!

— Гугурт...

Шу пайт, қони-жонидаги алам ва норозилик сабаб бўлди-ми, ўзининг ҳақли эканлигига ишончми?! — Худо чексиз бир куч бахш этиб, Ориф кескин силтанди. Арқонни узиб-парчалаб, ўт устидан сакраб, ҳанг-манг бўлиб қолган ўртоқлари орасидан ёриб ўтганча, у дадил ётоққа қараб кетди.

* * *

Бу воқеани энди кимларгадир ҳикоя қилганида Ориф, мени бундан сўнг ҳам кўп марта арқон билан боғлашди, ўт қўйишди, лекин Худо асраб, мен ҳар гал қутулиб кетдим, дер эди...

ДЎСТ КИШИ УЛКИМ...

Уч кундан буён кўчада кетаяпманми, ишда ёки уйда ўтирибманми, қўшиқ бўлиб чиройли куйланган бир ғазал сатри хаёлимда айлангани-айланган:

*Дўст киши улким, ёмон кун
юз ўгирмас дўстидан...*

Ҳатто овқатланаётганимда, телевизор кўраётганимда, ухлагани ётганимда ҳам осойишталик йўқ. Минғирлаб

хиргойи қилмайман-ку, лекин ўша сатр-садо шундок бўғзимда турибди. Худди бирдан куйлаб юборадиганга ўхшайман. У қаердан, нега хаёлимга келди-ю, кўнглимга ўрнашди? – тушунмайман.

*Дўст киши улким, ёмон кун
юз ўғирмас дўстидан...*

Эй! Охирги пайтда бирон дўстим мендан юз ўғирган бўлса, бошқа гап эди. Бу ерда бир маъно бўларди! Худога шукр, кўраётган кунимни ҳам ёмон кун, деёлмайман. Тўғри, иш кўп, ташвиш кўп. Ёш улвайганда, эртадан кеч-гача югур-югур. Бутун хаёт машаққатдан иборат. Лекин бари бир буни ёмон кун, дейишга тил бормайди! Албатта, энди соғлиқ ҳам ўзига яраша. Отдек эмасман. Шунга қарамай, шикоят эриш туюлади. Ёмон кундан Худо асрасин!

Дарвоқе, ҳалиги ғазалнинг кейинги сатри бундай:

*Мунис аҳволин кўриб,
тарки муҳаббат этмангиз...*

Бечора Мунис! У бошига ёмон кун тушиб, аҳволи оғир бўлган, ундан қайсидир дўсти, балки дўстлари юз ўғирган, тарки муҳаббат этган экан-да.

Буюк Мунис қаршисида мен (ожиз бир банда)га аксинча, яхши, фидойи дўстлар буюрганига шукрона келтиришим керак. Охирги пайтда дўстларимдан биронтаси тарки муҳаббат этгани (меҳр кўргазмай кўйгани)ни эсламайман. Умуман, дўстларим доим – беихтиёр кескинлик, кўполлик қилган дамларимда ҳам! – мендан ўз меҳри, эътиборини дариг тутишмагани диққатга сазовор ҳолат.

Дўстим Ҳайдар билан орада шундай воқеа ўтган:

Ташкилотимиз томондан менга мукофот берилган эди. Бу тор доирадаги гап бўлса-да, Ҳайдар уйга кўнғирок қилди. Ёнида икки оғайни, табриклагани «бостириб» келаётганини айтди.

Мен бош устига, дедим. Хотин дастурхон тузади.

Улар гул ва шиша кўтариб келишди.

Олдиндан кайфлари бор эди. Аниқки, бизнинг уй-мизда яна ичилди.

– Сен тўғрингда икки оғиз сўз айтмоқчиман, – деди кутилмаганда Ҳайдар. – Бекани чақир, у ҳам эшитсин!

Биз, йигитлар ичиб ўтирган хонага аёлимни чақиришни истамадим. Ўзимни эшитмаганга олиб:

– Гапиравер! – дедим.

– Бекани чақириб чик, – деб қайтарди Ҳайдар, афтидан, мени тушунмади, деган хаёлга бориб. – Оиланг ҳақида сўзим бор!

Унинг нияти холис, у менинг оилам қандай ажойиб оила эканлиги ҳақида нутқ ирод қилмоқчи эди! Минг йилдан буён Ҳайдарни биламан. Тўғри, халол, кўнгли пок йигит. Меҳмон икки оғайнимизга ҳам бадгумон караш ортиқча. Бизда ҳеч ким эгри кўнгил билан бировнинг уйи остонасидан кечиб, кўзини лўқ қилиб ўтирмайди! Мабо-до хотиним уйга кириб, Ҳайдарнинг кўнглидаги тилакни эшитса-да, кейин чиқиб кетаверса, табиий! – осмон узилиб ерга тушмасди. Эркак ва аёл айниқса тенг экан, буни бемалол эп кўриш мумкин эди! Лекин...

Масалан, Фарба эркак хотинини дўсти билан уйда қолдириб кўчага, ишга ҳам кетаверади. Буни оддий ҳол деб билиш қон-қонига сингиган. Шарқда эса одобнинг ҳамма бир хилда кўрган-кўрмаган кўчаси кўп. Буларга гоҳ ақл, гоҳ туйғу билан кирасиз. Менга Ҳайдар одобни унутгандек туюлди.

– Кайфинг ошибди, оғайни, – дедим. – Ҳозир сўзнинг кераги йўк!

Бу – суҳбат тугади, деган маъно ҳам касб этган эди.

Ҳайдар тушуниб, ўрнидан турди.

Икки оғайни ҳам хайр-хўшлашишди.

Беш-ўн кундан кейин, Ҳайдар билан учрашганимизда, содда, беозор сўради:

– Ўша куни ўзи нима бўлди?

– Кайфинг ошиб қолди, – дедим.

– Менимча, уйдан хайдайдиган даражада ошмаган эди, – деди у сал ўпқаланиб.

Гарчи кескинлик, кўполлик қилиб, чиндан уни уйдан кувгандек иш тутган бўлсам-да, бу гапни у чуқурлаштириб ўтирмади. Ким ҳақ, ким ноҳақ, рўй берган воқеа ичкилик касридан, холос, деб билдими, ҳарҳолда, мен билан олдингидек муносабатни давом эттириб кетаверди. Орадаги кўнгилсизликни дастак қилиб юрмади. Унинг олижаноблигига тан бериб, мен ҳам қайтиб гап қўзғамадим.

Бундан бир hafta бурун Ҳайдарни тупрокка қўйдик.

У билан узоқ йиллик кадрдонлигимиз ва ўша кўнгилсиз воқеани эслаб, кўзларим ёшланди.

Аммо мен, ўшанда нотўғри иш қилган эканман, деб ўйламайман...

ЭЛЛИК ОҒИЗ ГАП

Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бўлади!

Бу – Нодирнинг хотини Зумрадга мос.

Аёлларни ёмонлаш, улардан айб қидириш албатта, гуноҳ.

Энг хунук аёл ҳам (буни тушуниб, ўйлагани учун) гўзалдир.

Бир кеча-кундузда оғзидан бир оғиз сўз ҳам чиқмайдиган (миқ этмай ўтирадиган) аёллар бор.

Лекин гапни, суҳбатни ёктирадиган аёллар дунёда кўпроқ. Бир шоир шу боисдан (уни Худо кечирсин!) қани эди, ўзингни кўриб ўтирсам-ку, овозингни эшитмасам, деган экан.

Нодирнинг хотини Зумрад шу сирага қиради. Чинакам аёл!

У ниҳоятда (сув билан ютса бўладиган даражада) чиройли. Меҳнаткаш. Соддадил. Ақлли... Ҳа, худди шундай, эҳтимолки, ақлли эканлигидан, баъзан бемаврид гап копини очиб юборади.

Унинг яна бир хислатини шу ўринда айтишга тўғри келади. Нодир, бизнинг ота-боболаримиз, она-момоларимиз эртароқ ётиб, барвақт туришган, офтоб ботгач, уйкуга кетиб, офтобдан олдинроқ уйғонишнинг ўзи бир хикмат, деб доим кўрсатма берганига қарамай, Зумрад бунга ҳеч амал қилмайди. Кеч соат икки-учгача мижжа қоқмай ўтиради. Дилбузар (телевизор)да бериладиган барча фильм-

ларни охиригача кўрмаса, кўнгли тўлмайди. Табиийки, кеч ётгандан кейин кеч, офтоб ёйилганда уйқудан туради.

Қисқаси, улар ҳаётида бир гал бундай воқеа рўй берди.

Нодир босмахонада ишлайди. Бир ҳафта эрталаб соат саккиздан кечки соат бешгача, яна бир ҳафта кечки соат бешдан соат ўн иккигача, ниҳоят, бир ҳафта соат ўн иккидан эрталаб соат саккизгача ишга бориши керак. У қайси навбатда ишламасин, уйда кўпинча уйқуга тўймайди. Дилбузар (телевизор) осойишта ухлагани қўймайди! Хўп. Ҳозир гап бунда эмас.

Улар яшаган шаҳарча ишчилар шаҳарчаси бўлиб, ўн йилча бурун зилзиладан хароб холга келган, ўтган давр ичида қайтиб тикланган эди. Бинолар аввалгидан кўркамрок намойишга кирган бўлса-да, ҳамон шаҳарчада ҳам, одамлар рухиятида ҳам зилзила асорати бир оз сакланиб қолган эди.

Нодир босмахонада, тунда ишлаётган эди. Соат тўртдан ўтиб, бешга қараб кетаётган эди. Матн босадиган цехда одам кўп эмас, босма машиналар олдида ҳар бир уста ўз иши билан банд эди.

Ярим мудроқ босиб, вазифасини бажараётган Нодирнинг бирдан фикри бўлинди. Қоғозга боғлиқ касб эгалари билади, қирқилган тирноқдек келадиган симобранг ҳашарот учрайди. Эски қоғозлар, китоблар орасида пайдо бўладими, шунақа. Худди чумолига ўхшаб, бир тўп ҳашарот цехнинг у ёғидан-бу ёғига қараб шошқин сурунмоқда эди. Афтидан, улар цех остидаги омборхонадан чиққан эди.

Нодир ажабланиб, тугмани босганча, машинани тўхтатди.

Чекиб олгани босмахона эшигига қараб юрди. Қашанда усталар гоҳ-гоҳ ташқарида чекиб келишар эди.

Чекиб турган эди, ҳаммаёқда мушуклар биғиллагани, итлар ҳургани эшитилди.

Нодир ўн йилча бурун газеталарда зилзила олдидан ҳайвонлар, ҳашаротлар нотинчланиб қолиши ҳақида ўқиган эди. Ҳаёли қочиб, шошганча қайтиб йўлакка кирди. Йўлакда девор-телефон. У қўли титраб, уй рақамини терди.

Анчадан сўнг Зумрад дастакни кўтарди:

– Алло...

– Зумрад! Бу – мен. Тез кийиниб, болаларни кийинтир, – деди Нодир. Уларнинг бир кизи, бир ўгли бор. Кизча етти ёшда, бола беш ёшда эди.

– Қаердан кўнғирок қилаяпсиз? – деб сўради уйку аралаш Зумрад.

– Ишдан!

– Ёлғон! Кайфингиз бор шекилли. Одам энди ухлаганда, кайфингиз бўлмаса, кўнғирок қилмайсиз...

– Мен ишда эканлигимни ўзинг яхши биласан, хотин. Бу ҳафта тунги смена...

– Тунги смена? Қаерда? Бу кун ишдан жавоб олгансиз, мени алдаяпсиз...

– Вақт зик, жон хотин. Гапни чўзма! – деди Нодир хафа бўлиб ва сал жаҳли чикиб. Кечами, кундузми, усталар йўлакдаги телефонда гаплашиб туришини катта бошлиқлардан цех бошлиғигача ёқтиришмайди. Бунинг устига, Нодир тезроқ цехга кириб, ишни давом эттиришга мажбур эди.

– Худо ҳаққи, кайфингиз бор. Ҳеч қачон бунақа пайтда кўнғирок қилмагансиз. Мени безовта қилишни ҳам истамагансиз. Бир оз аягансиз! Кимникада ётибсиз?!

– Гапни эшит! Илтимос! – деб ёлворгандек бўлди Нодир.

– Илтимоснинг нима кераги бор! Мард бўлиб, очиғини айтаверинг.

– Мен ишдаман, Зумрад. Истаб кўришинг мумкин. Фақат, олдин қулок сол. Тез кийиниб, болаларни кийинтир. Кўчага чиқинглар!

– Нега?! Нега, ахир?! Бировни топиб, бизни уйдан ҳайдамоқчимисиз?!

– Ер қимирлайдиганга ўхшайди. Хотин, сен тушунмаяпсан! – ахирги бўғилди Нодир. Зумрад анча сукутга чўмди.

– Мен кийиниб, болалар туриб кийингунча бир соат ўтади.

– Тезроқ қимирланглар!

– Уйни, бор нарсани шундай ташлаб кетаверадими?!

– Эй...

– Ер қимирлайди, деб сизга ким айтди?

– Ўзим...

– Кайфингиз бор, дедим-ку. Алжираяпсиз...

Телефондан қисқа гудок эшитила бошлади.

Нодир илож-ноилож цехга кириб, ишни давом эттирди.

Ярим соатлар орасида чиндан ер кимирлади. Ўн йилча бурунгига ўхшаган кучли эмас, икки балми, уч балми...

Нодир уйга келганида, Зумрад ҳеч нарса бўлмагандек, бепарво эди.

«Кеча тунда, эллик оғиз бўлмаса ҳамки қирк тўққиз оғиз йўқ нарсаларни гапириб, мени бекорга қон қилди!» — деб ўйлади хотини ҳақида Нодир у билан юзлашганида. Шу пайт Зумрад эллагинчи гапни тошдек ўртага ташлади:

— Бунча ваҳима қиласиз! Уйдан чиққанда ҳам, ана, телевизорда кўрганман, катта шаҳарларда ер ёрилиб, одамлар кириб кетаверган. Ашхабоддаги зилзила бир мисол! Худо асрамаса, фалокатдан қочиб бўладими?! Яхши ният билан ишингизни қилавермайсизми?! Кечаси одамни ухлашга қўймадингиз. Бошим оғрияпти...

Нодир хотинига ҳеч нарса деёлмай қолди.

ТУШ ТАЪБИРИ

1

Ярим йилдан буён аҳволим чаток. Уч қаватли бинони оркалаб югуриб юрибман. Ҳеч нарсага тушунмаяпсизми?! Хозир тушунтириб бераман...

Катта йўл бўйида бир уй бор. Олдинлари мактаб эди. Кейин билим юрти кўчиб кирди. Кейин қайсидир идора жойлашди. Биттаси ҳам кўним билан узок тургани йўқ. Келади, кетади.

Оғир жой, деган гапни эшитганмисиз?! Одам яхши яшаганда ҳам тинч юриши қийин «майдон»лар бўлади! Айниқса оёқости қилинса, кутилмаган ишлар рўй беради! Бу уйни ҳам гоҳ сув босади, гоҳ ёнғин чиқади. Биров кўним топмаганидан кўпинча бўм-бўш. Ана, хозир ҳам хувиллаб ётибди. Деворлари қорайган, тимдаланган. Ойналари синган. Уй орқасидаги ҳовли ундан ҳам хароб. Ёввойи итлар, мушуклар сакраб-ўйнаб юрибди.

Мен мана шу уйни сотиб олмоқчи бўлдим. Бинони «жилдга солиб» қўлтигимга қистирганча, турли идораларга қатнай бошладим. Қаерга бормай, бир хил ашула:

– Мен камбагал одамман, – дейман. – Дангиллама уйим йўқ. Умримда машина минмаганман. Шу уй ҳеч кимга буюрма-япти. Ташландик, кўриб турибсизлар! Шунини менга беринглар!

– Кечирасиз, эсингизни емаганмисиз? Бу уй неччи минг туришини биласизми?!

– Текинга эмас. Нарх белгилаб, ким ошди қилиб сотсанглар ҳам майли!

– Қизиқ одам экансиз. Гапингиз телба-тескари! Камбагал бўлсангиз, бунча пулни қаёқдан оласиз?

– Пулни Худо беради!

– Демак, бу уйда энди думалайсиз!

– Йўқ, албатта. Мен у ерда яшамайман!

– Унда нима қилмоқчисиз?! Меҳмонхона очасизми?!

– Йўқ. Бошқа... Беш-ўнта ғариб-ғурабони танийман. Бошпанасиз! Шуларга бошпана... Ўзлари уй олишгунча туришади! Савоб бўлади. Бинодан ҳам фалокат арийди. Кўчанинг хуснини бузмайдиган бўлади.

Хуллас, мингта чиғириқдан ўтиб, уйни олдим. Энди уйсиз бечораларни йиғиб хурсанд қилмоқчи эдим. Саҳарлаб ғалаговурдан уйғониб кетдим. Ғарибона кулбамдан кўчага чиқиб қарасам, мен ўзимники деб ўйлаган уйга «хўжайин» топилган: аллақайси қариндошлар, оғайнилар, дўстлар! Ҳаммаси чумолидай ғимирляпти. Биров юк машинасига минаётган, биров тушаётган, биров ичкарига кўрпа ташиётган...

– Ҳов, тўхтанглар! Нима гап?!

Улар шу қадар банд эдики, ҳеч ким менга аҳамият ҳам бермади.

Бўғилиб, унинг-бунинг ёқасидан ушладим.

– Раҳмат! Ишни бопладингиз, акажон! – деди шулардан бири, дархол кўксимга бош қўйиб. – Ўлгунча унутмаймиз!

– Сизнинг иккита уйингиз бор, шекилли?!

– Учта! Лекин биттаси онамга, биттаси хотиним, биттаси қизимга тегишли! Мен кўчада қолган ғарибман...

– Сиз-чи?! – сўрадим бошқасидан.

– Жияним, синглимининг эри, айниқса, эридан чиққан қизимга жой керак...

– Қизингиз бу уйда қўлма-қўл бўлиб кетмайдими!

– Ўзим қараб тураман...

Ҳаш-паш дегунча улар уйни эгаллашди.

Мен бинони тўрвадек оркалаб, югура бошладим. Силкиниб, йўлда тўкилиб қолишармикин, деб ўйлаган эдим. Қаёқда! Ярим йилдан буён жоним ҳалак. Лекин... Бу боришда бино портлаши мумкин!

Менинг кифтимни ҳам ўпириб кетади, албатта...

2

Тушни умуман тушуниш қийин.

Минг хил баҳолаш, таъбир излаш мумкин.

Лекин тушнинг ўзи нима?! – ҳали ҳеч ким аниқ жавоб тополмаган.

Аҳмоқ одам баъзан ақлли тушлар кўради.

Ақлли одам аҳмоқ тушлар кўриб, уйкуси ўчади.

Мен айтмоқчиманки, туш – бизнинг тафаккуримиз доирасидан ташқаридаги номаълум ходиса. У илоҳиётга, коинотга бориб тақалади. Туш шайтон васвасасидан ҳам иборат бўлади. У гоҳ унутилиб кетадиган босинқираш, гоҳида эса кароматга, башоратга айланади. Биз қачон, қандай ва нега туш кўришимизни билмаймиз.

Қисқаси...

Наби деган йигит.

Ҳушини йиғиб, у ён-бу ён қараса, катта бир даврада ўтирибди.

Бу қанақа давра, уни ким бу ерга чакирган, нима учун келди? – афтидан, унга ҳеч қизиғи ёки аҳамияти йўқ. Ўтирибди, вассалом. Яна, даврада у биронта одамни, биронта одам уни танимайди. Аҳвол шунақа.

Кутилмаганда бир қиз унга тикилаётганини пайқади.

Қиз ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. Ўтирди.

– Сиз яхши йигит экансиз. Менга ёқиб қолдингиз. Мен сизга уйланмоқчиман, – деди қиз.

– Қиз бола уйланмайди. Эрга тегади. Турмушга чиқади! Йигит киши уйланади, – тушунтирди Наби.

– Олдинлар шундай эди. Энди давр бошқа. Ўзгариб кетди. Қизлар уйланадиган бўлган, – бошини чайқади қиз. – Мана, менга ота-онам бировни топ, гаплаш, турмуш қуришга кўнса, тўйингни ўтказиб берамиз, дейиша-

ди. Мен таъбимга мос йигитни кидираётган эдим. Сизни топдим! Сиз чиройли, ақлли. Бир уйни обод қиладиган! Менинг вафодорим бўлишингизни истардим.

Наби шу аснода ажабланди. Кўрса, давра – бояги давра, лекин бу – тўй эмиш. Одамлар кўтаринки кайфиятда. Базм авжида. Набининг ёнида – ҳалиги киз, шунинг баробарида, бошқа – сўнгги кунларда у тасодифан танишиб қолган Хосият. Иккисидан бир келин ясалган. Келин ҳар дамда Набининг оч биқинига туртиб, шўх кулиб, ўз бахтини байрам қиляпти. Наби аксинча, бир оз зериккан. Ўзи-ўзиданми, одамларданми қисиниб-уяляпти.

Кейин орадан анча вақт ўтганми?! – Наби диққат қилса уйнинг тўрида,

иккита бешик орасида ўтирибди.

Бир у бешикдаги, бир бу бешикдаги чақалоқ бигиллайди.

Уй деярли қоронғи. Шоми ғарибон.

Эшик очилиб, чирок ёнди.

Уйга кўхлик, ёш жувон кириб келди.

Наби даврада кўрган қизга ҳам, Хосиятга ҳам ўхшайди. Шу билан бирга, учинчи қиёфа! Кимга ўхшатишга ҳайронсан.

Аммо у дарҳол ҳис этди. Ўзининг турмуш ўртоғи!

– Ишим кўпайиб кетди. Бунинг устига, мажлис, мажлис, – деди жувон Набига эмас, аллабир нуқтага тикилганича. – Уйда нима гап?

– Ўтирибмиз, – деди Наби. – Овқат тайёр, қозонда. Кир ювдим. Жўмрак оқиб ётибди, бузилган. Кийим дазмолламоқчи эдим, дазмол ишламайди. Айвонда чирок ёнмаяпти.

– Эй бўлган экан-да! Уйни тартибли тутолмаяпсиз, жўра!

– Болалар билан бўлиб қўлим тегмади...

– Болага қаранг-да! Шуниям мен эплайманми?! – жеркинди жувон.

Ортиқ индамай, чўнтагидан уяли телефон чиқариб, рақам терди.

Шу пайт қаёқдандир тўртта барзанги кизми-жувон пайдо бўлишди.

Бири енг шимариб жўмракни тузата бошлади. Иккинчиси дазмолни очиб, текшира бошлади.

Учинчиси чирокка сим торта бошлади.

Тўртинчиси негадир эшикка янги қулф ўрната бошлади.

Уй эгасига хос викор билан жувон у ён-бу ён судралар эди.

Наби сал хижолат чекибми-эзилиб уйдаги манзарани томоша қилаётган эди, кутилмаган хол рўй берди.

Боя йиғлаётган, энди жим қолган чақалоқлар ихкиси бир йўла бошини кўтарди. Сўнг тап этиб бешикдан сакраб тушишди. Уй ўртасига келишди.

Энди улар чақалоқ эмас, кап-катта бола.

Ана, ҳатто тўп тепишяпти.

Уй қаёққа кетди?! Рўпарада аллақандай майдон.

Тўп осмонга кўтарилиб, шиша бошлади. Худди Ер шарига айланиб, майдон устига пастлай бошлади.

Болалар:

– Дада-а! – деб бакириб юборишди.

Наби хаяжонланиб улар томон интилган эди, жувон (Хосият) югурганини кўриб, тўхтаб қўя қолди.

Уни жиққа тер босган эди.

* * *

Бу майдонни қаерда кўрган эдим, деб узок ўйлаганидан кейин, Наби тушида кўрганини эслади.

Тўп тепаётган болалардан қай бирлари бизники экан, деган хаёлга бориб, ичида кулиб қўйди.

Ёнида Хосият нималарнидир гапириб-тушунтириб кетаётган эди. Наби бош силкимоқда, лекин кулоғига гап кирмаётган эди. У тушида Хосият (балки, бошқа жувон) билан яшаб чарчагандек эди...

ТЕМИР ЭШИК

Шавкатнинг темир эшикка ишки тушди.

Бир оғайнисиникига борган эди. Қараса, қўш темир эшик ўрнатилган.

– Буни қачон ўрнатдинг?! – деб қизиксинди Шавкат.

– Яқинда, – деди оғайниси. – Бир йилда уйни уч марта ўғри урди. Тўғри, икки мартаси ўғрилари тутиб,

нарсаларни қайтариб беришди. Лекин бари бир... ўзингга эҳтиёт бўл, кўшнини ўғри тутма! Мен тинч юрмоқчиман.

– Яхши экан, – кафти билан эшикни силаб қўйди Шавкат.

Шу кундан бошлаб темир эшик унинг хаёлида мухрланди-колди. Кундузи ҳам ўйлайди, кечаси ҳам. Айниқса, тушларида никоб таккан ўғрилар ёпирилиб, Шавкатга тирғалади. Уйни супуриб кетади... Уйга кирса ҳам эшик кўзига кўринади, уйдан чикса ҳам! Буниси майли. Одамлар билан Шавкат на об-хаво, на сихат-саломатлик ҳақида гаплашади. Билгани – темир эшик! Хаёл нима?! Биров эшик тўғрисида сўз очса, бирдан хаяжонланади. Юраги қаттиқ тепади!

– Ҳаётимиз яхши, – дейди у одамлар билан суҳбатда. – Турмуш фаровон. Лекин бари бир... ўғри доим бўлган! Ҳозир ҳам бор! Бундайларнинг ўзи ҳам оч, кўзи ҳам! Оч баччағардан қоч баччағар! Йиллар бўйи йикканингни ҳар ёққа ташиб кетишса, сенга нима қолади?! Эҳтиёт бўлиш керак...

Буларнинг бари – гўрга. Шавкат умрида қилмаган хунари – хотинидан пул яширишга одатланди. Маош оладиган куни кўзини лўк қилиб: «Ойлик яна бўлмади! Идорада пул йўк!» – деб тураверади. Ёки олган пулининг ярмини бериб, бори шу, тежаб ишлатасан, хотинжон, дейди. Ҳозир ҳаммага ҳам қийин, кўрпага қараб оёқ чўзишга мажбурмиз, дейди.

Орадан ярим йил ўтиб, Шавкат темир эшикка етадиган пул йиғди.

Нихоят, бир куни эшикни олиб ҳам келди.

Ташишга машинада ташиган эди. Лекин ҳаммолга пули қолмаганидан иккинчи қаватга шахсан ўзи амаллаб, кўтариб-судраб чикди.

Хўп. Деворга суяб қўйди.

Остонада турган хотинига кўрсатди. Мактанди.

– Бу ёққа юринг! – деди Ойгул. Бу билан кифояланмай, уни ёш боладек қўлидан тутиб, етаклади. – Мана, сиз мутолаа қиладиган хона! Тўртта девор. Тўртта сурат

осиб кўйилган. Шу... Буниси ётадиган бўлма! Иккита каравот. Иккита тумба. Деворда бундай эски бир гилам ҳам йўк... Хўш, меҳмонхона! Битта хонтахта. Саккизта котган кўрпа!..

– Сен буларни нега менга кўрсатяпсан?! Ўз уйимни ўзим билмайманми?! – хафа бўлиб деди Шавкат.

– Биласиз. Лекин кўриб кўйинг, – бўш келмади Ойгул. – Кейин афандини эсланг. «Чирокни ёкиб берайми?! Кундузи, ёруғда ўзим ҳеч нарса тополмаяпман!» деган экан... Эшик кўтариб юрганингизга айтаман!

Шавкат жаҳли чикди.

– Уйда битта игна ҳам мен учун қадрли! Сен калта ўйлайсан, хотин, – у темир эшикнинг зарурлиги, ишни эшикдан бошламоқчи эканлигини хотинига обдан тушунтирди.

Шу билан баҳс тугади.

Шавкат кўшни уйдан эшик ўрнатадиган таниш устани чақириб келадиган бўлди.

– Олдин битта чой ичай, – деди у.

Шошилмай чой ичди.

Бу орада ховли томондан қандайдир овозлар эшитилди. Ҳар хил шарпалар қулоққа чалинди. Аммо эр-хотин бунга аҳамият беришгани йўқ. Улар ўз ташвишлари билан банд эди!

Ахийри, Шавкат кўзғалиб, ташқарига йўналди.

Ойгул кузатгани эргашди.

Улар эшикни очишди-ю...

котиб қолишди.

Кимдир темир эшикни кўтариб кетган эди.

КЎЧМАНЧИ ЧОПОН

Туғилган кунимда дўстим Хайрулла менга чопон кийдирди.

Қарасам, уйда чопон кўпайиб кетибди. Дўстим Саъдулла қизини чиқараётганда мен чопонни унга кийдирдим. Кейин, дўстимиз Файбулла хотини билан кумуш тўйларини нишонлайдиган бўлишди. Саъдулла ҳалиги чо-

понни узатворди. Кейин, дўстимиз Абдулла невараларига тўй берганида, чопон унга топширилди. Шундан кейин, кимгадир кийдирилган чопоннинг изини йўқотиб қўйдим. Бу ёғини илғамай қолдим.

Орадан уч йил ўтиб яна туғилган куним эди, Хайрулла чопон кийдирди. Бундок қарасам... Бир жойига ЗБ деган ёзувни хотинга тиктирган эдим: ўша таниш чопон! У айланиб-айланиб, яна менга келган экан... Саъдулла навбатдаги қизини чиқаряпти шекилли?!

АБАДИЯТ ҚОНУНИ

Мен сизга бир китоб бераман, мундок варақлаб, кимлигимни айтасиз. Йўк, кўркманг, китобни ўқиш шарт эмас. Бу ерда ҳамма гап китобга кирган суратларда. Китобнинг учдан икки қисмини менга тегишли суратлар эгаллаган... Анови, Хилларининг орқасидаги одамнинг панасида бўйнини чўзиб турган киши – мен. Мана, бу Айтматовни қуршаганлардан еттинчиси ҳам мен. Ана, Жонибеков билан бирга музейни томоша қиляпмиз. Мени танигандирсиз?!

Суратга тушишни яхши кўраман. Шунчаки тушиш эмас, машҳур одамлар ёнида турган ёки юргандек бўлиши керак. Ўзбекистонда номи чиққан биронта одам йўқки, менинг у билан суратим бўлмаса! Халигидек каттарок доирадагиларни ҳам қўлдан чиқармайман. Битта-яримта одам бу ишга халал берса, мен билан суратга тушишдан бош тортса, ёқасидан тутишдан ҳам қайтмайман...

Бу сенга нима зарур, дейсизми? Билмас экансиз. Мен тарихга кириб бораяпман...

ЗАМОНДОШ ЛАТИФАЛАРИ

Бозорда бир бола бақириб ётибди:

– Закас сомса! Закас!

Замондош тўхтаб, маслаҳат солди:

– Закас қилган одамга обориб бер...

* * *

Замондош таниши билан боғда ўтирарди.

Хиёбондан чиройли бир қиз ўтиб кетди.

– Онаси ўлмаган қиз эди! Мен шу қизни биринчи ўпганман, – деди таниш.

– Мен ҳам, – деди Замондош.

* * *

«Най чалишни билмасанг, мени қандай чаласан?!» – деган экан Ҳамлет.

Китобдан буни ўқиган Замондош хафа бўлиб кетди.

– Одамни бошқа асбоб қилиб ҳам чалиш мумкин, – деди ўйланиб.

* * *

Бир пайтлар шанбаликда хода кўтарган раҳбарлар суратини кўриб, Замондош айтган эди:

– Буларнинг ходадан бўлак кўтариб юрадиган нарса-си йўқ.

* * *

Замондош кўчада чекиб кетаётган эди, ёнида қиз, қўлида сигарет бир йигит уни тўхтатди:

– Кечирасиз. Ёндириб олсам майлими?!

– Менга қара, – деди Замондош, жаҳли чиқиб. – Қиз билан юрадиган йигитнинг ўзида ўт бўлиши керак!

АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР

1

Дунёнинг у ёғидан тушасизми, бу ёғиданми, иккита қавм бор, холос. Аёллар ва эркаклар! Бу — Яратилиш қонунидаги мутаносибликдан келиб чиққан.

* * *

Эркак кишининг бикинида иккита қовурға йўқ. Унинг қалбига Аёл шу «дарча»дан киради.

* * *

Аёлни эркакнинг олдида баъзан муте қиладиган — фарзанд.

Эркакни Аёлнинг олдида бурчли қиладиган ҳам фарзанд.

* * *

Парранда, даррандалар, умуман махлуқот оламида шундай муҳаббатни кузатиш мумкинки, одам гоҳо улар наздида уяласан. Уларнинг муҳаббатида зигирча ҳам ёлғон, ўйин бўлмайди. Тўғри, уларнинг муносабатида «парда» ҳам бўлмайди.

* * *

Эркакларга нисбатан Аёлларда тўғрисўзлик кучли. Нимаки гапи бор, тик қараб айтади. Шунинг учун, эркаклардан кўра Аёллар орасида хиёнат камроқ.

* * *

Шу билан бирга, Аёл ниманидир кузатиб туриб, иккинчи бир нарса ҳақида ўйлаб, сизга учинчи нарсани гапира олади. Уларнинг руҳиятида бу уч ҳолат қандай бирлашганига тушуниш қийин.

* * *

Фаранглар, Аёл қаршингизда гуноҳкор бўлса, Ундан сиз кечирим сўранг, дейишади.

Кечирим сўраш қаёқда?! Гоҳо Аёлни кечирिशга ҳам «кучи» етмайдиган эркаклар учрайди.

* * *

Шарқда Аёл макри тўғрисида шунча кўп ёзилганки! «Минг бир кеча»ни эслайсизми, Саъдийними?! Лекин макр Аёл учун ўзини ҳимоя қилиш қуролларидан бири бўлса керак.

* * *

Агар бирон Аёл табиатан ҳаёли бўлмаса, ҳар қандай эркакни сўз билан чўкиб қочири олади.

* * *

Энг кучли эркак ҳам баъзан енгиледи.
Энг заиф Аёлни ҳам енгиш мушкул.

* * *

Бир қабилада шундай одат бор экан.
Аёл «индамай» бола туғар экан-у, тўлғоқ азобини, туғишни эркак «намойиш қилиб» ётиб олар экан.
Аёл азобланиб, ўзини азобланаётгандек кўрсатадиган эркаклар ҳамма жойда ҳам учрайди...

(Давоми бўлиши мумкин)

2

Оврўпаликлар: «Эркак – бош, Аёл – бўйин, қайси томонга бўйин бурилса, бош ҳам шу ёққа оғади!» – дейишадди. Ҳаётда эса кўпроқ эркак – бўйин, Аёл – бош бўлиб келган.

* * *

Аёл исён кўтарганида, унга тенг келиш қийин.

* * *

Тарихни кузатсангиз, эркаклар умр бўйи Аёл «кўтарилмасин», деб курашгандек туюлади.

* * *

Аёлга бағишланган бутун эркаклар ижоди – уни алдаб-тинчлантириш учун юзага келган бўлиши керак!

* * *

Эркакка қараганда Аёлнинг овози пастлигида нима ҳикмат бўлса экан?

* * *

Капутикян бир шеърида ёзган: «Мен кет, дедим ва лекин қолмадинг нима учун?!»

Аёл сония ичида икки хил гапиради. Унинг сўзида мантиқ кўринмайди! Лекин фалсафа бўйича, ана шу «ик-киланиш»да кучлироқ мантиқ бор.

* * *

Эркакдан Эркак – кулоқларигача,
Аёлдан Аёл – оёқларигача фарқ қилади.

* * *

Эркак – Аёлнинг унга муомаласи ёки унинг Аёлга нисбатан муносабатига қараб юксалади.

Катта давраларда эркакнинг даражаси – унинг Аёли даражаси билан белгиланади.

* * *

Эркак феъли торлик қилса, ўзини бачкана тутса – Аёллар олдида уяласан.

Аёл шармандаликка борса – бутун Аёлларга нуқси уради.

* * *

Қандай ётиб-туриш рисоласини – баъзи Аёллар биздан яхши билишади.

* * *

Бир киши ўлган Аёли тўғрисида: «Эй, яна уч-тўрт йил турмади-да шўрлик!» – деди. Муҳаббат шу.

* * *

Рўй берган фожиага қарамай, Мажнун, Ромеолар энг бахтли эркаклардир.

* * *

«Хотин кишининг гапига кирган...» – деган иборами-жумла учрайди. Кирмаса, дунёда бир нарса ўзгарарми-ди?!

(Балки яна давом этар)

3

Аслида, Аёлдан хаёлий бир юксакликни кутиш ортиқча. Аёл Ерда юради.

* * *

Тасаввурда бўлган Аёл ҳам, тасаввурдаги Эркак ҳам — кўпинча ҳаётда бунга мос келмайди.

* * *

Дон Жуанни биласиз. Лекин уни «хотинбоз» деб аташ ҳам, жуда кўп Аёлларни севган, бунга қурби етган киши, дейиш ҳам мумкин.

* * *

Баъзан эриш туюлади. Лекин дунё ҳаётидан Эркак билан Аёл муносабатини олиб ташласа, ҳеч нарса қолмайди.

* * *

Кўп хотинлилик, кўп эрлилик эскидан учрайди. Бир Аёл йигирмата эрга теккан экан, ўқидим. Шарқда ўнта ва ундан ортиқ хотини бўлган зотлар оз эмас. Бойқаронинг ўн битта хотини бор эди. Аммо буларнинг ҳар биридан у ўзича жабр чеккан.

* * *

Баъзан қандай бемаъниликларга борилмайди! Аллақайси қабила бошлиғи юзта хотин олган экан. Бир куни муҳаббат изҳор қилаётиб, сўрабди: «Исмингиз нима эди, азизам?!»

* * *

Ақлга сирмайди. Қадимги юнонлар дунёни хайратга соладиган юксак маданият даражаси билан бирга, оила ичида чегарани бузиб, тубанлашган. Энг яқин кишилар ҳам эр-хотинлик қилиб кетаверган.

* * *

Театрларда сахнага Аёл либосида чиқиб, Аёл бўлиб ўйнаган эркаклар, йигит киёфасини олган Аёллар бор. Қизик! Бундай пайтда эркак нимани сезган-у, Аёл ўзини қандай ҳис этган экан?!

* * *

Кимдир айтган эди. Аёл феъл-атвори билан эркакни, эркак феъл-атвори билан Аёлни эслатса, тарози бузилгандек таассурот уйғонади.

* * *

Ўтмишда бичилган кулларга Аёллар ёнида юриш ишониб топширилган. Ажабланарли жойи, улар кўпрок ўзларига зулм қилган эркакка эмас, Аёлга нафрат билан қарашган.

* * *

Сунъий одам яшашга уринишдек, жаррохлик килиб Эркакни Аёлга, Аёлни Эркакка айлантириш фақат жиноят эмас, Инсониятнинг Инқирозидир.

(Энди бугеи давом этиши ўқувчининг эътибори ва истагига боғлиқ.)

БУХОРОЛИК ДОНИШМАНД

(Эски латифа)

Бухорода қадим замонлар бир донишманд ўтган экан. Одамлар бошларига қандай мушкул тушмасин, дархол унинг ёнига келиб, маслаҳат солишаркан. У одамларга албатта мушкулни осон қилиш йўлини кўрсатаркан. Аммо унинг ажиб бир одати бор экан. Ўз фикр-мулоҳазасини айтишдан олдин ҳамиша: «Шўрликлар! Агар мен дунёда бўлмасам, сенлар нима қилардинглар?! Мендан кейин сенларнинг ҳолингга маймунлар йиғлашмайдими?!» – деб узоқ оху нола қиларкан.

Бир куни донишманднинг хузурига одамлар одатдагидек маслаҳат сўраб келишибди. Янги бугдой солинган хумда бузоқнинг боши тикилиб қолган эмиш! Донишманд ҳар галгидек оху нола қилибди ва ниҳоят, йўл-йўриқ кўрсатишга киришибди... «Бузоқни сўйишга тўғри келади!» – дебди у. Бузоқни сўйишгач, «Энди хумни синдириб, бузоқнинг бошини олиш керак!» – дебди.

ОСТОННИНГ ОТАСИ

(Биринчи ҳикоя)

Остон билан иккимизнинг дўстлигимиз катта тарихга эга. Бир мактабда ўқидик. Кейин, биргаликда Тошкентга келиб, билим даргоҳида таълим олдик. Уй-жойли бўлиб кетгандан сўнг ҳам орамиздан бирон пайт қора мушук ўтгани йўқ. Ҳамон худди болалик, илк ёшлик кунларидаги сингари муносабатимиз содда, самимий. Икков кўпинча дилкаш, ширин суҳбатлашамиз. Тирик одамлармиз. Албатта ойда-йилда баъзан суҳбатимиз қизгин баҳсга айланиб кетган пайтлар ҳам бўлади. Аммо шуниси қувончлики, ҳеч қачон бир-биримиздан озор чекиб, кейин гина сақлаб юрмаймиз...

Бир куни яна шундай бўлди.

Мен нима сабабдандир ўзим болаликда кўп марта эшитган бухоролик донишманд тўғрисидаги латифани эслаб, қотиб кулганимча, Остонга гапириб бердим. Бироқ Остон менга қўшилиб кулиш ўрнига, негадир кизариб-бўзариб, жаҳли чикиб кетди. Нахотки, Бухоро тўғрисида сенинг фикринг шунақа бўлса, деди у. Сен хазил-мутойибага йўқ экансан-ку, дедим мен ҳам қизишиб. «Бу латифа доно кишилар Бухорода азбаройи кўп бўлишганидан, шунчаки пародия тарзида тўкилган. Сен бўлсанг, нодонликдан кулгандек оҳангда гапиряпсан!» «Нодонлик ҳамма ерда, ҳамма вақт топилади!» «Донолик ҳам... Айниқса, Бухорода!»

Мен ўшанда ўзимга нисбатан Остон кўпроқ ҳақ бўлганини кейинчалик ҳис этдим. Бунга Остоннинг отаси — Яраш тоға сабаб бўлди.

Яраш тоғани кўча чангитиб юрган пайтларимиздан буён танийман. У ўз ховлиларидаги икки хонадан бирининг тўрида аксар бошини кўксига солинтириб, кўзларини юмганча, мудрабми, хаёл сурибми ўтиради. Ора-сира ёнига кимдир келса, бошини кўтариб, суҳбатлашади, бирга чой ичишади. Кейин яна бошини эгади. Яраш тоғани, умуман, умрини меҳнат, машаққатга бериб, энди уйда болаларини дуо қилиб ўтиришдан бўлак иши қолмаган бухоролик оддий чоллардан, дейиш мумкин... Болаликда

Остон иккимиз кўпинча уларникида ўйнаб юрсак ҳамки, мен тоға билан – балки одоб юзасидан, балки ҳайқиб, ортиқча гаплашмас, ҳадеб унинг кўзига чалинавермас эдим ва табиийки, у ҳам мени ўзига ҳали тенг кўрмас эди. Аммо сўнгги йилларда Остон ҳам, мен ҳам хайрли бир ишни – Тошкентдан Бухорога йўлимиз тушганида бир-биримизнинг уйимиздан хабар олишни одат қилдик ва мен қарияни олдинлар билмаганимга иқрор бўла бошладим...

Уларникига бир гал борганимда, Яраш тоға бошига дастор ўраб, оқ ятак кийган, ҳовлида, эшик олдида турар, афтидан қаёққадир отланган эди. У мен билан ота-боладек меҳрибон кўришиб-сўрашгач, юз-кўзимга қаради.

– Ўғлим, агар сизга малол келмаса, юринг, икков кўча айланамиз, – деди қария. Кейин секин қўшиб қўйди: – Сиз менга мадор бўласиз...

Мен қариянинг мақсад-муддаоси нима эканига тушунмаган кўйда унга эргашдим. Аммо биз уйдан узоққа борганимиз йўқ. Гузар бошига етиб, кимнингдир дарвозаси олдида тўхтадик. Яраш тоға дарвозани тақиллатди.

Кўп ўтмай, остонада қорачадан келган, миқти бир йигит пайдо бўлди. У жилмайиб, алланечук суюнгандек ҳолатда Яраш тоғага ҳурмат-эҳтиром билан салом берди ва бизни кўярда-қўймай уйга бошлаб кирди.

Чой дамланиб, ўртага дастурхон ёзилгач, йигит қарияга муурожаат қилди:

– Сиз бизникига ҳам кирадиган кун бор экан, ота. Яшанг. Раҳмат... Бу, сизни қандай шамол учирди, ота?

– Ўзим шу, ўғлим Ҳасанжонни бир кўрай, деб уйдан чикдим, – унга жавоб қайтарди Яраш тоға. – Кўпдан буён ният бор эди, вақти-соати бугун экан...

– Раҳмат... Ўзингиз дурустмисиз, ота?! Саломатлик?

– Юрибмиз... Бизда саломатлик яхши ёки ёмон бўлиб, энди арпа ёки буғдой бўлармидик! – кулимсиради қария.

Ундан-бундан яна бир оз узуқ-юлуқ гаплашиб ўтирилгач, Яраш тоға кутилмаганда қизик иш қилди. У худди ўзининг меҳмонга келганини унутгандек, негадир одати-ча бошини кўксига солинтириб, кўзларини юмди ва шу

кадар узок сукутга чўмдики... Мен Ҳасанжонга, Ҳасанжон менга беихтиёр савол назари билан тикилиб қолдик. Мен қариянинг ишидан ҳайратланиб, бегона уйда ўтирганимдан ноқулайлик сеза бошладим. Ҳасанжон чамаси, бу иш ўз уйида бўлаётганидан мендан кўпроқ ҳайратланган ва мезбон сифатида менга нисбатан юз чандон баттар ноқулайлик сеза бошлаган эди.

— Бу, фаромуш кўринасиз, ота?! — деди ниҳоят Ҳасанжон, меъёрдан андак баландроқ товушда.

Яраш тоға бошини кўтариб, Ҳасанжонга тикилди.

— Фиждувонда бир синглим, икки укам бор, сиз билсангиз керак, — шошмасдан сўзлашга тушди тоға. — Ўтган ҳафта, қари одам ҳафсала қилиб, шуларни кўриб келдим... Ҳар сафар жигарбандларимни кўрсам, хурсанд бўлардим. Бу сафар ундай бўлмади... Дунё ғаройиб экан.

Мен қариянинг шу алфозда нега қишлоқни эслаганига тушунмадим. Ҳасанжон эса шунчаки қизиқсиниб:

— Қишлоқда бирон кўнгилсиз воқеа рўй берган эканми?! — деб сўради.

— Шунга айтяпман-да, — деди Яраш тоға. — Иккита жияним, бир қориндан талашиб тушган ака-укалар уришиб, борди-келдини йиғиштириб қўйишибди... Биласиз, дунёда масалан, ҳар хил воқеа бўлади. Баъзан манфаат ўртага суқилади. Баъзан хотинлар орани бузишади... Лекин аканинг укага муҳаббати бундай йўқолса, бегоналар ичида меҳрдан асар қолмай, дунёга ўт кетмайдими, ахир?! —

Қария нега жиянларидан ўзи ойда-йилда юз кўришмайдиغان Ҳасанжонга келиб шикоят қилаётгани-ю унинг жиянлари тўғрисида нима учун — бу ерда, Ҳасанжоннинг уйида, анча ёниб-қуйиб гапираётганига олдингидан кўпроқ тушунолмадим. Аммо мени энди бошқа бир нарса — Ҳасанжоннинг ҳолати айниқса ажаблантирди. Ҳасанжон — Яраш тоғанинг жиянларига қандайдир алоқаси бормикан, қариянинг сўзларини негадир диққат билан, сал асабий эшитди. Аввалига унинг нафаси ичга чўккандек бўлди. Кейин бош тебратиб: «Тўғри... тўғри, ота...» — дея бошлади.

Яраш тоға эса, гапга якун ясади.

– Дунёда ҳайвон учун ака ёки ука деган гап йўқ, – мулойим сўзланди у. – Биз одамлармиз, одамлик кадрини туширмаслигимиз керак... Мен жиянларимдан бир оз хафа бўлдим, албатта.

Биз шундан сўнг ўрнимиздан турдик. Мен умуман, Яраш тоғага тушунмагандим. Менда қария худди Ҳасанжонникига фақат бир оз пинакка кетишу кишлокни эслаб, жиянларидан гапириш учунгина кириб-чиккандек таассурот қолган эди.

Қайтиб Яраш тоғанинг уйига келганимиздан кейин, қарияга юзландим:

– Бу йигит ҳам ўзи бирон қариндошларданми?

– Ҳасанжонми? Йўқ... – деди Яраш тоға. У мамнун ва қандайдир муғамбирона кулимсиради: – Мен у билан, кизимга айтаман, келиним, сен эшит, қабалида гаплашдим... Ҳасанжон укаси билан аразлашиб юрипти...

ҚИШЛОҚ ЧЕТИДАГИ ДАРАХТ

(Иккинчи ҳикоя)

Яраш тоға менга энди кадрдон бўлиб қолди... Қарияни бир кўрай, деб уларникига борсам, кишлокдаги қариндошлариникига кетган экан. Дийдор кўришув насиб этмаганига албатта ўқиндим...

Аммо икки кундан кейин кўкқисдан ўзим Фиждувонга борадиган бўлиб қолдим. Фиждувонга боргач, Яраш тоғани кўрмай ўтиб кетишим мумкин эмаслигини сездим ва қариянинг ота қишлоғи томон йўл олдим.

Яраш тоға синглисининг уйида экан. У тўққиз болорли хона белидан томорқага қаратиб очилган дарча ёнида сочи, кошлари малла ўрта ёшлардаги бир киши билан суҳбатлашиб ўтирарди. Мен билан салом-алик қилгандан сўнг улар гапни давом эттиришди. Гапнинг равишидан сочи, кошлари малла киши шу кишлоклик Жумабой бўлиб, унинг Шарофат биби деган кекса онаси борлиги маълум бўлди. Шарофат биби сўнгги кунларда хасталанган экан. Уни энди шаҳардаги касалхонага олиб боришга

тўғри келиб қолибди ва Жумабой Яраш тоғанинг ёнига шу ҳақда маслаҳатлашгани келибди.

– Ҳозир тайёр енгил машинамиз йўк, – деди Жумабой Яраш тоғага. – Нима қилишга бошим қотди. Енгил машинани ернинг тагидан бўлса ҳам топишим шартми, ота?! Ёки юк машинаси ўзимда бор, кабинага кўрпача солиб, бибини олиб кетаверсам ҳам бўлармикан?!

– Онани шаҳаргача бошда кўтариб борса ҳам арзийди! – деди Яраш тоға. – Лекин хамиша имкониятга қараш лозим. Эшитишимча, сиз икки кундан буён яхши мошин излайсиз. Вақтни ўтказмаган маъкул. – У бир дам ўйла-ниб, сўзини давом эттирди: – Менинг сизга фақат бир маслаҳатим бор. Агар шунга ҳалол амал қилсангиз, биби ўз мошинангизда шаҳарга кетаверди...

– Айтинг, ота. Жоним билан! – деди Жумабой.

– Қишлоқнинг чап тарафидаги йўл шаҳарга яқин, ўнг тарафдаги йўл анча узоқ. Лекин сиз ўнг тарафдаги йўлдан боринг. Ишингиз албатта ўнгидан келади.

Жумабой ўрнидан туриб, суюнганича уйдан чиқиб кетди.

Яраш тоға бир пиёла чой ичиб, мен билан қайтиб сўрашгандек бўлди. Кейин юз-кўзида бехосдан алланечук ҳорғинлик, паришонлик акс этиб, менга ҳеч қандай иши бўлмаган одамдек, бошини кўксига солинтирганча кўзларини юмди.

Аммо қария кўп ўтмай, бошини кўтарди.

– Дунёда ҳафсаласизликдан ёмон нарса йўк... Аттанг! – деди у негадир.

Мен ўзимча, Жумабой бўшангроқ бўлса керак, қария ундан шунчаки шикоят қияпти, деб тахмин қилдим. Ҳар қалай, шу аснода гап Жумабой устида бораётганини кўнглим сезиб турарди.

Яраш тоға яна бир оз кўзларини юмиб ўтирди.

– Одамларга хайронсан, – деди у, бу гал бошини кўтарганида. – Ўзининг билганини қиладиган бўлса, нега бировдан маслаҳат сўрайди? Тавба...

Мен унга савол назари билан тикилдим.

– Бола бари бир чап тарафдан кетди. Қисқа йўлга ўзини урди, – тушунтирди қария.

Мен, йўл дарчадан кўринмаётганмикин, деб ҳар эҳтимолга қарши, томорқага қарадим. Қаёқда, дейсиз?! Қалин тераклар. Худди деворнинг ўзи... Балки, машинанинг товуши кулоққа элас-элас чалинаётгандир?! Дикқат қилдим. Йўк...

– Тентак! Дарахт олдида тўхтаб нима қиларди?! – деди Яраш тоға эзилган товушда. – Албатта, ариқдан сув олмоқчи бўлган... Мана, челак кўтариб кетди. Мошинга уйда сув солишга эринган...

Қария бошини кўксига одатдагидан вазминроқ солинтирди. Бу гал у пинакка кетгандек бўлди. Аммо, йўк, бирдан кўзларини катта очиб, менга ташвишли қараганича чуқур уф тортди. Сўнг негадир қўл очиб, юзига фотиҳа тортди.

Шу пайт эшик очилиб, Яраш торанинг синглиси – кенг кўйлак кийиб, бошига катта рўмол ташлаган онахон даладан келиб қолди. У мен билан сўрашиб, қарияга кўз ташлади.

– Ака, ўтирибсизми?! – Сўнг, пойгакка омонат чўкиб, Шарофат бибининг ҳозиргина марҳум бўлганини хабар қилди... Шаҳарга йўл олган Жумабой қишлоқ четидаги тут қаршисида машинани тўхтатибди. У онасини кабинада қолдириб, тут остидаги ариқдан машинага сув келтириб солибди. Аммо кабина эшигини қайтиб очса, шу ўртада онаси жон берган экан...

Биз бу хабарни эшитиб бўлиб-бўлмасдан, қишлоқ кўчасидан йиғи-сиғи кела бошлади.

– Узр, ота, – дедим Яраш тоғага эҳтиёткор оҳангда. – Сиз ўтирган жойингизда бўлаётган воқеани қандай билдингиз?!

– Ўша дарахт тагида бир вақтлар шу бибининг оналарини чопишган, – деди қария ғамгин кўйда. – Жумабой ҳафсаласизлик қилмаса, фалокат рўй бермасди...

ДАРАХТ

Унинг ҳаёти одамлар ҳаётига ўхшаш бошланиб, одамлар ҳаётига ўхшаб тугади.

У кунлардан бир куни ўзининг қуёш нурларига чўмганини кўрди. Меҳрибон инсон фарзандлари унинг пойида тупроқ тўплаб, сув қуйган, унга эътибор билан қарашганди. Атрофда бетартиб ўсган кўпгина катта дарахтлар бор. Булардан айримларида талай шохлар қуриб, яккам-дуккам заъфарон япроқлар қолган, айримларида япроқлар тўқис, аммо қандайдир рангсиз, айримларида япроқлар шапалоқдай, бошқаларида учли ва ингичка эди.

Ўз шохларига бир ям-яшил, бир ғалати – тўқ жигарранг, бир кизғиш ва заъфарон барглари осиб безашган, таманноли намойишга кирган бу дарахтларда ғаройиб табиат чиройини кўрди. Бу дарахтлар қуёш ёғдусини япроқларга тушириб, нозанин, нозик бўлиб олганларидан унинг рашки келди. Бироқ бу дарахтларга у ўзидаги сингари одамлар эътиборини сезмади ва энди ўзининг даври даврони келганини англади. Ингичка қоматига шамоллар қаноти тегаркан, яйраб чайқалди. Чиройини кўрсатгиси келиб, шохларини оппоқ гуллар билан бежади.

Унинг назарида, шохлари гўёки қўллари эди. Йиллар ўтар экан, қўлларида бунёд бўлган бутун давлатини ўзига эътибор билан қараган инсон фарзандларига тутди. Йиллар ўтар экан, атрофда бетартиб ўсган кўпгина катта дарахтлардаги шохлар кун-бакун қуриб бораётганини кўрди; сўнг уларнинг шохлари болта билан чопиб ташланганига, бундан кейин улар пойини арра қирқиб, гурсиллаб йикилишганига гувоҳ бўлди. Унга бу нарсалар жуда оддий ҳол ва ўзига сира дахли йўқ қисматдек туюлди; на эътибор берди, на улар холига ўқсинди... Бироқ яна йиллар ўтди: у беҳос қўллари борган сайин камроқ ноз-неъмат бунёд этаётганини сезиб қолди. Ягона, такрорланмас безаклари бўлмиш япроқлари ҳам энди сийраклашиб, қандайдир рангини йўқотаёзганди. Япроқлари ҳар қалай, чиройли, қуёш ёғдусида шу безакларгина уни нозанин, нозик қилиб кўрсатишар эди: шу таманно-

ли чирой томир-томирларига ўрмалай бошлаган ҳазин хасратни бугунча унутишга кўмак берди. Унутишга уринди, бироқ йиллар тўхтаб турмаганидан, бир куни қўллари буткул бўшалди, шохлари куриб, уларда яккам-дуккам япроқларгина қолди. Ана шунда болтакашлар келиб унинг шохларини чопиб ташлашди, арракашлар келиб пойини арралашди. У ёшгина ниҳоллар остида, худди қўлсиз, оёқсиз сингари мажруҳ ҳолатда, ҳазин хасратга чўмиб ётар, ўзининг ҳам дарахт эканлиги-ю, бир кунлар атрофида кўринган манзара — оддий ҳол ҳам, дахли йўқ қисмат ҳам бўлмаганини энди яхши англади.

У ҳаммаси тамом деб билар, парчаланиб тандир ёки ўчокка тушиши, ўтга ямланиб, кулга айланишини кутиб турар эди. Йўқ, уни қандайдир филдираклари катта аравага юклашди, дарахтзордан олиб кетишди; пўстлоқларини сидиришгач, тўрт томонини узунасига текислашиб, қандайдир серхашам дарвозага остона ясашди.

У қисматидан рози, қачондир ўзига эътибор бериб қараган, чирой топишига боис бўлган инсон фарзандларининг оёғи остида ётганидан ўксимас эди. Бир умр шуларники эканини яхши билар, оёқлар остида, тупроққа кўмилиб ётарди. Бирок умри бўйи ниҳол пойида тупроқ юмшатиб, сув қуймаган, дарахтлар ноз-неъмат бунёд этишини билмаган; улар ранг-баранг япроқларни безак қилиб, нозанин, нозик бўлиб олганларида, таманноли бу чиройни илғамаган ва сўнгида, гурсиллаб қулаган дарахтларнинг ҳазин хасратини ҳис этмаган ҳар қандай одам — бу остонадан қоқилмай ўтолмайди!

МУНДАРИЖА

<i>Роман</i>	3
Одамлар кулишлари керак	3
<i>Хаёлий манзаралар</i>	83
Минг йилдан сўнг	83
Бош масала	116
Иккинчи ҳаёт	166
<i>Ҳикоялар ва турфа ҳангомалар</i>	194
Икки киши	194
Мезон	197
Мусулмон	203
Адабиёт муаллими	207
Ёзилмаган ҳаёт	210
Ўзбек характери	215
Кушпараст	218
Ошнинг обрўси	220
Суронлар	222
Зиндон	225
Аҳмоқ	229
Очиқ эшик	230
Оддий воқеа	235
Аҳмад аканинг кизлари	237
Ўғри	244
Маҳалладаги можаро	261
Зўраки жосус	266
Танишлар, бегоналар	268
Қари тут остида	273
Дўст киши улким	275
Эллик оғиз гап	278
Туш таъбири	281
Темир эшик	285
Кўчманчи чопон	287
Абадият қонуни	288
<i>Ён дафтардан</i>	289
Замондош латифалари	289
Аёллар ва эркаклар	290
Бухоролик донишманд	294
Дарахт	301

Адабий-бадиий нашр

ОМОН МУХТОР

ОДАМЛАР КУЛИШЛАРИ КЕРАК

Роман

Хаёлий манзаралар

Ҳикоялар ва турфа ҳангомалар

Ён дафтардан

Замондош латифалари

Тошкент «Маънавият» 2008

Мухаррир С. Абдусаматова

Рассом Шавкат Музаффар

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаххих О. Бозорова

Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

Теришга 19. 10. 2007 й. да берилди. Босишга 26.05.2008 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108/12. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 15.96. Нашр т. 14,13. 3000 нусха. Буюртма № 08-708. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 15-08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2008.